

# СОМОН ЙЎЛИ

## АМИР ТЕМУР ҲАЁТИГА БАҒИШЛАНАДИ

### МУНДАРИЖА

#### I

Иброҳим Мўминов. Амир Темур ибн Тарагай баҳодир . . . . .	4
Ашраф Аҳмедов. Амир Темур ҳақида ҳақиқат . . . . .	24

#### II

Шарафуддин Али Яздий. «Зафарнома» . . . . .	44
Ибн Арабшоҳ. «Ажойиб ал-мақдур фи тарих Таймур» . . . . .	56
Д. Н. Логофет. Бухоро тоғлари ва текисликларида . . . . .	71

#### III

Евгений Березиков. Темур ўғлоннинг тугилиши . . . . .	78
Тургун Файзиев. Соҳибқирон маликалари . . . . .	89
Хуршид Даврон. Амир Темур ўглининг ўлими . . . . .	98
Тургун Файзиев. Соҳибқироннинг сўнгги кунлари . . . . .	127
Амриддин Бердимуродов. Жаҳонгир . . . . .	135
Малик Қайумов. Соҳибқирон билан учрашув . . . . .	143
Озод Мўмин. Буюк Амир Темурнинг ёқути . . . . .	155

Якка чўққивинг салобати унчалик сезилмайди. Ўйлаб ва юзлаб чўққилар бирлашиб, силсилани — тоғни пайдо қилади. Шақсиз айтиши мумкинки, жаҳонгир Амир Темур ва темурийлар тузган қудратли давлат доврuginи мана шу ҳолатга қиёсласа бўлади. Чиндан ҳам агар ўша даврда ҳар жиҳатдан қомусий, оқил ва тadbиркор, қувваи ҳофизаси тиниқ инсонларнинг бутун бошли армияси фаолият кўратмиганда бунчалик умумбашарий ютуқларга эришиб бўлмади. Шохрух, Хусайн Бойқаро, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Улугбек, Бобур, Бехзод, Хўжа Ахрор ўша инсонлардир...

Янги туркумий мажмуа — «Сомон йўли»нинг ушбу сонига башарият тараққиёти йўлида катта куч-гайрат сарфлаган, гоҳ адашган, гоҳ гаройиб ютуқларга эришган сиймонинг тақдир ҳақида ҳикоя қилувчи бадналар, афсона ва ривоятлар киритилган.

Мажмуада Амир Темур таваллауд тошган жой, тугилган ва вафот этган вақти қаерда дафи этилганига доир ҳар хил фикрлар берилган муаллифларнинг турли манбалардан фойдаланганлари оқибати эканлигини айтиб ўтишни истардик. Шунингдек, тўпلامда айрим тарихий атамалар, шахс ва жой номлари муаллифлар томонидан қўлланган шаклда берилмоқда.

Тошкент  
«Қамалак»  
1992

Научно-популярное издание

На узбекском языке

## МЛЕЧНЫЙ ПУТЬ

Художественно-исторический  
альманах

Илмий-оммабон нашр

## СОМОН ЙЎЛИ

Адабий-тарихий мажмуа

Масъул муҳаррир

*Хуришд Даврон*

Муҳаррир *Муборак Фозилова*

Мусаввир *У. Ким*

Расмлар муҳаррири

*Н. Абдуллаев*

Техник муҳаррир *Ж. Нодирова*

Мусахҳих *М. Набиева*

ИБ № 3071■

Босмаҳонага берилди 17.12.91 й. Босинга руҳсат этилди 1.04.92 й. Бичими 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Офсет босма қоғозга. «Адабий» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма тобоғи 6,0. Шартли босма тобоғи 10.08. Нашр тобоғи 9,91. Тиражи 75.000. Буюртма 49. Шартнома 76—91. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг «Камалак» нашриёт-матбаа бирлашмаси. 700413. Тошкент. Чилонзор мавзеси. Қатортол кўчаси, 60-уй.

С  $\frac{4702620201-182}{356(04)-02}$  21—92

ISBN 5—633—00771—9

© Сомон йўли, 1992 й.





Иброҳим МЎМИНОВ

## АМИР ТЕМУР ИБН ТАРАҒАЙ БАҲОДИР

Тарихда машҳур шахслардан бири Амир Темурдир.

Темур Ўрта Осиё (Мовароуннаҳр) сиёсий ҳаётида XIV аср 50-йилларининг охири ва 60-йиллари бошларида кўринди. Бу даврда чигатоӣ улусидан чиққан ва Чингиз хонлари ўртасида олиб борилган ўзаро урушларда ўлдирилган Қозонхон ўрнига амир Қозоғон ҳукмронлик (1346 — 1358) қилар эди. Аммо Қозоғон ҳам мўғул хони Туглиқ Темур малайлари томонидан ўлдирилади.

Уша даврда Чигатоӣ улусига қарашли бўлган Мовароуннаҳр майда феодал давлатларга бўлинган бўлиб, Кеш — Шаҳрисабз, Бухоро, Термиз, Бадахшон, Хўжанд, Шош — Тошкент ва бошқа вилоятлар ҳокимлари ўртасида тинимсиз уруш-жанжаллар давом этиб келарди.

### I

Амир Темур бин Тарағай баҳодир (1335/1336—1405) ҳаёти ва фаолиятида икки давр яққол кўзга ташланади.

Биринчи давр 1360-1386 йилларни ўз ичига олади. Темур бу даврда Мовароуннаҳрда Мўғул хонлигидан мустақил, кучли марказлашган давлат тузиш йўлида курашди. Мовароуннаҳрни бирлаштиришдан манфаатдор бўлган турк ва тожик зодагонлари каби ижтимоӣ кучлар билан биргаликда ўрта аср ўзбошимча феодалларига, марказлашиш ва бирлашишга зид ҳаракатларга, мамлакатни парчаланган ҳолатда сақлашга интилувчиларга, ўзаро урушларга ундовчиларга қарши кураш олиб борди.

Темур фаолиятининг иккинчи даври асосан 1386 йилдан бошланиб, 1402 йилгача давом этади. Бу даврда Темур уч йиллик, беш йиллик, етти йиллик деб аталувчи урушлар олиб борди.

К. Маркс Темур фаолияти ҳақида гапириб, Темур ўзи тузган янги подшоликнинг давлат тузумини мустаҳкамлаганлигини, тузук — қонунлар жорий эт-

## II

Темурга, унинг давлатига ва ҳарбий юришларига бағишланган адабиётлар кўп. XIV ва XV асрлар тарихномалари орасида Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари алоҳида ўрин эгаллайди. Яздий Темур ҳаётининг охириги йилларида унинг бош девонида хизматда бўлиб, Темурнинг кўп жойларга, жумладан, Кичик Осиё мамлакатларига қилган ҳарбий юришларида иштирок этган. Яздийнинг айтишича, у ўзининг бу асарини Темурнинг набираси Шохруҳ Мирзонинг ўғли — Султон Иброҳим тошшириги билан ёзган.

XIV ва XV асрлар тарихномаларида Темур фаолияти идеалистик нуқтаи назардан ёритилади. Уларда Темурга гоҳ хайрихоҳлик, гоҳ хуш келмаслик майллари намоён бўлади. Шунга қарамасдан, бу манбаларда Темур ҳақида бой тарихий материаллар бор.

## III

Қашқадарё воҳасининг ҳоқими Амир Ҳожи Барлос 1360-1361 йилларда Мўғулистон ҳоқони Туглиқ Темур кўшинларининг Мовароуннаҳрга, жумладан, Қашқадарё воҳасига бостириб киришидан кўрқиб, Амударёнинг нариги соҳилига, Хуросонга қараб қочади. Темур ҳам Амир Ҳожи Барлосга ҳамроҳ бўлиб боради. Бироқ Темур юз берган вазиятни ҳисобга олиб, шу ҳолда қочиб кетилаверса, ўз ватанининг душман кўшинлари томонидан топталишини кўз ўнгига келтиради. Шу сабабли тоғаси Ҳожи Барлосга, сизнинг Хуросонга қараб йўл олишингиз, менинг эса вилоятчи вайронгарликдан қутқариб қолиш учун Шаҳрисабзга қайтишим маъқулдир ва давлатни идора қилишни сақлаб қолмоқлик мақсадида мўғул хони хизматиغا кирганим фойдалидир, дейди. Шу ўринда Яздий Темурнинг мана бу сўзларини ҳам келтиради: «Бошлиқсиз мамлакат жони суғуриб олинган танага ўхшайди. Жонсиз тана унинг ҳалокати билан баравардир».

Шундай қилиб, ўзига хос ватанпарварлик ҳиссиётлари билан руҳланган, ижтимоий-социал воқеаларни ўзича тушунган тадбиркор Темур 25 ёшида Шаҳрисабз ҳоқими бўлишга муяссар бўлади. Шу йили эса унинг отаси — турк зодагонларидан бўлган амир Тарағай баҳодир вафот этади.

Шарафуддин Али Яздий Амир Темур билан Ҳусайн

ўртасидаги дўстликни (амир Ҳусайн Чигатой улусининг ўлдирилган амири Қозоғоннинг набираси бўлиб, у Мовароуннаҳр ҳокимлигига даъвогар эди), Темурнинг амир Ҳусайннинг синглисига уйланишини батафсил баён қилади. Мовароуннаҳрга бостириб кирган мўгул хони Туглиқ Темурнинг ўғли Илёс Хўжага қарши курашда сарбадорлардан фойдалангани ҳам муаллиф томонидан ғоят ҳаққоний тасвирланади. Шундан сўнг Яздий Самарқандда сарбадорларнинг раҳбарларидан, масалан, Абу Бакр Қалавийнинг амир Ҳусайн томонидан қатл қилинганлигини, Темур томонидан Мавлонозода ҳаётининг сақлаб қолинганлигини ёзган. Темурнинг ғаразгўй, ғоят хасис амир Ҳусайнга қарши кураши, Темур хотинининг (амир Ҳусайннинг синглиси) ўлиши ва Темурнинг Ҳусайн устидан ғалабаси ҳам ушбу китобда айtilган. Шунингдек, Яздийнинг ёзишича, Темур ўз амирлари олдида сўзлаб, амир Ҳусайннинг гуноҳларини кечирган ва Хутталон — Жилён ҳокими Қайхусравга мурожаат қилиб, ундан ҳам укасининг ўлими учун амир Ҳусайндан ўч — хун олмаслигини сўраган ва шу билан ҳокимлар, зодагонлар ўртасидаги уруш-жанжалларга чек қўйилган бўлур эди деганлиги қайд этилган. Лекин тарихда амир Ҳусайн худди шу Қайхусрав томонидан ўлдирилганлиги маълум.

#### IV

Темур ўз фаолиятининг биринчи даврида барча ҳаракатини Мовароуннаҳрда тушқунликка ва ҳалокатга юз тутган Чигатой улуси ўрнига бирлашган, марказлашган мустақил давлат тузишга қаратди.

Темур Мовароуннаҳрда ҳокимиятни ўз қўлига олгач, унинг дастлабки тадбирларидан бири режали равишда қурултойлар ўтказиш бўлди. Шарафуддин Али Яздий юқорида айtilган асарида Темур томонидан Қаршида, Қорабоғда, Самарқандда ва бошқа жойларда ўтказилган қурултойлар ҳақида маълумот бериб, уларга барча шаҳзодалар, бош амалдорлар, маъмурий раҳбарлар, ҳарбий бошлиқлар ва зодагонлар иштирок этганлигини ёзади.

Шарафуддин Али Яздий Самарқандда бўлиб ўтган бир тўй маросимини ғоят нозик дид ва усталик билан тасвирлайди. Бу тўй катта байрам тусини олган бўлиб, Темурнинг ўғиллари ва набиралари тўйи эди.

Тўйдан сўнг Темур фармон эълон қилиб, мамлакатнинг барча ерида шароб ичишни тақиқлайди. Чунки шароб одамларни ишдан қолдириб, ҳар хил бузғунчиликларни, ғараз ниятларни келтириб чиқаради.

Темурнинг хислатларидан бири шу эдики, у бирор масалани ҳал этишдан олдин шу соҳанинг билимдон одамлари, олимлари билан маслаҳатлашар, сўнг қарор қабул қилар эди. Унинг олимлар билан қиладиган маслаҳатлари ҳар хил даражада ва турли шаклларда бўларди. Одатда, Амир Темур тиббиёт, математика, астрономия, тарих фанлари вакиллари, адабиёт, тилшунослик илми намояндалари, шунингдек, теология ва дин соҳасидаги машҳур одамлар билан шахсий суҳбатлар ўтказарди.

Олимлар кенгашида Темур нутқ сўзлаб, бундай деган эди: «Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар менга ўз маслаҳатларингиз билан бу ишларни амалга оширишда қўмаклашишингиз керак. Мамлакатнинг аҳволи, девоннинг суистеъмол қилинганлиги ва қилинаётганлиги, оддий одамларнинг жойлардаги ҳокимлар томонидан қисиб қўйилиши каби ҳоллар ҳаммадан кўра сизларга аёндыр. Шулар ҳақида маълумот берсангизлар, бу каби адолатсиз ишларни бартараф этувчи ҳамда шарият ва қонунларга мувофиқ чора-тадбирларни айтсангизлар яхши бўлурди».

## V

Темур даврида Самарқанд янгича усулда қайта қурилди. Шунгача Самарқандда босқинчи мўғуллар ҳукмронлиги даврида, яъни 1220-1360 йиллар давомида ҳеч қандай катта бирон бино қурилмаган эди. Бу тарихий далил Шарафуддин Али Яздийнинг асарида ҳам,

Испания — Кастилиянинг Темур саройидаги машхур элчиси Рюи Гонзалес де Клавихонинг кундалик дафтарларида ҳам яққол ифода этилгандир. Клавихо Самарқандда 1403-1406 йилларда бўлган. Унинг ёзишича, Самарқанд шаҳрида ҳар йили кўплаб турли хил моллар сотилган. Бу моллар Хитой, Ҳиндистон, Татаристон ва бошқа мамлакатлардан ҳамда жуда бой Самарқанд подшолигининг ўзидан ҳам олиб келинар эди.

Шундан сўнг Клавихо бундай деб ёзади: «Унда (Самарқандда) барча нарсаларни тартиб билан сотиш учун катта жой бўлмаганлиги сабабли подшоҳ шаҳар бўйлаб катта кўча (раста) чиқаришни, унинг икки томонида эса мол сотиш учун дўконлар қуришни буюрди. Бу кўча — раста шаҳарнинг бир чеккасидан бошлаиб, бутун шаҳарни кесиб ўтиши ва унинг иккинчи чеккасигача етиши керак эди. Бу ишни подшоҳ ўзининг икки мироссига (мирзосига) топширди ва агар улар бу вазифани бажаришга астойдил киришмасалар, одамларни кечаю кундуз ишлашга мажбур қилмасалар, бошлари кетишини уқтирди. Мирослар ишга тушдилар».

Клавихо Самарқандда бўлган бу ишларни ўз кўзи билан кўрган: шунинг учун ҳам юқоридаги таърифда воқеани бузиб тасвирлаш ёки бўрттириб юбориш ҳоллари бўлмаса керак.

Шуни эслаб ўтиш ўринлики, Самарқанд шаҳар сифатида милоддан олдин VI-V асрларда шаклланган бўлиб, Зарафшон водийси юқори қисмининг маркази ҳисобланарди. Александр Македонский — Искандар Зулқарнайн милоддан олдин 329 йилда Самарқандни босиб олганда, у Сўғдиёнанинг мустаҳкам марказий шаҳри эканини ўз кўзи билан кўриб, ҳайрат бармоғини тишлаган эди.

Самарқанд шаҳри тарихининг энг муҳим босқичларидан бири — халқимизнинг араб босқинчиларига қарши жасурлик билан олиб борган курашида унинг марказий таянчи бўлиб хизмат қилиши билан боғлиқдир.

Самарқанд тарихининг навбатдаги босқичи Чингизхон босқини, юриши билан алоқалидир. Чингизхоннинг ёввойи қўшинлари Самарқандни — Афросиёбни тамоман бузиб ташладилар. Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, Чигатой улусининг — чингизийларнинг 1220-1360 йиллар ичидаги ҳукмронлиги даврида Самарқандда кўзга кўринарли бирорта ҳам ижтимоий бино қурилган эмас.

Темур Самарқанддаги аҳволни бутунлай ўзгартириб



юборди. У Самарқандда Кўксарой, Бибиҳоним масжиди, Шоҳизинда силсиласини, Самарқанд атрофида Боғи Чинор, Боғи Шамол, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Нав каби боғ ва саройларни қурдирди. Йўллар қурилиб, Кўҳак ва Зарафшон дарёлари орқали кўприклар солинди, шунингдек, кейинчалик Амударё ва Сирдарёга кўприк қурилди. Тошкент атрофида каналлар, жумладан, Сирдарёдан Оҳангарон ҳам канал ўтказилди. Шаҳар типигаги Оҳангарон қишлоғи қурилди. Бухоро, Шаҳрисабз, Фарғона, Туркистонда карвонсаройлар ва бошқа қурилишлар билан бирга ирригация иншоотлари қад кўтарди. Шаҳарлар, қишлоқлар, ҳаммомлар, мадрасалар, мақбаралар қўрилиши ўша давр учун мисли кўрилмаган миқёсда, масштабда олиб борилди. Қурилишга маҳаллий меъмор-усталар — соҳиби хунарлардан ташқари Темур забт этган ўзга мамлакатларнинг кўплаб қурувчилари, меъморлари ҳам жалб этилди.

Темур нима сабабдан ўз ҳокимиятининг маркази қилиб Самарқандни танлади? Айрим олимлар Темурнинг биринчи бўлиб эгаллаган йирик шаҳри Самарқанд бўлганлигидан деб, айримлар эса Самарқанд об-ҳавосининг яхшилигидан, табиатининг гўзаллигидан деб тунтирадидилар. Яна бировлар Самарқанднинг қадимдан бутун дунёга маълум бўлганлиги, машҳур Афросиёб худди шу шаҳардан туриб Турон мамлакатини бошқарганлиги Темурнинг ушбу шаҳарни пойтахт қилиб танлашига сабаб бўлган бўлса керак, деб тахмин қиладилар.

Шубҳа йўқки, бу тахминларнинг ҳаммасида ҳам маълум даражада ҳақиқат бор. Самарқанд қулай географик ҳолатга эга, Мовароуннахрнинг ўртасига жойлашган. У серсув бўлиб, уни уч томондан тоғ ўраб олган, унда ҳавонинг уч оқими — тоғ, дарё ва кенг яйлов, дарахтзор водий, адир қўшилиб хушманзарали, хуштабиатли, оромбахш иқлим барқарордир. Самарқанд жуда катта қурилиш материаллари ҳамда қимматбаҳо рангли ва нодир металл конларига эга бўлиб, ўша даврда ҳам улардан давлат ишида маълум даражада фойдаланиш мумкин эди. Ана шу омиллар Темур томонидан Самарқандни ўз давлатининг пойтахти қилиб олинishiга асос бўлган.

Академик В. В. Бартольднинг қайд этишича, Самарқанд, Темурнинг фикрига кўра, дунёнинг энг донгдор шаҳри бўлиши керак эди. Самарқанд атрофида

қатор қишлоқлар бунёд этилиб, уларга мусулмон мамлакатлари бош шаҳарлари: Бағдод, Дамашқ, Миср (Қоҳира), Шероз ва Султония номлари берилган.

Тарихчилар, қадимги юнон йилномачилари Мауроқанд ҳақида кўп маълумот ёзиб қолдирганлар. Ўрта аср шоир ва ёзувчилари бу шаҳарга бағишлаб газаллар битганлар: уни «Сайқали рўйи замин» — бутун ер юзининг сайқали, ҳусни деб таърифлаганлар.

«Самарқанд шаҳри, — деб ёзади Клавихо, — текис ерда жойлашган бўлиб, атрофи қум тепаликлар ва жарликлар билан қопланган. У Севилья шаҳридан бир оз каттароқ, шаҳар теварагида кўплаб уй-жойлар қурилган. Унинг атрофини бутунлай боғ ва узумзорлар ўраб олган.

...Бу ер ҳамма нарсага бой: ғалла ҳам, шароб ҳам, мева-чева ҳам, паррандалар ҳам, ҳар хил гўшт ҳам мўл-кўл. Бу ернинг қўйлари йирик-йирик, думбалари катта бўлади. Думбаси 20 қадоқ келадиган қўйлар бор. Бунчалик оғир юкни одам кўлида зўрга кўтара олади. Қўйлар кўп ва арзондир. Бошқа моллар ҳам арзон... Ғалла жуда ҳам арзон, шולי эса ошиб-тошиб ётади. Бу шаҳар ва унинг атрофидаги ерлар шундай тўкин-сочинки, ҳайрон қолмаслик мумкин эмас. Ана шундай бойликлари борлиги учун ҳам у Самарқанд деб аталади. Унинг ҳақиқий номи Семизкент бўлиб, бадавлат қишлоқ деган маънони беради, негаки уларда семиз деган катта, бой, тўла деган маънони билдиради, кент эса — қишлоқдир. Ана шундан Самарқанд деган ном келиб чиққан. Унинг бойлиги фақат озиқ-овқат билан ўлчанмайди, балки бу ерда турли ипак, атлас, сандал, шойи каби матолар кўплаб тўқиб чиқилади: мўйна ва ипақдан астарликлар, турли хил сургичлар, зирavorлар, шунингдек, тилларанг ва зангори бўёқлар ва ҳоказо бошқа моллар кўпдир. Шу сабабдан ҳам подшо бу шаҳарни кўкларга кўтариб кўрсатмоқчи бўлди. У қайси мамлакатни босиб олмасин, у ердан одамларни олиб келиб, Самарқанд ва унинг атрофига жойлаштирди. У айниқса турли соҳалар бўйича усталарни тўплашга ҳаракат қилди».

Клавиходан сўнг тахминан 95-100 йиллар ўтгач, Амир Темурнинг эвараси бўлмиш Абусаид Мирзонинг невараси Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) Самарқандни икки марта эгаллаб, бу ерда кўрганларини гоёт чиройли тасвирлайди: «Оламда яхши қоғоз Самарқанддин чиқар. Жувози қоғозлар суйи тамом Қони-

гилдан келадур. Конибил Сиёҳоб ёқасидадурким, бу қора сувни Обираҳмат ҳам дерлар. Самарқанднинг яъни бир матои қирмизи бахмалдурким, атроф ва жавонибқа элтарлар».

Бобур Самарқанд ва ундан Бухорога қадар тобе бўлган туманларни усталик билан тасвишлаб ёзади: «...бир йиғоч йўл йўқтурким, кент ва маъмура бўлмағай. Андоқ машҳурдирким, Темурбек дегандурким: менинг бир боғим борким, гули ўттуз йиғочтур. Бу тумонотни дегандур».

Йиғоч, бизнинг фикримизча 8 км.га тенгдир. Негаки Самарқанддан Бухорогача бўлган масофа 240 км.ни ташкил этади.

Мирзо Бобурнинг маълумотига кўра, «Самарқанднинг Феруза, Аҳонин, Шайхзода, Газуристон, Сўзангарон ва Чорраҳа деб аталувчи дарвозалари бўлган». Самарқанд қалъаси ички айланма деворининг узунлиги эса ўн минг олти юз қадам келади. Бобур Самарқандни Искандар томонидан бино қилдирилган деб, унинг Семизкент аталгани ҳақида гапиради. Бобур шундай ёзади: «Темурбек пойтахт қилиб эди. Темурбекдан бурун Темурбекдек улуг подшоҳ Самарқандни пойтахт қилгон эмастур».

## VI

Темур томонидан тузилган давлатни бошқариш усули ҳам қизиқарлидир. Бош бошқарма — канцелярия — Девони бузургдан ташқари, ҳар бир вилоятда Девон деб аталувчи бошқарма — канцелярия ҳам бор эди. Девон барча давлат ишлари: солиқ йиғиш, тартиб сақлаш, ижтимоий бинолар — бозорлар, ҳаммомлар, йўллар, ирригация тармоқларига қараб туриш ва аҳолининг хулқий-ахлоқий ҳаракатларини назорат остига олиш каби ишлар билан шуғулланарди.

Академик Бартольднинг ёзишича, Темур ўз она тили — турк-ўзбек тилидан ташқари форс-тожикчани ҳам мукамал билган.

Темур ёзишмаларига мувофиқ, вақти-вақти билан сўроқпурсиш, ревизия ва текшириш — тафтиш, тергов қилиш — таҳқиқ ўтказилиб турилган. Ўз амалини суистеъмол қилиш, порахўрлик, доимий ичкилик ичиш, маиший бузуқлик кабилар оғир гуноҳ ҳисобланиб, қаттиқ жазоланган. Яздийнинг ёзишича, суистеъмол қилиш Темур авлодларига тааллуқли бўлган вақтда

хам, улар тегишли жазоларини олганлар. Чунончи, унинг ўгли Мироншоҳ, невараси Амирзода Пирмуҳаммадлар халқ олдида каттиқ жазога тортилганликлари тўғрисида манбаларда ёзилган. Темур давлатнинг обрўси, шарафи, манфаати соҳасида гоят қаттиққўл эди: у бундай пайтларда ўзини ҳам, ўғил ва невараларини ҳам, қариндош-уруғларини ҳам, ҳарбий бошлиқларни ҳам аямас эди. У давлат ишларида гоят мустаҳкам, собит ва барқарор турарди.

Темур, тарихчилар тасвирича, ўрта асрнинг атоқли давлат ва ҳарбий арбобларидан эди. Унинг «Тузуки Темур» — «Темур тузуклари» асарини ўқиган киши бу фикрнинг ҳаққонийлигига қаноат ҳосил қилади. Ушбу асарда Темурнинг назарияси изоҳланган. Унинг жамиятга, ижтимоий-сиёсий ҳаётга қарши, бирлашган қудратли феодал давлатининг сиёсий ва ахлоқий принциплари ифодалангандир.

Бу асарнинг барча қисмларида Темур олий ҳимматли, адолатли шахс сифатида кўкка кўтарилади. Ҳақиқатда эса Темур даврида ҳунармандлар, қосиблар, меҳнаткаш омма оғир аҳволда яшаган. Клавихо ўз «Кундалик»ларида кўп одамлар кўчаларда, ғорларда, дарахт остларида яшар эди, деб ёзади.

«Темур тузуклари»да шундай сатрларни ўқиймиз: «Менга бўйсунган янги давлатларда ҳурматга лойиқ одамларга ҳурмат кўрсатдим. Мен пайғамбар авлодларига, қонун тарғиботчиларига, олимлар ва кексаларга нисбатан буюк ҳурмат ҳамда эҳтиром билан муносабатда бўлдим: уларга нафақа белгилладим. Бу мамлакатларнинг бадавлат кишилари менинг оға-инимдек, етим-есир ва камбағаллари эса болаларимдек бўлиб қолди. Мағлуб бўлган мамлакат қўшинлари менинг қўшинларимга қўшилди. Мен бу мамлакатларда халқ ҳурмати қозонишга ҳаракат қилдим. Шунга қарамасдан фуқарони қўрқинч ва умид орасида сақладим. Яхшиларга, улар қайси миллатдан бўлишларидан қатъий назар, мен ҳам яхшилик қилдим; ғаразли кишилар ва сотқинлар эса менинг давлатимдан қувилди. Қўрқоқ ва пасткаш одамларга ўзларига лойиқ ишлар топширдим ҳамда уларнинг маълум чизикдан чиқишларига йўл бермадим... Менга тобе ҳамма мамлакатларда адолат эшиги очиқ эди. Шу билан бирга ўғирлик ва талончиликнинг барча йўлларини бекитишнинг чораларини кўрдим.

...Барча ишларда, бу ишлар қайси ўлка халқига

тааллуқли бўлмасин, ҳокимларнинг адолат томонида қаттиқ туришларига буйруқ берилган. Қашшоқликни тугатиш мақсадида бошпаналар ташкил қилдимки, камбағаллар улардан нафақа олиб турардилар».

Бундан ташқари, Темурнинг солиқлар ҳақидаги қондаси жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Темур ёзади:

«Солиқ йиғишда халқни оғир аҳволга солишдан ёки ўлкани қашшоқликка тушириб қўйишдан эҳтиёт бўлиш зарур. Негаки, халқни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади, хазинанинг беқувватлиги ҳарбий кучларнинг тарқоқланишига, бу эса, ўз навбатида ҳокимиятнинг кучсизланишига сабаб бўлади».

Маълумки, Темурнинг асосий ва содиқ таянчи унинг қўшинлари эди. Темур қўшинлари ўз даврида бутун Осиёда энг қудратли армия ҳисобланарди.

Ҳарбий тарих Темурни ўрта асрнинг энг йирик лашкарбошиларида деб ҳисоблайди. Унинг ҳарбий маҳорати икки йўналишда: аскарий қисмларни қайта ташкил этишда ва лашкарбоши — қўмондонликда намоён бўлди.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, Темур давлатини тузиш учун олиб борилган катта жангларда Темурнинг ўғиллари — амирзода Муҳаммад Жаҳонгир, Умар Шайх, Мироншоҳ, Шоҳруҳ; неваралари — амирзода Муҳаммад Султон, амирзода Пирмуҳаммадлар ҳам амир қўшинларига бошчилик қилардилар. Жаҳонгирнинг ўғли Муҳаммад Султон Амир Темурнинг энг севимли невараси бўлиб, отаси Жаҳонгир вафотидан кейин Темурнинг меросхўри қилиб белгиланган эди.

Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»да Темур қўшинларининг бир намоёиши — парадни ажойиб тасвирлаган. Темур шоҳона безатилган баландликда туриб, олти юз минглик қўшин бирлашмаларининг намоёишини қабул қиларди. Бу қўшинларнинг ҳаммаси бошдан-оёғигача совут кийиб, байроқ кўтариб, мусиқа садолари остида бир хилда шахдам қадам ташлаб борардилар. Темур турган жойга яқинлашгач, ҳарбий қисмлар бошлиқлари ўз бўлинмаларидан ажралиб, Темурга яқин келиб, унга таъзим қилар, мақтов сўзлари — мадҳи сано айтиб, ўзи ва қўл остидаги аскарлари амирнинг хайрли ишига содиқ эканлигини билдирарди.

1402 йили Анқара шаҳри яқинида Боязиднинг икки юз минглик қўшинининг ўраб олиниши, тор-мор қилиниши ва асир туширилиши Темур қўшинларининг жу-

да катта ва зўр ғалабаларидан бири, Темур ҳарбий назариясининг беқиёс тантанаси бўлди.

Темурнинг Боязид устидан қозонган ғалабаси унинг Ғарбий Европа мамлакатларида машҳур бўлишига сабаб бўлди. Самарқанд билан Европа мамлакатлари ўртасида дипломатик ва савдо алоқаларининг кучайиши ҳам шу даврга тўғри келади.

## VII

Темур Англия ва Франция қиролларига мурожаат қилиб, ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатиш ва савдо алоқаларини ривожлантиришга муваффақ бўлган.

Ўрта Осиё орқали ўтадиган, тарихда ипак йўли деб аталмиш халқаро йўлнинг барча асосий трассаларини эгаллаб олган Темур бу йўлда карвонларнинг хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини кўрди ва Машриқ ҳамда Мағриб ўртасидаги савдо-сотик муносабатларининг ҳар томонлама ривожланишига ғоятда катта эътибор берди.

Бу масалада Амир Темур ўзини дипломат сифатида намоён қилди: у Византия, Венеция, Генуя, Испания — Кастилия, Франция, Англия билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини авж олдирди. Француз ва инглиз қиролларининг мактублари бунга далилдир. Тил, дин, миллатларнинг ҳар хиллиги Темурнинг Европа мамлакатлари билан дипломатик, савдо-сотик муносабатлари ўрнатиш ва мустаҳкамлашига халақит бермади. Темурнинг «яшиндек тез ва шиддаткор» Боязид устидан ғалабасидан сўнг бундай муносабатлар янада кучайди. Темур Европа мамлакатларида энг донг таратган подшоҳ сифатида танилди. Буни ўша мамлакатларда ёзилган ва чоп этилган тарихий китобларни ўқиб билиш мумкин.

## VIII

Ўрта Осиё тарихининг билимдони, таниқли шарқшунос олим, академик В. В. Бартольд: «Темур гўё Самарқанддан бошқа ҳамма ерда вайронагарчилик билан шуғулланган, деган фикр муболағали; у Қобул водийси ва Муған чўли каби Самарқанддан узоқ бўлган жойларда улкан суғориш ишлари олиб борди», деган тарихий жиҳатдан ғоят қимматли фикрни айтган эди.

«Бир йил мобайнида, — деб ёзади Яздий, — Бағдод шаҳрини тиклаш ҳақида буйруқ берилди, токи шаҳар яна ўз қиёфасини олсин, унда хунармандчилик ривожлансин, теварак-атрофда деҳқончилик ўссин, савдосотиқ ва маданий ҳаёт кенг тармоқ ёйсин, ислом билими илгаригидай ёйилсин. Бу вазифа амирзода Абу Бакрга топширилди.

Темур муҳандислар, архитекторлар ва қурувчилар томонидан тасдиқланган аниқ режа-лойиҳа асосида Билкон қўрғони — шаҳрини ҳам тиклади, пишиқ ғишдан кўпгина тураржой бинолари, бозор, майдон, ҳаммомлар қурдирди, боғ, хиёбон барпо этди, Аракс дарёсидан канал қаздириб, шаҳарга сув келтирди».

Бу ва бошқа тарихий маълумот ҳамда фактлар Темур «ўзидан вайрона ва кулдан бошқа ҳеч нарса қолдирмади», «Темурланг ва Чингизхон бир тарзда иш кўрди» ва ҳоказо деб ҳисобловчи айрим буржуа тарихчиларининг даъволари бир ёқлама эканлигини кўрсатади.

## IX

Сўнгги вақтларда бизнинг диққатимизни Н. П. Остроумов томонидан нашрга тайёрланган ва 1894 йили Қозонда нашр этилган «Уложения Тимура (Тамерлана)» — «Темур қонунлари» асари ўзига тортди. Китобга ношир томонидан ёзилган муқаддимада келтирилган маълумотлар ниҳоят даражада қизиқарлидир.

Ношир ёзади: «Айрим мусулмон адибларининг сўзларига қараганда, «Қонунлар»ни Темур ўз қўли билан ёзган. «Қонунлар»нинг форсча таржимаси «Темур тузуклари» деб соф туркча ном билан аталган. Бу фикр ҳақиқатга яқин: Темурнинг ўзи ва унинг қўл остидаги фуқаронинг асосий қисми ҳам миллати жиҳатидан турк бўлган. Шунга қўра, «Қонунлар» ҳукмрон халқ тилида — турк тилида ёзилган, деб ўйлаш мумкин.

Темур «Қонунлар»ининг Н. П. Остроумов томонидан нашр этирилган русча таржимасига Л. Лянглэнинг французча варианты асос қилиб олингандир.

Эътироф этиш керакки, машҳур тарихий-адабий ёдгорлик — «Темур тузуклари»нинг Н. П. Остроумов томонидан рус тилида нашр этирилиши фан учун гоёт фойдали иш бўлган эди.

Тилга олинган китобнинг муқаддимасида Л. Лянглэнинг Темур ҳақидаги фикри келтирилади.

Лянглэ асаридан бир мисол келтирайлик: «Темур олимларга серилтифот эди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илмфан, идора ва бошқа ишларда билимдон бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Негаки Темур бу соҳаларга ғамхўрлик қилишга муҳим эътибор берар эди. Темур одамларни ўзига бўйсундириш қобилиятига эга эди. У ўзининг бу қобилиятини одамларни бахтли қила билиш таланти билан уйғунлаштирди. Темур, унинг тарихчиларидан бири (Шарафуддин)нинг айтишича, бир вақтнинг ўзида душманларига офат, ўз аскарларига қаттиққўл раҳбар, ўз халқига эса ота бўла олар эди. У ўз фуқаросининг аҳволи ҳақида яхши бошлиқлари берган маълумотларни ўзи шахсан кўздан кечирарди, негаки у одам таний ва танлай биладиган шоҳ эди.

Султонлар бўш вақтларида машғул бўладиган ҳузур-ҳаловатлардан Темур фақат ов қилиш ва ўзи такомиллаштирган шахмат ўйнаш билан машғул бўларди».

«Темурнинг кўнгил очар эрмаклари ҳеч қачон фуқаросига хонавайронлик келтирмаган. Кўнгил очар эрмаклар уни асосий вазифасидан ҳеч қачон четлатмас ва ортиқча чиқимларга туширмас эди».

«Яхши подшоҳ, — дерди у, — подшолик қилиш учун ҳеч қачон етарли вақтга эга бўлмайди, шунинг учун биз қудратли оллоҳ бизга муқаддас қарз сифатида топириб қўйган фуқаро фойдасига ишлашга мажбурмиз. Бу ҳаммаша менинг асосий машғулотим бўлиб қолади, негаки қиёмат куни фақирлар этагимдан тортиб, мендан қасос олишни талаб этишларини истамайман».

«Унинг учун дўстликнинг ҳам гашти-латофати бор эди. Меҳрибонлиги, ширинсуханлиги туфайли дўстлар орттирди, уларни дўст деб аташдан тортинмади ва бу дўстликни сақлаб келди. Чунки Темур дўстлик фақат дўстлик билан қайтарилишини, барча бойликлари ҳарбийлар ёки хушомадгўйлар ёллаш учун хизмат қилажagini яхши билар эди. Унинг тақводор Имом Баракага катта ихлос қўйгани, бу художўй одамнинг вафотини эшитиб, кўз ёши тўкиши — қудратли султон табиатига хос бўлган ажойиб хислатлар эди».



«Қонунлар»га ёзилган муқаддимада, шунингдек, машхур немис тарихчиси Ф. Шлоссернинг (1770-1861) китобидан («Всемирная история», 8-том, 1870 йилги нашри) ҳам парчалар келтирилган. К. Маркс ўзининг хронологик кўчирмаларини тузишда бу тарихчининг асарларидан фойдаланган эди. Ф. Шлоссер Темур ҳақида ёзади:

«Умрини юришларда ўтказадиган Темур тез-тез Бухоро ва Самарқандга қайтиб турар ва ўзининг янги давлатига қонунлар тақдим этар эди. Бу қонунлар татар галалари томонидан қилинадиган ваҳшийлик, шафқатсизлик ва вайронагарчиликларга ҳайрон қоларли даражада қарши турарди.

Бизнинг фикримизча, Темурнинг давлатни бошқаришдаги донишмандлигига, унинг ахлоқий ва сиёсий принципларига, шунингдек, уни даҳо сифатида улуғловчи китобларга ҳатто эътибор бермасам ҳам бўлади. Биз фақат ҳақиқий аҳволни маълум қилмоқдамиз».

Мазкур китобда тарихчи Г. Вебернинг Темур ҳақидаги фикри ҳам бор. У шундай деб ёзади: «Темур душманларига ҳаддан ташқари золим, лекин саркарда, ҳоким ва қонунчи сифатида буюк талант эгаси эди. Ёлғонни ёмон кўрар, билимга муҳаббат қўйишдан маҳрум эмас эди. Унинг манзилида шоирлар, олимлар, машшоқлар ва мистиклар (сўфилар) кўп бўларди...

Темур қаҳр-ғазаби билан даҳшатли эди, шундай бўлса-да, у ҳам одам сифатида, ҳам ҳоким сифатида Боязиддан устун турарди. Боязид фақат босқинчилик ҳақида ўйлар, бошқа ҳар қандай ишни назар-писанд қилмас, давлатни бошқаришни ўзининг очкўз ҳамда бузуқлиги билан машхур бўлган бош вазири Али Пашшога топшириб қўйган, вилоятларни ғаразгўй, сотқин қози ва ҳокимларга бериб қўйган эди».

Профессор Т. Н. Грановскийнинг (1813-1855) Темур ҳақидаги фикри ҳам шу китобда келтирилган: «Темур фаолиятдан ҳукмрон, асосан сиёсий фикрни ахтармаслик керак. Темурнинг қандайдир муҳим цивилизациянинг асосчиси деб ҳисобловчи айрим тарихчиларнинг, масалан, Гаммернинг мақтовлари, афтидан, зўрма-зўраки кўринади. Бу цивилизациянинг излари ва белгилари қаерда? Темур ишга, амалий фаолиятга ниҳоят даражада ташна эди, лекин унда аниқ англаб олинган маълум бир мақсад йўқ эди».

Ҳожи Абдурашид тахаллуси билан дарвеш сифатида

Бухорога кириб келган, Бухоро мачитларининг бирида имомлик қилган, кейинчалик эса Пешт дорилфунунининг шарқ тиллари ва адабиёти профессори Герман Вамбери «Бухоро тарихи» китобининг XI бобида Темур ҳақида ёзади: «Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги алоҳида ўрнини шундан ҳам билса бўладики, у ўз ҳокимлиги билан янги династия (темурийлар династияси)ни ва балким, кўпроқ турк маданияти деб аталиши мумкин бўлган Ўрта Осиё маданиятининг янги даврини бошлаб берди. Бундан ташқари, Темур ўзининг издошларига панд-насиҳат ва қўлланма тарзида ёзиб қолдирган «Қонунлар» («Темур тузуклари») муаллифи сифатида Ўрта Осиёда кенг танилди.

Темур Осиёнинг ҳамма қисмидан ҳадсиз-ҳисобсиз хазина ва бойлик йиғди, лекин уларни хасис одамлар каби сақламади. Буни, биринчидан, унинг саройининг бой ва ҳашаматлилиги, иккинчидан эса, ҳам ўз қароргоҳини, ҳам ўз шахрини безаб турувчи гоят улкан ва мухташам бинолар қурдиргани исботлайди. Шунинг учун ҳам Темурни Чингизхон билан бир қаторга қўйиб, уни ёвуз, ўзбошимча, мустабид ҳоким деб атовчиларнинг фикрлари икки томонлама хатодир. У, аввало, ўзининг ғолибона қуролини замонасининг одатига кўра ишга солган, қабиҳ ишлари ва вайронгарчиликлари ҳам бирор жиноят учун олинган ўч эди, холос. Тўғри, бу ўч жуда қаттиқ, лекин шу билан бирга адолатли эди. У Исфаҳон ва Шерозда ўз аскарларининг сотқинлик туфайли тўкилган қони учун интиқом олиш истаги билан ёнган эди».

Таниқли тарихчи, Темурнинг ашаддий душмани, уни ваҳший, ёвуз, офат деб атаган Аҳмад бин Муҳаммад бин Арабшоҳ қуйидагича ёзади:

«Темур гавдаси келишган, узун бўйли одам эди: пешонаси очиқ, калласи катта, овози жарангдор бўлиб, кучи жасурлигидан қолишмасди; оқиш юзини оч қизил ранг жонлантириб турарди. Елкалари кенг, бармоқлари тўлиқ, қовургалари узун, мускуллари кучли эди. Узун соқол қўйиб юрарди. Ўнг қўли ва ўнг оёғи майиб, қарашлари ёқимли эди. Ўлимни писанд қилмасди; қарийб етмишга кириб ўлаётган чоғидаям ақл-заковатини ҳам, довюраклигини ҳам йўқотмаган эди. У ёлғон-яшиқнинг душмани бўлиб, ҳазил унинг кўнглига ёқмасди. Ўзининг олдида талон-тарож, қотиллик, хотин-қизларнинг номусига тегиш, зўрлаш ҳақида гапиришга йўл қўймасди; ҳақиқат қанчалик аччиқ бўлма-



Амир Темур. Номаълум  
ҳинд рассоми асари

син, уни эшитишни яхши кўрарди. Яхши ёки ёмон ҳолатлар унинг кайфиятига ҳеч қандай таъсир кўрсатмасди. Жасур аскарларнинг дўсти, ғоят мард ва ботир бўлган бу одам кишиларни ўзини ҳурмат қилишга, ўзига бўйсунушига мажбур эта биларди».

Шарафуддин Али Яздийнинг қайд этишича, Амир Темурнинг характерли хусусиятларидан бири — давлат, мамлакат, фуқарога ғамхўрлик эди. Унинг қоида-си — «рости — расти» эди. Ҳақиқат — сиҳат-саломатлик, ҳақиқат — тартиб, ҳақиқат — адолат демакдир, деб тушунтирарди у.

Бизнинг назаримизда, Темур ҳақиқатни бирлашган, мустақил, иқтисод ва маданияти тараққий этувчи давлат тарафдорлари бўлган феодал аслзодалар синфий манфаати позициясида туриб тушунган ва тушунтирган.

Темур, инсонпарварлик ва мардликни оллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди, деган гапни кўп такрорлар эди.

Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, бу ҳикматли гапларни Темурнинг ўзи айтган ва шуларга амал қилган.

Солномачи Темур шахсини кўкларга кўтаради ва идеаллаштиради. Уни соҳибқирон — буюк бахт юлдузининг эгаси, ҳумоюн — шавкатли; камкори офтоб давлати турк — турк давлатининг қудратли қуёши ҳамда онҳазрат — улуғвор шоҳ деб атайди.

\* \* \*

Юқорида қайд этганимиздек, Темурга асосан объектив, тўғри ва илмий баҳо совет тарихчилари, энг аввал марксист-шарқшунос А. Ю. Якубовский томонидан берилган. Уни қуйида келтирамиз:

«Тўхтамиш қўшинининг Терек дарёси бўйида тор-мор этилиши ва 1395 йилда Берка Саройнинг хароб қилиниши Олтин Ўрдага жуда кучли зарба бўлди, шундан кейин у ўзини ҳеч ўнглай олмади. Қадимги Русга қанчадан-қанча жабр-зулм ўтказган давлат жуда заифлашди. 1395 йилдан кейин эса Олтин Ўрда тушкунликка туша бошлади. Мамай қўшинларининг 1380 йилда Куликово даштида тор-мор этилиши Олтин Ўрдага берилган биринчи зарба эди. 1395 йилда Терек дарёси бўйидаги мағлубият ва Саройнинг тор-мор қилиниши эса Олтин Ўрдага берилган охириги зарба бўлди. Гарчи Темур Ўрта Осиё манфаатларини кўзла-

ган ҳамда Москва князлари билан алоқа боғламаган ҳолда Олтин Ўрдага қарши кураш олиб борган бўлса-да, бу кураш натижасида у Ўрта Осиёни бирлаштирибгина қолмасдан, балки объектив равишда Рус учун жуда катта хизмат қилди.

А. Ю. Якубовский Темурнинг Европа халқларига кўрсатган яна бир хизмати ҳақида шундай ёзади: «1400 йилда Темур аскарлари Ўрта Осиёдан узоқда — Ғарбда турк султони Боязид I ва Миср султони Фаражга қарши уруш олиб боради. Уша вақтда Темур кўп халқларни, масалан, Кичик Осиёдаги Сивасни, Суриядаги Ҳалаб (Алешо)ни ўзига қаратиб олган эди. 1402 йилда Анқара ёнида Темур иккинчи марта Боязид билан жанг қилди. Бу жанг ўша даврдаги энг катта жанглардан бўлган эди. Ҳар икки томондан 200 мингдан ортиқ аскар қатнашди. Анқара ёнида бўлган бу жангда Усмон Султони қўшинлари батамом тор-мор этилди ва Боязид асир олинди. Бу ғалаба фақат Осиё тарихи учунгина аҳамиятли бўлиб қолмади. Темур ўзининг бу ғалабаси билан Европа халқларига иккинчи марта хизмат этди. Анқара ёнидаги бу ғалаба ва Боязиднинг асир тушиши Константинополнинг турклар — усмонлилар томонидан босиб олиншини қарийб 50 йил орқага суриб юборди».

Бу ерда шуни ҳам айтиш керак, Темур Шимолий Африка халқлари, жумладан, Миср халқига ҳам ёрдам кўрсатди. Чунки Боязид уларнинг ерларига ҳам хавф туғдириб турарди. Кейинчалик Миср ҳам Византия каби Темур ҳокимиятини урушсиз тан олди ва унга бўйсунди.

XIV асрнинг 49 — 50-йилларида Мовароуннаҳрда тарихий вазият қандай эди?

Бу даврда Мовароуннаҳрда чет эл қарамлигидан, мўғул хонлигидан ажралиб мустақил, кучли ҳокимият тузишдан манфаатдор бўлган феодал аслзодалар орасидан айрим гуруҳлар етишиб чиқа бошлади. Чигатой улуси ҳокими Кебекхоннинг 1318-1326 йиллардаги маъмурий ва пул ислоҳоти ўтказишидан ва бошқа ишлардан ҳам мақсади шундай бўлса керак.

Чингизлардан чиққан сўнгги хон Қозонхон ҳам худди шундай — Кебекхонга ўхшаб бошқача сиёсат юргизишга ҳаракат қилди.

Булар — масаланинг бир томони. Масаланинг ик-

кинчи, энг муҳим томони шундаки, кенг халқ оммаси кўп машаққатлар билан узоқ вақт ичида ирригация тармоқларини — ариқ, зовур, сув омборлари, тўғонларни тиклади, деҳқончилик, ҳунармандчиликни йўлга қўйди, айни вақтда ўзаро урушларга, майда феодал ҳокимларнинг ўзбошимчалигига, мўғул хони ва Олтин Ўрданинг турли ноиблари босқинчилигига қарши кураш олиб борди.

Кенг халқ оммасининг интилиши Мовароуннаҳр ва Самарқандда бошланган, Самарқанд мадрасасининг талабаси Мавлонозода, пахта титувчи Абу Бақр Қалавий ва моҳир мерган Хурдаки Бухорийлар раҳбар бўлган Сарбадорлар ҳаракатида бу объектив жараён айниқса яққол кўринди. Демак, феодал аристократияси ёки оддий меҳнаткаш халқ орасидан кучли шахслар етишиб чиқиши ўша даврдаги тарихий зарурият эди. Маълумки, зарурият тасодифият орқали намоён бўлади.

Темурнинг Ўрта Осиёда, Мовароуннаҳрнинг ҳозирги Қашқадарё область Шаҳрисабз яқинидаги Хўжайлғор қишлоғида, барлос беги Тарағай оиласида дунёга келиши соф тасодифият, албатта. Лекин бундай шахснинг юзага келиши даврнинг, замоннинг тақозоси. Чигатой улусининг зулми, майда феодал бекларнинг ваҳшиёна эзиши, мўғул хонлари, Олтин Ўрда бекларининг Мовароуннаҳрдаги тўхтовсиз босқинчилик юришлари азобланган, хонавайрон бўлган, 150 йил давомида чет эл ҳукмронлигидан тинкаси қуриган мамлакатнинг, халқнинг мустақилликка эришиш талаби эди. Бу тарихий зарурият Темурда, унинг лашкарбошиларида равшан кўринди. Темур давлат арбоби сифатида маълум даражада бу эҳтиёжни, талабни, заруриятни ўзида акс эттирди, яъни Мовароуннаҳрда мустақил, марказий бирлашган давлат тузди, мамлакат эҳтиёжларига жавоб берди. Мулкдор синфлар — йирик заминдорлар, савдогарлар, карвонсарой эгалари ҳамда маълум маънода ва маълум даражада умуман аҳоли талабларига пешвоз чиқиб, мамлакатнинг кўп жойларида қурилишлар қилди, камида юз йигирма йил давомида нисбий осойишталик ўрнатди. Бу, шубҳасиз, мамлакатда иқтисод, маданият, фан, адабиёт ва санъатнинг ўсишида муҳим омил бўлди. Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги хизмати, бизнингча, ана шулардан иборатдир.

Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихининг кейинги даврларида Шохрух, Улуғбек, Мирза Абу Саид, Султон

Аҳмад, Ҳусайн Бойқаро, айниқса, Ҳиндистонда Бобур ва Акбаршоҳлар Ўрта Осиёда Темур даврида қарор топган иқтисод ва маданиятни ривожлантириш билан боғлиқ энг яхши анъаналарни давом эттирдилар.

Қурилиш ҳамда маданиятнинг қадрига етган Темурни Ўрта Осиё халқлари ҳурмат қиладилар, унинг Самарқанддаги мақбарасини авайлаб асраб келмоқдалар.



Ашраф АХМЕДОВ

## АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТ

Ўтган асрда яшаган рус тарихчилари ўтмиш тарихга, айниқса, Шарқ халқларининг тарихига, жумладан, шарқ лашкарбошиларининг ҳарбий ютуқларига XIX аср ўртаси ва иккинчи ярмига келиб Россия империяси эришган қудрат ва нуфуз нуқтаи назаридан, менсимаслик кўзи билан қарар эдилар. Уларнинг бундай қарашлари айниқса Ўрта Осиё тарихига ёндашганларида кўзга яққол ташланади. Масалан, улар Темур ҳақида ёзганларида уни мумкин қадар камситишга, ҳарбий даҳосини тан олмасликка ҳаракат қиладилар. Унинг номини тилга олсалар ҳам фақат ҳақорат билан эсладилар. Афсуски, совет давридаги рус муаррихлари бу соҳада ўтмишдошларидан қолишмадилар.

Темур шахси кўп йиллар давомида умуман тил теккизилмайдиган мавзу бўлиб қолди. Агар унинг номини эсласалар ҳам киноя, камситиш ёки бошқа уйдирмаларни унга тиркаш билан чегараланар эдилар. Масалан, 1980 йили чоп этилган «Куликовская битва» китобининг муаллифи: «Темур Москвани олмаган. У фақат Елецгача бориб қайтган. Москвага боришга буюк княздан кўрққан чамаси», деган сафсаталарни ёзган. Ваҳоланки, ўша «буюк князь» Темур тириқтириб юрган Тўхтамишдан кўрққанидан Костромага хотинлар монастирига қочиб, аёллар либосини кийиб беркинган. Куликово жангининг голиби Дмитрий Донскойнинг ўгли Василий Дмитриевич бўлиб, у расман Тўхтамишнинг ходими эди. Ахир Самарқанддан Тўхтамишни қувлаб, Москва остонасигача борган Темур ҳарбий кучга эга бўлмаган қандайдир «буюк князь»дан кўрқиб, Москвага кирмай турармиди? Аксинча, Шарафуддин Али Яздийнинг айтишича, Темур бу шаҳарни олиб, ундан кўпгина ҳарбий ўлжа билан қайтган.

Русча китобларнинг кўпида Де Клавихо ва Ибн Арабшоҳга эргашиб «Темур ёшлик чоғида йўлтўсарлар тўдасига бошчилик қилган», деган уйдирмалар келтирилади. Ўша муаллифларнинг деярли ҳаммаси «Темур мўғулларнинг барлос қабиласидан келиб чиққан,



унинг ўзбекларга ҳеч қандай алоқаси йўқ», деб уқди-  
радилар ва ўзбекларнинг ўзида Темурга нисбатан наф-  
рат уйғотишга уринадилар. Ваҳоланки, Ўрта Осиёда-  
ги барлослар XIII асрдаёқ турклашиб бўлган. Ҳозирги  
кунда эса Ўрта Осиё барлослари фақат ўзбеклар тарки-  
бида. Демак, Темур ўзбекларнинг тўғридан-тўғри аж-  
додидир.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ғарбий Оврупода Те-  
мурнинг фаолиятига илгаридан анча объектив қарал-  
ган, чунки у тарафда бу масалага нисбатан биздаги  
каби ҳеч қандай сиёсий тазйиқ бўлмаган. Испания,  
Франция ва Англияда XVI, XVII, XVIII асрлардаёқ  
Темур ҳақида бир қатор илмий ва драматик асарлар  
яратилиб, уларнинг деярли барчасида уни «гран Те-  
мурбек», яъни «буюк Темурбек» деб ҳурмат билан  
атайдилар. Бу драматик асарлар Ғарб театрларининг  
сахналарида шу кунларда ҳам намоиш қилинади. Ле-  
кин мамлакатимизда Темур шахси масаласи узоқ йил-  
лар давомида ман қилинганлиги натижасида нафақат  
Темур тарихи, балки бутун Ўрта Осиёнинг XIV-XV  
асрлардаги тарихи деярли ўрганилмай қолди. Бу та-  
рихни ёшлар тугул катталар ҳам билмайди. Чунки бу  
тарих ҳеч қайси дасрлик ва ҳеч қайси қўлланмада  
ёритилмаган. Бир вақтлар академик И. М. Мўминов  
Темурга аталган «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида  
тутган ўрни» (Тошкент, Фан, 1968) рисоласини ёзган  
эди, унга таъна тошларини отавериб, қисқа муддат  
ичида домлани гўрга киритиб хотиржам бўлишди.

Хўш, ҳақиқатдаги Темур ким эди? Йўлтўсар,  
қароқчи ва босқинчи эдими ёки инсоний фазилатларга  
эга бўлган буюк шахс, саркарда, жаҳонгир ҳам эдими?  
Бу саволларга жавоб бериш учун тарихий манбалар-  
га — Низомиддин Шомий, Ибн Арабшоҳ, Шарафуддин  
Али Яздий, Фасиҳ Ҳавофий, Бартольд асарларига, «Те-  
мур тузуклари»га ва Темурнинг ўзи ёзиб қолдирган  
«Таржимаи ҳоли»га назар ташлаш зарур кўринади.

Темурнинг «Таржимаи ҳоли», юқорида айтилган  
сабабларга кўра, шу пайтларгача тадқиқотчиларнинг  
диққатини ўзига жалб этмаяпти. Бу асар ҳозирги мав-  
жуд маълумотларга кўра аслида форс тилида ёзилган  
бўлиб, уни Хўқанд хони Саид Муҳаммад Алихон (Ма-  
далихон) фармонига кўра 1832 йили Набижон Хатиф  
Хўжандий ўзбекчага таржима этган. Бу таржимани  
1891 йили Н. П. Остроумов нашр этган. 1894 йили  
Н. Ликошин шу нашр асосида Тошкентда унинг русча

таржимасини нашр этади<sup>1</sup>. Айрим тарихчи олимлар: «Темур ҳеч қандай таржимаи ҳол ёзмаган. Мазкур таржимаи ҳолни Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си асосида кейинроқ бирор тарихчи ёзган. Шунинг учун ҳам у форсчадир», дейдилар. Лекин бунга бирор аниқ далил келтирмайдилар. Темур аслида форс, араб тилларини мукаммал билган ва бу тилларнинг бирида таржимаи ҳолини ёзиш унинг учун муаммо бўлмаган.

Шуниси диққатга сазоворки, Рюи Гонзалес де Клавихо кўпинча «Темур айтди» деган иборани ишлатади. Бу Темурнинг «таржимаи ҳоли»га ишорадан далолат бериши мумкин. Мазкур таржимаи ҳолда тарихан тўғри деб қабул қилинган кўп хабар ва маълумотлар, саналар келтирилган.

Биз юқорида айтганимиз рус тарихчиларининг «Темур ёшлигида катта йўллар ёқасида йўлтўсарлар тўдасига бошчилик қилган» деган даъвоси аслида Де Клавиходан олинган. Бу шахс Самарқандга Кастилия ва Леон қиролларининг элчиси сифатида юборилган бўлса-да, унинг асосий вазифаси жосуслик ва Темурнинг ҳарбий мақсадларини аниқлаш, бу мамлакатдаги ҳарбий кучлар сони, аҳволи ва интизоми қандай эканлигини билиш эди. Де Клавихо Темурга мусулмон раҳбарига нисбатан айтарли ниқобланмаган нафрат билан қарарди. Негаки, унинг юртида испан-христианлар араблар — мусулмонлар билан салб урушларини олиб бораётган эдилар. Шунинг учун ҳам у овруполиклардан биринчи бўлиб Темурга нисбатан нафратини ўз саёҳатномасини ёзаётганда яшира олмаганлиги табиий бир ҳолдир.

1881 йили Санкт-Петербургда Рюи Гонзалес де Клавихонинг «Самарқандга Темур саройига 1403-1406 йиллар қилинган саёҳатнома»си рус тилида чоп этилганидан бошлаб, испан сайёҳи ва жосусининг Темур ҳақидаги қарашлари тез орада Русия империяси тарихчиларининг ҳам асарларида ўз аксини топди. Маълумки, ўтган асрнинг 80-йиллари бошига келиб Ўрта Осиёнинг деярли барча қисми Русия империяси томонидан босиб олинган эди. Бир вақтлар оламни ларзага ва даҳшатга солиб турган Темурнинг ватани энди Рус империясининг мустамлакасига, мулкига айланиб қол-

---

<sup>1</sup> Автобиография Тамерлана Перевод с тюркского Нила Ликошина. Ташкент, 1894 г.

ган эди. Худди шунинг учун ҳам ва мустамлакачилик ғоялари билан суғорилган рус маъмурлари ва уларга ғоявий пойдевор ясаб берувчи миллатчи рус тарихчилари энди ўзларини гўё Темурни енгган ғолиблардек ҳис қилганлар ва тарихни ўз хоҳишларича бузиб сох-талаштирганлар.

Минг афсус ва надоматлар бўлсинким, инқилобдан кейин ўтган 70 йилдан сўнг ҳам Ўрта Осиё ёки Туркистон тарихини рўй-рост ёзиш тақиқлаб келинди. Шояд бугунги кунларимиз келгани рост бўлса.

Келинг, энди аслида аҳвол қандай бўлганлигини билишга интилиб, мозийга назар ташлайлик.

Темурнинг отаси Тарағай анча художўй мусулмон турк бўлиб, бутун Қашқадарё водийсининг ҳокими бўлмаса-да, маълум миқдордаги аскарлари бўлган ва мазкур водийнинг бир даҳасида ҳокимлик қилган. Бунга далил шуки, Темур 16 ёшга етганида отаси уни масжидга олиб келиб, аждодларидан қолган аънана бўйича, аскарларига бошчилик қилишни Темурга топширишини эълон қилади. Отаси Тарағай ўз ўлкасининг анча бадавлат кишиларидан бўлиб, чиғатойлар хонадони билан яқин муносабатда бўлади. Темур 21 ёшдалигида отасининг бойлиги ҳақида бундай деган эди: «Отам амир Тарағайнинг ва унинг фуқароларининг экинлари шу йил мўл ҳосил берди. Қорамол ва йилқи ҳам жуда кўп туғилди. Ҳар ўн хизматкорга бирини бошлиқ қилиб қўйдим; ҳар йигирма отни алоҳида подага ажратдим; ҳар ўн подани бир хизматкорга топширдим. Менга қарашли мол-мулкимни бошқаришни махсус ишончли хизматкорга топширдим». Демак, бу хабарга кўра Темурнинг отаси катта бойликка эга бўлган.

Темурнинг илк болалик чоғидаги тарбияси ҳақида аниқ маълумот йўқ. Шунинг учун бўлса керак, уни кўп рус тарихчилари саводсиз қилиб кўрсатишга уринадилар. Лекин бу ҳақиқатга анча зид. Темур қаҳрли бўлиш билан бирга маърифатпарвар ҳам эди. Биз буни қуйидаги мисолларда кўрамиз.

Темур билим олишни етти ёшидан бошлайди. Бу ҳақда унинг ўзи бундай дейди: «Етти ёшга тўлганимда мени мадрасага олиб боришди ва қўлимга сўзлар жадвалини беришди. Мен ўқий бошладим ва эришган муваффақиятларимдан беҳад хурсанд бўлдим». Бу келтирилган жумлалардан кўринадики, Темур мадрасага келганида ҳарф танийдиган бўлган. Шунинг учун ҳам

жадвалдаги сўзларни ўқий билган. Мовароуннаҳр ва Хуросон мадрасаларидаги эски одат бўйича болани ўқишга ўргатишда қоғоз ё терига энг осон сўзларни жадвал тарзида жойлаштирганлар. Афтидан Темур ҳам болалигида шундай жадваллардан ўқиган кўри-нади. У болалик ва ўсмирлик йиллари ҳақида яна шуни айтади: «Мен 9 ёшга тўлганимда намоз ўқий бошладим ва мадрасадаги барча ўқувчилардан устун бўлиб олдим. Ҳар қандай йиғилишларда ҳам мен уламоларнинг ёнидан жой олишга ҳаракат қилардим. Лекин ҳар доим уларнинг олдида тиз чўкиб ўтирар эдим. Катталарга шу тарзда ҳурмат билдиришни мен ўзимга қоида қилиб олдим.

12 ёшимдан болалар билан ўйнашга орландим ва вақтимни ўз тенгларим ҳамда ўспирилар билан ўтказардим».

Бу келтирилган парчада шуниси диққатга сазоворки, Темур болалигидан тенгқурларидан устун бўлиб, амирликка интилиши ундан қарийб 2000 йилча аввал яшаган, Эрон Аҳоманий подшоҳлари сулоласига асос солган Куруш — Кайхисровнинг болалик чоғини эслатади. У ҳам болалигидаги ўйинларда ўзини болалар подшоши этиб, қолганларни ҳар хил хизматларга тайинларди.

Темурнинг таржимаи ҳолида унинг феъл-атвори, ахлоқи ва инсоний-мафқуравий хусусиятларининг шаклланиши ҳақида гувоҳлик берувчи жойлари ҳам бор. Бу ҳақда у айтади: «Етти ёшимдан етмиш ёшимгача ва умр бўйи мен камбағалларга эҳсон қилар эдим. Бир марта кийган кийимимни иккинчи қайта киймас эдим ва уни йўқсилларга ҳадя қилардим. Мен қудратга эришганимда болалиқдаги ёру дўстларимнинг ҳаммасини катта мансабларга кўтардим. Ҳар куни қўй сўйиб ва ҳар бир қўй танасини еттига бўлиб, камбағалларга улашдим». Албатта, қарийб бир ярим аср давомида Русияда, сўнг Совет даврида Темур шахси қораланиб келинганлиги натижасида у ҳақда эндиликда бирон ижобий маълумот келтирилса кишининг ишонгиси келмайди. Юқорида келтирилган парча шундайлар жумласидандир. Лекин ҳақиқат шундайки, Темур юсак инсонийлик хусусиятларига эга бўлган буюк шахс эди.

Қуйидаги жумлалар унинг шахсиятини янада ойдинлаштиради:

«Ўн беш ёшга етганимда мен от миниб ов қилиш-

ни жуда севиб қолдим ва бу ишда катта маҳоратга эришдим.

Бир куни мен дарё бўйида дам олиб ўтирган эдим. Дарё бўйига эгар камарини ушлаган бир турк келди. Бироздан кейин худди шу ерга сув олгани бир чўри келди. Турк чўрини кўриб, уни зўрламоқчи бўлди. Шу пайт аёлнинг қичқирганини эшитиб, бир қариндоши югуриб келди ва уни ҳимоя қилиб, турк билан олиша кетди. Турк уни эгар камари билан боғлаб қўйди, аёлни эса ўзининг белбоғи билан боғлаб, ўша разил мақсадни амалга оширди. Мен бу томошани кўриб аввалига кулдим, лекин бироздан сўнг менда бутун дунёдаги шундай разил жинойткорларнинг ёстиғини қуриштириш нияти уйғонди». Шуни ҳам айтиш керакки, Темур барча ҳарбий юришларини эзилганларни ҳимоя қилиш, зўравонларнинг таъзирини бериш ва ҳақиқатни ўрнатish мақсадларида олиб боради. Шунинг учун бўлса керак, катта бебошликлар ва қон тўкишлар юз берган ерларда у қаҳр билан иш тутган.

Айрим овруполик муаллифлар Темурни мўғул лашкарбошиларида бири қилиб кўрсатишга уринадилар. Темур эса аслида жуда художўй мусулмон турк бўлган ва шунинг ўзи биланоқ у мўғул саркардаларидан тубдан фарқ қилган. Шу ўринда унинг диний устозлари — пирлари устида тўхтамоқ мақсадга мувофиқдир.

Темур болалигиданоқ отаси Тарағайнинг художўйлиги, уламо ва дарвешлар билан яқинлиги туфайли, унинг шундай дўстларидан бири бўлмиш шайх Шамсиддин Кулолни ўзининг энг биринчи пири деб билди. Бир хабарга кўра, шайх Кулол бошқа дарвешлар билан зикр тушаётган пайтида Темур у ерга кириб қолади, Лекин зикр тугагини тоқат билан кутади. Шайх ва дарвешлар Темурнинг имони ва сабр-тоқатига таҳсин ва дуолар ўқийдилар. Кейинчалик Темур мана шу дуоларни ўз муваффақиятларининг асосий сабабларидан деб ҳисоблайди.

1370 йили Темур амир Ҳусайн билан кураши авжига чиққан пайтда иккинчи пири Сайид Барака билан учрашади. Сайид Барака кўп йиллар Темурнинг маслаҳатгўйи бўлиб, унинг маънавий ва сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Жангларда у билан ёнма-ён туради. Хусусан, 1391 йили Тўхтамиш билан бўлган Урал дарёси бўйидаги жангда Темур аскарлари оғир ҳолатга тушиб қолади. Шунда Сайид Барака отдан тушиб, май-

да тошларни териб, яна отига минади-да, дуо ўқийди, сўнг душман тарафга қараб: «Яғи қочди» (яъни «душман қочди»), деб тошларни ўша томонга улоқтиради. Бундан Темур ва унинг аскарлари руҳланиб, душманни тезда енгади. Сайид Баракага катта ҳурмати туфайли Темур унга Андхўй шаҳрини ҳады этади. Сайид Бараканинг авлодлари Темур ўлганидан кейин ҳам Андхўйга ҳокимлик қилади. Темурнинг васиятига кўра, ўлганидан кейин уни Сайид Барака қабрининг оёқ тарафига кўмишади.

Темурнинг ҳаётида муҳим тарбиявий аҳамиятга эга бўлган яна бир пири шайх Зайниддин Абу Бакр Тайободий эди. Тайобод Хуросонда Ҳарируд дарёси бўйидаги қишлоқ. Темур 1381 йили шу ерга келганида шайхни ўз ҳузурига келтиришни амр қилади. Лекин шайх элчиларга, агар мен Темурга керак бўлсам ўзи келсин, дейди. Темур бу шартни қабул этиб, унинг ҳузурига боради. Темурнинг айтишича, руҳонийлар ундан ҳайиқар эдилар. Лекин бу гал Тайободий билан учрашганда Темурнинг ўзи ҳаяжонга тушади ва унинг олдида тиз чўкади. Шайх Темурнинг елкасига қўлини қўйганида назарида осмон унинг устига тушгандек ва ўзини осмон билан ер орасида эзилгандек ҳис этган. Тайободий гарчанд Темур сафарларида унга ҳамроҳ бўлмаса ҳам, мактуб орқали маслаҳат бериб турган.

Шундай қилиб, бу уч руҳоний Темурнинг асосий пирлари эди. Лекин у бошқа шайх ва дарвешларни ҳам ўзига яқин тутган. Шундайлардан бири Ҳазрат Убайдулло эди. Ҳазрат бир кун масжиддаги йиғинда: «Темур — қонхўр турк, у кўп одамни қириб ташлади. Унинг шаънига дуо ўқиб бўлмайди», деб баралла айтади. Темурнинг айтишича, ҳазрат Убайдулло шундан сўнг бир туш кўради. Тушида унга пайғамбар ва унинг ёнида ўтирган Темур кўринади. Убайдулло пайғамбарга уч марта таъзим қилиб, салом беради. Лекин пайғамбар унга қайрилиб қарамайди ҳам, саломига жавоб ҳам бермайди. Бундан қаттиқ ранжиган Убайдулло пайғамбарга алам узра айтади: «Эй расулуллоҳ! Мен сенинг шариатинг хизматчисиман. Темур эса кўп одамни қириб юборган қонхўр. Лекин сен унга қараб, менга аҳамият ҳам бермайсан?» Пайғамбар Убайдуллонинг бу сўзларини эшитиб, унга эътироз билдиради: «Ҳа, филҳақиқат, Темурнинг амри билан кўп одамлар ҳалок бўлди. Лекин у ўзининг бу гуноҳини менинг авлодларимга бўлган ҳурмат-эҳтироми билан ювди. Шунинг

учун шубҳасиз, халқ бундай ҳокимни дуо қилиши шарт». «Пайгамбарнинг ўзидан бундай сўзларни эшитган Убайдулло уйғониб, югуриб менинг олдимга келди ва ранжитганлиги учун мендан кечирим сўради». <sup>1</sup>

Шундан сўнг ҳазрат Убайдулло ҳам Темурнинг пирларидан бирига айланади. Темур Мовароуннаҳрдаги пайгамбар авлодлари — сайидларни кўчманчи ўзбекларнинг хуружидан ҳимоя қилгани ва Мозандарон сайидларини ҳам ўз ҳимоясида тутиб, Самарқандга олиб келгани ҳақида маълумот бор. Темурнинг бошқа авлиё ва дарвешлар билан ҳам яқинлиги ҳақида кўп маълумотлар бор. Демак, Темур ўзининг дунёқараши, юриштириши ва маданияти билан В. В. Бартольд айтганларига зид ўлароқ, мўғуллар ҳамда дала ўзбеклари маданиятига бутунлай қарама-қарши бўлиб, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг ўтроқ маданиятига яқин бўлган.

\* \* \*

Энди Темурнинг ҳарбий юришлари ва у юритган ички ва ташқи сиёсат ҳақида тўхталиб ўтайлик. Ўзининг сиёсати ҳақида Темур «Тузуқлари»да анча муфассал баён қилган. Лекин унинг «Таржимаи ҳол»ида келтирган ўн икки ахлоқий сифатлар бу нуқтаи назардан муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун биз бу ерда мазкур сифатларнинг таржимасини келтирамиз. Ўйлаймизки, бу сифатлар Темурнинг ўз ҳаёт йўлида ва сиёсатида тутган дастуруламали ҳам эрур. У сифатлар қуйидагилардир:

1. Бундай сифатларнинг энг аввали деб мен беғаразликни ҳисобладим. Ҳаммага ҳам мен бир хил жиддий ва одил қарардим, ҳеч кимни бир-биридан фарқ қилмасдим, бойни камбағалдан устун қўймас эдим.

2. Мен ҳар доим дин ақидаларига қатъий риоя қилардим ва Тангри таолонинг амри билан улуғланган шахсларга ҳурмат билан қарардим.

3. Мен камбағалларга кўп хайру эҳсон қилдим; ҳар бир можаро ва муаммони диққат билан текширдим ва уни мумкин қадар яхши ҳал қилишга бутун жаҳдимни сарф қилдим.

---

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. Форс тилидан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси. «Шарқ юлдузи» журна.и. 1989, № 8, 131—179-бетлар.

4. Бутун ҳаракатимни умумий фойдага қаратдим. Бунда бировга бесабаб озор етказмадим ва менадан ёрдам сўраб келганларни кўкрагидан итармадим. Қуръондаги парвардигорнинг амри бандалар учун вожибдир, деган маънодаги барча оятларни ўзимга фарз билиб, уқиб олдим ва умр бўйи барча юмушларимда уларга амал қилдим.

5. Диний масалалар билан боғлиқ ишларни мен кундалик ва дунёвий ишлардан доимо юқори қўйиб келдим. Фақат кишилар учун диний тарафдан худо амрига кўра керак бўлган нарсаларни бажариб бўлгандан кейингина кундалик ишларга қўл урдим.

6. Мен барча сўзларимда ҳақиқатгўйликка амал қилдим; бу дунё ва у дунё ҳақида эшитганларимдаги ҳақиқатни ёлғондан ажрата билдим. Жумладан, мен бир ҳикоятда эшитдимки, парвардигор таоло биринчи инсон — Одам Атони яратганида, малойиклар у яратган биринчи мавжудотидан норози бўлиб, Оллоҳ таолонинг бу иши яхшиликка олиб келмайди деб қайғурганлар. Малойиклар худо яратган одам, шубҳасиз, ўзи кабиларни алдайди, берган ваъдаларини бажармайди, уларни ўлдиради ва ўзининг разил қилмишлари билан Оллоҳни инсонни яратганидан афсуслантиради, деб парвардигорни ишонтирмоқчи бўлдилар. Оллоҳ таоло малойикларига инсон жаҳолат кўрсатишини аввалдан билиб, унинг чорасини кўриб қўйганлигини ва инсониятни яратиш билан улар орасидаги жинояткорларга керакли жазони берувчи қилични ҳам юборишни назарда тутганлигини айтди.

Бу ҳикоятнинг маъносини яхшилаб ўйлаб ва маъзини чақиб кўрганимдан кейин парвардигор гуноҳлари учун жазо берувчи қилич деб, ўзи яратган одамиятнинг ҳокимларини назарда тутган деб тушундим. Шунинг учун мен ҳар бир ишда адолат сақлашга ва тўғри йўл тутишга умр бўйи ҳаракат қилдим.

7. Мен ҳеч қачон бажаролмайдиган ваъдани бермаганман. Берган ваъдамни тўлиқ бажараётим, мен ҳеч бир кимсага ноҳақлик билан зиён етказмадим.

8. Мен ўзимни Оллоҳнинг ердаги энг биринчи итоткор бандаси деб билдим ва унинг ёки пайғамбарининг амрисиз бирор ишга қўл урмадим. Парвардигорнинг амрисиз ерда яшаётган халқларнинг биронтасига зиён етказмадим. Олий мартабадагиларга ҳам, фуқарога ҳам бирдек хайрия қилишга интилдим. Мен ҳеч қачон биронинг мулкига эга бўлишга интилмадим ва шунинг



дек, ҳеч қачон кўпроқ бойлик орттиришга ҳам ҳаракат қилмадим. Мен ҳеч қачон бировга ҳасад билан қарамадим. Бу борада амир Ҳусайн билан бўлган воқеа менга ибрат бўлди: ўз фуқароларининг мол-мулкига нисбатан очкўзлиги пировардида уни ҳалокатга олиб келди.

9. Мен динга ҳар доим бирдек қарадим. Тангрининг амрини ва пайғамбар ҳадисларида айтганларини тўла адо этишга интилдим. Мен барча қилмишларимда шариат йўсунларига буткул амал қилдим ва нопок ишлардан бутун вужудим билан ўзимни тийдим. Пайғамбарни ва унинг маслакдошларини ўзимнинг ягона ва энг яхши дўстларим деб билдим.

10. Мен ислом байроғини баралла кўтардим ва имон тарқатишни ўз буюклигимнинг қудратли замини деб билдим. Мен имон билан қудрат бир онадан туғилган деб эшитганман. Шунинг учун мустаҳкам имонга таянган қудрат буюк бўладур.

11. Мен доимо сайилларга эҳтиром билан қарардим, уламо ва шайхларни эъзозлардим. Бу кишилар ҳар доим менинг мажлисимда иштирок этардилар. Уларнинг дин масалалари юзасидан айтганларини мен диққат билан тинглаб олардим ва аниқ бажарардим. Шунинг учун менга нисбатан халқнинг меҳри баланд эди ва ҳамма мендан миннатдор эди. Мазкур шахсларга муносабатимда подшоҳ Қустантиннинг воқеаси менга ибрат бўлди. Бу адолатли подшо бир кун лашкар йиғиб, Рай подшоҳи томон юриш қилган. Ўз лашкари билан унинг мамлакатига келаётиб, Қустантин ногоҳ Рай подшоҳининг мажлисида сайидлар, уламолар ва шайхлар ҳозир эканлиги ҳақида эшитади. Буни билганидан сўнг Қустантин Рай салтанатини забт этишдан воз кечди ва лашкари билан тезда ортига қайтади. Ортига қайтганининг сабабини сарой аъёнлари ва лашкарбошиларига тушунтириб, Самовий деган донишманднинг китобида подшолар мажлисида диний арбобларнинг ҳозир бўлиши муҳим эканлиги уқдирилади. Ўша китобда айтилишича, агар подшонинг мажлисида диний арбоблар ҳозир бўлса, бу подшони ҳеч ким енголмайди, дейилган. Қустантин қайтаётиб, йўлдан Рай султониغا хат ёзиб, унинг подшолиги худди шаҳаншоҳларникидек эканлигини ва шу сабабли уни енгизишга ишонмаганидан у билан урушишдан воз кечганлигини айтган.

12. Мен ўзимнинг икромиятим ва раҳмдиллигим туфайли энг паст табақа кишиларнинг ҳам, ҳатто гадоларнинг ҳам раҳматига сазовор бўлдим. Мен бутун

жаҳдим билан бу табақадаги кишиларнинг аҳволини осонлаштиришга ҳаракат қилдим. Мусулмонларга нисбатан олижаноблик қилдим, ҳар қандай арзимас гуноҳ учун ҳам қаттиқ жазо беравермадим. Пайғамбар авлодларига ҳар доим катта ҳурмат билан қарадим.

Мен ёлгон сўйловчиларни тинглашдан бош тортдим. Эшитганманки, подшоҳларнинг шуҳрати уларнинг ўз фуқароларига раҳмдиллигидадир. Қуръонда ҳам айтилганки, подшоҳ бирор гуноҳкорнинг гуноҳини кечирса, бу билан фуқаросига раҳм қилган бўлади. Барча ишларимда ана шундай подшоҳлар менга ибрат бўлди. Мен яна эшитганманки, агар парвардигор бирор кимсани улуғлаган бўлиб, бу одам барча қилмишларида ҳаққоният ва адолат билан иш тутиб ўз фуқаросига раҳм-шафқатли бўлса, унинг қудрати янада ортади деб. Мабодо у подшоҳ адолатсизлик ва шафқатсизлик йўлига оғадиган бўлса, тезда унинг қудрати ҳам синади.

Ана шунга кўра ўз қудратимни сақлаш учун мен бир қўлимга адолат шамини ва иккинчи қўлимга беғаразлик шамини олиб, бу икки шам билан бутун умр бўйи ўз йўлимни ёритиб юрдим. Барча қилмишларимда ана шундай адолат қоидаларига риоя қилдим. Мен ўзимга шундай гоёларга амал қиладиган тўрт вазирни танладим. Улардан иккиси Маҳмуд Шаҳоб Хуросоний ва Насириддин Маҳмуд ал-Аромий эрди. Бу икки вазиримга доимо мени кузатиб туришни ва агар мен адолатсизлик қиладурсан бўлсам, дарҳол мени тўхтатишни, кимнингдир ёлгон сўзларига ишонсам ёки бегона кимсанинг мулкидан фойдаланадурсан бўлсам, дарҳол мени оғохлантиришларини таъкидлаб қўйдим.

Мен яна эшитганманки, худо бирор кимсани улуғлаш билан унга раҳмат ато қилган бўлади. Тангрининг бундай раҳматига эришган киши эса одил ва раҳмдил бўлиши керак. Мен салтанат тахтига ўтиришим билан шу қоидаларга доимо амал қилдим ва бу сифатларни ўзлаштириб олдим».

Юқорида келтирилган парчага диққат билан разм солсак, унинг яхшилаб таҳрир қилинганлигини кўра-миз. Ахир Амир Темурдек шахс таржимаи ҳолини ёзади-ю, уни саройдаги кўп сонли адиб ва муаррихлар таҳрир қилмайдими?! Лекин Де Клавихонинг «Қундаликлар» ини диққат билан ўқиган киши бу ерда Темур айтганларига зид келувчи фикрларни учратмайди.

Темур болалигидан ҳарбий ўйинларни яхши кўради. 16-18 ёшлигида қиличбозлик, найзабозлик ва ай-

ниқса ов билан астойдил қизиқади. 20 ёшида чавандозлик билан шуғулланади. Ўз тенгқурларини икки гуруҳга бўлиб, жанг машқларини бажаради. Кези келганда айтиш керакки, бўлажак рус саркардаси Суворов ҳам Темурдан 400 йил кейин ана шундай машқлар билан шуғулланади.

Темур биринчи марта сиёсатга 22 ёшида аралашади. Шу ёшида у ўзининг собиқ мактабдош тенгқурлари билан аскар тўплаб, амир Қозоғонга қарши қўзғолон кўтаришга отланади. Лекин бу пайт онасининг вафоти ва яна бошқа бизга номаълум сабаблар қўзғолоннинг олдини олган кўринади. Ҳар ҳолда қўзғолон бўлгани ҳақида хабар сақланмаган. Лекин ўша ораликда Темур отаси Тарағай билан амир Қозоғоннинг ҳузурида бўлади. Амир унинг ҳаракатларидан хабардор бўлса керак, Темурнинг қўлини боғлаб қўйиш мақсадида унга ўз набирасини, яъни бўлажак амир Ҳусайннинг синглисини хотинликка беради, совға-саломлар тортиқ қилади. Темур амир Қозоғоннинг ўша даврдаги аҳволи ва мавқеи ҳақида ғурур билан бундай дейди: «У (амир Қозоғон) айтарлик даражада қудратли ҳоким эмас эди, унинг қўлидан осонлик билан подшоҳликни тортиб олишим мумкин эди. Лекин менга қилинган лутфу карамга нисбатан кўрнамаклик қилмоқчи эмасдим». Афтидан амир Қозоғон вақтинча мақсадига эришган кўринади. Темур амир Қозоғонга неvara куёв бўлиши билан унга яқин ва ишончли одамлар даврасига киради. Бу ишончдан Темур моҳирона фойдаланади, амир Қозоғон ўлдирилишидан биров аввал унга уюштирилган фитнани Темур фош қилади ва Қозоғон унга мукофот сифатида Шибирғон шаҳрини инъом этади.

Темур ўз мақсадига қон тўкмасдан эришишда яна бир моҳирона сиёсат ишлатади. Амир Қозоғон Хоразмни босиб олмоқчилиги ва бу ишни Темурга топширмоқчи эканлиги Темурнинг қулоғига етади. Шунда у Қозоғонга яқин бўлган амир Хусрав Баёнқулини чақириб, унга Хоразмни босиб олиш мушкул эмас, бу ишни Қозоғон ўз ўғли Абдуллога топширса яхши бўлади, зеро Абдуллонинг Хоразмни забт этиши ўз номига ҳам, отасининг номига ҳам шуҳрат келтиради, дейди. Баёнқулидан бу сўзларни эшитган Қозоғонга бу фикр маъқул тушади ва Абдуллони Хоразмга юборади. Абдулло хоразмликлардан енгилгани ҳақида отасига мактуб йўллайди. Бундан ғазабланган Қозоғон Темурга дарҳол Хоразмга юришга фармон беради. Темур хо-

размликлар билан аввалдан келишиб олганидек, уларни урушсиз таслим бўлишга рози қилади. Бу ғалабадан сўнг Қозоғон Темурга Хоразм амирлигини ҳадя қилади.

Амир Қозоғон анча калтабин ва содда турк эди. Темур уни ўз кўёви Туғлиқ Темурнинг хужум ва найрангларидан яна бир неча бор қутқаради. Лекин Қозоғон ўзининг сиёсий калтабинлиги туфайли унга энг яқин бўлган амирлардан Хусрав Баянқулини ҳам ўзига душман қилиб қўяди. Бу киши эса Қозоғоннинг ўғли Абдуллонинг қайнотаси эди. Темур бу сиёсий можаролардан усталик билан фойдаланиб, амир Қозоғондан Мовароуннаҳр амирлигига васиятнома олади. Баянқули билан Туғлиқ Темур тез орада Қозоғонни ўлдириб, унинг ўрнига ўғли Абдуллони тахтга ўтқазадилар. Бироз муддатдан сўнг Абдуллони ҳам ўлдирадилар ва тахтга Ясур Темурхоннинг ўғли Темуршоҳ ўғлонни ўтқазадилар. Лекин расман Қозоғондан кейин бутун Туркистоннинг амири Темур бўлди. Шунинг учун энди у ўз душманлари билан очиқ курашга ўтади. Расмий жиҳатдан бу кураш амир Қозоғон учун қасос олиш ва Мовароуннаҳрда тартиб ўрнатишдан иборат эди. Темурнинг таъсири орта бориб, Баян Салдурий ва Ҳожи Барлос исмли амирлар ўз аскарлари билан Темурга қўшиладилар. 1366 йилга келиб, Темур бутун Мовароуннаҳрни забт этади ва шу йилнинг ўзида Хуросон тарафга интилиб, Балхни босиб олади. Шундан сўнг Темурнинг сиёсати халқаро тус олади. Бу даврга келиб, Темур халқаро миқёсда иккита жуда хавфли душман орттиради. Бири Қозоғоннинг катта ўғли, Хуросон ва Эроннинг амири Ҳусайн бўлиб, у ҳам Мовароуннаҳрга даъвогарлардан эди. Иккинчи душмани Мовароуннаҳр ва Жетенинг Чигатой ҳокимларидан бўлмиш Туғлиқ Темурхон эди. Темур Мовароуннаҳрда амир бўлиши учун Қозоғон васиятномасининг ўзи кифоя қилмасди. Бунинг учун бу ерларнинг расмий хони Туғлиқ Темурнинг ёрлиғи ҳам керак эди. Бу рақибларнинг иккиси ҳам Темурни ўзига тобе қилиш ва сиёсатдан четлатиш мақсадида бўлади. Лекин Темур уста сиёсатчи эканлигини яна исботлайди.

Бу ҳокимлар билан сиёсат олиб боришда Темур шундай бир тузукка амал қиладики, унга кўра Туғлиқ Темурхондан бутун Мовароуннаҳр амири деган ёрлиқ олишга муяссар бўлади. Амир Ҳусайн билан эса бўри битимига амал қилади. Бошқача айтганда, кези келганда у билан олишади, дўппи тор келганда эса мурося

қилади. Амир Ҳусайн 1366-1370 йиллар орасида Мовароуннаҳр ишларига ҳаддан ташқари кўп аралашаверар ва ўзини бу ерларнинг амиридек ҳис этарди. Лекин Темурнинг қўлида Қозоғоннинг васиятномаси ҳамда Туғлиқ Темурхоннинг ёрлиғи бўлганлиги, қолаверса, ҳарбий қудрати ва шухрати сабабли Ҳусайн ундан ҳайиқарди. Темур Ҳусайннинг феъл-атворидаги салбий сифатларни таъкидлайди: ҳасад, хасислик, очкўзлик ва кибр. Ҳусайндаги мана шу «фазилат»ларни яхши билган Темур Мовароуннаҳрда ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва бу ерни рақиблардан тозалашда фойдаланади.

Туғлиқ Темурхон ўрнига хон бўлган иродали ўғли Илёс Хўжага қарши курашда ҳам Темур амир Ҳусайндан фойдаланади. Бироқ хотини Ўлжой Туркон оғо (Ҳусайннинг синглиси) вафот этганидан сўнг (бу даврга келиб, мамлакатда ҳам осойишталик деярли ўрнатилиб бўлган эди) ва натижада у билан қариндошлик алоқалари узилганидан кейин Темур унга қарши курашади, тез орада уни ҳалок қилади. 1370 йилга келиб, Темур Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг ягона ҳокимига айланади.

Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг ўзидан аввалги мўғул ҳокимларидан тубдан фарқ қилиб, у ўз ватани ҳудудида қаср ва қўрғонлар, қасаба ва рустақлар, работ ва иморатлар қурдирди, хуллас мамлакатни ободонлаштиришга катта эътибор берди. Мўғул ҳокимлари Чингизхоннинг васиятига амал қилиб, умуман девор ва иморат қурдирмаган, ариқ қаздирмаган, лоақал биронта дарахт ўтқазмаган. Аксинча улар аҳолиси қирилиб, бўм-бўш бўлиб қолган шаҳар, работ ва қишлоқларни текислатиб, сон-саноксиз йилқи ва молларини боқадиган яйловга айлан-тиришган.

Темур мусулмон турк сифатида улардан тубдан фарқ қиларди. 1365-1366 йилнинг қишидаёқ, яъни амир Ҳусайн билан кураш кетаётган пайтда у Қарши шаҳрининг атрофини девор билан ўратади, 1370 йили Самарқандни девор билан ўратади, қўрғон бунёд эттиради, 1380 йили Шаҳрисабзда Оқсаройни барпо этиб, шаҳар атрофини девор билан ўратади. Мабодо аҳолиси бўйсунмаган бирор шаҳарга нисбатан Темур қаҳр қилиб, уни вайронага айлангирган бўлса ҳам, кейинчалик уни қайтадан тиклатган. Хоразмнинг қадимги шаҳри Гурганч ана шундай тикланган.

Темур XIV асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб,

ўз мамлакатида бутунлай осойишталик ўрнатди. Бундан кейин у ҳарбий ҳаракатларни, урушларни Моваруннаҳр ва Хуросондан ташқарида олиб борди. Лекин шуни айтиш керакки, Темурнинг урушлари ва умуман унинг сиёсатини баҳолашда К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленинларнинг фикрларига кўр-кўрона эргашиш ва қайтаравериш калтабинлик бўлур эди. Чунки уларнинг биронтаси шарқ тилларини билмаган ва шу тилларда ёзилган адабиётни ўқишга, демак, тўла баҳо беришга қодир бўлишмаган...

Темур кўп жанг қилган... Лекин улардан «уч йиллик юриш», «беш йиллик юриш» ва «етти йиллик юриш»лари айниқса машҳур бўлган. Темур бу жанглар натижасида муваққат бўлса ҳам Қора, Эгей ва Ўртаер денгизларидан то Ҳиндистоннинг шарқи, Мўғулистон ва Хитойгача, Ҳинд океанидан то Ўрол тоғлари, Москва остоналари ва Днепр бўйларигача бўлган ҳудудни забт этди ва буюк бир салтанат барпо қилди. Бу улкан давлатнинг ҳудудлари Чингизхон давлатидан кейин иккинчи ўринда турар, лекин Искандар Зулқарнайн давлати ҳамда Араб халифалигидан кичик эмас эди. Албатта бу жангларда кўп қон тўкилган. Шу боис юзаки қарашда Темурни яқин кунларгача айюҳаннос солиб бақираётганларга қўшилиб, қонхўр, золим дейиш мумкин. Лекин бу билан тарихий ҳақиқатни ойдинлаштириб бўлмайди. Темур юришларига тарихийлик ва адолат юзасидан қараш тақозо этилади. Майли, ҳозирча Темурни қўятуриб, ўзимизнинг, яъни дунёда энг «инсонпарвар», «бутун дунё халқларининг жонкуяри», «адолатли» деб ардоқланган Совет Иттифоқининг яқин ўтмишига бир назар ташлайлик-чи.

1950 йилларнинг иккинчи ярмида Венгрия, Чехословакияга «дўстона ёрдам» кўрсатиш баҳонасида қуролли тажовуз қилинди. Ёки бўлмаса, 70-йилларнинг охирида Совет аскарлари Афғонистонни том маънода босиб олиб, тинч яшаётган афғон халқига нисбатан зўравонлик урушини бошлаб берди. Байналмилал ёрдам ниқоби остида совет аскарлари афғон халқини талади, юз минглаб афғонларнинг ёстигини қуритди. Раҳбарларимиз куни кеча мактабни тугатиб, ҳали она сути оғзидан кетмаган йигитларимизни билатуриб оловга ташлади. Шаҳид кетган йигитларимизнинг арвоҳи уларни урмайдими? Бир умр ногирон бўлиб қолган фарзандларимиз ноласига ким қулоқ солади? Юртимиз тинч бир замонда фарзанд доғида

юраги қон бўлган оналаримизнинг аламзада қалбига ким таскин бера олади? Қайта қуриш шарофати туфайли юзага келган халқаро ва мамлакат ичидаги ижтимоий-сиёсий шароит «чекланган миқдордаги» совет аскарларини Афғонистондан шармандаларча чиқиб кетишга мажбур қилди.

Лекин 1986 йили Олмаотада, 1989 йили Тбилиси, Қўқон, Фарғона, Боку, Паркент ва бошқа ерларда тинч намойишчилар ўққа тутилди, яна қон тўкилди. 30 — 40-йилларда ўн миллионлаб совет халқлари қириб юборилганлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Хўш, ҳозирги кундаги, XX асрдаги «инсонпарвар сиёсатни олиб борувчи» мамлакатда аҳвол шундай экан, бундан 600 йил бурун, ўрта асрнинг нотинч даврида яшаган Темурдан нимани кутиш мумкин эди! Имоним комилки, Темур айрим совет раҳбарларига нисбатан одил ва халқпарвар бўлган. Бу хусусда Темур ўз таржимаи ҳолида ёзган ушбу парчалар диққатга сазовордир: «Менинг қудратли лашкарим Арзирум шахри атрофидаги бутун чўлни ишғол қилиб турарди. Мен ўз лашкаримга бир назар ташладим-да, ўзимча ўйладим: мана мен бир ўзим айтарлик ҳеч қандай кучга ҳам эга эмасман, лекин бутун бу лашкар ва ҳар бир аскар алоҳида менинг иродамга сўзсиз бўйсунди. Мен бирор буйруқ берсам бас, дарров ва тўлиқ бажарилади. Ана шу тариқа ўйга чўмиб, парвардигорга ўз бандаларининг орасидан мени кўтариб, улуғлаганлиги учун шукроналар айтдим. Ва олий даражадаги доно уламолардан шу тумонат одамнинг менга бўйсунганининг сабаби нимада деб сўрадим. Уламолар айтдиларки, бу — Тангрининг амри, мендаги куч ва қувват Оллонинг хоҳиши ва қудрати деб. Улар Қуръоннинг шундай оятини келтирдиларки, унда агар подшоҳ ўзининг барча қилмишларида адолат билан иш тутса, у ҳолда барча фуқаролари унга сўзсиз бўйсундилар, душманлари эса ундан кўрқадилар».

Темур 21 ёшлигида пири Абу Бакр Тайободийдан илтимос қилиб, ундан йўл-йўриқ кўрсатишни ва панд-насихат қилишни сўраганида, бу шайх унга дуойи фотиҳа бериб, унга бир чиғаноқ узук ҳадя қилади. Узукнинг кўзига форсча «рости-расти» деган сўзлар битилган эдики, уларнинг маъноси: ҳаққонийлик ва одиллик ҳар қандай балодан халос қилади, омад келтиради, демакдир. Темур бутун умр бўйи мана шу сўзларга амал қилди.

Темурнинг «қонхўрлиги» ҳақидаги сталинизм жарчиларининг «тадқиқотлари»га Рюи Гонзалес де Клавихонинг бир хабари сабаб бўлган. Бу хабарга кўра, Темур «беш йиллик юриш» пайтида Туркиянинг шарқидаги Сивас шаҳрини забт этиб, Сурияга ўтаётганида Сурия билан Туркия оралиғидаги ерларда кўчманчилик қилиб юрувчи «оқ татар» номли элатга дуч келади. Тўсатдан жанг бошланиб кетади. Натигада оқ татарлар энгилиб, Темур уларни асир қилади ва яшайдиган ерларидан Эроннинг шимолидаги Дамғон вилоятига кўчириб, бу ерларни ободонлаштиришни назарда тутаяди, чунки у ернинг аҳолиси кам эди. Бироқ оқ татарлар у ерга келганидан сўнг яна аввалгидек бўйсунмай, итотсизлик қилади. Ўзаро бирлашиб олиб, аста-секин ғарбга, ўз ерларига силжий бошлайди. Йўл-йўлакай атрофдаги шаҳар ва қишлоқларни талон-тарож ва вайрон қилади. Шунда Темур аскарларининг қаҳри келиб, оқ татарларни қириб ташлайди ва уларнинг каллаларидан тўртта қўрғон қуради. XIV асрнинг охирида бесабаб содир бўлмаган бу қонли интиқомда 600 минг киши қирилади. Лекин XX асрнинг 30 — 50-йилларида социалистик жамиятда Сталин томонидан миллионлаб (тахминан 50 миллион киши) бегуноҳларнинг қириб ташланиши олдида Темурнинг қилмиши қиёсга арзигуликмикан?

Бу ҳодисаларнинг барчасига умумий тарзда баҳо бериб айтиш мумкинки, ҳар қандай ҳуқуқсиз давлатнинг катта сиёсати катта қурбонлар келтирилишига сабаб бўлади.

Темурнинг муҳолифлари: «Темур босиб олган ерларидан уста, меъмор ва олимларни кўчириб келиб, фақат Самарқандда қурилишлар олиб борган ва ободонлаштирган. Бошқа ерлар билан эса иши бўлмаган», деган сафсаталарни айтишади. Бу ҳақда аввалам бор шуни айтиш керакки, ҳар қандай буюк давлатдаги илм-фан ва маданият арбоблари фақат шу давлатдаги ҳукмрон миллат вакилларидагина эмас, балки кўп миллат вакилларидан иборат бўлиб, улар миллати жиҳатидан байналмилал бўлади. Тарихда бунга мисоллар кўп. Араб халифалигини олайлик. Араб маданияти энг гуллаган давр — X-XI асрларда Бағдод, Дамашқ ва бошқа шаҳарларда ижод этган олимларнинг кўпчилиги эронликлар, сурияликлар, хоразмликлар, суғдлар, яҳудийлар, юнонлар ва ҳатто Мовароуннаҳр туркларидан ҳам иборат эди. Рус империясини олайлик. XVIII аср ва



XIX асрнинг биринчи ярмида Петербург академиясида ишлаган олимларнинг мутлақ кўпчилиги Ғарбий европаликлар бўлиб, аввалига улар орасида рус миллати вакилларидан деярли йўқ эди. Рус олимлари кейинчалик шакллана бошлади.

Демак, илм ва маданият аҳллариининг ўз ижодларига шароит излаб, бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ва, айниқса, йирик пойтахтларга кўчишлари табиий бир ҳол эди.

Темур минг-минглаб олим ва меъморларни ўз пойтахти Самарқандга йўллаб, фан, маданият юксалиши учун қадимий анъаналарга таянмаганида ва улар учун шароит яратиб бермаганида эди, олиму фозилларнинг кўлидан ҳеч нарса келмас ва улар тезда тарқалиб кетган бўларди. Фикримизнинг исботи сифатида икки-та мисол келтирамиз.

Маълумки, мўғуллар 1221 йилнинг эрта баҳорида буюк Хоразмшоҳлар пойтахти Гурганчи забт этиб, шаҳар аҳолисини қирғин қилади ва улар орасидан юз минг энг зўр уста-ҳунарманд ва олимларни Чингизхон империясининг пойтахти Қорақурумга олиб кетади. Шу воқеалардан 30-40 йилча кейин Қорақурумда бўлган итальян сайёҳлари у ерда қарийб 2 миллион турли миллатга мансуб ҳунарманд ва донишмандларни учратган. Демак, мўғуллар босиб олган барча йирик шаҳарлардан зиё аҳли олиб кетилган. Лекин ўша олим, ҳунарманд ва донишмандларнинг ишларидан бирор асорат қолдими? Бу саволга иккиланмасдан «йўқ!» деб жавоб бериш мумкин. Чунки у олим, ҳунармандлар маданият марказларидан золимлик билан кўчириб кетилган бўлиб, саҳро ўртасида жойлашган, ўтов ва капалардан иборат бўлган шаҳарда — Қорақурумда ижод аҳли учун ҳеч қандай шарт-шароит йўқ эди. Шунинг учун у бахтсизлар ўзларидан ҳеч қандай асорат қолдирмай, бекорга саҳрода ўлиб кетишди.

Иккинчи мисол тариқасида Қозизода Румийнинг тақдири ҳақида тўхталиб ўтиш мумкин. У аслида Туркиянинг шимоли-ғарбида, Мармар денгизи соҳилидаги Бурса шаҳрида туғилган бўлиб, мадрасада ўқиб юрган йилларида устози Фанорий афандидан «Мовароуннаҳр уламосининг улуми риёзиядаки овозаи машхурасини эшита-эшита ниҳоят икмоли таҳсил учун у жониба гетмакка қарор вермиш»<sup>1</sup> экан. Агар Қозизода 1355 —

---

Солиҳ Закий. Осори боқия. 1-жилд, Истамбул, 1329 ҳижрий (1911 милодий) йил. 186—187-бетлар.

1365 йиллар орасида таваллуд топганини эътиборга олсак, бу воқеа XIV аср 80-йилларининг ўрталарига тўғри келишини кўрамиз. 1380 йилларнинг ўртасида Темур энди «уч йиллик юришга» отланаётган эди. Де-мак, ўша даврдаёқ, яъни Темур ҳали бегона мамлакатлардан олимларни келтирмасиданоқ Мовароуннахрдаги олимларнинг математика илми соҳасидаги овозаси Осиё ва Оврупога ҳам, ҳатто Туркиянинг кичик бир шаҳарчасигача тарқалиб, у ердаги ёш йигит — Қозизодани ўз илмини камолотга етказишга даъват этган.

Албатта, Темур фан арбобларини бошқа ерлардан пойтахтга олиб келганини инкор этиб бўлмайди. Улар орасида Хусомиддин Иброҳимшоҳ Кермоний каби табиб, мавлоно Аҳмад каби астрономлар ҳам бор эди. Лекин аслида олим ва ҳунармандларни Мовароуннахрга ва унинг пойтахти Самарқандга бу ердаги илм ва ҳунарларнинг юксак даражадалиги ва шуҳрати жалб этганлиги шубҳасиздир.

Яна шуни ҳам қўшимча қилиб айтиш мумкинки, мўғул истилосидан анча авваллари ҳам, истило арафасида ҳам, Мовароуннахрда дунё фанининг шаклланиш ва ривожланишига муҳим ҳисса қўшган буюк олимлар ва меъморлар ўтган. У даврда ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Бухорий, ас-Самарқандий, аш-Шоший, ал-Фаробий, ал-Жавҳарий ва бошқа бизнинг еримизга мансуб исмлар Мовароуннахрнинг худудидан ташқарида жуда машҳур бўлган. Агар мўғул истилосидан илгари Мовароуннахрдан бундай олимлар етишиб чиқмаганида эди, ҳозирги замон «темурушнос»ларининг мазкур фикрлари тўғри бўлур эди. Мўғул истилоси бошқа мамлакатларга нисбатан Мовароуннахрга жуда катта талафот келтирди. Бу талафотлардан бири мўғул истилоси натижасида кўплаб донишманд ва зиёли кишилар Мовароуннахрдан хорижий шарқ мамлакатларига қочиб кетишга мажбур бўлдилар. Кетолмаганлари эса Мўғулистонга олиб кетилди ёки қатл этилди. Темур хориждан Самарқандга олиб келган олимлар ҳеч уларнинг ўрнини тўлдирма олмас эди.

Энди Темурнинг мамлакатни ободонлаштириши масаласига келсак, бу борада Темур билан Чингизхон ва унинг авлодлари орасида ҳеч қандай ўхшашлик бўлиши мумкин эмас. Бу хусусда рус академиги В. В. Бартольд де Клавихога жўр бўлиб, унинг вайронагарчиликлар қилганлиги ҳақида гапирса ҳам, Темурнинг

буюк бунёдкор ва ижодкор эканлигини тан олишга мажбур бўлган. У айтади: «Темур бир вақтнинг ўзида ашаддий бузгунчи ва ташаббускор қурувчи эди: у буюк иморатлар барпо этди ва уларни улкан боғу роғлар билан ўради, шаҳар ва қишлоқларни тиклади, сув иншоотлари қурди ва бузилганларини тузатди. Темурнинг ижодкорлик фаолияти ҳам унинг қилган вайронагарчиликлари каби кишини ҳайратда қолдирарди. Муслмон меъморчилигидаги энг яхши давр Темур ва унинг авлодлари номи билан боғлиқ.

Албатта, Темур энг аввало пойтахти Самарқандни ободонлаштиришга, унинг салобати ва улуғворлигини орттиришга ҳаракат қилган. Лекин у Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида, ҳатто Жанубий Озарбайжон ва Қобул каби узоқ ерларда ҳам ободонлик ишларини олиб борган, сув иншоотларини қурдирган.

Юқорида айтилганлардан кўришиб турибдики, Темурнинг қилган «вайронагарчиликлари», «ваҳшийликлари» ва «қонхўрликлари» ундан бир неча аср кейин яшаган лашкарбошилар ва давлат арбобларининг фаолиятларидан ортиқ бўлмаган. Ҳатто бу борада Темур уларга етолмаган ҳам. Умуман олганда унинг барча қилмишларини тарозига қўядиган бўлсак, унинг ижобий фазилатлари посонгини босиб кетади.

Жаҳонгир Амир Темурнинг ҳаёти ҳақидаги тарихий ҳақиқат ана шундай. Темур ўз замонасининг ва ўз синфининг вакили сифатида яшади, курашди ва барча довжурак кишилар каби ўлимни мардларча кутиб олди. У жаҳон тарихида буюк шахслар қаторида шарафли ўринни эгаллашга ҳақлидир.

## ШАРАФУДДИН АЛИ ЯЗДИЙ «ЗАФАРНОМА»

Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари тарихини ёритишда қимматли ва нодир ёзма ёдгорликлардан бири. Унда Амир Темурнинг давлат фаолияти (1370-1405) ва ҳарбий юришлари баън қилиниши билан бир қаторда XIV аср охири ва XV аср бошларида Ўрта Осиёдаги маданий ҳаётга доир бир қанча ноёб маълумотлар ҳам келтирилган.

Шарафуддин Али Эроннинг Язд шаҳридан унча узоқ бўлмаган Тафт мавзеида туғилди (йили номаълум). 1415 ва 1435 йиллар орасида темурийлардан бўлган Иброҳим Султон Султон хизматида бўлди. Бу йилларда Иброҳим Султон Эроннинг Форс ўлкасида ҳукмрон эди. 1442-1446 йилларда эса Яздий Султония, Қазвин, Рай ва Қумни ўз ичига олган вилоятнинг ҳоқими бўлиш Мирзо Султон Муҳаммад саройида хизмат қилган. 1446 йили темурийлар салтанатининг олий ҳукмдори Шохруҳ (1405-1447) ўзига бўйсунишдан бош тортган набираси Мирзо Султон Муҳаммадга қарши юриш қилиб, уни исёнкорликка ундаган маслаҳатчилари ва тарафдорларини қатл эттирди. Гуноҳкорлар қаторида Шарафуддин Али Яздий ҳам бор эди. Шу пайт Шохруҳ ҳузуринида бўлган унинг сеvimли набираси Абдулагиф (Мирзо Улуғбекнинг ўғли) Яздийни жуда қаттиқ сўроқ қилади. Буни кўрган Шохруҳ Яздийни жазолашни набирасига топширади. Абдулагиф эса уни тезда Ҳиротга жўнатиб юбориб, ўлимдан қутқариб қолади. Бироқ, маълумотларга кўра Яздий кўп ўтмай яна она шаҳрига қайтиб келган: Алишер Навоий олти яшар чоғида (1447 йил) Ҳиротдаги баъзи сиёсий воқеалар туфайли ота-онаси билан Ҳиротдан Ироқ томон сафар қилган вақтида йўл-йўлакай Тафти Яздда бўлган ва бу ердаги хонақоҳда тарихнависни кўрган.

Яздий қаламига «Зафарнома» асаридан ташқари фалакиёт, адабиёт назарияси ва тасаввуфга оид бир қатор бошқа асарлар ҳам мансубдир. Ўзбек классик адабиётининг асосчиси Алишер Навоий Шарафуддин Али Яздийнинг билими ва асарларига баҳо бериб: «Мавлононинг соҳиби камоллиги олам аҳли қонида мусалламдир», деб ёзган эди «Мажолис ун-нафос» асарида.

«Зафарнома» асосан 1425 йили Форс ўлкасида, форсий тилда гоятда иборат оро бир услубда ёзилган. Асарнинг яратилиши Мирзо Иброҳим Султон номи билан боғлиқ. Яздий китобга ёзган муқаддимасида келтирган хабарга кўра Мирзо Иброҳим Султон ҳужжатлар ҳамда воқеалар шохидларининг берган гувоҳликлари асосида Амир Темур даврининг мукамал тарихини яратиш фикрида бўлган ва бунинг учун барча керакли маълумотларни тўплаб, ўз муаррихи Яздийга уларни китоб шаклида баён қилишни буюрган. Бироқ муаллифнинг айрим гапларидан маълум бўлишича, у кейинчалик ҳам асар матнига баъзи бир тузатишлар ва аниқликлар киритиб борган. Шунинг учун ҳам «Зафарнома» асарининг турли даврларда ёзилган нусхаларидаги матни ҳамма вақт ҳам бир-бирига мос тушавермайди ва улар орасида сезиларли фарқлар мавжуд. (Жумладан,

бу ҳол қуйида келтирилган Туркистонда Аҳмад Яссавий мақбарасининг қурилиши баён этилган парчада ҳам кўзга ташланади.

Қуйида Темур даврида Ўрта Осиё меъморчилик ёдгорликларининг қурилишига оид бир нечта парчалар таржимаси келтирилади. Улар «Зафарнома»нинг 1628 йили Самарқандда кўчирилган ва ҳозирда Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти китоб хазинасида 4472-рақамда сақланиб келинаётган қўлёзма матни асосида амалга оширилди.

Мазкур парчаларда тавсифланган обидалар илмий адабиётда бир-мунча мукамал ёритилган. Шунинг учун биз таржималарни Яздийнинг тарихий воқеаларни ёритиш услубидан намуна сифатида келтириб, айрим ҳоллардагина изоҳлар билан бойитдик.

## А. ЎРИНБОЕВ

### ШАҲРИСАБЗ ҚУРҒОНИ ВА ОҚ САРОИНИНГ ҚУРИЛИШИ БАЁНИДА

(163<sup>a</sup> варақ)

...Баъзи бир тарихий китобларда айтилишича, Кеш шаҳри қадим айёмларда ислоннинг буюк уламолари йиғиладиган жой бўлган. Таниқли муҳаддислардан <sup>1</sup> уч мўътабар имом: Абу Муҳаммад Абдаъ <sup>2</sup> ибн Ҳамид ибн Наср ал-Кеши, Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ад-Дорамий ас-Самарқандий ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, — Аллоҳ улардан рози бўлсин, — шу диёрга келиб ватан қилган эдилар. Ўша даврларда илм аҳли уларнинг билим ва фазилат нурларидан баҳраманд бўлмоқ учун мана шу муборак шаҳарга чор атрофдан, турли ўлкалардан йўл олардилар. Жумладан Абу-л-Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож ал-Қушайрий ан-Нишобурий бу ерга ташриф буюриб, Абдаъ ибн Ҳамид ал-Кешидан (билим) истифода қилган эди. Имомлар ва фозил кишилардан кўнлари шу ерда жам бўлган эдилар. Уларнинг барчасига ҳам дарс ва ифода ўтишлари учун жойлар ажратилганди. Шунинг учун ҳам Кеш шаҳрига «Қуббат ал-илм ва-л-адаб» (илму адаб қуббаси) деб лақаб берилган. Бу шаҳар ва диёрнинг боғу бўстонлари ва майсазорларининг таровати ва гўзалли-

<sup>1</sup> *Муҳаддислар* — Муҳаммад пайғамбар ва саҳобалари ҳаёти ва фаолияти, диний ва ахлоқий кўрсатмалари (Ҳадис) ҳақидаги ривоятларни тўплаш билан шугулланадиган олимлар.

<sup>2</sup> *Абу Муҳаммад Абдаъ* (ваф. 865 й.), Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон (ваф. 869 й.), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (ваф. 870 й.) ва Абу-л-Ҳусайн Муслим... (ваф. 875 й.) — I X асрда яшаган машҳур муҳаддислар.

ги, айниқса, баҳор айёмида тому деворларигача майсалар билан қопланиши туфайли «Шаҳри сабз» («Яшил шаҳар») номи билан машҳур бўлганди.

Сичқон йилига тўғри келган (ҳижрий) 781 йилнинг охири (милодий — март, 1380), эрта баҳор фасли эди. Ўз қуввати билан (табиатни) гуллатиб яшнатувчи меъмор кўкатлар ва майсазорлар шаҳрини обод қилишга киришган, атиргул буталаридан қасрлар яратиб, лаългун шохчалар учини баланд кўтарган ва уларни фируза ранг нақшли барглар билан беаган бир вақтда... олий ҳазрат соҳибқирон...<sup>1</sup> гулларидаан мушку анбар бўйи таралувчи, сувидан гулоб таъми келувчи Кешнинг хушхаво ва ром этгучи заминида шодлик нашъасини суриб, ором олмоқ азми билан бу ерда салтанат тахтини ўрнатирди. Сўнг Шаҳрисабз кўрғонини қуриш ҳақида фармон берди ва (ишларни) амирлару лашкар аҳли ўртасида тақсимлади. Кўрғон қурилиши учун муносиб келувчи саодатли соатда унинг пойдеворини қурдилар. Шаҳар ичида эса қазою қадардек бажарилиши сўзсиз бўлган фармонга биноан бир қаср бунёдига асос солдилар.

Шеър:

Унинг кунгирасининг баландлиги шу  
даражага етдики,  
(Ҳасаддан) осмон кўзидан  
ёш (юлдуз)лар тўқтирди.  
Қаро тунда унинг деворлари чунонам  
ошпоқ бўлиб кўринардик,  
Ҳатто муаззинлар<sup>2</sup> тонг отибди деб  
гумон қилардилар.  
«Назар арқонини қандай қилиб унинг  
тепасига ташласам экан?» деб,  
Узоқни кўра олувчи ақлу дониш юз бор  
хаёлга чўмди.

Иморат шу қадар баланд ва фавқулодда жозибали эдики, ... ҳатто кекса муҳандис бўлмиш гардун шунча йиллар жаҳон атрофида айланган бўлишига қарамай бундай гўзал бинони ҳали кўрмаган эди.

<sup>1</sup> *Соҳибқирон* — Амир Темурнинг лақаби; «соҳиб» тарж. — эга, «қирон» — илми нужумда икки шарофатли сайёра, Зухра (Венера) ва Муштарий (Юпитер) ўз ҳаракатида бир-бирига яқинлашган ҳолатни «қирон буржи» деб атаб, уни бахт-саодат аломати деб фол кўрилган: соҳибқирон — мазкур икки сайёра бир-бирига яқинлашган вақтда туғилган бахтиёр подшоҳ демакдир.

<sup>2</sup> *Муаззин* — масжидда азон айтиб, намозга чорловчи шахс.

(Шеър:) Ердан самога бош кўтарган  
(бу саройнинг)  
Номи шарафи «Оқ Сарой» деб  
аталди...

**БОҒИ ШАМОЛ ҚАСРИНИНГ  
ҚУРИЛИШИ БАЕНИДА**  
(289<sup>a</sup> варақ)

Эрта баҳорда хуршиди жамшид (қуёш) буржлар  
фалакининг жанубий ярмидан шимолий ярмига кўчиб  
ўтиб, шарафу иқбол маконидан ўрин олган ва шоҳлик  
саропардаси арқонини балиқ (буржи)нинг думидан  
олиб, барра (буржи)нинг бўйнига боғлаган бир пайт-  
да, —

Байт:Гардун хусрави (қуёш) ҳамал  
буржи боргоҳига ўтириб  
Ўсимликлар номига униб чиқиш учун  
хукм чиқарди.

Ҳазрати соҳибқирон обод Самарқанднинг шимолий  
томонида барпо этгани «Боғи Шамол» номи билан  
машҳур бўлган боққа кўчиб ўтиб, жаҳон аҳли сиғудек  
улкан саропарда (шоҳона чодир) қурдирди. Унинг дар-  
возаси олдидаги чодир (кўндалон) ҳамда подшоҳ  
қабулхонаси (боргоҳ), базмлар учун тикилган катта ва  
кичик чодирлар кўкка бўй чўзиб, ойга теккудек тую-  
ларди. Бу эрам боғи янглиғ ором масканини жаннат-  
нинг базм саройи ҳасад қиладиган даражада ораста ва  
салобатли қилиб безатдилар. Қазодек кескин фармон  
содир бўлдики, ул фирдавс монанд боғда амирзода  
Мироншоҳнинг<sup>1</sup> қизи, олий иффат соҳиби Бека Султон  
номига атаб дилни ром этувчи баланд бир қаср ва гўзал  
бир ишратгоҳ қурсинлар. Форс ўлкасининг барча вило-  
ятлари, Ироқ, Озарбайжон, Доруссалом (Бағдод) ва  
бошқа мамлакатлардан дор-ус-салтанат (Самарқанд)га  
жамъ бўлган моҳир муҳандислар, равшан фикрли меъ-  
морлар қасрнинг тарhini ўткир фаросат қалами билан  
маҳорат лавҳасига чиздилар. Уни ҳазрати соҳибқирон  
маъқуллагач, ёрқин раъйли мунажжимлар қаср қури-  
лишини бошлаш учун муносиб вақтни белгилашда  
хушёрлик ва эҳтиёткорликнинг барча шартларига риоя  
қилган ҳолда ит йилига тўғри келган 799 сана жумод

<sup>1</sup> *Мироншоҳ* — Амир Темурнинг учинчи ўғли, 1404-1408 йил-  
ларда Озарбайжон ва Ироқда хукмронлик қилган. 1408 йилда ўлди-  
рилган.

ал-охир оѝи (март, 1397)нинг қувончли бир соати ва бахтли бир толеѝида қаср қурилишини бошладилар. Қасрнинг тўрт рукнини амирлар ўртасида тақсимлаб, (289<sup>6</sup> варақ) ҳар бир ишбоши-саркор ихтиѝрига бир мамлакатдан келтирилган усталару бир диѝрдан келтирилган ҳунармандларни тайин қилдилар. Ҳаддан ортиқ жидду жаҳд, беқиѝс гайрат кўрсатиб, кечаю кундуз қаср қурилишига машғул бўлдилар. Фалак хизматкори бўлмиш соҳибқирон қаср қурилишига ғоят зўр эътибор бериб, бир ярим ой давомида ўз муборак зотининг илтифотини бу ишга йўналтириб турди. Шу қабилда қасрнинг юксак шифтининг баландлиги Қайвон айвони кунгураларидан ҳам юқорилаб кетди, ажиб кўриниши эса гўзаллик ва нафисликда жаннат боғининг рашкини келтиргудек бўлди...

Мустаҳкам рукнларини бағоят маҳкам ва пухта қилиб кўтардилар. Ҳар бир рукнига Табриздан келтирилганлари мармар тошдан ишланган биттадан устун ўрнатдилар. Деворлари сатҳини ложувард ва олтин билан шундай ажойиб ва ҳайратомуз даражада гўзал этиб нақшладиларки, уларнинг тароватидан Моний расмлари ва Чин нигорхонасини уяту хижолат ғубори қолади. Қасрнинг саҳнига мармар тошлардан ва Кўҳи Нур (Нурота)дан келтирилган тошлардан шундай чиройли қилиб ётқиздиларки, уларнинг латофатидан бошдан хуш учиб, ақл ҳайрон қолади. Ташқи деворининг ич тарафидаги изораси (ер билан токча орасидаги қисми)ни кошин билан безадилар...

Қурилиш тамом бўлгач, ул қутлуғ мақомда фалак янглиғ ҳашаматли ҳоқон подшоҳона тўйлар ва хусравона базмлар ўтказди.

**«БОҒИ ДИЛЖУШО»НИНГ  
БАРПО ЭТИЛИШИ ВА ДИЛНИ ХУШНУД ЭТГУВЧИ  
ҚАСР ҚУРИЛИШИ БАЕНИДА**

(293<sup>6</sup> варақ)

Ҳижрий 799 йил эрта кузида (октябрь, 1396) ҳазрат соҳибқирон Қонигил ўтлоғининг чеккасида орасталиги ва таровати билан Эрам боғидан кўра кўпроқ кўнгил очувчи, жаннат бўстонидан зиёдароқ дилни шод этувчи бир боғ яратиш ҳақида фармон берди...

Машриқдан тортиб мағрибгача ҳар бир мамлакат ва давлатдан халифалик тахтининг қароргоҳи (Самарқанд)га жам бўлган донишманд муҳандислар ва



соҳиб ҳунар қурувчилар саодатли соатда ва толеъ юлдузи кулиб боққан дамда олий ҳазратнинг ишорати билан ул жойда бир боғ бунёд этдилар. Боғ тўрт бурчак шаклида бўлиб, ҳар бир томони бир ярим минг газга баробар. Тўрт томоннинг ҳар бирининг ўртасида биттадан баланд дарвоза ўрнатилдики, уларнинг тоқи осмоннинг муқарнас шифтига юксалган. Тоқлар турфа рангли кошинлару нақш-нигорлар билан безатилган. Боғнинг тўрт томонидаги тўрт бурчакнинг ҳар бирида ат-Тоир (юлдузи) ошиёнига етгудек кабутар буржи қад кўтарган. Буржлар кошинкорлик санъати билан бағоят нафис ва гўзал қилиб безатилган. Боғ саҳни ҳандаса услубида тўрт бурчак шаклидаги ўтиш жойлар ва олти бурчагу уч бурчак шаклидаги чаманзорларга бўлинган. Ўтар йўллар четига оқ тераклар, олти бурчак ва уч бурчак чаманзорлар атрофида эса турли-туман мевали дарахтлар ва гул буталар экишга фармон берилди (294<sup>а</sup> варақ). Боғ ниҳоятда дилкушо ва гўзал тарзда барпо этилгач, безавол иқбол тили унинг исми жисмига монанд бўлсин учун «Боғи Дилкушо» деб атади. Боғнинг ўртасига учта баланд тоқли, қуббаси эса кўкка бўй чўзган бир қаср қурдилар...

(Шеър): Унинг атрофига рукнлар  
кўтариб,  
Мармар устунларни тикладилар.

(Ҳазрати соҳибқироннинг) подшоҳона ҳиммати... Хизрхўжа ўғлоннинг қизи, улуғлик чодирини соҳибаси бўлмиш Тўкалхонимнинг<sup>1</sup> кўнглини овламоқ учун қасрни унинг номига атади, чунки ҳазрати соҳибқирон бу қизни ўзи учун сўратиб совчилар юборган эди.

### ШАЙХ АҲМАД ЯССАВИЙ МАҚБАРАСИНИНГ ҚУРИЛИШИ БАЕНИДА

(294<sup>б</sup> варақ)

Боғи Дилкушо барпо этилгач, фатҳ ояти (битилган) галаба ёр байроқ Тошкент томон йўналди. Шоҳларга хос лашқар Сайхун сувидан кечиб ўтгач. Оҳангаронда тўхтаб, Чинос қаряси ёнида чодирлар ўрнатилди. Уша

<sup>1</sup> Хизрхўжа ўғлон қизи Тўкалхоним — 1397 йилда амир Темур унга уйланган ва кичик бека сифатида ҳарамда иккинчи ўринни эгаллаган. Биринчи ўрин Амир Темур 1370 йилда уйлангани Қозонхоннинг қизи Сароймулкхонимга тегишли эди.

ерда қишлашга қарор қилдилар ва шу мавзеда қамишдан уйлар қурдилар. Ҳазрати соҳибқирон имомзода Ханафиянинг авлодидан бўлган шайх Аҳмад Яссавийнинг<sup>1</sup>, — Аллоҳ таоло улардан рози бўлсин, — (қабрини) зиёрат қилиш учун Ясси қарясига йўл олди. (Сўнг) ул табаррук мазор устида иморат қуриш ҳақида фармони олий содир бўлди: унинг гумбазини шундай бунёд этсинларки, ич томонидан айланаси бир юз ўттиз газ бўлсин. Шу зайлда унинг қутри (диаметри) қарийб қирқ бир газ бўлиши керак, қурилиш тугагач, баландлиги ҳам шунга муносиб кўтарилмоғи лозим, деворлари ва қуббасини рангли кошинлар билан безатсинлар, эшигини етти хил маъдан қотишмасидан<sup>2</sup> ясаинлар, ўртасида бир ҳовуз ясаб, унинг сатҳини ҳам етти маъдан қотишмаси билан қопласинлар. Қабр устига қўйиш учун Табриздан мрамартош келтирсинлар, уни нозиклик билан тарошласинлар ва ажойиб ўйма нақшлар туширсинлар.<sup>3</sup> Қурилишни якунлаш мавлоно Убайдуллоҳ садр зиммасига юкланди. Буйруққа биноан (мақбара) қурилиши бир йилда тугади.<sup>4</sup>

## ТАХТИ ҚАРОЧА ҚАСРИНИНГ ҚУРИЛИШИ

(293<sup>a</sup> варақ)

(Ҳазрати соҳибқирон) «бир неча кундан сўнг»<sup>5</sup> (Са-

<sup>1</sup> Аҳмад Яссавий — тасаввуф ва тасаввуф адабиётининг машҳур намояндаси, Яссавия ёки «Жаҳрия» тариқатининг асосчиси, Туркистон яқинидаги Ясси шаҳрида тугилган. 1166 йилда ўша ерда вафот этган. Машҳур «Девони ҳикмат» шеърлар тўпламининг муаллифи.

<sup>2</sup> Асар матнида «Ҳафт жуш» — етти хил маъдан қотишмаси: темир, қўрғошин, мис, қалай, олтин, кумуш, сурма.

<sup>3</sup> Яздий «Зафарнома» сининг Техрон наشريда (1366-1958) бинонинг тавсифи қуйидагича: шундай бир мўтабар иморатга асос солдиларки, икки минорали, баланд ва кенг тоқи бор, гумбазининг айланасини ўттиз газга ўттиз газ, бошқа гумбази — ўн икки газга ўн икки газ, Мунаввар қабр тепасидаги чорсупа катта гумбазнинг қибла томонида (ғарбида) жойлашган ва унга бирлашган, гумбазнинг икки томонида одамлар тўпланадиган уй (жамоатхона) ҳамда бошқа ҳужралар ва уларга туташ уйчалар ёнида ҳар бирининг (катталиги) ўн уч ярим газга ўн олти ярим газ бўлган иккита бошқа чорсупа жойлашган. (Мақбара) деворлари ва қуббасини кошинкорлик билан, қабрини эса оқ тош билан безасинлар, деган фармон берилди.

<sup>4</sup> Техрон наشريда «икки йил».

<sup>5</sup> «Зафарнома»нинг бундан аввалги сатрларида (294<sup>b</sup>—295<sup>a</sup> — варақлар) 800 сана рабиъ ал-аввал ойининг бошларида (22 ноябрь 1397) Амир Темурнинг Тўқалхонимга уйланиши, Хитойдан элчилар келиши, сўнг қиш фаслини ўтказиб, Самарқандга қайтилганлиги баён этилади. Демак, Тахти қароча қурилишининг бошланиши 1398 йил баҳорига тўғри келади.

марқанддан) кўтарилиб, азимат жиловини Кеш томон бўшатди. Бу йўлда бир тоғ борки, ундан Самарқандга-ча қарийб етти фарсах келади. Унинг бошланишида бир анҳор оқади. Дарёдек сахий ва осмондек шавкатли подшоҳона таширф шуъласи у тоққа тушди. Оламни тартибга келтириб равнақ бериш борасида ҳимматининг зўрлиги туфайли иморат қуришга яроқли ҳар бир жойнинг зое кетишини раво кўрмайдиган, мамлакатларга оро берувчи раъй бу мавзеда бир боққа асос солишга фармон берди, (295<sup>6</sup> варақ) токи бу чучук сувли анҳор у жаннат асарли бўстонда «унинг тагида анҳор жорийдир» деган ояти каримани эслатиб турсин. Боғ ўртасида воқе бўлган кўҳпора устида эса бир қаср қуришни буюрилди. Бажарилиши вожиб бўлган бу амр ижро этилиб, қаср қурилиб битгач, унга «Тахти қаро-ча» деб ном берилди.

**ҲАЗРАТИ СОҲИБҚИРОН САЛТАНАТ ПОЙТАХТИ  
САМАРҚАНДА БУНЁД ЭТТИРГАНИ ЖОМЕЪ  
МАСЖИДИНИНГ ҚУРИЛИШИ БАЁНИДА**

*(346<sup>6</sup> варақ)*

Адолат ўрнатувчи Аллоҳ томонидан қўллаб-қувватланган ҳазрати соҳибқирон Ҳиндистон юришида...<sup>1</sup> беддинларнинг оташкада ва бутхоналарини вайрон қилиш билан машғул бўлган бир пайтда... Самарқандга (қайтгач) бу ерда бир жомеъ масжиди қуриб, унинг кунгураларини фалакларгача кўтаришни ният қилиб қўйган эди.

Жаҳонни фатҳ этувчи мавкаб ғалаба ато этувчию йўл кўрсатувчи тангрининг ҳимояти остида ва унинг қўллови билан (Ҳиндистон юришидан) дор ус-салтана Самарқандга қайтгач, осмонга бўй чўзган у иморатнинг бунёд этилиши ҳақида олий фармон чиқарилди.

Қуён йилига тўғри келган 801 сана, муборак рамазон ойининг тўртинчисида (1399, 10 май), ой асад буржида (347<sup>6</sup> варақ) офтоб олтибурчагидан узоқлашиб, Зухра олтибурчагига яқинлашган бир вақтда соҳибхунар муҳандислар ва билимдон устодлар бахтли бир соат ва мувофиқ бир толеъда унинг биноси тархини

<sup>1</sup> Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши 1398 йилнинг августида бошланиб, 1399 йилнинг апрелида тамом бўлган.

чиздилар. Ҳар қайсиси бирон кишварнинг сараси ва бирон мамлакатнинг яғонаси бўлмиш эпчил усталар ва хунармандлар, (масжиднинг) рукнларини мустаҳкамлашу бинони кўтаришда жуда аниқлик билан иш юртиб, маҳорат кўрсатдилар. Масжид қурилишига Озарбайжон, Форс, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардан (келтирилган) беш юз нафар сангтарош жалб этилди. Яна бошқа беш юз киши тоғларда тош кесиб, шаҳарга жўнатишдек (оғир ишда) чидам кўрсатдилар. Ер юзининг одам зоти яшайдиган қисмидан пойтахт (Самарқанд)га жамланган турли касб эгалари ва хунармандларнинг ҳар бири ўз зиммасидаги ишни зўр жидду жаҳд билан бажардилар. Улкан тошларни ҳўкиз арава ва кўплаб одамлар ёрдамида тортиб келтирардилар. Шаҳзодалар ва амирлар иш бошқарувчилик (вазифаларини) ўзаро тақсимлаб олиб, инсон боласининг сабртоқати ва куч-қуввати етиши мумкин бўлган даражада саъй-ҳаракат ва жонбозлик кўрсатиб, бир дақиқа бўлса ҳам бирон ишда сусткашликка йўл қўймадилар...

Онҳазрат (соҳибқирон) бу диний ишни охирига етказишга иштиёқ ва ғайратининг зўрлиги туфайли шахсан ўзи тез-тез иморат қурилишида ҳозир бўларди. Ҳатто ўша муддат давомида аксар вақтини қурилаётган масжид яқинидаги Хоним мадрасасида ва Туман оғо хонақосида ўтказарди. Халқнинг додига етиш ва раиятпарварликка тааллуқли диний масалалар ва салтанат ишларини ҳам у кўпинча шу ерда амалга оширарди. Шу тарзда шоҳона илтифот шарофати билан (масжиднинг) олий кунгуралари қурувчисининг қадр қиймати янглиғ Қайвон айвонининг тўсинларига етишди... Тошлардан тўрт юз саксон устун тарошланди. Улардан ҳар бирининг узунлиги етти газга тенг келарди. Баланд шифти ва ажойиб фаршининг ҳаммаси тарошланган тош тахтачалар билан безатилган. Шу тариқа (масжиднинг) фаршидан тепасигача бўлган баландлиги қарийб ўн газ эди (347<sup>6</sup> varaқ)...

Унинг тўрт рукнининг ҳар бирида биттадан минора қад кўтарди.

Байт:

Улар осмоннинг ҳар тарафига овоза  
таратиб,  
«Обидаларимиз (авлодларга) бизнинг  
кимлигимиздан далолат берадилар»  
нидосини  
оламнинг тўрт рукнига янградиладар.

Етти маъдан қотишмасидан ишланган улкан дарво-  
засининг садоси етти иқлим обидлари (дуосини) До-  
руссалом (Бағдод)га етказиб туради; айлана девори-  
нинг ички ва сиртки томонлари ҳамда тоқларининг  
юзаси тошга ўйилган китоба (ёзув)лардан зийнат топ-  
ган, «ал-Қаҳф» сураси ва бошқа Қуръон оятлари ҳарф-  
лари ҳам калималарининг нурли акси уларда жилолан-  
ган (457<sup>a</sup> варақ).

Оламни забт этувчи соҳибқирон Жаҳоннамо қасри-  
дан саодат билан отга миниб, саккиз юз еттинчи йил  
муҳаррам ойида (1404 йил, июль) Самарқандда Боғи  
Чинорга келиб қўнди, у ердан шаҳар ичига кирди ва  
(марҳум) бахтли шаҳзода Муҳаммад Султон<sup>1</sup> мадра-  
сасини келиб қўриб, (қабрни) зиёрат қилиш расмини  
адо этди. Мадраса қурилгандан то шу вақтгача ҳали  
унга онҳазратнинг шарофатли назари тушмаган эди.  
Сўнгра ҳазрати соҳибқирон Боғи Чинорга қайтди (457<sup>a</sup>  
варақ)...

(Бир оз вақт ўтгач, у яна) Самарқандга кирди;  
(марҳум) шаҳзода Муҳаммад Султоннинг уйи онҳаз-  
ратнинг ҳумоюн манзилгоҳи бўлиш шарафига эришди.  
Бу ерда фармон чикдики, шаҳзоданинг нурли қабри  
учун унинг ҳиммат меъмори томонидан қурилган мад-  
расага улаб бир гумбаз кўтарсинлар. Фармонга муво-  
фиқ хонақоҳ майдонининг олд томонидан (мадраса-  
нинг) жанубий суффасига улаб фалак янглиғ бир қуб-  
ба бунёд этдилар, унинг изорасини тилло ва лажувард  
билан нақшланган мрамар тошлардан ишладилар ҳамда  
мағфиратга чўмилгур мурдани қўйиш учун бир сардо-  
ба кавладилар. Сўнгра хатми Қуръон қилиб, ожизу  
эҳтиёжмандларга садақалар улашиб, барча расм-русум-  
ларга рияо қилинган ҳолда марҳум шаҳзода жасади-  
ни хонақоҳнинг гумбази остидан шу сардобага кўчир-  
дилар. Мадраса атрофида бўлган бир нечта уйни  
бузиб, жаннат мисол бир боғча яратдилар (458<sup>a</sup>  
варақ)...

Соҳибқирон ўзининг кўрғазмаси билан қурилган  
бинолардан бири, аммо у сафарда эканлигида кўтарил-  
ган жомеъ масжидини бориб кўрганида, унинг баланд

---

<sup>1</sup> *Муҳаммад Султон* — Амир Темурнинг катта ўғли Гийёсиддин  
Жаҳонгирдан бўлган невараси. У йигирма бир ёшида, 1403 йилнинг  
февраль ойида Кичик Осиёга юриш вақтида тўсатдан вафот этган.

ҳиммати назарида кичик ва паст кўринди. Шунинг учун амри олий содир бўлдим, масжидни бузсинлар ва қайтадан баландроқ ва кенгроқ қилиб қурсинлар. Шу даргоҳни кенгайтириб ва баланд кўтариб қуришида қусурга йўл қўйганлиги учун Хўжа Маҳмуд Довуд сўроққа тутилиб жазоланди.

Сўзсиз бажарилиши вожиб бўлган фармонга мувофиқ Боғи Шамолнинг жанубида тўрт деворидан ҳар бирининг узунлиги қарийб бир минг беш юз шаръий газ<sup>1</sup> келадиган яна бир боғ бунёд этилган эди. Ана шу боғ ўртасида Миср ва Шом усталари ғайрат кўрсатиб, шоҳона бир қаср бунёд этсинлар, деган қазодек кескин фармон содир бўлганди. Ҳозир (яъни, 804—1404 йил) эса бу иморатнинг қурилиши охирига етди. Бошқа боғу бўстонларда соҳибқирон ҳазратларининг ишорати билан қурилган барча қасрлардан кўра бу қаср катта-роқ эди.

Шом мамлакатада иморатларга мрамрдан зийнат бериш одат бўлганлиги ва у диёрнинг турар жойларида оқар сув умумий бир ҳол эканлиги туфайли у тарафнинг қурувчилари сангтарошликда, тақинчок безакларига кўз қўйишда, сув отилиб чиқадиган фавворалар ихтиро этишда бағоят моҳир бўладилар. Шу сабабли ўймакорларнинг обнус ёғочи, тиш (суяги) ва бошқа нарсаларга қўллайдиган санъатларини бу Шом усталари рангли тошлардан худди ўшандек нозик ва латиф қилиб иморат деворлари ва фаршига ҳам ишлатаверадилар.

Алқисса улар ажойиб кўринишли бу қаср ичида мрамр тошларга нозик (ўймакорликлар) қилиб, ўз санъат ва маҳоратлари нақадар мукамал эканлигини намойиш қилдилар, фаввораларни ишга солиб, қасрнинг гўзаллик тароватини оширдилар. Қасрнинг ташқи томонини эса форс ва ироқ усталари кошинлар билан бағоят латиф ва мустаҳкам қилиб безатдилар.

Ҳазрати соҳибқирон бахтли ва муборак бир соатда у ерга келиб тушди. Бахтиёр хизматкорлар олий ишо-

---

<sup>1</sup> *Шаръий газ* — асар матнида «газ-и шаръий» деб келтирилган. В. Хинцнинг аниқлашича, бир шаръий газ 49,875 см. га тенг. (Унинг «Мусульманские меры веса с переводом в метрическую систему», китобига қаралсин. М. 1970, 62—63-бетлар.) М. С. Булатов IX-XV асрлар турли мезморий ёдгорликлари ҳақидаги тадқиқотида бир шаръий газ 56 см. дан 68 см. гача деб ёзади. (Унинг «Геометрическая гармонизация в архитектуре Ср. Азии IX-XV вв.», китобига қаралсин. М., 1978, 74, 78, 253-бетлар.)

ратга мувофиқ тўй тайёргарлигини кўришга киришдилар. Барча исталган ва лаззатли нарсалар жамланган шоҳона бир тўй муҳайё бўлди. Шаҳзодалар, хотинлар ва амирлар табрик ва нисор шарт-шароитларини адо этдилар. У тўйда фаранг элчилари ҳам ҳозир бўлиб, баҳра топдилар.

Таржимонлар А. ЎРИНБОЕВ, Ш. МУСОЕВ

## ИБН АРАБШОҲ

### «АЖОИБ АЛ-МАҚДУР ФИ ТАРИХ ТАЙМУР»

Ибн Арабшоҳнинг тўлиқ исми Шихобуддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Иброҳим бўлиб, у 791 ҳижрий йили зу-л-қаъда ойининг ўртасида (1389 йилнинг 5 ноябрида) Дамашқ (Сурия) шаҳрида туғилди. Ибн Арабшоҳ аслан дамашқлик бўлганлиги учун унга ад-Дамашқий деб нисбат берилса-да, бирмунча вақт усмонли турклар ҳузуринда (Кичик Осиёда) яшаганлиги учун ар-Румий ҳамда ёшлигидан ватанидан кетиб, кўп муддат хорижий юртларда истиқомат қилганлиги учун унга ал-Ажамий деб ҳам нисбат берилган. Гарчи Эронга ҳеч бир муносабати бўлмаसा-да, Ибн Арабшоҳни асли эронлик деган фикр ҳам учраб, умрининг кўп қисмини саёҳатларда ўтказганлиги учун Ибн Арабшоҳ лақабини олганлиги қайд қилинади. Унинг ота-онаси тўғрисида ва ёшлик йиллари ҳақида деярли ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. 1401 йили Темур Шом (Сурия)ни забт этгач, Дамашқдан жуда кўп олимлар, фозиллар, меъморлар, рассомлар, косиб ва ҳунармандларни Мовароуннаҳрга олиб кетди. Шулар жумласидан ўн икки яшар Ибн Арабшоҳ ўз онаси, биродарлари ва баъзи қариндошлари билан Самарқандга олиб кетилди. Мана шу нуқтан назардан қараганимизда Ибн Арабшоҳ оиласи мазкур тоифалардан бирига мансуб бўлиши эҳтимол.

Самарқандда яшаган йилларида (1401-1408) Ибн Арабшоҳ ўз билимини оширишга муяссар бўлган, кейинчалик кўп ўлкаларга саёҳат қилган. У Самарқандда бирор тазъийк остида яшамаган. Шарқшунос Ш. Рёнинг (1820-1902) кўрсатишича, Ибн Арабшоҳ «Ат-таълиф ат-тоҳир» номли бошқа бир асарида ўзи ҳақида ёзиб, ўз даврининг улуг подшоҳлари саройида бўлиб, улардан кўпларининг, хусусан, Ҳинд, Эрон, Қипчоқ ва Рум билан бир қаторда Чигатой ҳукмдорлари хизматини ўтаганлиги тўғрисида ҳикоя қилади. Гарчи муаллиф қандай хизматда бўлганлигини ёзмаса-да, унинг сарой аҳллари билан яқин муносабатда бўлганлигига қисман асос бор. Чунончи, Ибн Арабшоҳ Самарқандда бўлган даврида шу жойдаги баъзи эътиборли кишилар билан бўлган суҳбатини ўз асари «Ажойиб ал-мақдур...»да бир неча бор тэкрорлайди. Жумладан, унинг ўша давр етук астрономларидан бири мавлоно Аҳмад, шатранж ўйинининг моҳир устаси Алоуддин ва Темурнинг машҳур амирларидан бири Оллоҳқод билан бўлган суҳбати ҳақидаги фактлар ушбу фикримизга далилдир.

Ўша вақтда Самарқандда истило этилган мамлакатлардан олиб келинган таниқли олим, табиб, фақиҳ, санъаткор ва ҳунармандларнинг кўп бўлганлиги Ибн Арабшоҳ каби илм толибларининг етарли билим олишига ижобий таъсир кўрсатди. Бир томондан у форс ва турк тилларини ўрганди, иккинчи томондан эса Идику Темур мадрасасида Саййид Шариф Муҳаммад Жўржоний (1339-1413) ва Шамсеуддин Муҳаммад ал-Жазарий (1350-1449) каби машҳур олимлардан таълим олди.



1408 йилдан бошлаб Ибн Арабшоҳнинг ҳаёти тўхтовсиз саёҳатлар билан боғлиқдир. Хитой, Мўғулистонга қилган саёҳатлари давомида ҳам Ибн Арабшоҳ илм аҳллари суҳбатиде бўлиб, улардан истифода этди. Шундан кейин Хоразм орқали ўтиб, Урол ва Итил (Волга) бўйларида бироз муддат бўлгач, Дашти Қипчоқнинг пойтахти Сарой шахрига борди.

1429 йили Ибн Арабшоҳ Маккага, ҳажга боради. 1436 йилда эса Қоҳирага келиб, у ерда бир қанча муддат яшайди. Унинг Қоҳирага келишини ибн Хажар ал-Асқалоний, Ас-Саҳавий ва Абу-л-Маҳосин ибн Тағриберди каби тарихчилар маъқул топиб, у билан дўстона муносабатда бўладилар.

Қоҳирада бўлган вақтида Ибн Арабшоҳ султон Зоҳир Чақмоқнинг (1438-1453) даъватига биноан бир қанча муддат унинг саройида яшади. Мана шу аснода у султон Зоҳир Чақмоққа бағишлаб, уни мадҳ этиб бир асар таълиф этди, маҳаллий адиб ва шоирларнинг мунозара ва мушоираларида иштирок этди. Унинг дўстларидан тарихчи Ибн Тағрибердининг айтишича, Ибн Арабшоҳ Қоҳирага бир неча марта келган ва ҳар дафъа келганида насрий ва назмий асарларидан унга парчалар ўқиб берган. Лекин сўнгги келишида султон томонидан илгаригидек самимий муомала кўрмади. Аксинча, Ибн Арабшоҳнинг ганимлари томонидан етказилган асоссиз иғволарга ишонган султон, уни ҳибсга олишларини буюрган. Ибн Арабшоҳ ҳибсда фақат беш кун бўлган, ҳибсдан чиққач, ўн икки кундан кейин, яъни 1450 йилнинг 25 август куни вафот қилди ва ўша ер (Қоҳира)да дафн этилди.

## ТАРИХНАВИС ВА АДИБ

Ҳаётининг аксар қисмини ўзга юртларда гарибликда ва саёҳатларда ўтказган Ибн Арабшоҳ муттасил ўз билимини оширишга ҳаракат қилди, машҳур илм аҳллари билан учрашди ва улардан имкони борича истифода этди. Кўпгина илмлардан мукамал билимга эга бўлганлиги сабабли Ибн Арабшоҳ ўз даврининг етуқ тарихнависи, адиби, шоири ва фикҳ олими сифатида машҳур бўлди. У фазилатли, гўзал хулқли, хуш суҳбатли киши бўлиб, фасоҳат<sup>1</sup> билан наср ва назм ишшо қилиб, кўндан-кўп мақбул шеърлар яратганки, муаллифнинг «Ажойиб ал-мақдур...» асарини варақлар эканмиз, бунинг шохиди бўламиз.

Ибн Арабшоҳнинг қаламига ўндан ортиқ тарихий-адабий асарлар мансубдир. Шулар жумласидан, муаллифнинг «Гуррат ас-сийар фи дувал ат-турк ва-т-тотор» («Турк ва тотор сулолаларидаги машҳур кишилар сийратларидан намуналар») асари ўз номидан ҳам кўриниб турганидек, қимматли манбаъ бўлиши керак эди. Чунки муаллиф Олтин Ўрда ва Туркияда шахсан бўлганлиги устига, бир неча йил давомида турк султони Муҳаммад I нинг шахсий котиби бўлган, унинг номидан Олтин Ўрда хони ва Дашти Қипчоқ ҳокимлари билан олиб борилган ёзишмалар Ибн Арабшоҳ ишшоиси билан бўлган эди. Афсуски, бу асар бизгача етиб келмаган.

«Миръот ул-адаб фил-л-баён в-ал-маоний» («Маъно ва баёнда адабиёт ойнаси») Ибн Арабшоҳнинг ҳар боби мустақил қасида сифатида гўзал услубда ёзилган 2000 байтдан иборат назмий асаридир. Унинг «Жилват ал-амдах алжамолия фи хуллатай ал-аруз в-ал-

арабия» («Араб тили ва аруз либоси билан безалган гўзал мадҳлар жилваси») номли таълифи баъзи давлат арбобларининг мадҳига бағишланган 183 байтдан иборатдир.

Ибн Арабшоҳ ўз умрининг сўнги йилларида Қоҳирада бўлган пайтида шоир Бурхонуддин Боуний ва қози Хамидууддин кабилар билан мушоираларда бўлганда ўз билими ва адабиёт масалаларидаги устунлиги билан уларни ҳайратда қолдириб, оқибатда уларнинг ҳасадига гирифтор бўлди. Уларни гийбатга олиб келган мана шу ҳасад Ибн Арабшоҳнинг ўлимига сабаб бўлганди. Мазкур шахслар билан мушоиралар жараёнида муаллифнинг «Хитоб ал-ихоб ан-ноқиб ва жавоб ан-шиҳоб ас-соқиб» («Бадан тешувчи хитобга учар юлдуздек жавоб») номли асари яратилди. Муаллифнинг таржиман ҳолига оид «Унқуд ан-насиҳа» («Бир шингил насиҳат») рисоласидан парчалар Миер тарихчиси Абу-л-Маҳсин Тағрибердиннинг «Ал-Манҳал ассофий» («Мусаффо чашма») номли асари саҳифаларидан ўрин олгандир.

Умрининг охириги йилларида, яъни 1448-йилда Ибн Арабшоҳ «Фоқиҳат ал-хулафо ва муфақиҳат аз-зурафо» («Халифалар овуночи ва зарифлар эрмаги») номли сажъ билан битилиб, масаллар тарйқасида «Қалила ва Димна» шаклида ёзилган бадиий-насиҳатомуз асарини яратди. Бу асар форс тилидаги «Марабон-нома»нинг қайта ишланган шакли бўлиб, ўн бобдан иборатдир. Мазкур асарнинг 1307 (1889—1890) йилги Қоҳира нашрида муаллиф ушбу асарини 858 йил раби ул-аввал (1454 йил, март) ойида тугатгани ҳақида ёзилади. Албатта, бу хатодир. Асар олдинроқ зикр қилганимиздек, 1448 йилда таълиф этилгандир.

Тарих ва адабиётга оид мустақил асарлар ёзиш билан бирга, турк ва форс тилларини мукаммал билганлиги сабабли Ибн Арабшоҳнинг фаолиятида таржимонлик ҳам катта ўрин тутади. Унинг бу соҳадаги ижоди, айниқса, Адрианополда, Муҳаммад I саройида бўлган пайтида кенг кўлам ёйди. Мана шу даврда XIII аср форс адиби Жамолуддин Муҳаммад Авфийнинг «Жавомий ал-ҳикойот ва лавомий ар-ривойот» («Танланган ҳикоятлар ва ёрқин ривоятлар») номли антологиясини форс тилидан туркчага таржима қилди. X аср иккинчи ярми машҳур фақиҳларидан саналган Абу-л-Лайс Самарқандийнинг машҳур «Тафсири»ни ҳам форс тилидан назм билан туркчага ағдарди.

Юқорида зикр қилинган асарлар таржималари Ибн Арабшоҳнинг сермаҳсул тарихнавис ва адиб бўлганлигини кўрсатади. Шу билан бирга муаллифнинг Амир Темур ва темурийлар даври ҳаётига бағишланган «Ажоиб ал-мақдур фи тарих Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари») номли тарихий асари унинг энг муҳим таълифи ҳисобланади. Ушбу асар 1436 йилда яратилган бўлиб, Амир Темур ҳақида араб тилида ёзилган яккаю ягона манбаъ ҳисобланади.

Ибн Арабшоҳнинг манбаларига келсак, муаллиф ўз китобининг муқаддимасида «ўзим кўриб мушоҳада этганлариму ўзгалардан эшитганларимни ҳикоят қилишга жазм этдим» деб ўзи фойдаланган манбалари ҳақида ҳеч нарса ёзмайди. А. Ю. Якубовскийнинг фикрича ҳам мазкур асар учун асосий манбаъ муаллифнинг шахсий кузатишлари, ўша давр воқеаларига алоқадор бўлган ва иштирок этган шахслар ҳикоятлари ҳисобланади. Гарчи шу тарздаги мулоҳазалар юритилса ҳам муаллиф бошқа манбаълардан маълум даражада истифода этганлигига баъзи далиллар мавжуддир. Умуман, «Ажоиб ал-мақдур...»ни ёзишда муаллиф таянган манбаъларни тўрт қисмга бўлиш мумкин; ўша давр (яъни XIV—XV асрлар)да яратилган араб ва форс тилидаги баъзи асарлар; Темур ҳақидаги халқ орасида

тарқалган ривоят ҳикоятлар; муаллиф замондошларининг ҳикоялари ва ниҳоят, муаллифнинг шахсий мулоҳазалари.

Темурининг Ҳиндистонга қилган юриши ҳақида тарихчи Гийёсиддин Али «Рўзнома-и газавот Ҳиндистон» («Ҳиндистон юриши рўзномаси», 1403 йил) номли асар ёзиб, ушбу юришни муфассал ёритади. Гийёсиддин Али келтирган маълумотлар муҳим тарихий аҳамиятга молик бўлиб, мазкур даврнинг қатор муаллифлари, жумладан, Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий каби машҳур тарихчиларнинг асарлари учун ҳам муҳим манбаъ ролини ўтаган. Шунингдек, Ибн Арабшоҳ ҳам Гийёсиддин Али келтирган маълумотлардан бир қадар фойдаланган. Масалан, Темури билан Фор ва Ироқ ҳокими Шох Мансур (1387—1393) ўртасида 1393 йили Шероз яқинида юз берган жанг тафсилоти муқояса қилинса, бу аҳвол яққол намоён бўлади. Гийёсиддин Али таъкидлаганидек, жанг охирида уч кишининг қолиши ва Шох Мансурнинг ялиниб-ёлворишига қарамасдан, Темури навкарларидан бири унинг бошини кесиши, айрим бадийй безақлар билан тасвирланса-да, Ибн Арабшоҳда ҳам шу тарзда аке эттирилган. Бундан ташқари, Низомуддин Шомийнинг 1404 йили кузигача бўлган воқеаларни қамраб тугалланган «Зафарнома» номли асари ҳам ўзидан кейин Темури ва унинг авлодлари даврига бағишланиб ёзилган кўпгина тарихий асарларда ўз изини қолдири. Бу жиҳатдан қаралганда ўша пайтда Самарқандда яшаб, шу жойда таълим олган ва фор тилини мукамал билган Ибн Арабшоҳ шубҳасиз, мазкур асардан хабардор бўлган.

Аввал зикр қилганимиздек, Ибн Арабшоҳ тахминан 1408 йилда Самарқанддан жўнаб кетиб, Хоразм, Астрахань, Сарой, Қрим ва Адрианополда бўлди. Маълумки, мазкур шаҳарларнинг деярли ҳаммаси Темури томонидан забт этилган бўлиб, ҳали у ерларда қолдирилган кулфат ва талафот излари ҳамда у ҳақдаги нақллар маҳаллий халқ хотирасидан кўтарилмаган эди. Бинобарин, муаллиф ўша жойлардаги ҳокимлар ва маҳаллий аҳолидан Темури ва унинг қўшини ҳақида эшитганларини ўз асарларида келтирган. Масалан, Ибн Арабшоҳ ўзининг бошқа бир асарида 814 (1411—1412) йилда Тўхтамиш ўғли Жалолиддинхон билан бўлган учрашуви ҳамда Жалолиддинхон Темури қўшинлари кўрсатган аёвсиз ваҳшийликлар ҳақида ўзига ҳикоя қилгани тўғрисида ёзади. Муаллиф содир бўлган воқеаларнинг шохидлари ҳикоясидан ҳам унумли фойдаланган. Жумладан, Сажистонда Темури қилган харобликлар ҳақидаги ўз баённи 833 (1429—1430) йилда Дамашқда Зайнуддин Абдулатиф ибн Муҳаммад ибн Абу-л-Фатҳ Кермонийдан эшитганлари билан тўлдиради. Шунингдек, Бағдодда ҳоким бўлиб турган қози Тожуддин Аҳмад ан-Нуъмон — муаллиф ёзишча, у 834 йил муҳаррам ойининг бошида (1430 йил, сентябрь) Дамашқда вафот этган — ҳикоя қилган хабарларга асосланиб, Темури қўшинлари томонидан Бағдод аҳли бошига солинган даҳшатли қирғинни тасвирлайди.

### «ТЕМУР ТАРИХИ»

*«Ажойиб ал-мақдур фи тарих Таймур» («Темури тарихида тақдир ажойиботлари»)*

Ибн Арабшоҳнинг ушбу йирик асари 1436 йилда ёзилган бўлиб, Темури ва Темурийлар даврига оид энг муҳим манбалардан ҳисобланади. Асар қисқача «Темури тарихи» номи билан машҳур. Муҳим ман-

баъ сифатида ушбу асар 1658 йилда Ваттнер томонидан француз тилига, Мангер томонидан лотин тилига (1767- 1772 йиллар) таржима қилиниб нашр этилган. «Темур тарихи»нинг гоёта қисқартирилган мухтасар туркча таржимаси 1729—1730 йилларда Стамбулда чоп этилган. Сандерс (асосан Мангернинг лотин тили таржимасига таянган ҳолда) бажарган инглизча таржимаси 1936 йилда Лондонда нашр этилган. Ўрта Осиё халқлари тарихига оид муҳим бу манба ҳанузгача на рус, на ўзбек тилига таржима қилинган эди.

Маълумки Ибн Арабшоҳ асари Темур ва унинг фаолиятига танқидий руҳда ёзилган. Шу билан бирга муаллиф тарихий воқеаларни ёритишда асосан инсоф ва адолат юзасидан иш тутган. Асарда Мовароуннаҳрнинг XIV—XV аср сиёсий, ижтимоий, иқтисодий айниқса, маданий ҳаётига доир кўплаб маълумотларни учратамиз. Асарда Темурнинг шахсияти ҳақида шунчалик кўп маълумотлар келтирилганки, фикримизча, ўша даврда ёзилган бошқа бирорта асарда ҳам бунчалик фактлар берилмаган. Соҳибқироннинг инсоний сифатлари, хулқ-атвори, фазилатлари асарда батафсил ёритилган. Ибн Арабшоҳ тасвирида Амир Темур азму қарори қатъий, қанчалик аччиқ бўлмасин ҳақиқатни хуш кўриб, адолат юзасидан иш тутувчи, чуқур фикр-мулоҳазали, вазмин, тадбиркор, жасоратли, муруватли, олийҳиммат, улуғвор бир шахс сифатида гавдаланади.

Асарда Темурнинг илм-фан, маданият аҳлларига, айниқса, хунарманду касибларга бўлган эътибори ҳақида кўп мисоллар келтирилган. Ибн Арабшоҳ асарида ўша даврда бўлган қурилишлар, илмий-маданий ҳаёт, Темур билан хорижий мамлакатлар ўртасидаги дипломатик алоқалар ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд. Умуман, Ибн Арабшоҳнинг бу асари Темур ва темурийлар даврини тўлиқ ва ҳар томонлама ёритишда асосий манбалардан биридир. Қуйида Амир Темурнинг олимларга бўлган муносабати, улар билан учрашувлари ва суҳбатларига бағишланган парчалар билан танишасиз.

## САМАРҚАНД ОЛИМЛАРИ

Ўз ҳокимлиги вақтида Темур Самарқандга кўплаб фақих, олимларни тўплаган эди. Булар мавлоно Абдумалик — у «Ҳидоя» соҳиби Бурҳонуддин ал Марғийноний авлодидан бўлиб, мударрислик қилар, шатранж ва нард ўйинларидан таълим берар ҳамда ягона бир ҳолатда шеър ҳам назм этарди. Нўъмонуддин Хоразмий — Нўъмон иккинчи ҳам дердилар. Унинг кўзи ожиз эди ва мавлоно Абдумаликнинг амакиваччаси Ҳожа Абдуллавал — ўз амакисининг ўғлидан кейин Мовароуннаҳрда илм аҳлига саркорлик қилди. Темурнинг муҳаққиқ олимларидан мавлоно Саъдуддин ат-Тафтазоний — у 791 йилнинг муҳаррам (1389 йил, январь) ойда Самарқандда, Саййид Шариф Муҳаммад ал-Журжоний Шерозда вафот этди.

Темурнинг олимларидан Ҳожа Муҳаммад аз-Зоҳид

ал-Бухорий улуғ тафсирчи, ҳадисчи, ҳофиз бўлиб, Қуръон ул-каримни юз жилдда тафсир қилган. У Маккада 822 (1419) йилда вафот этди. Яна машҳур қорилардан Мавлоно Фахруддин, Қуръонни қироатда ҳам, савтда ҳам-тажвид билан ёд олган ҳофизлардан Абдуллатиф ад-Домғоний, мавлоно Асадуддин, Шариф Ҳофиз ал-Хусайний, Маҳмуд Муҳрик ал-Хоразмий ва Ҷамолуддин Аҳмад ал-Хоразмий ҳамда мусиқа илмида устоз бўлган Абдулқодир ал-Мароғий бор эди. Ваъзхон ва хатиблардан мавлоно Аҳмад ибн Шамс ул Аимма бўлиб, уни туркча, форсча, арабчада малик ул-калом деб атардилар. Мавлоно Аҳмад ат-Термизий ва мавлоно Мансур ал-Қогоний, моҳир котибларидан Саййид Ҳатот ибн Бандгир, зикр қилинган Абдулқодир, Тождуддин ас-Салмоний ва бошқалар, мунажжимлардан бир гуруҳ моҳир кишиларки, мен уларнинг исмларидан фақат мавлоно Аҳмаддан бошқасини эслай олмайман. У табиб, мисгар ва юлдузга разм солиб ҳисоб оладиган олим эди. У менга: «Мен юлдузларга қараб икки юз йилга ҳукм (толеи) чиқардим», деганди. Бу гап 808 (1405—1406) йилда Самарқандда бўлган эди. Заргарлардан ал-Ҳоҗ Али аш-Шерозий ва ал-Ҳоҗ Муҳаммад Ҳофиз аш-Шерозий ва бошқалар, энг кўзга кўринган сангтарошлардан Олтун бор эди. У ўз хунарида бир мўъжиза бўлиб, қимматбаҳо тошларга нақш солар, яшмга, ақиққа Ёқут (Ҳамавий)нинг хатидан ҳам чиройли хат билан ўйиб ёзарди. Шатранжчилардан Муҳаммад ибн Ақийл ал-Ҳаймиё, Зейн ал-Яздий ва бошқалар бўлиб, уларнинг алломаси фикҳчи, ҳадисчи олим Алоуддин ат-Табризий эди. У Зейн ал-Яздийга ортиқча бир пиёда қўяр ва ундан голиб чиқар, Ибн Ақийлга эса битта от қўйиб, унинг устига миниб оларди, яъни енгарди. Темур шарқу ғарб иқлимларигача бориб етди. Унинг жангу жадалида ҳар бир султон ютқазиб, ҳар бир шоҳ жангда ҳам, шахмат ўйинида ҳам ундан енгилиб мот бўлди.

Темур Алоуддинга: «Гўё мен салтанат сиёсатида ягона бўлганим каби сен ҳам шахмат оламида тенги йўқсан», дер эди. Яна бизлардан, «яъни мен ва мавлоно Али Шайхдан ҳар қайсимиз ўз санъатида кароматларга эга бўлиб, беназир кишилармиз», дерди. Шахмат ўйинию мансублари илмида Али Шайхнинг ўзига хос шарҳи бўлиб, у билан ўйинда чуқур ўйламасдан туриб, унинг фикри ҳаддига етишга ҳеч бир кимса қодир эмасди. Бир вақтнинг ўзида у икки рақиб билан го-

йибона ўйнарди ва ҳисобини олиш натижасида ўз томонида қандай доналар ва рақиблар томонида қандай доналар борлигини биларди. У ва Амир Темур катта шатранж ўйнардилар. Шунингдек, мен унда доирасимон ва узунчоқ шахматни ҳам кўрган эдим.

Хулласи калом, Темур ҳар бир фойдали инсонни йиғиб, ҳар қандай нарсанинг сарасини Самарқандга келтирди. Натижада Самарқандда ҳар бир ажиб фан аҳли намояндасидан ва санъатлар ғаройиб услубидан фазилатли, ўз тенгқурларидан устун турган, ўз фанида аллома бўлган кишилар тўпланган эди.

### АМИР ТЕМУР ВА ИБН ХАЛДУН УЧРАШУВИ

Бош қози Валиуддин Абдурахмон ибн Халдун моликий мазҳаби бўйича Мисрда қозилар қозиси бўлиб, ажойиб тарих муаллифи эди. У билимдон закийлар ва ростгўй адиблардан ҳисобланиб, ушбу тарих лафзию маъносидан воқиф бўлганлардан бирининг менга зикр қилишича, бу тарих таснифида Ибн Халдун ғаройиб бир услуб қўллаган, аммо мен ўзим бу китобни кўрмаганман.

Ибн Халдун Миср аскарлари билан бирга Шомга келган бўлиб, аскарлар орқаларига қараб қочганларида тақдир уни Темур чангалига илинтирган эди. Темур суҳбатида бўлиб, синашта бўлгач, Ибн Халдун мажлисларнинг бирида унга:

— Азбаройи худо, э мавлоно Амир! Дунё фатҳларининг калити бўлган қўлингни менга бергин, мен уни ўпиш шарафига муяссар бўлай,— деди. Темур уни ўз суҳбатига олишни амр этганда, у Ғарб подшоҳлари тарихидан бир ҳикояни Темурга нақл қилган бўлиб — Темур эса тарихларни ўқитиб эшитишга ниҳоятда ишқибоз эди, бу нарса уни ғоят даражада ажаблантирган, шу туфайли Темур Ибн Халдуннинг ўз суҳбатида бўлишини рағбат этганди — у яна Темурга деди: — Э мавлоно Амир! Миср сендан ўзга ноиб ҳукмидан ёинки унда фақат сенинг амрингдан бошқа амр жорий бўлишидан хориждур. Сенга баробар келадиган кимса менинг насли насабим, аҳлию авлодим, Ватану мамлакатим, дўсту биродарларим, хешу ақробларим, подшоҳлар тугул барча хос авом, балки бутун инсоният орасида ҳам йўқдир. Чунки улар ҳаммалари ёлгон-



яшиққа асир бўлиб қолганлар. Мен фақат ўз умримнинг беҳуда ўтиб, ўз давримнинг бефайз кетганига ачиғиб афсусланаман. Ўтган умрим қандай қилиб сендан ўзганинг хизматида ўтди? Нега менинг кўзларим сенинг сиймонг нурларини ўзига сурма қилиб сурмади? Лекин умр ўткинчидир. Энди мен ҳақиқатни мажозга алмаштираман. Аммо афсуски, сен билан умримнинг охирида учрашдим. Майли, сенинг паноҳингда қайтадан иккинчи умримни бошлайман, сенинг кўланкангдан мени узоқлаштиришга замонга имкон бермайман. Боқий умримни сенинг хизматингга бағишлаб, зое кетган умримни топиб, сенинг қуюшқонингга маҳкам ёпишиб оламан. Ушбу вақтни ҳаётимнинг энг азизи, эришган мартабамнинг энг олийси, ҳолатимнинг энг шарафлисидеб ҳисоблайман. Лекин, фақат мени — улар йўлида умримни хазон қилган, улар таснифида ўз илмларим жавҳарини сарф этган, уларни тартиб билан битишда кечани бедорликда, кундузни ташналикда ўтказган нарсаларим — китобларим қаддимни букмоқдалар. Мен уларда дунё тарихининг ибтидосидан зикр айлаб, шарқ-ғарб подшоҳлари сийратларини

тўла-тўкис баён қилдим. Агар мен уларни қўлга киритсам, мен сени у подшоҳлар шодасининг инжуси қилиб, улар жавҳарининг сараси ўрнига қўярдим. Сенинг сийратларинг билан улар даври хилъатларини безаб, сенинг давлатингни улар ҳокимлик қилган асрлар пешонасида чарақлаб турган тўлин ой мисоли тасвирлардим. Чунки сен марду майдонлар отаси, жангу жадал зулматли майдонларидан шарқу ғарбга ўз зафар ойини порлатувчисан, ҳар бир вали тилида кашф қилинувчисан, амирил-мўминин Алига мансуб қилинган жафр ва зиж илмларида ишора қилинган киши ҳамда охир замонда мунтазир бўлинадиган соҳибқирон ҳам сенсан. У китоблар Ҳоҳирада бўлиб, агар мен уларни қўлга киритсам, сенинг узангингдан асло ажралмайман ва остонангдан бир қадам ҳам жилмайман. Тангрига ҳамд бўлсинки, менинг қимматимни биладиган, хизматимни қадрлайдиган ва ҳурматимни ўрнига қўядиган кишини менга ато қилди».

Ибн Халдун шундай деб, яна қалбларни титратувчи фасохатли, чиройли, кишини мафтун этиб, ақлини олувчи муболағали гаплар қилди.

Шунда қувончидан Темурнинг аъзои-бадани титраб, шодлигидан бутун вужуди ўйноқлади. Бу гаплар Темурга ёқиб, тарихлар ва подшоҳлар сийратлари ҳақидаги китобларга ишқибозлигини қўзғади. Ибн Халдун зикр қилган подшоҳлар хусусидаги бу ҳикоятлар Темурни маҳлиё этиб, у ушбу ажойиб баён сеҳрига мафтун бўлиб, лол қотиб қолди. Сўнгра Темур ўз одатию феълига кўра, Ибн Халдундан Мағриб шаҳарлари ва ерлари васфини сўраб, унинг мавзёлари, йўллари, қишлоқларию сўқмоқлари, қабилаю халқларини батафсил аниқ баёнлаб беришини сўради. Бундан мақсад Ибн Халдунни имтиҳон қилиш бўлиб, Темур бу нарсаларга муҳтож эмас эди, чунки унинг тасавури хазиначарида бутун мамлакатлар сувратлари мавжуд эди. Бу билан Темур Ибн Халдун илми миқдорини билиб, унинг ўзига нисбатан муомаласининг самимий ёки қалбакилигини таҳқиқ этмоқни истади. Шунда Ибн Халдун бунинг ҳаммасини тили учидан тургандек, гўё ўтирган жойида қўриб, мушоҳада этаётгандек бирма-бир ҳикоя қилиб берди. Бу масалаларни бошдан-охир у худди Темур хотирасидагидек шарҳлади.

Кейин Темур унга:

— Қандай қилиб мени ва Бухтаннасрни улуғ подшоҳлар қаторида зикр қиласан? Холбуки, биз насабда



у фахрли ўринларга эришганимиз йўқ, — деди. — Биз арилар раҳбарларидай эмасмиз-ку, нега энди сен бизни улуғ зотлар билан баробар кўрасан?

Ибн Халдун унга:

— Улуғ ишларингиз сизни ўша юқори мартабаларга лойиқ кўради, — деди.

Темурга бу сўзлар ёқиб қолиб, у ўз жамоасига:

— Унга иқтидо қилинглар, у сизга имом, — деди.

Сўнгра Темур қози мамлакатида бўлган воқеаларни, араб подшоҳлари ва улар қўшинлари ўртасидаги можарони ҳикоя қила бошлади, ҳатто қозига мансуб кишилар ва унинг авлодлари хабарларини ҳам зикр қилди. Шунда қози Темур баёнидан ҳайратга тушиб: «Шайтон ўз дўстларига албатта ваҳий келтирар эканда», деди. Кейин Темур Ибн Халдун билан унинг Қоҳирага бориб, ўз аҳлию болалари ҳамда ажойиб китобларини олиб, фақат йўл масофасидан бошқа нарсага вақт сарфламасдан чексиз орзу-умидлар, олижаноб ишончли ваъдага амин бўлган ҳолда унинг ҳузурига қайтиши тўғрисида аҳдлашди. Натижада Ибн Халдун Садафга томон равона бўлиб, ўз юрти сари йўл олди.

### АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАЛАБ ОЛИМЛАРИ БИЛАН СУҲБАТИ

Рабийъ ул-аввал ойининг ўн тўққизинчи, сешанба куниси (1400 йил 7 ноябрь) Темур қалъани омонлик ваъда қилиб ҳамда турли қасамлар воситаси билан олди. Иккинчи куни Темур қалъага кўтарилди ва кунининг охирида қалъа олимларини ва қозиларини ҳузурига даъват қилди. Шунда биз унинг ҳузурига келдик ва бирмунча вақт (тик) тургазгандан кейин у бизга ўтиришни амр қилди ва ўзи билан бирга бўлган илм аҳллари чакиртириб, уларнинг амирига (бошлиғига) — у отаси Самарқанднинг машҳур олимларидан бўлган аллома Нуъмонуддин ал-Ҳанафийнинг ўғли мовлоно Абдулжаббор эди — деди: «Уларга айтгил, мен улардан Самарқанд, Бухоро, Ҳирот ва ўзим фатҳ қилган бошқа мамлакатлар олимларидан сўраган бир масала хусусидаги саволимни сўрайман. Ўша олимлар бу саволга аниқ жавоб беролмадилар. Сизлар ҳам ўшалар мисоли бўлмангиз ҳамда сизлардан энг билимдонингиз ва фозилингиз менга жавоб берсин. Лекин нима деб гапиришни билиб гапирсин. Мен доимо олиму уламо-

лар даврасида бўлиб, кўп вақтимни уларнинг суҳбатю мажлисларида ўтказганман. Мен азалдан илм талабидаман.

Темурнинг олимларга чалкаш ва чигал саволлар бериб, уларнинг хато ва нуқсонларини излаши ва шуни уларни азобу уқубатга солиб қатл этиш учун сабаб қилиши бизга аввалдан маълум эди. Шунда қози Шарофуддин Мусо ал-Ансорий аш-Шофиий менинг тўғримда: «Бу бизнинг шайхимиз, шу мамлакатлар мударриси ва муфтийсидир. Саволларингизни ундан сўранг, тангри ўзи мадаккор», деди.

Кейин Абдулжаббор менга: «Султонимиз айтадиларки, кечаги жангда биз томондан ҳам, сиз томондан ҳам ўлганлар бўлди. Улардан қай бирлари шаҳиддилар? Бизнинг ўликларимизми ёки сизларникими?» — деди. Ҳамма жим бўлиб қолди. Шу пайт Темурнинг олимларга чалкашу чигал саволлар бериб, уларнинг хато ва нуқсонини қидириши ҳақида биз билган хабар шу бўлса керак, деб ўйладик. Ҳеч кимдан бирон сас чиқмади. Шу дамда тангри менга ажиб бир илҳом бердики, мен:

«Бу савол саййидимиз тангрининг расулидан — оллоҳнинг раҳмати ва саломи унга бўлғай — ҳам сўралган ва у киши бу саволга жавоб қилганлар. Саййидимиз тангрининг расули — оллоҳнинг раҳмати ва саломи унга бўлғай — қандай жавоб берган бўлсалар мен ҳам шу зайдда жавоб бераман», дедим. Ушбу савол-жавоб тугагандан кейин дўстим Қози Шарофуддин Мусо ал-Ансорий менга айтди: «Улуғ тангри номи билан қасам ичаманки, қачонки сен бу савол тангрининг расулидан — оллоҳнинг раҳмати ва саломи унга бўлғай — ҳам сўралган эди ва у зоти шариф бу саволга жавоб берганлар деганинда мен — замонамнинг етук ҳадис олими бу олимимиз ақлини еб қўйди ва у энди маъзурдир, деб ўйладим.

Ахир, бу саволга бунақа жойда жавоб бериш асло мумкин эмас-ку!»

Абдулжабборнинг дилидан ҳам шунга ўхшаш бир фикр ўтган экан.

Темур бўлса бутун вужудию диққатини менга қаратиб, менинг сўзларимга киноя билан қараган ҳолда Абдулжабборга деди:

— Тангрининг расулидан — оллоҳнинг раҳмати ва саломи унга бўлғай — бу тўғрида қай тариқа сўралган ва у қандай жавоб берган?

Мен дедим: «Тангрининг расули — оллоҳнинг раҳмати ва саломи унга бўлғай — ҳузурига бир сахройи араб келиб деди:

— Ё расуллоҳ! Бир киши ўз шарафи учун уруш қилади, бошқа бир киши шижоат кўрсатиш учун уруш қилади, яна бири эса ўз қудратини намойиш қилиш учун уруш қилади. Шулардан қайси бири худо йўлида қурбон бўлган ҳисобланадилар? Шунда тангрининг расули — оллоҳнинг раҳмати ва саломи унга бўлғай — дедилар:

— Қимки тангрининг сўзи ҳамма нарсадан олий бўлиши учун ўзини қурбон қилса — ана ўша шаҳид ҳисобланади». Темур: «Хўб, хўб (яхши, яхши)», деди. Абдулжаббор бўлса: «Сен айтган бу жавоб қандай ажойиб жавоб бўлди», деб хитоб қилди. Шундан кейин самимий суҳбат эшиклари ланг очилиб, Темур: «Мен яримжон одамман, фалону фулон мамлакатларни эгалладим», деди ва Ажам, Ироқ, Ҳинд ва бошқа ўлкалар шаҳарларини бирин-кетин санаб чиқди. Мен унга: «Ушбу неъматлар эвазига шукрона тариқасида менинг умматимни афв этинг ва бундан буён ҳеч кимни ўлдирманг», дедим.

— Худо ҳаққ, — деди Темур, — мен қасддан бир кишини ҳам ўлдирмадим. Бу, сизлар, ўзларингиз бир-бирларингизни шаҳар дарвозаларига қисиб ўлдирдингизлар. Худо ҳаққ, мен сизлардан бир кишини ҳам ўлдирмайман, сиз ўз ҳаётингиз ва мол-мулкингиз учун хотиржам бўлаверингизлар.

Шу тариқа Темур томонидан саволлар ва биз томонимиздан жавоблар бир неча бор такрорланди. Бу суҳбатда ҳозир бўлган фақиҳларнинг ҳар бири ўзини кўрсатишни хоҳлар ва ўзини гўё мадрасада ўтирган ҳис қилиб, шошиб-пишиб жавоб беришга ошиқар эди. Қози Шарофуддин бўлса уларнинг ҳовурини пасайтириб: «Баракат топгурлар, жим туринглар, фақат мана бу одам жавоб берсин, чунки у нима деб гапиришни билади», дея уларни тинчлантирарди. Темур сўраган охирги савол шу бўлди: «Али, Муовия ва Язид хусусида сизлар нима дейсизлар?» Шунда менинг ёнимда ўтирган Қози Шарофуддин менга шивирлаб: «Сен бу саволга нима деб жавоб беришингни билиб гапир, ахир улар шиа мазҳабидан», деди. Мен Шарофуддиннинг сўзини эшитиб бўлмасданоқ Аламуддин ал-Қафасий ал-Моликий бир гап айтдики, унинг гапи маъноси шундай эди: улар ҳаммалари мужтаҳидлар. Бундан Те-

мурнинг ғоятда ғазаби келиб: «Али ҳақиқатда шундай (мужтаҳид). Муовия — золим, Язид эса фосиқдир. Сиз ҳалабликлар Дамашқ аҳлига издошсизлар, улар (дамашқликлар) эса Язид тарафдорлари бўлиб, Ҳусайнни қатл этганлар», деб хитоб қилди.

Мен Темурга лутф билан мурожаат этиб, ал-Қафасий бу айтган жавобини қандайдир бир китобда кўрганлигини, аммо унинг маъносини яхши уқмаганлигини айтиб, унинг учун узр сўрашга киришдим. Бу гашимдан Темурнинг чехраси очилди-ю, лекин кайфияти аввалги ҳолатига қайтмади. Абдулжаббор бўлса мендан ва Қози Шарофуддиндан ҳар хил саволлар сўраб, менинг ҳақимда: «Бу жуда ажойиб олим», Қози Шарофуддин тўғрисида эса: «Бу фасоҳатлик киши», деди. Кейин Темур мендан ёшимни сўради. «Туғилган йилим 749 (1348) йил бўлиб, ҳозир эллик тўрт ёшга етдим», дедим. Сўнгра қози Шарофуддинга: «Сизнинг ёшингиз нечада?» — деди. «Мен ундан бир ёш каттаман», деди Шарофуддин. Шунда Темур: «Ёш жиҳатидан сизлар менинг болаларим тенгисизлар. Менинг ёшим ҳозир етмиш бешга етди», деди.

Сўнгра салотул мағриб (шом намози) вақти келиб, намозга чорлаб азон ўқилди. Абдулжаббор бизга имомлик қилди. Темур менинг ёнимда тик турган ҳолатда рукуъ ва саждани адо этди. Шундан кейин биз хайрлашиб ажралдик.

...Шундан бир неча кун ўтгач, Темур мени ва ҳамроҳим қози Шарофуддинни чақириб, Али ва Муовия ҳақидаги саволини қайтадан сўради. Мен унга: «Ҳеч шубҳасиз ҳақиқат Али томонида бўлганди, Муовия эса халифлардан эмас. Чунки тангрининг расули — оллоҳнинг раҳмати ва саломини унга бўлғай — томонидан «мендан кейин халифалик ўттиз йилдир» деган ҳадиси шариф содир бўлган. Бу муддат Али замонида тамом бўлган эди», дедим.

«Ҳақиқат Али томонида, Муовия золим, дегин», деди Темур. «Ҳидоя»нинг соҳиби Бурҳонуддин ал-Марғийноний: «Фуқарога жабр қилувчи волийлардан қозиликни қабул этиш жоиздир», деган. Дарҳақиқат, гарчанд ўша пайтда ҳақиқат Али томонида бўлса ҳам, саҳоба ва тобеъийларнинг аксарияти қозиликни Муовиядан қабул этишган», дедим. Бу сўзлардан Темур шодланди ва Ҳалабда истиқомат қилиш учун тайинланган амирларини чақириб, уларга: «Бу икки одам Ҳалабда сизларнинг меҳмонингиздир. Уларга, уларнинг хиз-

маткорлари, дўсту яқинларига яхши муомалада бўлинг. Ҳеч бир кимсанинг уларга азият беришига йўл қўйманг, улар учун егулик озиқ-овқат ажратинг, уларни асло қалъада қолдира кўрманг ва уларнинг яшаш жойи қилиб мадрасани, яъни қалъа рўпарасидаги Султония мадрасасини белгиланг», деди. Амирлар барча масалаларни Темур қандай буюрган бўлса, шундай бажо қилдилар-у, фақат бизни қалъадан пастга туширмадилар. Амирларнинг ичидан Ҳалаб валийлигини эгаллагани — у амир Мусо ибн Ҳожи Тоғай деб аталарди — бизларга яхшилик кўрсатиб, ҳурматимизни ўрнига қўйди ва ўзи Ҳалабда бўлиб, қалъада истиқомат қилиб турган пайтида бизнинг аҳволимиздан доимо хабардор бўлиб турди...

## ИЗОҲЛАР

1. *Бухтаннаср — бобил (вавилония)лик подшоҳ бўлиб, эрамиздан олдинги 604—562 йилларда яшаган. Мисрга биринчи марта ғорату ҳамлалар уюштирган, Қуддусни фатҳ қилиб, уни ҳам ёндирган, ўз золимлиги билан донг таратган.*

2. *Али ибн Абу Толиб — исломда — «хулафо ар-рашидийн» («тўғри йўлдан борган халифалар»), диндорлар орасида «чорёрлар» деб аталадиган халифалардан тўртинчиси. Муҳаммад пайғамбарнинг амакиваччаси ва кувёви. Али билан Уммавийлар халифаси Муовия ўртасида кескин курашлар бўлган. У 661 йилда Куфада ўлдирилган.*

3. *Муовия ибн Абу Суфён — Уммавийлар сулоласининг асосчиси. У халифа Али ҳокимиятини тан олмай, Дамашқда ўзини халифа деб эълон қилган. Али билан Муовия ўртасидаги уруш 658 йилда бошланиб, Али вафотидан кейин (661 йил) у ягона ҳокимиятга эга бўлади. Халифалик даври — 661—680-йиллар.*

4. *Язид ибн Муовия (642—683) — Уммавийлар халифаси, Муовиянинг ўғли. Язид қиморбозлиги, шароб ичганлиги туфайли диндорларнинг норозилигию қаршилигига учраган. Халифалик даври — 680—683-йиллар.*

5. *Амир Темур ва унинг авлодлари сунний мазҳабига мансуб бўлган. Бу ўринда муаллиф хатога йўл қўйган.*

6. *Мужтаҳид — (арабча луғавий маъноси: интилувчи, ғайрат, ҳаракат қилувчи) — ўрта асрларда исломда*

ижтиҳод ҳуқуқига эга бўлган, яъни мустақил равишда диний, ақидавий масалалар бўйича хулоса бера оладиган ва ҳукм чиқара оладиган шахс. Суннийларда диний ҳуқуқ мазҳабларининг асосчилари, шиаларда юқори мартабали руҳонийлар ва диний ҳуқуқшунослар мужтаҳидлар деб аталади.

7. Хусайн ибн Али (626—680) — халифа Алининг кичик ўғли. У 680 йили Уммавийлар халифаси Язид тарафдорлари билан бўлган жангда Карбалода ўлдирилган ва шу ерда дафн қилинган. Шу боисдан ҳам Карбало шиаларининг муқаддас зиёратгоҳи ҳисобланади.

8. Бурҳонуддин ал-Марғийноний — машҳур фиқҳ олими. У Фарғона водийсининг Марғилон шаҳрида туғилиб, Бухоро мадрасаларида таълим олган. Вафоти 593 ҳижрий (1196 милодий) йил. Унинг энг муҳим машҳур асари «Ал-Ҳидоя фи фуруъ ил-фиқҳ» («Фиқҳ илмига доир қўлланма») бўлиб, бир неча қўлёзмалари ЎзССР Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

«Ҳидоянинг» русча таржимаси Н. И. Гродеков таҳрири остида бажарилган (Тошкент, 1893 йил).

9. Тобетийнлар (издошлар, эргашувчилар) — ислом тарихида саҳобалардан кейин уларга эргашган, уларнинг ишини давом эттирган илоҳиятчилар шу ном билан аталганлар.

Кириш сўз муаллифи ва таржимон  
У. УВАТОВ

## БУХОРО ТОҒЛАРИ ВА ТЕКИСЛИКЛАРИДА

Китобдан боб

Катта майдонни эгаллаган Шаҳрисабз кўплаб мадраса, мачит ва карвонсаройлари, икки қаватли синч уйлари туфайли қадимий шаҳар қиёфасини сақлаб турибди. Асосан Темурланг даврида қурилган бинолар, авайлаб сақланади шекилли, ўз кўринишини йўқотмаган. Бутун Осиёда бу одамнинг обрўи шунчалар баландки, халқ уни Александр Македонский билан бир қаторга қўяди, иккаласини ҳам табаррук зот санайди. Айниқса, Шаҳрисабзда, Темурнинг киндик қони томган заминда унинг хотирасини авайлаб сақлашади, ярим дунёни титратган бу зотнинг Самарқанддаги қабри устидаги мачит қаровсизлигидан чуқур қайғуришади.

Шаҳрисабз диний қўзғолонлар давридан сўнг қайта юксала бошлади ва Ўрта Осиёнинг йирик савдо марказларидан бирига айланди.

Чингизхон бу шаҳарга эътибор бермаслиги мумкин эмас эди. 1221 йилда бу ваҳший босқинчининг қўшинлари Шаҳрисабзга келди ва қонли жангдан сўнг уни эгаллади. Шаҳар таланди, ёндирилди. Аммо серҳосил замини туфайли, Қашқадарё ҳавзасига яқинлиги, Ҳисор тизма тоғларининг паноҳида эканлиги шарофати билан қайта тикланди ва кенгая борди.

1336 йилда Шаҳрисабзда барлос уруғидан бўлган аслзода Тарағай баҳодир оиласида ўғил туғилди. Темур деб ном беришди унга. Ривоятларда айтилишича, у туғилганда Ҳисор тоғлари қаттиқ силкинган, даҳшатли бўрон туриб, кўп бинолар зилзиладан қулаган экан. Донолар бу воқеани тарих китобларига рақам этиб, бани Одам устидан ҳукмронлик қиладиган шарофатли зот туғилди, деб айтишган экан. Кароматлари рост чиқди.

Темур 20 ёшигача Шаҳрисабзда бўлди. Мадрасада мукаммал таълим олди. Вояга етган куни отаси унга кичикроқ бир гўша ҳокимлигини топширди. Аммо Темурнинг юраги шунчаки яшашга тоқат қилолмасди. «12 ёшимдаёқ мен ўзимда илоҳий идрок ва куч-қудрат

туйдим, чавандозлик — энг севимли машғулотим эди», деб ёзади у ўз таржимаи ҳолида.

Метиндай мустаҳкам ирода уни Бухоро амири Қозғонхон қўшинлари сафига олиб келди. Бу йигит амирга шунчалар ёқдики, кўп ўтмай амир унга неварасини тўй қилиб берди. Уни мингбоши қилиб тайинлаб, ўзи билан Хуросон юришига олиб кетди. Бу юришда ёш саркарданинг ҳарбий қобилияти тўла очилди. Аммо бу зафарли юришдан кейин кўп ўтмай саройдаги ички низолар кучайиб, амир ўлдирилди. Шундай тақдир Шаҳрисабзда Тўрғайбек бошига ҳам тушди. Темур Шаҳрисабзга қайтиб, ота мулкини қўлга олади. Шаҳрисабздаги низолар ҳам кучайганидан у Хива чўлларига қочиб кетиб, сарсон-саргардон кун кўришга мажбур бўлади. Ниҳоят, бир туркман уни асир олиб, ўзига қул қилади. У асирликдан қочиб, Амударё бўйида ўз тарафдорларини тўплайди. Ана шу бир ҳовуч қўшин билан Сеистон ва Белуджойга хужум қилади, айни пайтда Самарқанд ҳокимининг қуроли таъқибларидан ўзини ҳимоя қилишга мажбур бўлади. Қундуз яқинида ўз сўнгги душманининг бошини олгач, Самарқандга қараб юради ва кўп ўтмай бутун Осиёни қўлга киритади. Шундан сўнг унинг қўшни мамлакатлар устига зафарли юриши бошланади ва у Жаҳонгир деган ном олади.

У ярим дунёни забт этди. Овруполик тарихчилар ваҳший, жоҳил деб тасвирлаган бу одам аслида асло ундай эмас эди. Овруполиклар Темурнинг Ўрта Осиёда давлат арбоби сифатидаги фаолияти билан умуман танишмасдан, унинг ҳокимлигини ўта адолатсизлик билан тасвирлашган.

— Сиз ҳатто тасаввур ҳам этолмайсиз, — деб ҳасрат қила бошлади ҳамроҳим. — Темурдай буюк шоҳ ва инсон хотирасига муносабатни кўриб, ачиниб кетасан. Ахир у ўз халқини тараққиётнинг юқори босқичига олиб чиққан, ўз даврининг ўта маданиятли вакили эди.

— Қўйсангиз-чи, наҳотки? — дедим мен бутунлай янги, кутилмаган гап эшитганимдан беихтиёр ҳайрон қолиб.

— Ҳа, ҳа, ишонаверинг. Бизнингча, у — ваҳший. Аммо Оврупода конституция ҳақида оддий тушунчага ҳам эга бўлишмаган бир даврда ана шу ваҳшийнинг давлатида конституцион қонунлар мажмуаси — Ёзув мавжуд бўлган ва амал қилган... Жангда асов ва қўрқмас бу одам бош эгиб келган душманларига нис-



батан кечиримли, шафқатли бўлган. Унинг қўшини тўғри ҳарбий тузилишга эга бўлиб, ўша даврда дунёда энг кучли бўлган.

— Нима бўлганида ҳам, у — ваҳший,— ўжарлик билан такрорладим мен.

— Йўқ, ундай эмас, ёзма ёдгорликлардан ҳам кўриш мумкинки, унинг ҳокимиятида фуқароларга адолат билан муносабатда бўлинган. Ҳатто молиявий масалаларда ҳам қатъий тартиб ўрнатилган. Ўзингиз тасаввур қилинг, биз ҳозир зўр бериб интилаётган даромад солиғи деган нарса унинг ҳокимиятида ўшандаёқ мавжуд эди. Темур амалдорлардан иш юритаётганда қонун ва адолатга бўйсуннишни талаб қилган. Қамчи ва таёқ ишлатиш қатъий тақиқланган, буни бажармаганлар ўлимга ҳукм қилинганлар. «Қамчи ва таёқдан обрўга эга бўлмаган одам амалдор бўлишга арзимаиди», деб тез-тез такрорларди Темур.

Жангдан сўнг қўлга олинган ўлжаларнинг энг қимматбаҳоси ва қадрлиси рассом ва олимлар деб ҳисобланган одамни ваҳший дейиш мумкинми? У дунёда биринчи бўлиб хату хабар етказишни — почта хизматини тўғри йўлга қўйди. Эҳ, ҳаммасини санолмайсиз!

Унинг даврида Самарқанд дунёвий аҳамиятга молик бўлди. Ватани Шаҳрисабз эса унинг алоҳида эътибори туфайли гуллади, ҳашаматли бинолар билан безанди ва мусулмон илмининг марказига айланди. Замондошлари бу шаҳарни Қуббат-ул-Илм-Воил, яъни илму дониш гумбази деб бежиз номлашмаган.

Ҳозир бир бўлагигина сақланган Оқсарой қасри турфа ажойиботлар тўпланган ўзига хос томошагоҳ эди. Қаср пештоқида эса ана шу «ваҳший»нинг тамғаси ва шиори ялтираб турарди:

«Куч адолатдадур».

Бунга нима дейсиз? Мана, Темурнинг ҳақиқати. Биз эса Осиё тарихига тааллуқли кўп нарсаларни билмай, билишга ҳам қизиқмай, уни ёввойи деймиз. Эҳ, қанчалар нодонмиз-а! Ачиниб кетасан одам!

Ҳамроҳим шунчалик ҳаяжонда эдики, қўлини қаҳр билан силтаб, юзини мендан ўгириб олди.

— Сиз мен учун ҳозир Америка очдингиз,— очиқ эътироф этдим мен ҳамон эшитганларим таъсирида гарангсиз.— Ғоятда қизиқ шахс. Аммо, барибир, ҳозир бу илму дониш гумбазидан ҳеч вақо қолмаган-ку.

— Ундай деманг, Темурдан сўнг ҳам Шаҳрисабз бу юксак унвонни чинакамига кўтариб юрадиган бўлди.

Бунга Муқанна ва Темур билан биргаликда учинчи бир одам — Шарқ цивилизацияси тарихида чуқур из қолдирган ажойиб зот шарофати билан эришди. Мен буюк мистик Хўжа Баҳовуддин ҳақида гапирипман. Унинг таълимоти неча асрлардан буён мусулмон давлат қурилишининг асосини ташкил этиб келмоқда. Унинг таълимотини чуқур тушунтириб сизни толиқтирмай, фақат шуни билингки, у нақшбандийлик диний оқимига асос солди. Мусулмон давлатларида ҳукмдорларни тахтга чиқаришда бу таълимотга ҳозиргача қаттиқ амал қилинади. Унинг талабларига жавоб беролмаган ҳукмдорлар эса тахтдан зудлик билан туширилади. Бу таълимотнинг тарғиботчилари ҳамма жойда — Бухорода ҳам, Эрону Туркия, ҳатто узоқ Ҳиндистонда ҳам кўплаб учрайди. Бу оқимга мансуб эшон ва домлалар эса ўз мадрасаларига эга, унда минглаб мусулмон ёшларига шу таълимотни ўргатадилар. Нақшбандийлик — биздаги иезуитликнинг <sup>1</sup> бобокалони ҳисобланади. Иезуитлар нақшбандийлик тартиб-қоидаларини мутеларча ўзлаштирганлар.

Ҳозир ҳам Шаҳрисабзнинг сокин мадрасаларида дунёвий фалсафани ўрганувчи олимлар, цивилизациянинг юқори даражасидаги одамлар бор. Айтганча, мен яна битта ажойиб одам — Шаҳрисабзнинг сўнгги беки Жўрабек ҳақида гапиришни унутибман. Бу ҳам гаройиб шахс. Машхур ва қадимий Кенагас уруғига мансуб Жўрабек худди аجدодлари каби Шаҳрисабз беклигининг мустақиллигини сақлашга интилган, Бухоро амири билан доимий уруш олиб борган. Қулай фурсатдан фойдаланиб, у русларга қарши борди ва 1868 йилда Самарқандни қамал қилди. Кейинча Абрамов отряди Китобни забт этгач, у қочишга мажбур бўлди. Қўқон хони Худоёрхон томонидан қўлга туширилиб, рус ҳукуматига топширилган Жўрабек Шарқ одати бўйича ўзининг ўлдирилишини кутганди. Аммо генерал-адъютант Кауфман бу таниқли одамни Россиянинг содиқ дўстига айлантирмоқчи бўлди ва уни рус хизматига олди.

Русларнинг сермурувватлиги Жўрабекни лол қолдирди ва Қўқонга юриш бошлаётган генерал Скобелев қўшинига қўшишларини сўради. Қўқон хони билан бўлган урушда мардлик намуналарини кўрсатиб, Рус императорига садоқат билан хизмат қилди. Учинчи ва тўртинчи даражали ҳарбий орденлар билан тақдирлан-

---

*Иезуитлик* — католик монахлар ташкилоти таълимоти (тарж.).

ган Жўрабекка рус армиясининг подполковниги унвони берилди ва у узоқ йиллар Тошкентда, Туркистон генерал-губернатори қошида хизматда бўлди. Аввал полковник, сўнг генерал бўлган продаси мустаҳкам бу одам ўз хизмати билан ўлкада руслар учун кўп фойдали ишлар қилди. Маҳаллий аҳоли ўртасида унинг сўзи катта ҳурмат ва салмоққа эга эди.

Энди тасаввур қилинг, бир неча йил олдин уни Тошкент яқинидаги дала ҳовлисида сўйиб кетишди.

Даҳшатли ва сирли ўлим!

Ўлкани яхши билганлар бу воқеани улуғлараро низолар ва қасос олиш одатининг натижаси деб ҳисоблайдилар...

Биз бозор оралаб ўтдик. Йўлнинг икки томонида дўконлар тизилган, ҳар жой-ҳар жойда кишмиш ва бошқа хил қоқмевалар уюми учрарди. Чойхоналардаги қозонларда гуруч дамланган, кунжутнинг ўзига хос ҳиди узоқ-узоқларга тараларди. Қассоблар қўй ва от гўштини тарозида тортар, айна пайтда янги сўйилган молларнинг терисини шилар, нимталар эдилар. Той-той пахталардан сўнг еон-саноқсиз ҳар хил идишлар ва темир қозонлар тўпи келарди. Ана шу кўримсиз моллар орасида асосан қизил рангдаги мануфактура матолари билан тўла дўконлар қонли доғлардай кўзга ташланиб турарди.

Баъзан тўдалар орасидан асо тутган, эгни-боши жулдур, ажабтовур қалпоқ кийган, тароқ кўрмаган узун кокиллари елкаларига тушган одамлар ўтиб қоларди.

— Булар мен сизга айтган ўша нақшбандия дарвешлари...

Улар гоҳ қўшиқ айтар, гоҳ нималардир деб гапирардилар. Одамлар эса ўтмиш ёниб қўмсалган, шарқона бўлмаган ҳамма нарсага нафрат руҳи билан суғорилган уйдирма ва мутаассибона ваъзни жон-қулоқлари билан тинглардилар. Дарвешлар орасида талантили бахшилар ҳам бор эди. Баъзан бу бахшилар ибратли ривоятларни бир неча соатлаб шеър қилиб айтардилар ва ўз ваъзларини панду насихат билан тугатардилар.

Шаҳрисабз азалдан ипакчилик билан шуҳрат қозонган. Унинг 40 минг кишилик аҳолисининг аксарият қисми пиллачилик билан шуғулланади. Сўнгги йилларда Самарқандда ер ишлари вазирлиги қошида уруғчилик станцияси очилгач, бу иш яна ривож топди. Шу

ерда, Шахрисабзнинг ўзидаёқ ҳар хил шойи ва шойи аралаш матолар ишлаб чиқариладики, бозорда бу матони кўпроқ туб аҳоли сотиб олади.

Шахрисабз атрофида экин майдонлари кўп. Дехқончилик қуролларининг жўнлигига қарамасдан, бу ерларга яхши ишлов берилган. Ернинг унумдорлиги, сувнинг мўллиги дехқончиликни ривожлантиришга кўмаклашади. Маҳаллий аҳолининг айтишича, экин майдонлари йилдан-йилга кўпаяётган экан. Мўл ҳосил ва Самарқанднинг нисбатан яқинлиги дехқончиликни кенг ёйишга имкон берди. Шу сабабли унинг бозори ҳар турли дон маҳсулотларига тўладир.

Шахрисабздан сўнг аста-секин паст-баланд майдонлар бошланди. Йўлнинг чап тарафида тоғ тизмаси чўзилиб кетган. У ўзининг ўткир чўққилари билан Шахрисабз воҳасини чегаралаб турибди. Экин майдонлари ишлов берилмаган ерлар билан алмашина бошлади. Ўт билан қопланган қир ёнбағирларида отарлар эмин-эркин ўтлаб юришибди.

Биз илгариларга сайин ўнг томонимиздаги водий ҳам тугай бориб, тоғ тизмалари яқинлашиб кела бошлади.

Шахрисабздан 25 чақиримча нарида, катта ариқ бўйида Ёртепа қишлоғи жойлашган. Унинг яқинидаги қир устида қадимий қалъанинг харобалари — нураган девор ва тупроқ уюмлари кўринди.

— Бир пайтлар бу ерда шаҳар бор эди,— деб кўрсатди биз билан Шахрисабздан Дарбандгача ҳамроҳ бўлиб йўлга чиққан савдогар Мирза Соҳиб.— Катта шаҳар бор эди. Ёлғиз қабристон қолди. Кўп, жуда кўп одамларга сўнгги маскан бўлди бу қабристон. Кимга қаерда ётиш буюрилганини ёлғиз Оллоҳ билади. У кўпларга шу ерда ўз тирикчилик ташвишларини тугаллашни буюрди. Бу ерда даҳшатли Чингизхон жанг қилган, кўп ўлжа олган... Кейинча шаҳарни Амир Насруллахон вайрон қилган. Бу ернинг одамлари мағрур эди, амирга бўйсунганини, қулоқ солишни исташмади.

Биз извошдан тушиб, қалъа харобаларига қараб юрдик. Бурилиб оққан дарё ўраган баланд тепаликда жимлик ҳукмрон эди. Баланд тупроқ уюмлари ҳар тарафда кўзга ташланар, бу қалъанинг қанчалик катта бўлганини кўрсатарди. Тепачалар ва хандақларда жангаллар ўсиб ётар, ҳар жой-ҳар жойда пишиқ гишт

парчалари, сопол идиш бўлаклари кўзга чалиниб қоларди.

— Инсон ҳаёти бу ерда юз йилча бурунгина ўчган эди, қаранг, яна юз йил ўтар, бирор из қолмайди. Ахир, бу қалъани қуришга қанчадан-қанча меҳнат қилинган... У жуда қадим замонларда қурилган ва мустаҳкам қалъа ҳисобланган... Оллоҳ истади, у қул бўлди,— ўйчан гапирди Мирза Соҳиб.

Узоқ-узоқларда яна текислик кўринди. Ям-яшил майдон — Ғузор кўзга ташланди.

Илҳом ХАСАНОВ таржимаси

Евгений БЕРЕЗИКОВ

## ТЕМУР УҒЛОННИНГ ТУҒИЛИШИ

*(Бу афсона яккабоғлик Махсум бобонинг  
сўзларидан ёзиб олинди)*

Айтишларича, соҳибқирон Темурнинг отаси Тарағай баҳодирнинг насл-насаби Қоражар нўёнга бориб тақалади. Қоражар нўён эса кейинчалик Чингизхон номи билан машҳур бўлган Темучининг жияни эди. Чингизхон Эрон истилосидан қайтгач, ўз мамлакати — Мўғулистон пойтахти Қорақурумга<sup>1</sup> қайтар экан, Фарғона ва Мовароуннаҳрга суюкли ўғли Чигатойни хон қилди, унга ўзининг жияни Қоражар нўён билан 32 уруғ-қабилани ёрдамга юборди. Чигатойлар шундан сўнг машҳур бўлиб кетишди<sup>2</sup>. Ҳалиги қабилаларнинг уруғ-аймоқлари кўпайди. Чигатой Қашқарни пойтахт қилиб, Мовароуннаҳрга Қоражар нўённи волий тайинлади. Чигатой авлодлари Фарғона ва Мовароуннаҳрда кўп йиллар ҳукм сурди. Охири ҳукмронлик навбати Девонхон ва унинг ўғли Баёнқулихонга келди.

Ҳижрий 720 (милодий 1320) йили Бухорода Маликшоҳ номи билан танилган Қозонхон тахтга чиқди. Уша йили Бухорога машҳур мутасаввуф шайх Сайфиддин<sup>3</sup> келди. Бухоро аҳли унга мухлис ва мурид бўлдилар. Ҳақ-таоло унга саноқсиз давлат ато қилди. Биргина сайисхонасида 700 та тулпор бор эди. Қозонхон шундай золим эдики, у чақиртирган одам саройга бориш олдидан васият ёзиб қолдирарди. Одамлар Қозонхон устидан Сайфиддин эшонга арз қилдилар. Аммо у ҳозирча сабр қилишни буюрди.

Эшоннинг донғи чиққанлигини эшитган Қозонхон: «Бу девонага нечун шунчалик иззат-ҳурмат? Уни ҳузуримга олиб келинглар», деб фармон қилди. Эшон ҳузу-

<sup>1</sup> Чингизхоннинг пойтахти Қорақурум шаҳри Урхун дарёси бўйида, ҳозирги Чита (Жете)дан жануброқда эди. (Изоҳлар таржimonники.)

<sup>2</sup> Амударё ва Сирдарё оралиғи — Мовароуннаҳр илгари Чигатой улуси деб юритиларди (ҳозирги Ўзбекистон).

<sup>3</sup> Тарихий манбаларда шайх Зайниддин Қуллол, Абу Бакр Тоибодий номлари келтирилади.

рига борган одам хон буйруғини айтишга тили бормай. қалтираб қолди. Ниҳоят, буйруқни эшитгач, эшон қўйидаги рубойни ёзиб юборди:

Жабринг токайгача, эй золим хон,  
Сендан ҳама диллар зору вайрон.  
Хулқингни тузатмасанг эй, нокас,  
Бошингга келгай ажал, топмассан омон.

Эшон чопарга шу рубой битилган мактубни берди. «Очиб ўқисанг, кўр бўласан, хоннинг ўз қўлига бер!» — деб тайинлади. Чопар ақлли одам эди, у хатни ўқимай, эгасига (хонга) топширди. Қозонхон хатни ўқиб: «Ярамас, бундай шеър юборишга қандай журъат этди?» — деб, жаҳли чиқди. Сўнг шайх томонга қўшин тортиб бориб, уни қатл эттириш мақсадида отини эгарлашни буюрди. Мулозимлари хонни бу ишдан қайтаришга уринишди, аммо Қозонхон қулоқ солмади. Шайхга бу хабарни етказишиб, шу лаҳзаларда хон келиб қолади, дейишди. Эшон эса, хабарчи қўлига бир олма тутқазиб: «Олмани осмонга от, шу олма қанча айланиб тушса, худованди карим шунча марта қудратини кўрсатгай», деди. У олманинг айланишига қараб турдида: «Оллоҳи акбар!» — деб фотиҳа қилди. Бу орада Қозонхон йўл юриб, Галажўй қишлоғига яқинлашди. Иккита кўприкдан ўтиб, учинчисига етганида бир деҳқон унга бир сават олма совға қилди. Онда ўтирган хон олмани отиб ўйнаган эди, ноғорага тушди, хоннинг оти ҳуркиб, олиб қочди. Хон йиқилиб, бўйни синди. Одамлар билдики, бу шайхнинг иши. Каттаю кичик шайх қошига келиб, унинг оёғига бош урдилар. Шундан кейин фуқаро кимни хон этиб кўтаришни билмай, ҳайрон бўлиб қолди. Баъзилар эшонни подшоликка сайлайлик дейишди, лекин у кўнмади. Эшон Бухоро шаҳридаги Озодшайх хонақосида бир йил тоат-ибодат билан машғул бўлди. Одамлар унинг ҳузурига адолат ва ҳақиқат излаб келишар, у ҳеч кимни хафа қилмасди.

Ниҳоят, одамлар шайх қошига тўпланиб: «Подшосиз юрт — юрт эмас. Олти иқлим подшолари «Бухоро подшосиз қолибди», деб уни фатҳ этишга чоғланишмоқда. Эшоним, энди нима қилайлик», дея сўрадилар. Эшон: «Мана бу ҳассамни олинглар, учраганга ўлчаб кўринглар, кимнинг бўйи шунга мос келса, чўпон бўлса ҳам подшо қилиб кўтаринглар!» — деди. Бу жавоб кўпчиликни қониқтирмади. Айланиб, яна эшон ҳузурига келишди. Эшон айтди: «Нурота тоғига бо-

ринглар, Баёнқулихонни изланглар, йўлингизда ким учраса, шу ҳассани бўйига ўлчаб кўринглар!» Шундан сўнг Бухоро аҳли ҳассани олиб, тезроқ хонни топиш умидида вилоятни айланиб, кеза бошлади. Қим учраса, бўйига ҳассани ўлчаб кўрдилар, ҳеч кимга тўғри келмади. Баёнқулихонни сўраб-суриштиришди, лекин дарагини билишмади.

Баёнқулихон воқеаси бундай эди: тоғаси Шох Малик (Қозонхон) тахтга ўтирганида Баёнқулихон ўн саккиз ёшда эди. Маликшоҳ тахтимни олиб қўймасин, деб уни ўлдириш учун жаллодга берди. Лекин вазирлар яширин равишда жаллодга олтин бериб, йигитни халос қилиб юбордилар. Йигит қочиб қутулди. Ўшандан буён у дарбадар кезиб, Нурота тоғларига келиб қолди. У вақтларда Бухорода арлот қабиласи яшарди. Бир куни Баёнқулихон осмонга қараб, бир лочин тумшуғидаги нарсани тушириб юборганини кўрди. Бу ҳамён бўлиб, ичи тўла тилла экан. Баёнқулихон тиллани олиб, арлотлар қароргоҳига кирди. Арлотлар амирининг муовинига воқеани айтди, аммо у ишонмади. «Тиллани ўғирлагансан, буни мен булоқ олдида йўқотган эдим», деб хонни зиндонга қамаб қўйди. Йигит ўзининг хон наслидан эканини айтмади. У кечаси тушида Шайх ул-аъламни кўрди, уйғониб, кишанларини узиб, қочиб кетди. Ғавғом қишлоғига етиб, бир чордевор тагида ўтириб, мусофирлигига йиғлади. Шу ердан ўтиб кетаётган бир кампир раҳми келиб, йигитни уйига олиб кетди. Эри чўпон эди, йигитни ўзига ўғил қилиб олди. Кўп ўтмай, чўпон оламдан ўтди. Баёнқулихон чўпонлик ҳассасини олиб, мол-қўй боқа бошлади. Алқисса, орадан бир йил ўтди. Шунда Бухородан бир тўда одам уни излаб келиб қолди. Ҳалиги оломон: «Баёнқулихон қайдасан?» — деб чақириб келарди. У ҳайрон бўлди, лекин кўрққанидан жим ўтираверди. Келганлар: «Эй йигит, Баёнқулихонни кўрмадингми?» — деб сўрашди. Йигит: «Нима ишларинг бор эди?» — дея суриштирди. Одамлар Шайх Сайфиддин воқеасини айтиб, унинг қўлига ҳассани беришди. Ҳасса йигитнинг бўйига тенг келди. Одамлар: «Чўпонни қандай хон қилиб кўтарамиз?» — деб ўйланиб қолишди. Бирови шайхнинг: «Чўпон бўлса ҳам майли», деган гапини эслади. Шу пайт улар орасидаги бир навкар Баёнқулихонни таниб қолди. У Маликшоҳ амри билан йигитни етти йил зиндонда сақлаган эди. Навкар Баёнқулихоннинг оёғига бош урди.



Алқисса, хонни Бухорога олиб келишди. Уни шайх Сайфиддиннинг ўзи пешвоз чиқиб кутиб олди. Шаҳарни байрамона ясатиб, йигитни тахтга ўтқазди. Баёнқулихон шундай одил подшолик қилдики, таърифига сўз йўқ. У ўттиз йил ҳукм суриб мамлакатда адолат ўрнатди, қушларга озор бермаслик учун ҳатто шикорга ҳам чиқмади. Бир куни подшо жувозкашдан: «Битта кунжут донидан қанча ёғ олинади?» — деб сўради. Жувозкаш: «Тирноқни мойлашга етади», деб жавоб берди. Шоҳ уни жазога ҳукм қилди. Жувозкашнинг ўғли илмли (мулла) эди. У отаси учун узр сўради: «Маликшоҳ жабр-зулми туфайли отам ўқиёлмади,— деди,— мен бўлсам сизнинг даврингизда хат-савод чиқардим. Чунки сиз: «Ўқимаганларнинг ҳолига вой, болаларни мактабга беринглар!» деб фармон чиқардингиз», деди.

Энди бу ёғини Тўрғай<sup>1</sup> баҳодирдан эшитайлик. Унинг Қоражар нўён уруғидан эканлигини илгари айтган эдик. Билгичларнинг айтишларича, ўша вақтда вазирлик унинг оиласидан кетган, лекин ўзи бой-бадавлат эди. Шаҳрисабзда Тўрғай баҳодир яшаган жой ҳозир ҳам Тўрғай деб аталади. Ўша вақтларда унинг мол-қўйини бўйнига олтин арғамчи боғланган 70 та бўрибосар ит қўриқлар эди. Ўзи қорамағиздан келган, паҳлавон йигит эди.

Ўша замонлар Бухорода Садр-уш-шариа<sup>2</sup> деган мулла (олим) яшарди. У «Шарҳи вақое» деган китоб битган. Бир куни Садр шогирдлари даврасида дарс ўтиб турганида бир мусофир келди ва унга қараб: «Қизингни эрга бер, ундан жаҳонгир фарзанд туғилади!» — деди. Мулла Садр ишонмай: «Эй, девона, сен қаердан биласан!» — деди. Мусофир айтди: «Ғойиб сирлари менга аён». Садр-уш-шариа уни тошхонага қамаб, ўзи хон хузурига бориб, воқеани айтди. Хон: «Мусофирни олиб келинглар!» — деди. Хон одамлари бориб қарашса, тошхонада мусофир йўқ, унинг ўрнида мулланинг қизи, қўл-оёғи боғланган. Гап сўрашса, телба эмиш. Қори-домлалар ҳар қанча дуо, чиллаёсин ўқишса ҳам қиз ўзига келмади. Ниҳоят, қизни Шайхул-аълам қошига олиб боришди. Эшон уни хушмуомалалик билан кутиб олиб: «Ҳалиги дарвеш мусофир Ҳизир эди, чиндан ҳам бу аёлдан манзур ва машҳур фарзанд туғилади».

<sup>1</sup> Баъзи китобларда Муҳаммад Тарағай (мас: атоқли муаррих Бўриной Аҳмедовнинг «Улугбек» эссе-романида).

<sup>2</sup> Тарихий манбасини аниқлай олмадик.

деди. Эшоннинг гапини эшитган заҳоти қизнинг хуши жойига келди. Эшон: «Бу қизимизни ўзим турмушга бераман», деди. Садр-уш-шариа: «Майли, ҳазратим, ўзингиз биласиз», деди. Эшоннинг башоратини эшитган амалдорлар ва олимлар ҳар тарафдан унинг уйига совчилар юбора бошладилар. Лекин шайх: «Ҳали бу қизнинг куёви Бухорога келгани йўқ», деди. Ахири одамлар совчи юборишни бас қилиб, «унга эшонимизнинг ўзи уйланад экан», деган фикрга келди.

Энди гапни Тўрғай баҳодирдан эшитинг. Бир куни баҳодир Шаҳрисабз чўлида кийик овлаб юрган эди. Бир оху унинг олдидан ўтиб, ўзини қўйлар тўдасига урди. Тўрғай баҳодир қараса, бир қўйни бўри ёриб ташлабди. Унинг жаҳли чиқди ва ухлаб қолган чўпонни ура бошлади. Чўпон: «Мени урма, амирим, сен учун яхши туш кўрдим», деди. Баҳодир сўради: «Нима туш кўрдинг?» Чўпон айтди: «Тушимда яшил кийимли бир киши кўринди, у менга: «Хожангга айт, у Шайхулаълам қошига бориб, Садр-уш-шарианинг қизига уйлансин, зеро улардан жаҳонгир туғилади», деб хитоб қилди. Баҳодир: «Алдаянсан», деб чўпоннинг гапига ишонмай, уни яна ура бошлади. Шу пайт чўпоннинг ити бир сапчиб, алланима дегандай ҳура бошлади. Баҳодир сўради: «Ит нега ҳураётганини тушундингми?» У жавоб берди: «У рост гапираётганимни айтаяпти». Шундан сўнг баҳодир унинг гапига ишониб, Бухоро томон ошиқди.

Тўрғай баҳодир Бухорога бориб, тўғри Шайхулаълам хонақосига кирди. Эшон шу вақтда намоз ўқиётган эди, лекин келган одамни сезди. Баҳодир сўфийлар даврасида ўтириб, шайхни кута бошлади. Ниҳоят, шайх намоздан бошини кўтариб: «Ассалому алайкум, падари соҳибқирон», деди (қирон — юлдуз буржларининг бахтли келиши, соҳибқирон унвони Амир Темурга туғилмасидан илгари эшон томонидан берилган). Тўрғай баҳодир ҳам саломлашиб, эшонга чўпон воқеасини гапириб берди. Шайх айтди: «Ҳа, чўпоннинг туши ҳақиқатдур, чиндан ҳам Некия бегимни сен учун асраб қўйганман. Аммо, шартим шуки, қизимга куёв бўлишдан аввал бир кечада мадраса қуриб беришинг керак». Баҳодир рози бўлди, аммо қандай қилиб бир кечада қураман, деб қайгуга ботди. Шунда эшон: «Эй, тилаги ёр одам, хафа бўлма, ўзим кўмаклашаман», деди. Амир Тўрғай миннатдор бўлиб, эшоннинг оёғига бош урди. Эшон барча шогирдларига рухсат бериб, фақат амир

Тўрғайни олиб қолди. Унга таҳорат олиб, намоз ўқишни буюрди. Амир таҳорат олиб, икки ракаат намоз ўқиғунича эшон бир хат ёзиб, намоздан сўнг унинг қўлига тутқазди-да: «Шаҳар ташқарисидаги Файзул-анвар қабристонига, Ҳазрат Айюб булоғи бўйига борасан (ўша вақтларда Ҳазрат Айюб мозори Бухоро қалъаси ташқарисида эди. Убайдуллахоннинг ўғли Абдулазизхон мазкур мазорни ҳам қалъа девори билан ўраганди). Авлиё эшон қабристонига етганинда, булоқ бўйида ўтир. Хонақоҳ эшиги берк бўлади. Эшик ортида нималарни эшитсанг ҳам қўрқма, жойингда ўтиравер. Бир пайт сўфий чиқиб, олдинга товоқчада таом қўяди. Агар таом ўсимлик ёғида бўлса, ҳақ-таоло сенга фарзанди солиҳ ато қилади, агар қўй ёки мол ёғида бўлса, фарзандинг бузуқ ва дангаса чиқади. Таомни еб бўлиб, сўфийга менинг хатимни бер. У хонақоҳга кириб кетиши билан орқангга қайт. Нима гап эшитсанг ҳам қайрилма, ҳеч кимнинг гапига қулоқ солма, тўғри менинг ёнимга кел», деди.

Хатни олиб, Тўрғай баҳодир шаҳар қалъаси ташқарисига чиқди. Қараса, Ҳазрат Айюб мақбараси гумбазидан осмонга нур таралиб турибди. Қулоғига ёқимли мусиқа, най ноласи, сато ва танбур садолари эшитилди. Тўрғай баҳодир: «Ё, қудратингдан!» — деб, шайх айтганидай қилди — булоқ бўйига ўтирди. Шу пайт хонақоҳ эшиги очилиб, яшил рангли кийим кийган бир сўфий чиқди, у қўлидаги дастурхон ва усти ёпиқ лаганни амир Тўрғай олдига қўйди. Амирнинг қўнглига ғулу тушди: «Таом макруҳ бўлса, ёмон фарзанд кўрсам-а?» — деб ташвишланди. Лаганнинг қопқоғини очган эди — сут экан. У сутни маза қилиб симирди. Сўнг сўфийга хатни бериб, ортига қайтди. Ортидан қалъа деворларига тил кириб: «Оллоҳу акбар, Оллоҳу акбар, ло илоҳа иллол-лоҳу!» деган овозлар эшитилди. Амир қўрқиб кетди, лекин ортига қайрилмади. У Шамсул-мулк боғига етди. (Ҳозир бу ер намозгоҳ дейилади.) Боғдан бир оқсоқол чиқиб: «Шундай улуғ садолар қаердан келаётганини кўрмайсани, ортингга қара!» — деди. Амир қизиқиб, ортига қарашига сал қолди. Лекин шу пайт бир ғалати шабада келиб, уни олға ундади. Амир шайх хонақосига келиб, унинг оёғига бош уриб, юкинди ва қайрилиб қарагиси келгани учун эшондан кечирим сўради. Эшон: «Ҳалиги оқсоқол Шайтон эди, унга лаънатлар бўлсин, сирли шабадани эса мен юбордим. Агар шундай қилмасам,

фарзандинг нобуд бўларди, — деди. Сўнг: «Панжала-рим орасидан қара!» — деб амр қилди. Амир Тўрғай қараса, бир тўда қора кийимли кимарсалар қўлларида гишт ва ганчли тоғоралар кўтариб, гимирлаб юришибди. Шайх уларнинг руҳлар эканлигини айтди. Амир: «Уларнинг бошлиғи ким?» — деб сўради. Эшон айтди: «Бошлиқлари ўлган, энди мени бош бўлинг, деб илтимос қилишяпти». Амир ҳайрон бўлиб: «Бу одамларнинг кўпчилиги менга таниш-ку, улар ҳунарманд одамлар», деди. Эшон: «Сирлар уларнинг кўнглида, — деди. — Агар толеинг бўлмаса уларни кўролмас эдинг». Шу орада сирли одамлар шайх ҳузурига келиб, оёғига бош урдилар: «Эй, табаррук зот, биринчи гал келиб, бизга бошлиқ бўлинг, деганимизда рози бўлмаган эдингиз. Бугун юборган одамингиздан хатингизни олдик. Баҳодирнинг толеи учун рози бўлганингизни билиб, қувончдан бошимиз кўкка етди. Эрта тонггача мадрасани қуриб битказиш тўғрисидаги шартингизни бажаргумиз», дедилар. Шундай деб, улар тонг отгунча шундай бир мадраса қуриб битказдиларки, гўё гумбазнинг ганчи тонгдан, гишти қуёшдан ясалгандай эди. Бухоро аҳолиси тонг отганда Ҳазрат Айюб минорасига кўзи тушиб, буни эшоннинг мўъжизаларидан бири деб ўйлади. Аммо, эшон ҳалққа, бу мадрасани Тўрғай баҳодир қурдирди, деб эълон қилди. Халқ баҳодирни дуо қилди. Сўнгра эшон Тўрғай баҳодир билан Некия бегимни дарवेशлар тариқатига кўра шаръий никоҳдан ўтказди. Осмони фалакда икки қутлуғ бурж учрашган шу кечаси келин муборак инсонга ҳомиладор бўлди.

Аммо, бу воқеадан аввал бошқа ерда ўзгача бир воқеа юз берган эди. Қўнғирот уругидан Қозоғон<sup>1</sup> деган бир кимса ўша вақтда улус амири (амирал-улус), яъни хонга оталиқ эди. Хон исми фақат хутбага қўшиб ўқилар ва унинг номидан пул (тангалар) зарб этилар, давлатнинг бошқа барча ишларини шу қўнғирот Қозоғон ҳал қиларди. Унинг нияти Некия бегимга уйланиш эди. Қизнинг Қоражар нўён авлодига турмушга узатилгани унга ёқмади ва у Бухоро хонини эшон-шайхга қарши уруш очишга кўндирди. Қозоғон одамларини эшон ҳузурига юбориб, жанг майдонини ҳазратнинг ўзи тайин қилсин, деди. Эшон: «Агар

<sup>1</sup> Муаллиф «амир Қарагон» деб берган. Тарихий манбаларда амир Темирнинг рақиби — амир Хусайннинг бобоси амир Қозоғон бўлган.

Қозоғон Некия бегимни яхши кўрса, нега қиз жинни бўлиб қолганда совчи юбормади, энди эса, мен уни эгасига — Тўрғай баҳодирга топширдим. Қозоғоннинг жаҳли чиқса, қўлидан келган ишни қилсин», деб жавоб берди.

Амир Қозоғон шайхга қарши қўшин тортиб келди. У бояги хонақоҳга, янги мадрасага яқин қолганида амир Тўрғай: «Менинг уруғларим ҳам улус амирлари бўлишган, шунинг учун Қозоғонга қарши мен жанг қиламан», деб майдонга чиқди. Эшон аввал Тўрғай баҳодирни бу ишдан қайтаришга уринди. Баҳодир гапида туриб олгач, шайхнинг ўзи белига белбоғ боғлаб, қўлига қилич тутқазди. Эшоннинг 400 та шогирди Тўрғай баҳодирга жангчи бўлдилар. Баҳодир жанговар саф тузиб, жангга отланди.

Кун тиккага келганида қуёш нури амир Тўрғайнинг юзига тушиб, кўзини қамаштириб қўйди. Хонақоҳдаги шайх бунни сезиб, бир тиловат қилган эди, осмонда булут пайдо бўлиб, кунни тўсиб қўйди. Амир Қозоғон қўшини отлиқ, амир Тўрғай қўшини пиёда эди. Амир Қозоғон қора от минган, кийими қизил, байроғи оқ эди. Амир Тўрғай эса оқ отда, кийими яшил, байроғи ҳам яшил эди. Эшон тайинлаганидай, баҳодир амир Қозоғонни яккама-якка жангга чақирди. Иккаласи камондан ўқ отишганида, бир ўқ Тўрғай баҳодирнинг ўнг кўзига санчилди ва у отидан йиқилиб тушди. Амир Қозоғон ҳам отидан тушиб, рақибининг бошини олиш учун қилич кўтарди... Баҳодирга ўқ тегиши билан сўфийлар эшонга хабар беришди, эшон бир қамишдан ёй ясаб, амир Қозоғон томонга отган эди, ўқ тўғри бориб, ёвузнинг курагига тегди ва у жон таслим қилди. (Унинг жароҳатини кўрган одамлар ўқ орқасидан текканини билдилар.) Амир Тўрғай эса фақат бир кўзидан айрилди.

Алқисса, Бухоро амири Баёнқулихон эшон ҳузурига келиб, тавба-тазарру қилди. Эшон: «Айб сенда эмас», деди.

Шундан кейин Тўрғай баҳодир жуфти ҳалоли Некия бегимни Шаҳрисабзга олиб кетди. Эшон уларни дуо қилиб қолди.

Эшон юз ўн беш ёшида қазо қилиб, дорул бақога

---

<sup>1</sup> Муаллиф «қашқарлик ўғлон» деб ёзган. Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матла-ус-саъдайн ва мажма-ул-бахрайн» асарида Чингиз ўғлон ҳақида гап боради.

кетди. Бу пайт Амир Темур она қорнида олти ойлик эди.

Шу орада Бухоро амирига Қашқардаги Чингиз<sup>1</sup> ўғлон исён кўтарганлиги хабари етиб келди. Баёнқули-хон Шаҳрисабзга амир Тўрғайга хат билан чопар юбориб, барлослар ва каррайлардан лашкар тўплаб, исёнчиларни бостириш учун Қашқарга йўл олсин, деб амр қилди. Амир Тўрғай бу хабарни эшитиб, қилич-камарини боғлаб, хон амрини бажаришга отланди. У Некия бегимни катта хотини Яқин оғо ихтиёрига тошшириб, Қашқарга йўл олди. Бу аёл амир Қозоғоннинг қизи эди.

Энди Амир Темурнинг туғилиши воқеасига ўтамиз. Некия бегимнинг ой-куни етиб қолди. Аммо, Яқин оғо отасининг ўлими учун Некия бегимга кек сақлаб юрарди. Яқин оғо бир кеча туш кўрди. Тушида Некия бегимнинг кўйлаги этагидан қуёш чиқиб, мағрибу машриққа таралиб, бутун оламни ёритиб юборди. Уйғонгач, кундошини улуғ иқбол кутажагини сизди. Ҳасадгўйлиги тутиб, кундошининг таомига дори сешиб ухлатиб қўйди. Сўнгра ҳазора-лочин уруғидан бўлган Қайдун деган хизматкорини чақириб: «Менга шундай улуғ бир сир аён бўлдики, уни фақат сенга айтаман, сен эса ҳеч кимга фош қилиб қўйма», деди. Қул айтди: «Мен отангга садоқат билан хизмат қилдим, сенга ҳам хизмат қилурмен». Шунда Яқин оғо бу кеча қандай туш кўрганини айтиб, «унинг маъносига етиш учун таъбирчи йўқ, лекин эшитган эдимки, Самарқанд томонда, бир ғорда маскан тутган Суюкли ота деган таъбирчи бор. Яна эшитаманки, Суюкли ота кўп одамларнинг мушкулини осон этган», деди. Яқин оғо қулига ширин гапириб, эркалаб, Суюкли ота хузурига жўнатди. Қул ғор оғзига борса, тумонат одам навбат кутиб ўтирган экан.

Бир неча кундан сўнг қулнинг ҳам навбати етди. Кириб кўрдикки, у ерда айиқ терисига ўралган, бу дунёнинг одамига ўхшамаган бир кимарса ўтирибди. Қайдун ҳалиги одамга сирли тушни айтиб, таъбирини сўради. Дарвеш айтди: «Ҳақиқатдан бу йили шундай бир гўдак оламга келадикки, у келгусида жаҳонгир, соҳибқирон бўлади... Назаримда, шу лаҳзаларда онадан шундай бир фарзанд туғиладики, у ва унинг авлодлари кўп замонлар салтанат тахтида ҳукмронлик қилурлар». Тушнинг таъбирини эшитгач, Қайдун валийга совға-саломларини узатган эди, у олмай, қайтарди.

Қул уйга қайтиб, Яқин оғога тушнинг таъбирини айтиб берди. Буни эшитгач, у ҳасад ўтида ёниб, кундо-

шини йўқотиш пайига тушди. «Бунинг йўлини топ», деди қулига. Кайдун уни бу ёвузликдан қайтаришга уринди. Лекин Яқин оғони кўндиролмади. Охири Кайдун Садр-уш-шариа номидан сохта хат ёзиб берди. Яқин оғо уни Некия бегим қўлига тутқазди. Мактубнинг мазмуни шундай эди: «Мазкур мактубни падари бузрукворинг Садр-уш-шариадан деб билгайсан. Эй, фарзандим, менинг куним битиб, аҳволим оғирлашиб қолди. Агар тез етиб келмасанг, мени кўролмай қоласан». Некия бегим бу хатни ўқиб, тоқати тоқ бўлиб, Яқин оғога аҳволини тушунтириб, йўлга чиқишга рухсат сўради. Яқин оғо кундошига меҳрибончилик қилгандай бўлиб, ёнига иккита чўри қўшиб, йўлга кузатди. Улар ортидан эса: «Кундошимни йўқ қилиб кел», деб қулини юборди.

Кайдун йўлда маликага етиб олиб, аввал унинг икки чўрисини ўлдирди. Бахти қаро Некия бегим йиғлаб: «Мени ўлдирганингдан нима фойда топасан? Ахир бўйимда ой-куни етган болам бор, ҳеч бўлмаса болага раҳминг келсин!» — деб ялиниб-ёлворди. Кайдун эса: «Худди ана шу боланг учун сени ўлдирияпман, агар туғилса, жаҳонгир бўлиб, бошимизга етади!» — деб қиличини суғурди. Некия бегим: «Ўзим ўлсам ҳам, болам омон қолсин», деб шу ердаги қудуққа ўзини ташлади. Бу қуриган қудуқ экан.

Қул қудуққа эгилиб, аёлга: «Бу ёққа чиқ!» — деб бақира бошлади. Шу пайт осмонда чақин чақиб, қулнинг бошига яшин тушди-да, у нобуд бўлди. Малика золимдан қутулди, лекин қудуқдан чиқа олмади. Бир пайт шу атрофда қўй боқиб юрган чўпон келиб қолди. У қудуқ ичидан овоз келаётганини эшитиб, арқон ташлаб аёлни тортиб олди. Некия бегим чўпонга миннатдорчилик билдирди-ю, лекин бўлган воқеани айтмади.

Чиройли жувонни ёлғиз кўриб, чўпоннинг хаёли бўлинди. У жувонга ёпишмоқчи эди, аёл худога нола қилди. Шу пайт кўринишдан арабга ўхшаш бир олийҳиммат киши келиб қолди ва аёлни ёвуз қўлидан қутқарди. Бу кишининг дилида маликага чексиз ҳурмат уйғонди: «Эй, малика, — деди у, — кўрқма, бу нобакор менинг чўпоним эди, уни ўзим жазолайман. Мени амир Жоқуй барлос<sup>1</sup> дейдилар. Хоҳласанг менга фарзанд бўл, уйимнинг тўри сеники. Уйда бола-чақаларим

<sup>1</sup> Жоқуй барлос кейинчалик Амир Темур қўшинларининг энг олий саркардаларидан бири бўлган.

сенга ғамхўрлик қилишади. Кейин сенинг қариндош-уруғларингни излаб топамиз». Шу сўзлар билан амир Жоқуй барлос аёлни уйига бошлаб бориб, хотинига воқеани тушунтиради. Ҳша ерда Некия бегимнинг кўзи ёрийди...

Ҳижрий 736 (милодий 1336) йил шаъбон ойининг 9-куни, икки шарофатли сайёра — Зухра ва Муштарий (Юпитер) самовий доирасида Тур (Ҳаддий) буржида ўзаро яқинлашган вақтда соҳибқирон фарзанд дунёга келди. Муаррих Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»да ёзишича, уч чақалоқ — Искандар Зулқарнайн, Муҳаммад Мустафо ва Амир Темур само буржлари — юлдуз тўдаларининг мазкур сайёралар билан шундай яқинлашув пайтида туғилган. Зухра ва Муштарий сайёралари Ҳаддий юлдузлар буржида ҳар саккиз юз йилда бир марта ўзаро яқинлашади.





Турғун ФАЙЗИЕВ

## СОҲИБҚИРОН МАЛИКАЛАРИ

Тарихий маълумотларнинг далолатига қараганда, соҳибқирон Амир Темур бир неча марта уйланган. Соҳибқироннинг ўз иқрорича, 1355 йили отаси амир Муҳаммад Тарағай уни биринчи марта амир Чағуӣ Барлоснинг қизига уйлантиради. Ўша йилиёқ Амир Темур амир Қозоғоннинг набираси, амир Ҳусайннинг синглиси Ўлжой Туркон оғога ҳам уйланади. «Темурнома» муаллифининг ёзишича, Ўлжой Туркон оғонинг асл исми Камолой бўлиб, доим эркаклар либосида отга миниб, жангларда иштирок этар ҳамда жангдан қўплаб ўлжалар билан қайтар экан. Шу боис уни Ўлжой Туркон деб атар эканлар. Ўлжой Туркон оғо 1366 йилда касал бўлиб вафот этади.

Соҳибқирон Амир Темур Самарқанд тахтига ўтирган (1369-1370) вақтида мазкур хотинларидан икки ўғил ва икки қизи бор эди. Ҳар икки амирзода, яъни Жаҳонгир Мирзо ва Умар Шайх Мирзо бир йилда — 1356 йилда туғилганлар. Демак амирзодалар бошқа-бошқа онадан туғилганлар.

Тарихчи Хондамирнинг берган маълумотига қараганда, Жаҳонгир Мирзо онасининг исми Нурмушк оғо бўлган. Агар шунга амал қилинса, соҳибқироннинг биринчи хотини амир Чағуӣ Барлос қизининг исми Нурмушк оғо бўлиб, ундан Жаҳонгир Мирзо ва Оға бегимлар туғилган. Соҳибқироннинг иккинчи хотини Ўлжой Туркон оғодан эса Умар Шайх Мирзо ва Султон Бахт бегим туғилган. Бундай хулосага келишимизнинг сабаби 1360 йилгача соҳибқироннинг иккитадан ортиқ хотини бўлмагани аниқ. (Бу масала келгуси тадқиқотчиларга ҳавола.)

«Зафарнома» муаллифи Шарафуддин Али Яздийнинг маълумотига қараганда, 1370 йилда соҳибқирон Амир Темур жангда амир Ҳусайнни енгиб, уни асир олгач, Самарқанд тахтига ўтириб, Мовароуннаҳр ҳукмронлигини ўз қўлига олади. Асирга олинган амир Ҳусайнни Хутталонли амир Кайхусрав қўли билан қатл қилдиради. Амир Ҳусайн ҳарамида бир неча мали-

калар бўлиб, ҳарамнинг улуғ бекаси Тармаширинхоннинг қизи Суюнч Қутлуғ оғо эди. Соҳибқирон амир Хусайн ҳарамидан Қозон султонхон қизи — Сароймулкхонимни, Баён Сулдузнинг қизи — Улус оғо бегимни, Ҳизир Ясурийнинг қизи — Ислом оғо бегимни ҳамда Тағо Туркон Хотунни танлаб олиб, ўз никоҳига киритади. Амир Хусайн ҳарамдаги бошқа хотинлар — Суюнч Қутлуғ оғони Баҳром Жалойирга, Дилшод оғони — Зинда Ҳашмга, Одилмулкни — амир Жокуга, амир Хусайннинг қизини эса Элчи Буғога ҳадя қилади.

Сароймулкхоним Чигатой улусига мансуб бўлган мўғул хонларидан Қозонхоннинг қизи бўлиб, 742 (1341) йилда туғилган эди. Қозонхон тахтдан аزل этилиб, қатл қилинган вақтда Сароймулкхоним ҳали беш ёшда эди. Сароймулкхоним балоғатга етгач, 1355 йилда амир Хусайн уни ўз никоҳига олади. 1370 йилда амир Хусайн қатл қилинган, у Амир Темур никоҳига киради.

Соҳибқирон Сароймулкхонимни ўз никоҳига киритган, машҳур «курагон» номини олишга мушарраф бўлади. Сароймулкхоним хон авлодига мансуб бўлгани туфайли ҳарамдаги барча маликалардан юқори турар ва катта хоним (Бибихоним) деган унвонга эга эди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Сароймулкхоним ўз замонасининг юксак идрокли, фаросатли, тadbиркор ва ақл-заковатли соҳиббаси бўлган. Шунингдек, ҳусн-латофат бобида ҳам беназир эди. Сароймулкхоним инсонпарвар, саховатли аёл бўлиб, мамлакатнинг ижтимоий ва маданий қурилиш ишларига, айниқса, толиби илмларга ҳомийлик қилган.

Ривоят қилинишича, Сароймулкхоним кунлардан бир кун ўз жамғармаси ҳисобига савоблик учун худо йўлида бир мадраса бино қилдиришга Амир Темурдан ижозат сўрайди. Ҳукмдордан рухсат олган, отаси томонидан бир вақтлар совға қилинган бир жуфт олмос балдоқни сотувга қўйиб, ушбу маблағни мадраса қурилишига сарфлайди. Муҳандис мадраса тархини чизиб тугатган, уста боши-ю, бир неча корфармолар раҳбарлигида қурилиш бошланиб кетади. Юзлаб мардикорлар, гишт терувчилар, ўнлаб наққошлар кечаю-кундуз ишлайдилар. Иттифоқо қурилиш ниҳоясига етабошлаган пайтда Сароймулкхоним ўз канизлари билан бирга қурилиш майдонига келади ва устабошига бинонинг кам-кўстлари ҳақида кўрсатмалар беради. Гарчи устабоши Сароймулкхонимнинг юзини кўрмаган бўлса-да,

лекин унинг сўзларидан ниҳоятда оқила ва ўткир зехн-ли аёл эканлигига имони комил бўлади. Сароймулкхоним кетгач, устабоши хоним билан бўлган бир нафаслик мулоқотдан олган таассуротини ичига сиғдира олмай, ҳиссиёт ғалаба қилиб, атрофида турган усталарга: «Ёпирай, аёл зоти ҳам шунчалик доно ва оқила бўладими?.. Хоним ҳақида шу кунгача эшитган барча таъриф-тавсифларнинг ҳаммаси тўғри экан. Қани энди ҳамма аёллар ҳам шундай бўлсайди», деб чуқур уф тортади.

Устабошининг соддадиллик билан айтган беғубор сўзлари тез фурсатда қурилишдаги барча корфармо-ю, уста ва мардикорлар орасида тарқалиб кетади. Бир-икки кун ўтгач, миш-мишлар бардамалаб, «нима дейсан, устабоши хонимга ғойибона ошиқ бўлиб қолган эмиш», деган сўзлар тарқайди. Табиийки, бу миш-мишлар Сароймулкхонимга ҳам етиб боради. Устабоши ўзининг бемудоҳазалигидан ўкиниб, суяксиз тилнинг жароҳатидан нолиб турган бир пайтда, Сароймулкхонимнинг канизларидан бири қўлида рўмолга ўралган лаганчани устабошига узатаркан: «Хоним ушбу тухумларни сизга юбормишлар. Токи мазкур етти хил рангга бўялган етти дона тухумни тановул айлаб, аларнинг мазаси бир хилму ёхуд ҳар бирининг мазаси алоҳидаму, ушбунини фарқлаб бергайсиз. Жавобини эрта қиём пайтида эшитурмиз», деб қайтиб кетади. Устабоши рўмолни очиб, етти хил рангдаги етти дона тухумни ўз кўзи билан кўргач, Сароймулкхоним нимага шама қилаётганини тушуниб, чуқур изтиробга чўмади. Шу аснода ҳаммаёқда «соҳибқирон Амир Темур навбатдаги юришдан қайтиб келаётган эмиш, бугун-эрта Самарқандга етиб келар эмиш», деган овоза тарқалади. Устабошининг кўз ўнги қоронгилашиб, қўли ишга бормай, ўз тақдири ҳақида ўйларкан: «Миш-мишлар бошимга бало бўлди, ҳадемай соҳибқирон етиб келса, мени соғ қўймас, жазога мустаҳиқ қилмоғи муқаррардур. Начора, тақдири азалда битилгон эркан-да... Ҳай аттанг! Аммо чиқмаган жондин — умид, деганлар машойихлар, бу ердан қочмоқ чорасини топмоқ керак. Қочиб ҳам қаерга борғумдир. Дарвоқе пастга ҳам тушиб бўлмай-дур, дарҳол тутуб, зиндонга солурлар. Не қилмоқ керак?..» — деган фикр ўтади хиёлидан.

Устабоши кўп ўйлагач, шогирдини ўз ёнига чақириб, уни ўз режасидан воқиф қилади. Шундан сўнг устабоши бир қарорга келади. У ўзига иккита қанот боғлаб, гумбаз устидан сакрайди. Қанот ёрдами-

да шаҳар четидаги яйловга қараб шўнғийди. Аммо қўнишга улгурмай, боши билан ерга қадалиб, оламдан ўтади. Бу манзарани кузатиб турган шогирди: «Эҳ, аттанг, устоз андак хатога йўл қўйибдилар. Зеро қанот билан бирга дум ҳам боғламоқ лозим эрди», деб, шогирд ҳам ўзига қанот ва дум боғлаб, гумбаздан яланглик томон парвоз қилади. Нақл қилишларича, шогирд дум ёрдамида ялангликка сиҳат-саломат қўниб, кўздан ғойиб бўлган экан. Шундан «устадан ўзган шогирд», деган мақол қолган экан.

Кўпгина ривоятларга қараганда, Сароймулкхоним меҳр-шафқатли, етимпарвар бўлиб, бева-бечораларга, айниқса, толиби илмларга кўпроқ ҳомийлик қилар экан. Нақл қилинишича, кунлардан бир кун Сароймулкхоним ўз одатига кўра қош қорайгач кийимларини ўзгартириб, уч-тўрт канизлари билан ўзи қурдирган мадраса томон йўл олади. Сароймулкхонимни қизиқтирган масала, мадрасадаги толиби илмларнинг аҳволи руҳияси, ким қандай тирикчилик ўтказаятгани ҳамда улар тунда қандай иш билан машғул эканликларини зимдан текшириб билиш эди. Хоним мадрасага етиб келганида ҳужраларнинг деярли барчасида чироқ ўчган, толиби илмлар тун оғушида уйқуга кирган эдилар. Фақат биргина ҳужрада шам ёниб, ичкаридан товуш эшитиларди. Сароймулкхоним канизларини мадраса ҳовлисида қолдириб, ўзи оҳиста юриб ҳужранинг эшиги ёнига келиб, ичкаридан чиқаятган овозга қулоқ сола бошлайди. Толиби илмлардан бири иккинчисига савол беради:

— Қани айтинг-чи, биродари азиз, ҳозир кўнглингиз нима истаяпти?

— Э биродар, нима бўларди, қўй гўшти, қўй ёғида дамланган бир лаган серёг палов бўлса, билакка пахта боғлаб, бир тўйиб ер эдик-да, — дея жавоб беради.

— Хўш, жўражон, ўзингизни кўнглингиз нима истаяпти? — деб сўрайди у ўртоғидан.

— Э биродар, менинг кўнглимда тамоман бошқача орзу. Агар иложи бўлсайди, ушбу мадраса соҳибаси — Сароймулкхоним билан бир кеча суҳбатлашсам дейман. Зеро ҳусн-малоҳатда дунёда тенги йўқ деб эшитганман, — деб жавоб беради.

Шеригидан бундай қалтис сўзни эшитган иккинчи толиби илм:

— Э, овозингизни ўчиринг, биродар, нима деётганингизни биласизми? Яна бир фалокатни бошламанг, —

деб дашном беради. Сўз шу ерга етганда Сароймулкхоним ҳужра эшигидан узоқлашади ва канизлари билан саройга қайтади.

Эртаси, кун пешиндан оғгач, Сароймулкхоним надимлардан уч-тўрттасига мадрасага бориб, барча толиби илмларни саройга олиб келишларини буюради. Толиби илмлар бу ногаҳоний таклифдан ҳаяжонда, надимлар қуршовида саройга келадилар. Фақат икки толиби илм мазкур таклифдан шубҳаланар ва тундаги «қалтис» орзунинг қурбони бўлиш даҳшатидан қалтирардилар.

Барча толиби илмларни катта меҳмонхонага кири-тиб, зиёфат қиладилар. Зиёфат охирида қўй гўшти, қўй ёғида тайёрланган серёғ палов ҳам тортилади. Шундан сўнг меҳмонхонага канизлар қуршовида, юзи-га парда тортган ҳолда Сароймулкхоним кириб келади ва махсус ўриндиққа ўтиргач, толиби илмлар орасидан тунги суҳбатдошларни таниб, ўз ҳузурига чорлайди ва: «Хўш, мулла йигитлар, билакка пахта боғлаб ейдиган палов бўлибдими?» — дея сўрайди икки толиби илмдан. Ҳалигача қўрқувдан қалтираб турган ҳар икки толиби илм таъзим қилишиб:

— Қуллуқ, хоним, таърифдин зиёда палов бўлиб-дур, мадҳига тил ожизлик қиладур,— дейишади.

Сароймулкхоним биринчи толиби илмга юзланаркан:

— Хўш, мулла йигит, энди сизнинг орзуингизга келсак, қўриб турибсизки, мен эрим соҳибқироннинг никоҳларидамен, биноан алайҳи сиз бирлан суҳбат қуришим мумкин эрмас. Бинобарин, ўзимнинг гўзал канизларимдан бирини сизга никоҳлаб берурмен, розимидурсиз?— дейди. Ҳалигача тили калимага келмай, эс-ҳушини йўқотаёзган толиби илм дарҳол ўзини хоним оёғи остига ташлаб:

— Узр, афв этсинлар хоним, бу беадаб қулларининг гуноҳидан ўтсинлар,— деб ёлборади. Шу аснода Сароймулкхонимнинг ишораси билан меҳмонхонага қози ва имом кириб келадилар ва барча толиби илмлар гувоҳлигида канизлардан бирини толиби илмга никоҳлаб қўядилар.

Тарихнависларнинг фикрига кўра, Сароймулкхоним ўта зийрак, тадбиркор ва оқила аёл бўлган. У салтанатни бошқаришда вужудга келган айрим муаммоларни ҳал этишда ўзининг оқилона маслаҳатлари билан фаол қатнашган. Зотан Амир Темур Сароймулкхонимга ош-кора бўйсунмаса-да, бироқ унинг оқилона маслаҳатларига ўзида қандайдир аҳтиёж сезиб турган. Нақл

қилишларича, Амир Темур Эронга қарши юриш бошлаганда, Исфохоннинг қамали кўпга чўзилиб, қўшинни озуқа билан таъминлашга маблағ етишмай қолган. Нима қилиш керак? Қамални ташлаб орқага чекиниш иснод, қамални давом эттиришга эса зар (хазина) керак. Ниҳоят Амир Темур Самарқандга чопар йўллаб, Сароймулкхонимга мактуб жўнатади. Мактуб қисқа бўлиб, «қўшиннинг захираси тугади, хазинадан зар юборинг», дейилганди. Сароймулкхоним мактуб мазмунидан огоҳ бўлгач, мазкур мактубнинг орқа томонига: «Улуғ амир, зарингиз тугаган бўлса, сиёсатингиз ҳам тугадиму?» — деб ёзади ва мактубни чопарга бериб, йўлга равона қилади. Амир Темур мактубни олгач,

Сароймулкхонимнинг кинояли замзамасини ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят бир қарорга келади. Ўша кунидек лашкаргоҳда сўйиб ейилган қўй, қорамол, от ва туя суякларини йиғдириб, турли ҳажмларда қирқтириб, катта ҳажмдагисига катта қиймат, кичик ҳажмдагисига кичик қиймат белгилаб, пўлат муҳрни қиздириб тамға бостиради ҳамда муваққат пул ўрнида муомалага киритиш ҳақида фармон чиқаради. Натижада қўшни шаҳар ва қишлоқлардан ушбу суяк пулга қўшин озуқаси учун озиқовқат сотиб олинади. Тез кунда Исфохон шаҳари таслим бўлгач, суяк пуллар зар билан алмаштирилади.

Соҳибқирон Амир Темур Сароймулкхонимдан фарзанд кўрмаган. Аммо Амир Темур ўғли Шохруҳ Мирзони, суюкли набиралари Муҳаммад Султон Мирзо, Халил Султон Мирзо, Улуғбек Мирзо ва бошқа мирзоларни бевосита зукко Сароймулкхоним тарбиясига топширган.

Фарбий Оврупо олимларидан баъзилари, масалан, (Бретшнейдер) Шохруҳ Мирзо Сароймулкхонимдан туғилган, деб ёзганлар. Бироқ, тарихий манбаларда бундай маълумотлар учрамайди. Тарихчи Хондамирнинг берган маълумотиغا қараганда, Шохруҳ Мирзoning онаси Тағой Туркон ого соҳибқироннинг канизакларидан бўлиб, кейинчалик уни никоҳига олган эди. Хондамир мазкур маълумотни Шохруҳ Мирзoning ўзи туздирган «насабнома»сидан олганлигига ишора қилади.

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Темур вафотидан сўнг Самарқанд тахтига ўтирган Халил Султон Мирзoning хотини Шодмулк бегим Сароймулкхонимни за-

ҳарлаб ўлдиради ва у 1408 йилда ўзи қурдирган хонақоҳга дафн қилинади.

1941 йил июнь ойида Амир Темур қабри очилган кезларда Сароймулкхоним қабри ҳам очилиб, хонимнинг жасади Тошкентга келтирилиб текширилган ва яна Самарқандга қайтариб юборилган. 1952 йил июль ойида ёзувчи Пиримқул Қодировнинг никоҳ тўйи муносабати билан ушбу сатрлар муаллифи ҳам бошқа курсдош дўстлар билан бирга Самарқандга борган эдик. Биз 27 июль кuni эрталаб тўйхонадан чиқиб, икки гуруҳга бўлиниб, тарихий обидаларни томоша қилмоқ учун шаҳар бўйлаб кетдик. Кечқурун яна тўйхонага келганимизда ёзувчи Ёқубжон Шукуров ҳаммани ҳайратга солиб:

— Мен бугун Бибихонимнинг жасадини кўрдим, — деб қолдилар. Ҳаммамиз ҳаяжонда... «Шу ўзимизнинг Амир Темурни хотини Сароймулкхонимнинг жасадини-я?» «Қаерда экан?» «Қаерда кўрдингиз?» — каби эҳтиросли саволлар ёғилди. Ёқубжон ака:

— Мен Самарқандга келган куним бир дўстимни учратиб қолдим. У киши: «Агар Бибихоним жасадини кўришни истасангиз, Шаҳар марказидаги клубга боринг, — деди». Мен бугун ўша клубга бордим, аввал мени клубга киритишмади, сўнгра ёзувчилик ҳужжатимни кўрсатиб, киришга руҳсат олдим. Дарҳақиқат стол устига қўйилган ойнаванд сандиқ (қути) ичида қизғиш ёғоч тобут ичра қора бахмал камзул (қабо) кийган ҳолда аёл жасади ётарди. Жасад мўмиёланган бўлса керакки, ҳарҳолда яхши сақланган. Ҳатто ўнг қўлининг жимжилогига тақилган узук бир оз ўрнидан суриб қўйилгани учун терида узукнинг ўрни кўриниб турибди», деб ҳикоя қилиб бердилар.

Амир Темурнинг яна бир хотини Чўлпон Мулк ого бегим бўлиб, у Ҳожибек мўғулнинг қизи эди. Чўлпон Мулк ого ниҳоят даражада гўзал бўлган. У соҳибқироннинг 1391 ва 1394 йиллардаги ҳарбий юришларида бирга бўлган Ибн Арабшоҳнинг таъкидлашича, гўё Чўлпон Мулк ого Амир Темурга вафосизлик қилгани туфайли соҳибқирон ўз қўли билан бўғиб ўлдирган эмиш. Аммо Амир Темур тарихига оид расмий хабарларда бундай маълумот учрамайди. Аксинча, тарихчи Шарафуддин Али Яздий 1403 йил воқеаларини шарҳлаб, Чўлпон Мулк огонинг исмини бир неча ўринда зикр қилиб ўтади. Шунингдек, Кастилия элчиси

Клавихо ҳам 1404 йилда малика Чўлпон Мулк оғони кўрганлигини ёзган. Чўлпон Мулк оғонинг қачон ва қаерда вафот қилгани ҳақида ҳозирча маълумот учрамади.

Темур ҳарамдаги маликалардан яна бири Дилшод оғо бегим бўлиб, у Султон Увайс Шайх Ҳасан Жалойирнинг қизи эди. У 776 (1374) йилда Амир Темур никоҳига киради ва 785 (1383) йилда касал бўлиб, вафот этади. Дилшод оғо бегимдан фарзанд бор-йўқлиги номаълум.

Соҳибқироннинг суюкли хотинларидан бири — Туман оғо бегимдир. Туман оғо бегим Сароймулкхонимнинг акаси амир Мусонинг қизидир. Хонимга жиян ўрнидадир. Туман оғо 1366 йилда туғилиб, 1378 йилда 12 ёшида Амир Темурга никоҳ қилинган.

Туман оғо бегим ҳусн-латофатда беназир бўлган. Соҳибқирон Туман оғо шарафига Самарқандда маҳсус Боғи Беҳиштни барпо эттирган. Амир Темур вафотидан сўнг тахтга ўтирган Халил Султон Мирзо, 1406 йилда Шайх Нуриддин билан бўлган жангда енгилиб, сулҳга мувофиқ малика Туман оғо бегимни амир Шайх Нуриддинга хотинликка беришга мажбур бўлади. 1411 йилда Шоҳруҳ Мирзо тарафидан амир Шайх Нуриддин қатл қилинган, Туман оғо бегимни Ҳиротга қайтариб келадилар.

Амир Темурнинг яна бир хотини Тўкалхоним бўлиб, у Ҳизрхўжанинг қизи эди. 800 (1397) йилда соҳибқирон Кониғилда катта тўй ўтказиб, Тўкалхонимни ўз никоҳига киритади. Тўкалхоним ҳарамда (хон қизи бўлгани туфайли) Сароймулкхонимдан кейинги ўринда бўлган, яъни «кичик хоним» деб аталган. 1397 йилда соҳибқирон Тўкалхоним шарафига Самарқандда «Боғи Дилкушо»ни барпо эттиради.

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, 1408 йилда Халил Султон Мирзонинг хотини Шодмулк бегим Тўкалхонимни заҳарлаб ўлдирган.

Соҳибқироннинг кейинги даврларда олган хотини Рух Парвар оғо бўлиб, у Амир Темурнинг ўз канизакларидан эди. Рух Парвар оғо ҳам ёш ва гўзал аёл бўлган. Унинг соҳибқирондан фарзанди бўлмаган.

Амир Темур вафотидан сўнг Рух Парвар оғони амир Ҳамза Сулдуз хотинликка олган. Амир Ҳамза Сулдуз вафот этган, Рух Парвар оғони амир Али Тархон ўз никоҳига киритган. Амир Али Тархон вафотидан сўнг,



Рух Парвар оғони амир Ҳасан Сўфи ўз ҳарамига олган.  
Рух Парвар оғо 3 муҳаррам 827 (1423) йил 7 декабрда  
вафот этган.

Мазкур манбалардан маълум бўлишича, соҳибқирон  
Амир Темурнинг 12 нафар хотини бўлган. Аниқроғини  
келгуси тадқиқотлар кўрсатса ажаб эмас.



Хуршид ДАВРОН

## АМИР ТЕМУР ЎҒЛИНИНГ ЎЛИМИ

### I

Қиш билан баҳор жанги — аямажуз кечаларидан бирида мен сизларга Амир Темур ҳақидаги афсоналарнинг бирини ҳикоя қилиб бериш учун қўлимга қалам олдим.

Бу афсонани тўқиганлар унга қандай ном берганларидан беҳабарман, мен уни «Амир Темур ўғлининг ўлими» деб атадим. Менга уни бир дўстим гапириб берган эди; бу қадим афсонани у талабалар шаҳарчасида яшаган афгонлардан бирининг оғзидан эшитган экан.

Афсонани ҳикоя қилиб беришдан аввал икки нарса ҳақида бироз бўлса-да, тўхталиб ўтмоқчиман. Энг аввало, «Афсона ўзи нима?» деган саволга жавоб изламоқчиман. Одатимни канда қилмаган тарзда, ўғлининг номукамаллиги билан машҳур «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га қарайман. Мана, луғатнинг 1-жилд 63-бетидаги «Афсона» сўзига ёзилган изоҳ: «1. Авлоддан авлодга, оғиздан оғизга ўтиб келган фантастик, баъзан диний мазмундаги ҳикоя, ривоят, дoston... 2. Кўчма: асоссиз гап, ёлгон-яшиқ уйдирма... 3. Кўчма: ақл бовар қилмайдиган, ақлга сиғмайдиган мислсиз нарса, иш».

Агар эътибор берган бўлсангиз, бу изоҳларга «уйдирма» сўзи асос қилиб олинган. Аслида, шундаймикин. Бир ўрис шоири: «Афсона — бу ҳақиқатнинг синиқ парчаларидир», деб ёзган эди. Агар, «афсона» сўзига изоҳ беринг десалар, мен мана шу сўзни такрорлаган бўлардим. Зеро, ҳар қандай хаёлий ёки тўқима афсона ҳам аслида содир бўлгани аниқ маълум бир тарихий воқеа ёки яшаб ўтган тарихий шахс ҳаёти билан узвий боғлиқдир. Бобил минорасининг қурилиши, Нуҳ тўфони ёки Самарқанддаги Шоҳизинда мозори билан боғлиқ афсона бўлсин, уларнинг ҳар бири асосида тарихий далил — ҳақиқат ётган бўлади. Шунинг учун ҳам жуда кўп қадимий битикларимиз қуйидаги жумла билан бошланган: «Бул ҳикоят агарчи афсона тусида эрса-да, ул ҳақиқатдан йироқ эмасдур».

Инглиз адиби Честертон битганидек, афсона ҳар қандай далилдан ҳам тарихийроқдир. Далил ёлғиз бир одам ҳақида сўз юритса ёки у одамлар қатнашган воқеа ҳақида маълумот берса, афсона юзлаб ва миллионлаб одамлар тақдири ҳақида, воқеани юзага чиқарган одамлар ҳақида сўзлайди. Далил баъзан замон алмашиши билан ўз моҳиятини, ўз рангини ўзгартириши мумкин, аммо афсона абадий ўзгармас ҳақиқатдир.

Тарих фақат халқ хотираси рамзи бўлмиш асотирлар (афсона ва ривоятлар) ёрдамидагина мозий моҳиятини, демак, унинг юрагини кашф эта олади. Хотирасиз инсон юраги ҳам қуруқ ҳужжатлар йиғиндисидан фарқ қилмайди. Тарих вақт ҳақида эмас, вақт мобайнида яшаган инсон ҳақида ҳикоя қилмоғи зарур. Демак, у вақт ҳужжатларига эмас, инсон хотирасига сунгандагина ҳақиқатни очади. Инсон хотираси афсоналарга ҳамнафас бўлгандагина барҳаётдир, фақат шундагина тарихий далил тиралади. Афсона билан ҳужжат (далил)нинг ўзаро боғланиши аслида инсон ила вақт боғланишидир. Тарих, деб ёзади Николай Бердяев, том маънодаги афсонадир...

Тўхталмоқчи бўлганим иккинчи масала мен сизга сўзлаб бермоқни истаган ривоят Амир Темур ҳаётининг қайси тўхтамида кечган воқеалар билан боғлиқлик аҳтимоли бор, деган саволни ойдинлаштиришга дахлдор. Тарихий битикларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темурнинг тўрт ўғли бўлиб, уларнинг исмлари: Жаҳонгир мирзо (1356-1376). Умаршайх мирзо (1356-1394), Амироншоҳ (Мироншоҳ) мирзо (1367-1408), Шоҳруҳ мирзо (1377-1447)дир. Яна шу нарса маълумки, улуғ соҳибқирон тириклик пайтида, у олиб борган жангу жадалда унинг бир фарзанди — Умаршайх мирзо 1394 йилнинг қишида Рум уруши пайтида, Диёрбакр йўлидаги тор бир дарада ўқ тегиб ҳалок бўлгани ҳақида тарихий далил бор. Тўнғич ўғли бўлмиш Жаҳонгир мирзо ўз ажали билан 20 ёшида оламдан ўтган. Амир Темур вафотидан сўнг уч йил ўтгач, 1408 йилнинг кўкламида ўртанча ўғли Мироншоҳ мирзо Қора Юсуф туркман билан бўлган жангларнинг бирида, Табриз яқинида ўлдирилган.

Хўш, Амир Темур ўғлининг ўлимига доир афсона қайси воқеалар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Агар уни Умаршайх мирзо ўлими билан боғлайдиган бўлсак, бу афсонанинг далили бўладиган воқеаларни иккинчи Рум юриши баёнидан тополмадим. Ўйлашимча, бу аф-

сонанинг афгонлар орасида мавжуд бўлиши боис, у Амир Темурнинг Ҳиндистонга қилган юриши давомида юз берган воқеалардан туғилган бўлиши керак. Ниҳоят узоқ изланишдан сўнг «Темур тузуклари»да бу афсонага бевосита боғлиқ маълумотларни топишга муваффақ бўлдим. Бироқ уларни сўзлаб беришдан аввал мен Ҳиндистон юриши қандай бошланганини мухтасар бўлса-да, ҳикоя қилмоқчиман.

Ҳижрий саккиз юзинчи, милодий 1398 йилнинг баҳорида Амир Темур янги боғи — Боғи Дилкушода мислсиз тантаналар билан Хизрхўжахоннинг қизи ўн икки яшар Тўкалхонимни ўз никоҳига қабул қилди. Тўй ўчоқларидаги кул совуб улгурмай, унинг амри билан Самарқанд ва Кеш оралиғида жойлашган Тахти Қароча доवони оша ўтадиган йўлни тузатиш ва тоғ этагида яна бир ғаройиб боғ бунёд этиш ишлари бошланди. Соҳибқироннинг ўзи бўлса, Кешга яқин бир ўлангда қурултой чақирди. Мақсади — азалий орзуси: Ҳиндистон юриши маслаҳатини ўртага солиш эди.

Салтанатнинг муҳим тадбирлари, бўлажак ҳарбий юришлар режалари муҳокама этиладиган қурултой Амир Темур давлатининг олий кенгаши эди. Шу билан бирга қурултой мамлакатнинг бош тантанаси бўлиб, соҳибқирон қўли остида бирлашган ўлкаларни бошқариш билан банд амирзодалар ва бошқа давлати арконлар учун худди жанг майдони билан баравар, ҳатто ундан юқори турадиган ўзига хос синов майдони ҳам эди. Агар жанг майдонида диловарлик синалса, бу кенгашда фаросат ва тадбиркорлик синовдан ўтарди. Шу сабабдан бўлса керак, жанг майдонида қўрқув нималигини билмаган айрим амирлар ва амирзодалар қурултой чақирилганда саросимага тушиб қолишар, унда қайси бир тадбир ўртада муҳокама бўлишини билиш учун барча воситаларни ишга солардилар. Илло, жаҳонгир жанг майдонида қилич чопқилашдаги мохирликни, қурултойда эса ўйлаб айтилган сўзни маъқул кўрар, ким аравани қуруқ олиб қочса, машваратдан қувиб чиқаришдан ҳам тоймасди. Аммо бу галги қурултой қай мақсадда чақириляётгани ҳеч кимга сир эмасди.

Ҳар галгидек қурултой кўпчилик учун қурилган улкан чодирда ўтди. Амир Темур одатдаги расм-русмлар адо этилган заҳоти гапни чўзиб ўтирмай, Ҳиндистон юриши олдидан ўғиллари ва мирларнинг кўнгли, ўй-фикрларини билиш мақсадида уларни маслаҳатга

чорлаганини айтди. Туркий сулолаларнинг азалий тартиби ва мукаррам дастури шундай эдиким, катта оғалари ва улуғ хеш-ақраболари ҳаёт экан, ҳеч ким улардан ўтиб салтанат тахтига қадам қўёлмасди. Мана шу боболар одатига биноан қурултойда ҳам ёши улуғ шахзодалар биринчи фикр билдириш ҳуқуқига эга эдилар. Шунинг учун даврада соҳибқироннинг кенжа ўғли Шохруҳ мирзо ўтирган бўлса ҳам, биринчи бўлиб сўзлаш гали ундан ёш жиҳатдан улуғ Муҳаммад Султон ила Пирмуҳаммад Жаҳонгир ихтиёрида эди. Пирмуҳаммад Жаҳонгир бобосига бир қараб олди-да, унинг «хўш» дегандек синчков тикилиб турганини кўриб, гап бошлади:

— Ҳазрати соҳибқирон, Ҳиндистонни олмоқ ер юзида ўтган барча подшоҳларнинг орзуси бўлмиш. Агар ани забт этсак, анинг олтинлари ила етти иқлимни олажакмиз. Мен юришга тайёрдурмен.

Туғишган биродарининг бу гапини эшитиб, амирзода Муҳаммад Султон ҳам ўрнидан турди. У инисидан бир ёш улуғ бўлса-да, қотмадан келгани сабабли ундан аяча навқирон кўринар, буни билган амирзода кўпроқ овозига зўр бериб, катталарга хос мулоҳаза истагида ҳар бир сўзга алоҳида урғу бериб гапириш лозим, деб ўйларди. Амир Темури оғанин ўртасидаги баҳсни мароқ билан кузатар ва бевақт шаҳид бўлган ўғлига кўрсатолмаган меҳр-муҳаббатини улардан аямасди.

— Олампаноҳ, — дея улуғворлик ила сўз бошлади Муҳаммад Султон, — иним Пирмуҳаммад Жаҳонгир айтгани ростдур. Ҳинд мулки бағоят бой юрт. Аммо сиз берган сабоқ ҳамиша ёдимда. Яъниким, ҳар бир ишни жазм этмоқдин аввал анинг амалини ўйлаш жоиздур. Китоблардин маълумдурким, Ҳиндистон йўли кўп машаққатлидур. Энг аввало, бир неча қор босиб ётган тоғлару кечиб ўтиш мушкул дарёлар, андин кейин чеки йўқ ўрмону тўқайзорлар бордур. Иккиламчи, мақсадга етгунча бебош афғонлар билан жанг қилиш ҳам зарур бўлғай. Яна китобларда айтилмишким, Ҳиндистонда одамхўр филлар ҳам жуда кўп бўлармиш...

Амир Темури инисининг мулоҳазаларини эшитган Пирмуҳаммад Жаҳонгир безовталана бошлаганини сезди. Аммо буни билдирмай, набирасининг мулоҳазаси қандай таклиф билан тугашини кутди. Қурултой таомили ҳар бир сўзни эътибор билан эшитиш лозимлигини талаб қиларди. Хўш, қани, тўнғич набираси нима

демоқчи экан?.. Аммо Муҳаммад Султон ҳам инисининг аҳволини сездн шекилли, одатига хилоф равишда шошиб сўзини якунлади:

— Бу мулоҳазаларим ила Ҳиндистон юришига пухта тайёргарлик кўриш лозим демоқчимен. Мен урушга шаймен.— У сўзини тугатиб, инисининг ёнидан жой оларкан, унинг юзидаги мамнуниятни сезиб, кўнгли жойига тушди.

Шундан сўнг соҳибқиронга қизидан туғилган набира бўлмиш амирзода Султон Ҳусайн навбат олди. Амир Темур қизи Оғабегим ва малика Туман оғонинг биродари амир Муҳаммад ибн Мусодан бўлмиш бу амирзода бағоят бузуқи ва беоқибат бўлиб вояга етганини яхши билса-да, ҳар гал қизининг сўзини қайтаролмай, бу бадбахт йигитнинг гуноҳидан ўтиб келарди. Ўз ўғиллари ва уларнинг фарзандларига бағоят қаттиқ турган соҳибқирон бу ҳовлиқма амирзодани жазосиз қолдириб келаётганини ҳамма билар, аммо сабабидан беҳабар эдилар. Наҳотки, қиздан туғилган набира ўғилларниқидан суюклироқ бўлса? Амир Темурнинг бу набирасига лоқайдлиги унинг қизига кўрсатган карами эмас, балки Султон Ҳусайннинг салтанат тахтига ўтиришга лойиқ бўлмаганлар тоифасига киришидан эди.

— Ҳазрат соқибқирон,— деди тантанавор оҳангда Султон Ҳусайн.— Агар биз Ҳиндистонни илгимизга кирита олсак, тўрт иқлимга — Туркистону Турон, Эрону Ҳиндга ҳукмрон бўлурмиз. Қолгон уч иқлим: Рум, Шом, Чинни эса олмоқ қийин эмасдур, албат олғаймиз.

Султон Ҳусайн санаб ўтган иқлимларни худди ўзи оладигандек, аллақандай ички кибр билан даврадагиларга кўз ташлаб, ўрнини эгаллади. Бобоси вафотидан сўнг мана шу кибр унинг бошига кўп ғавғолар солишидан у ҳали беҳабар эди.

Амир Темур сўз навбатини олган кенжа ўғли Шоҳруҳ мирзога диққат ила тикилди. Бу фарзанди бошқа зурёдларига қараганда китобга ўч чиқди. Унга китоб бўлса бас, қилич чоқиқлашни унутади. Аммо китобхонлигиданми, сўзи, мулоҳазалари пишиқ, ўзи ҳам кўпни кўрган нуронийдек босиқ эди. Айтадиганини пухталаб олмаса, оғиз очмасди.

— Падари бузрук, ҳазрати соҳибқирон,— дея гап бошлади Шоҳруҳ мирзо шошмасдан. Унинг ҳатто гашираётган пайтида ҳам нималарнидир ўйлаётганини сезиб, Амир Темурнинг гаши келди.— Мен ажодларимиз бўлмиш туркларнинг тузуклари битилган китоб-

ларда ўқиган эдимки, жаҳонда бешта шон-шавкатли подшоҳ бўларкан. Ривоят қилғайларким, бу подшоҳларнинг улуглигини алоҳида таъкидлаб, уларнинг номларини атамай, лақабларини олиб айтгонлар. Яъниким Ҳинд подшосини — Рой, Рум подшосини — Қайсар, Чину Мочин подшосини — Фағфур, Туркистон подшосини — Ҳоқон, Эрону Турон подшосини — Шаҳаншоҳ атайдилар. Биз ҳукм юргизган юрт ҳукмдори, яъниким Шаҳаншоҳ ҳукми ҳамиша Ҳиндистон мамлакатларига жорий этилмиш. Токим Эронзамину Туронзамин бизнинг илгимизда экан, Ҳиндистонни ҳам ўзимизга тобе этмоғимиз жоиздур...

Амир Темур кенжа ўғлининг сўзларини тингларкан, бир зум сўнгги пайтларда юрагини туну кун безовта қилган валиаҳд ташвишига берилди. Тўрт ўғлидан иккиси бевақт кўз юмди. Шохруҳ бунақа, Мироншоҳ бўлса, ўйламай иш қиладиганлар тоифасидан. Маст бўлиб, отдан йиқилиб калласи лат егандан буён унинг бетайин қилиқлари яна ошди. Суюкли келини Хонзодабегим яқинда эрининг зулмидан дод деб, унга бош уриб келди. Мироншоҳнинг валиаҳд бўлиши — мамлакатнинг вайрон бўлиши демакдир. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди. Нобакор ўғилни жазолашни кўнглига тугган соҳибқирон бу тадбирни Ҳиндистон юришидан кейинга қолдиришга мажбур эди.

Амир Темур секин Пирмуҳаммад Жаҳонгирга кўз қирини ташлади. Ҳа, бу набираси ҳавас қилгулик баҳодир бўлди. Қўйиб қўйгандек бобосининг ўзи: қадди қомаги барваста, елкадор, боши ҳам бобосиникидек, хумдек келади. Қоши-чи, қоши? Ариқ четидаги ажриқдек қалин, кўзлари қилич дамидек товланади. Феъл-атвори ҳам бобосиники, на ёғийдан, на ўлимдан қўрқади. «Ёпирай, — дерди баъзан камдан-кам ҳайратланадиган соҳибқирон. — Мени тириклигимда Олло Таоло яна қайтадан яратдими?! Набирасининг ёлғиз бир хислати унга маъқул келмасди. Кўпчилик бошини қовуштиришни билмайди. Мардлик — одамлар дилини мафтун этса, оқибатбардорлик, фаросат — юракларни абадий банди этишини ҳали англамайди.

Амир Темур ўгли Шохруҳ мирзодан кейин ўз мулоҳазасини айтишга бирон бир киши шошилмаётганини кўриб, хушёр тортди. Сукут чўзилганидан тоқатсизланиб:

— Хўш, — деди у баланд овоз билан.

Аммо амирлар жим ўтиравердилар. Соҳибқирон

жаҳли чиқса ҳам ичидагини юзига чиқармади. Индамай кутишни маъқул кўрди. Бу бахтичопганлар унинг неча йилдан буён Ҳинд мулкани забт этиш ҳақида орузлаганидан яхши хабардор. Наҳотки, билиб билмасликка олсалар, жим ўтиришни маъқул кўрсалар? У ўзининг деярли барча юмушларида қатнашган, садоқатларини неча марта жангу жадалда намоён этган амирларига бир-бир тикилар, амирлар эса унга бош кўтариб қарашга мажол тополмасдилар. Охири у амир Шоҳмаликка қаттиқ тикилиб тураверди. Унинг бу боқисини туйган амир секин бошини кўтаришга мажбур бўлди.

— Тақсиримнинг сўзлари йўқми? — деди соҳибқирон бўғиқ овоз билан.

Амир Шоҳмалик ўрнидан туришга мажбур бўлди. Амир Темур унга: «Ўтириб гапиравер», деб ишора қилгач, ўрнини эгаллади. Бироз тараддудланиб, кейин оҳиста арз қилди:

— Аълоҳазрат, сизнинг амрингиз биз учун вожибдур, ундан юз ўгириш тузингизни унутмакдур. Биз бу тadbир хаёлини дилларимиздин, бамисли жавоҳир туйнуқларидин ўтган ишдек шошилмай ўткардик, — у биз деганда амирлар Хожа Юсуф, Сарибуго ва Шайх Нуриддинга ишора қилди. — Борингки, Ҳиндистонни олдик ҳам дейлик. Бироқ у мулкда тургун бўлиб қолсак, наслимиз йўқолмағайму, авлодларимиз ўз аслидин айри тушмағайму, бегона юртда тилларини унутмағайму?!

— Тақсир? — деб унинг гапини бўлди Амир Темур хотиржам. — Биз ул мулкда узоқ қолишни ўйлаганимиз йўқ. Қолаверса, шунини ёдда тутингким, дилда эътиқод бутун бўлса, асло наслимиз йўқолмағай, тилимиз унутилмағай... Эътиқод сусайса, тил эмас, имон ҳам унутилғай...

У хотиржам гапирар, аммо қошининг чимирилганини, кўзидаги ўтнинг янада кучлироқ товлана бошлаганини пайқаган амирлар соҳибқирон ичида қандай кучли тўфон ўйнаётганини сезиб туришарди.

— Кўпчиликда шубҳа бўлса, йўлга чиқмағони маъқул. Шубҳа нафақат ақлни, у дилдаги ўтнинг ҳам ўчиради. Келингиз, Тангри Таолога мурожаат қилайлик. Ҳинд мулкига юриш борасида истихора<sup>1</sup> этайлик, — Амир Темур ёнида турган Қуръонни қўлига

<sup>1</sup> Истихора — «Қуръон»га қараб фол очиш (муал.).



олди.— Тангри Таоло нени буюрса, шунга амал қилгаймиз.

Даврадагилар ўша заҳоти унинг таклифини маъқуллаб овоз бердилар. Соҳибқирон Қуръони каримни олдидаги шира устига қўйди, чуқур нафас олиб, бироз сукут сақлади-да, кўзини юмиб китобни очди. У аввал очилган саҳифадаги оятни ичида ўқиди, сўнг баланд овозда такрорлади:

— «Эй, Расулulloҳ, кофирларга ва мунофиқларга қарши жаҳд қилгил».

Амир Темур бир четда турган мавлоно Фахриддин қортга тикилди. Мавлоно соҳибқирон истагини уқди, оҳиста ўрнидан туриб, оят мазмунини изоҳлаб берди. Амирлар мавлононинг изоҳини эшитгач, бошларини эгиб, жимиб қолдилар.

— Хўш,— деди Амир Темур.

Аммо бу гал ҳам амирлар ўз фикрини айтишга шошилмадилар. Буни кўрган соҳибқирон жаҳлини яширолмади.

— Тақсирларим, нечун жимсиз? Ё Олло Таоло ҳукми сизга хуш келмагандур?..

Мен сизни салтанатим устунлари деб билдим, ҳаминша иззатингизни унутмадим. Сиз эса унутдингиз... Сабаби недир? Сиз билмасангиз, мен яхши билурмен. Турган сув сасийди, юрган одам яшаради. Агар сиз толиққан бўлсангиз, илгингизда мадор қолмагон бўлса, лашкарни топширингиз. Неча-неча бўз йигитлар, бизга ҳам навбат етадиму, деб кутиб тургайлар. Оллоҳ гувоҳ, Ҳиндистонни сиз эмас, шул ўғлонлар албат забт этгай...

Соҳибқироннинг важоҳатини кўриб, айниқса, унинг сўнгги сўзларини эшитган амирлар бирин-кетин ўринларидан туриб афв тиладилар. Амир Темур уларнинг сўзини хотиржам эшитиб, деди:

— Сиз ила не-не жангу жадалларда бўлдим. Сиз менга, мен эса сизга суяндим... Ҳар қанча юрагимни қон қилдингиз, афв этдим. Бугун борингиз, эртагача ўйлангиз...

Эртаси давом этган қурултой аҳли бир овоздан бўлажак юриш режасини маъқулладилар. Дили равшан тортган Амир Темур қўл очиб, зафару фатҳ фотиҳасини ўқиди.

Қурултойдан ярим ой ўтар-ўтмас, соҳибқирон бошчилигидаги улкан қўшин Қашқадарё воҳасини тарк

этиб, Термизга яқин ерда Жайхундан кечиб, Хуросон худудига ўтди.

У бутун ёз давомида Андароб деган жойда бўлди. Саккиз юзинчи йил зулҳижжа ойининг бошида — 1398 йилнинг августида Амир Темур Панжшир дарёси ёқалаб Қобулга қараб йўналди. Шу ерда унга бўлғуси юришда омад тилаган Олтин Ўрда элчиларини қабул қилди. Элчилар бир неча муддат ўтиб қайтишга рухсат сўрагандан кейин, уларнинг карвонини қўриқлаш учун бир гуруҳ аскар ажратди. У бу ишни элчиларни ўйлаб эмас, шу карвон билан дорилмулкка қайтиши лозим топилган Сароймулкхоним билан Шоҳруҳ мирзонинг ўғли, тўрт яшар набираси Муҳаммад Тарағай хавфсизлигини таъминлаш учун қилган эди.

Бундан ўн етти йил муқаддам қўлга киритилган Хуросон мулкининг бу қисми ҳамisha нотинч бўлиб келган. Ҳиндистон юришини мақсад қилган соҳибқирон шу сабабдан ҳам қўшин ортини мустаҳкамлаш ниятида Қобулни тарк этиб, Сулаймон тоғлари яқинида яшайдиган афғон қабилалари, ўз мулклари худудини тиклашга уринган катурлар ва исёнкор қора кийимлилар — сиёҳпўшлар номи билан машҳур бўлган исёнчиларни тавбасига таянтириш, ўзининг кўнглини тинчлантириш билан машғул бўлди. Қолаверса, бу тadbир Ҳинд султонини чалғитишнинг йўли ҳам эди. Гўё ўзини Ҳиндистонни забт этиш учун эмас, мана шу бебош қабилаларни итоатга келтириш учун келган қилиб кўрсатмоқчи бўлди.

У вақт етиши билан ўттиз минг аскарга бош бўлмиш амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгирга Сулаймон тоғидан ошиб, Синд дарёсидан тўхтамай кечиб ўтиб, Мўлтон вилоятига, амирзода Муҳаммад Султон ила амирзода Рустам бошчилигидаги ўттиз минглик қўшинга эса, Синд дарёси ёқалаб Кашмир тоғи этагидаги йўлдан юриб, Лоҳур вилоятига босқин қилишга фармон берди, ўзи бўлса қўшиннинг асосий қисми — гул билан Бадахшон томонга йўналди ва тоғ ошиб, Ҳиндистон сарҳадларига бостириб кирди. Ҳиндистон юриши ҳақида бошқа бир ҳикоятимизда батафсил тўхталиш ниятимиз борлиги сабабли, биз асосий мақсадимиз — сизга сўзлаб бермоқчи афсонани келтириб чиқарган воқеаларга ўтишни маъқул кўрдик.

Амир Темур, боя айтганимиздек, қўшин ортини мустаҳкамлаш мақсадида афғон қабилалари томонидан вайрон этилган бир қатор қалъаларни қайта тиклаган

ва уларда ўз одамларини қолдирган эди. Мана шу қалъаларнинг бири Ироб қалъаси эди. Пирмуҳаммад Жаҳонгир Мўлтонга юриши олдидан ўзига содиқлик сўзини айтган Лашкаршоҳ афғонини мана шу қалъанинг кутволи этиб тайинлаганди. Амир Темур қўшини Ҳиндистонга қараб йўлга чиқишидан фойдаланган каркас деб аталган афғон қабиласининг бошлиғи Мусо афғон келиб қалъани қўлга киритди ва кутвол Лашкаршоҳ афғонни қатл этди. Ўлдирилган оғасининг қасосини тилаган Малик Муҳаммад соҳибқирон ҳузурига бош уриб борди. Амир Темур узоқни кўзлаб иш тутди: гўё бечора инининг ўтинчига қулоқ солмаган бўлиб, уни қамаб қўйишни буюрди. Сўнг Мусо афғонга ҳузурига келишни талаб қилиб ёрлиқ юборди. Мусо афғон келган чопардан қон ўчи талаб қилиб борган Малик Муҳаммад қамоққа тушганини эшитиб, хотиржам тортди. Аммо Амир Темур қўшини қалъага қараб келаётганидан воқиф бўлгач, унга пешвоз чиқиб, қалъани пешкаш қилишни маъқул деб топди. Бироқ ўз аскарларидан бирига Амир Темур қалъага кириши билан ўқ узиб, уни ҳалок этишни буюрган эди. Лекин ниятига етмади. Узилган ўқ хато кетди. Мусо афғон қилмишига яраша жазоланди: у қатл этилди.

Айнан мана шу воқеа йиллар ўтиб афсонага асос бўлганига шак-шубҳа йўқ. Лашкаршоҳ афғондан аввал қалъада Пирмуҳаммад Жаҳонгир тургани учунми, афсонада Амир Темур ўглининг ўлими ҳақида ҳикоя қилинди. Набиранинг ўғилга айланиши эса, фақат афсоналарда эмас, ҳатто тарихий китобларда ҳам учраб турадиган ҳолдир. Қолаверса, Пирмуҳаммад Жаҳонгир Амир Темурнинг кенжа ўғли Шоҳруҳ билан деярли тенгқур эди.

Энди навбат афсонага.

## II

Дунёнинг тўрт тарафига кўз тиккан соҳибқирон Амир Темур қўшини жангари афғон қабилалари билан бўлган оғир жангу жадалдан сўнг дарё ёқасида қўққайиб турган улкан қоя устидаги бир қалъани қўлга киритди. Қалъа жуда кичик, аммо баланд девор билан ўралгани учун ғоятда кучли истехком эди. Шунинг учун ҳам қалъанинг қўлга кириши қийин бўлди. Аниқроғи, қийин бўлиши мумкин эди. Аммо кутилма-

ганда, бир хиёнат туфайли қалъа унинг қўлига жуда осон ўтди. Хиёнат қалъанинг жийбахона<sup>1</sup> бошлиғи томонидан содир бўлди. У дастлаб мактубга қатиб боғланган ёй ўқини соҳибқирон аскарлари томон учириб, тун ярмидан оғганда мағриб томондаги дарвозани очажагини хабар қилди. Мунший хатни унга ўқиб бераркан, ҳукмдор ҳали афтини кўрмаган жийбахоначидан қаттиқ нафратланди. «Кўрнамак», деб ўйлади у мунший хиргоҳдан чиқиб кетгач, у узоқ ўйлади. Ҳукмдорлари берган туз ҳақини унутиб, вафодорлик ва садоқатни бир чеккага йиғиштириб, унинг олдига не-не одамлар бош уриб келмаган. Лекин у ҳар сафар бу хоинларни лаънатлаган. Туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, хизмат вақтида ўз соҳибидан юз ўгириб, унинг қошига келган ҳар бир юзсизни ўзига ва салтанатига энг ёмон душман деб билган.

Зеро, улар ўз соҳибига вафодорлик қилмагач, унга қилармиди?

Аммо соҳибқирон хиёнатдан фойдаланишдан юз ўгирмас, ундан усталик билан фойдаланарди. Ахир, қай бир саркарда ўз жангчиларининг бекордан-бекор қурбон бўлишидан сақлайдиган йўлдан фойдаланишни истамайди. Хиёнат инсон юрагини қурт каби кемирган фасоддан, мамлакатда лоқайдлик туфайли юзага чиққан парокандаликдан, хуллас, ҳам ботиний, ҳам зоҳирий таназулдан туғилишини у яхши биларди. Шу сабабдан ҳам ҳар лаҳза ҳар бир сипоҳий, ҳар бир қўшин бошлиғи, ҳар бир амир боши устида унинг қаҳри айланаб туриши зарурлигини унутмас, уларни умид ва қўрқув ўртасида тутишни лозим кўрарди.

Агар жийбахоначи хиёнатга юз тутган экан, ундан фойдаланмоғи савоб, илло уни бу ҳаром йўлдан қайтаришнинг иложи йўқ. Иложи — ўлим.

Қалъа тонгга яқин ҳарбий дарвозанинг кутилмаганда очилиши туфайли унинг қўлига ўтгач, қарорини фармонга айлантириб, қалъа кутволи билан жийбахона бошлиғини ўлимга буюрди.

Бир-икки кун лашкарга дам бериб бўлгач, соҳибқирон қалъада ўғли бошлиқ қўшин қолдириб, бошқа шаҳарлару қалъаларни забт этиш қасдида шитоб ила отланиб, йўлга тушди.

Йўлга тушган қўшиндаги аскарларнинг сон-саноғи йўқ эди. Уларнинг отлари минг фарсангдан ортиқ йўл

<sup>1</sup> Жийбахона — қурол-аслаҳа сақланадиган махсус омбор.

босса-да, ҳали толиқмаган ва шамолдан учқур, қиличлари қонга тўймаган, юракларига кўрқув тушмаган эди. Қўшин шундай шиддат ила борардики, гўё саратон маҳали қамишзорга тушган ўтдек беомон эди. Бошларидаги симобий дубулғалар кун тигида ялт-юлт товланаркан, ўша замонда яшаган муаррих таърифлагандек, «қўшин кежим, зирҳ ва жавшанлар кўплигидан темир тоғи каби эди, гўё темир тоғи эриб кетиб, дарё бўлиб оқиб борар, бу оқим юз минг коинотни ютиб юборадиган улкан наҳангдек жилвагар эди».

Бу қўшин ўтган йўллар чанги ҳафта ўтмасдан тўхтамас, бу темир оқим тўхтаб, ҳордиқ олган ям-яшил ўлангларда қайта ўт унмас, ўт униши учун ёмғир асрлар давомида отлар туёғидан эзилган тупроқни юмшатиши, қуёш юз йиллар мобайнида бу тақир майдонларга ўз меҳрини тинмай сочмоғи керак эди. Олис тоғлар қоялари устида пода ўтлатиб юрган афғон чўпонлари биёбон ўртасида тўсатдан пайдо бўлган симобий дарёни кўриб, Олло Таолонинг иродасидан ҳайратланиб, тасаннолар айтишарди.

Мана шу улкан қўшин тўхтаб, Синд дарёси соҳилида ҳордиқ олаётган пайтда, Амир Темурга куни кеча забт этилган қалъадан чопар келганини айтдилар. «Қирсин!» — деди соҳибқирон дарёдан урилган салқин шабададан оҳиста тебраниб турган хиргоҳ пардаларига тикилганича. Амир Темур югуриб ичкарига кирган чопарни таниди. У шаҳзода ўғли хизматида юрган уйўғлонларнинг бири эди. Уйўғлон кира солиб, тиз чўкиб ва бошини эгиб, синиқ овоз билан сўзлади:

— Онҳазрат, шумхабар келтирганим учун бошимни олинг.

Унинг бу сўзини эшитган Амир Темурнинг бир мўйи ҳам қимирламади. У ҳузурига кирган сонсиз чопарлардан бу сўзни неча марта эшитган, санаса саноқдан адашмоғи мумкин. Кўпинча бу сўз билан бошланган хабарлар унинг қулоғига етишга ҳам арзимас бир гап бўлиб чиқар, соҳибқирон одамларнинг ваҳимага ўчлигидан ҳайрон қоларди. Бирдан ўйига: «Наҳотки, ўғлимга бир гап бўлган бўлса?» — деган гап келдида, сергак тортиди.

— Сенинг жонинг Оллоҳники, олдин сўйла, агар Оллоҳ олдида жавобгар бўлсанг, бошинг шаксиз кесилгай. Агар менга нисбатан айбли бўлсанг, ҳукми машойихлар айтурлар...

— Аввал бир қошиқ қоғимдан кечинг, онҳазрат, — деди уйўғлон сапчадек кичик бошини кўтармай.

Амир Темурнинг газаби қайнади. «Нима бало, бу сакбачча, менинг иродамни синамоқчими?»

Бирдан дарёдан эсган шабада юзига урилди-ю, Оллоҳнинг бу неъматидан яна кўнглига хотиржамлик чўкди.

— Кечдим, гапир, — деди ҳорғин товуш ила соҳибқирон.

Чопар ортиқ пайсалласа, айтадиган гапи ўзи билан рихлатга кетишини англади-ю, бошини сал кўтарди. Шунда ҳам ҳукмдорнинг юзига қарашга журъат қилолмай, гап бошлади:

— Улуғ соҳибқирон, Сиз қалъани тарк этгандан сўнг лаънати ёғийлар ногаҳон уни қамал айладилар. Неча кун жанг бўлди. Аммо кучимиз озлиқ, захирамиз носозлиқ қилиб, мағлуб бўлдик. Ёғийлар қалъага биз билмаган яширин ер ости йўлидин кириб олди. Қалъанинг қўлдан кетмоғи аён бўлгач, бемонанд шаҳзода мени Сизнинг ҳузурингизга жўнатди. Неча ўлимдин қолиб, минг ғавго ила қалъадан чиқишга муваффақ бўлдим.

— Ўғлимга нима бўлди, у тирикми? — деб секин сўради Амир Темур. Унинг овозидаги совуқ оҳангдан чопарнинг этлари жимирлаб кетди. Сўнгра зўрға овоз чиқарди:

— Билмайман, соҳибқирон, билмайман, — унинг жағлари титрарди. — Мен қалъадан чиқиш саъй-ҳаракатини қилаётганимда, жанг жийбахона олдида бораётган, ўғлингиз жангнинг ўртасида эди.

Амир Темурнинг ичига ўт тушгандек бўлди. Секин атрофида турган ичкарилару номбардорларга разм солди. Бирор бир кўз очиқдан-очиқ унга тикилиб турганини кўрмади. Аммо, ҳамманинг юзида ташвиш аломати зоҳир эди. У бир дам ўйга ботиб турди-да, секин пичирлади:

— Ҳозирнинг ўзидаёқ қўшин йўлга отлансин. Ёғийлар қони дарё бўлиб оқсин. Ўғлим тирикмидир, ўликмидир, топилсин.

Назарида фармони қўшинга етказишга жавобгар товачи суст ҳаракат қилаётгандек туюлди, бир ҳаракат билан ўрнидан ирғиб турди-ю, газаб ила бақирди:

— Бўғозмисан, энағар. Агар яна шундай пайсалласанг қорнингни ёриб, қонингни оқизганим бўлсин.

Пак-пакана, қориндор товачи хиргоҳдан ўқдай оти-

либ чиқди. «Худо бир асради, худо бир асради!» — деган ўй чоғиб бораётган товачининг миясини кемирадди.

Дам ўтмай темир тоғ эриб, улкан оқимга айланди ва кечагина ўтилган, ҳали чанг-тўзони босилмаган йўллардан илондек буралиб оқа бошлади. Энди бу қўшиннинг шиддати яна ҳам жадал, навкарлар дилида қасос ўти ёнар, отлар қамчи зарбидан аламзада йўртиб борар эдилар. Темир оқим бир неча кундан сўнг душман қўлига ўтган қалъани уч томондан ўраб олди. Тўртинчи томонда эса олисдаги қорли тоғлардан ҳали қўлга ўргатилмаган асов тойдек ҳапқириб, гувиллаб улкан дарё оқиб турарди. Агар ўша тоғлар томонда пода ўтлатиб юрган афғон чўпони ҳозир қалъа томонга кўз ташлай олганида эди, улкан биёбон қаърида туғилган номаълум симобранг дарё улкан қояга — қалъага урилиб иккига бўлиниб, асрлар давомида оқиб турган ўзларига таниш дарёга қўшилаётганига кўзлари тушарди. Магар улар эртаси ҳам ўша томонга қараганларида эди, кечаги бирдан пайдо бўлган симобий дарё йўқлигини, улкан қоя атрофида эса улкан кўл пайдо бўлиб қолганини кўрган бўлардилар. Бу кўл кечаси олов комига айланиб, ундан таралган ёғду юксак тоғларнинг қорли чўққиларига урилиб, уларни қизғиш рангга бўярди. Бу қалъадан йироқ-йироқлардаги қишлоқлар ва шаҳарлар аҳолиси олислардан келаётган ер зириллашига ваҳима билан қулоқ солишар, аллақандай номаълум, шу сабабдан қўрқинчли ҳалокатлардан дарак берувчи ғаройиб манзарани — юксак тоғ чўққиларининг қори қон рангига бўялиб товланишини кўриб, даҳшатга тушардилар.

Энг қўрқинчлиси, номаълумлик эди. Мавҳумлик уларни ўзлари асрлар давомида яшаган масканларини, молу мулкларини ташлаб, ғарқ пишиб ётган тутлар ҳиди анқиб турган чорбоғлар оралаб ўтган йўллар орқали бу ваҳимадан беҳабар ва алдамчи фароғат оғушида ухлаётган ўлкаларга кетишга, бу мавҳумликдан ёш келинчакларнинг кўксига сути қуриб, ҳали киндик яраси битмаган чақалоқлар йиғиси оталарни ярим кечалари туриб, олисда тобора қизиллашиб товланаётган тоғларга нотинчлик ила узоқ боқишга мажбур қиларди. Ер зириллаши тўхтагани билан уларнинг юрагидаги зириллаш баттар авж оларди. Улар ўша кун туни билан қизғиш рангда товланган тоғлар томондан бирор мужда келармикан дея, илонизли йўлларга интиқ боқиб кутишар, аммо номоз пайтидаги кентлар

кўчасидек бу қадимий йўлларда бирор кишининг қораси кўринмасди. Мавҳумлик томонга қараб бориб, у ёқдан бирор гап олиб келишга ҳеч ким журъат қилолмасди. Ундан кўра улар кенг даштда душман лашкари билан юзма-юз туриб жанг қилишга рози эдилар. Аммо душман ўша мавҳум томонда эди.

Ўша мавҳумлик тарафда, кечалари қизғиш рангда товланган тоғлар томондан оқиб тушган дарё ёқасидаги қалъани Амир Темур кўшини исканжага олган эди. Соҳибқирон қалъанинг шарқий дарвозаси рўпарасида саркўб тиклашни буюрди. У қалъага таслим бўлишни талаб қилиб нишон жўнатмади. У саркўб тикланишини ва шарқ томондан оқиб келаётган темир оқимнинг мана шу саркўб пойида йиғилишини ҳам кутиб ўтирмади. Ўртада беомон жанг бошланди. Амир Темур ҳам худонинг бир бандаси каби олисдаги қишлоқларда яшаётган фуқароларга ўхшаб мавҳумликдан қўрқарди. Аммо мавҳумлик қаршисида қўл қовуштириб ўтиришни ёқтирмасди. У ҳар қандай жумбоқ ечилгандан кейингина юраги фароғат топажагини яхши билар, бу жумбоқ, бу мавҳумлик — фарзандининг қисмати уни қийнагани сайин, у мана шу мавҳумликни йўқ этувчи қуроли — кўшинларини жангга соларди. Кўзларида ҳам қасос олови, ҳам ўғил ташвиши баравар акс этган Амир Темур тунда ҳам аскарларига дам бермади. Ҳар ер-ҳар ерда ёқиб кўйилган гулханлар ёруғида қалъанинг тўрт дарвозаси ёнида беомон жанг давом этди. Юган-сувлиқларини чайнаб, оғзи кўпикланган безовта отларнинг кўрқинчли кишнаши, курагига ботган ёй ўқи оғриғидан дунёни бузиб бақираётган жангчилар, палахмонлар отган тошлар гурсиллаб деворларга, дарвозаларга урилишидан таралган бўғиқ товушлар, гуруҳ-гуруҳ жангчилар гоҳ олдинга, гоҳ орқага чопганларида зилзила пайтидагидек ернинг силкинишлари орасида аллақачонлар тикланган саркўб устидаги хиргоҳ ёнида турган соҳибқироннинг: «Босинг! Босинг!» — деган ҳайқириғи...

Жанг авжига чиққан ярим тунда тиним билмай йўл босиб, кела солиб жанг бошлаган ҳукмдор кўзининг бир зумгагина юмилганини билмай қолди. Шу бир зум ичида у туш кўрди.

Осмону фалакдан қуйилган кумуш шуъла оғушида бир аёл беланчак тебратарди. Беланчак иплари қаерга осилгани билинмасди. У аёлни таниди — бу Тегина Моҳбегим, онаси эди. Аммо бешиқда ўғли ётарди...



«Ота, — деди ўгли жилмайиб. — Ота...» Бирдан беланчак узилиб, кумушранг ёғду қўйнига чўкиб кетди.. Ёғду ичидан ўглининг товушини эшитди: «Онажон!..» У бирдан уйғониб кетди-ю, сарқўб пойида ётган ярадор жангчилардан бирининг бўғзидан чиққан ўлим олди ноласи уни уйғотиб юборганини билмади. «Ўғлим!» — деб шивирлади бирдан дили ийиб ўзидан-ўзи. Соҳибқирон кўзидан сизиб чиққан бир томчи ёшда гулхан ёруғи акс этгандек бўлди. У ўша заҳоти кўзларини енги билан артиб, ҳеч ким сезмадими, дегандек атрофига назар ташлади. Ҳамманинг хаёли жанг майдонида эди. Фақат унинг барча юришларида қатнашган қари мунажжим осмонга безовта тикиларди. Қария соҳибқироннинг ўзига тикилганини сезиб, ўтирилди. Амир Темур мунажжимни ёнига чорлаб, безовталиги сабабини суриштирмоқчи бўлди, аммо хаёли бўлинди. Аскарлари сарқўб қаршисидаги дарвозага ўт қўйган эдилар. Қорамой сепилган улкан нақшкор дарвоза ўтга маҳтал тургандек ловиллаб ёна бошлаганди. Олов пастдан тепага жадал ўрлаб, дарвоза устунларига урилиб, уларни қорайтирарди.

Аммо тўсатдан ҳаво бузилиб, кучли шамол қўзғалди, ёмғир томчилаб ўтди. Шунинг ўзи кифоя бўлди-ю, гулханлар ўчди, ёнаётган дарвоза ҳам омон қолди. Бироқ, бу жанг шиддатини сусайтирмади, муҳосара кучайгандан кучаяр, ҳар икки томон бир-бирини аяшни хаёлига ҳам келтирмасди.

Жанг авжига чиққан сайин Амир Темурнинг газаби кучаяр, атрофида турган номбардорлар соҳиби тахтнинг қаҳрини кўриб, нафасларини ичларига ютган ҳолда сукут сақлашарди. Фақат қалъа тарафдан келаётган сурон бу сукутни эшитишга йўл қўймасди. Темир оқим қалъа деворларига бўрон пайтида қутурган денгиз тўлқинларидек бориб урилар — сада кетидан ҳазора, ҳазора кетидан қўшин келарди. Манжаниқлару аррадалар қалъа деворларини бузиш учун тинмай ишлар, чўқмоқлару ҳарбаларнинг бир-бирига урилгандаги жанг равишларини тўхтамасди.

Тонг яқинлашиб, атроф ёриша бошлаган ғира-шираликда Амир Темур амри билан ясовулбоши қодирандозларни ишга солди, уларнинг ёйдан бехато ўқ узишлари туфайли шаҳрбанд<sup>1</sup> устидагилар тутдек тўкилдилар.

<sup>1</sup> Шаҳар девори.

Охири сабри тугаган соҳибқирон хиргоҳ айвонидаги ўрнини тарк этиб, бундан ваҳимага тушган қурчи<sup>1</sup>лар ўровида пастга — қалъага яқинроқ боришга, бу билан аскарлари руҳини кўтаришга қарор қилди. У шиддат билан сарқўбдан тушиб бораркан, захира ортилган арвалардан бирининг ёнида ўчиб қолган, аммо дарё томондан эсаётган салқин шамолдан қизариб товланган гулхан чўғларига қўлини тоблаб, исиниб турган бир чолга кўзи тушди. У чолни сезмай ўтиши мумкин эди. Аммо шунча шовқин-сурон орасида чолнинг минғирлаб куйлаётган қўшиғи ноҳосдан унинг диққатини тортди:

Вой, ўғлима, вой, ўғлим,  
Йигитларнинг нобуди.  
Кўтарилмай қолди-я,  
Ўғилгинам тобути.

Маймананинг йигити.  
Оёғида бор-бути.  
Қўлдан қўлга ўтмади  
Ўғилгинам тобути.

Қора ерда ётарсан,  
Кимса билмас аслингни,  
Дўстларингни хор этдинг,  
Ким олади қасдингни.

Вой, ўғлима, вой, ўғлим,  
Йигитларнинг нобуди.  
Қўлдан-қўлга ўтмади  
Ўғилгинам тобути...

Амир Темур чолни таниди. У қалъани дастлаб қўлга олганда, ўз соҳиби, ўз сафдошларига хиёнат қилгани туфайли ўлимга буюрилган қалъа жийбахонаси бошлиғи бўлмиш йигитнинг отаси эди.

Ўшанда ҳам жанг жуда даҳшатли кечган эса-да, бугунгичалик беомон бўлмаганди. Унда мухолифлар ўзаро илк марта тўқнашаётганлари учун ҳали бир-бирларидан кўрқишмас, дилларда фақат: «Кимнинг қўли баланд келаркан?» — деган ҳадик бор эди, холос. Аммо қиличлар бир-бирига урилган илк дафъадаёқ бу ҳадик ўртадан йўқолиб, унинг ўрнини ёғийга нисбатан ғазаб ва нафрат эгаллаган эди. Тонгга яқин бошланган жанг кечгача давом этди ва эртаси куни қуёш энди қизариб чиқа бошлаган маҳалда чолнинг ўғли — жий-

<sup>1</sup> Қурчи — подшоҳни кўриқловчи соқчилар.

бахона бошлиғининг хиёнати туфайли Турон ҳукмдорининг ғалабаси билан тугади. Аммо ғалаба унга татимади. Юборилган нишондаги талабига бўйсуниб ўрнига қаршилиқ кўрсатган қалъа кутволи билан унга қалъа дарвозасини очиб берган жийбахона бошлиғини қатл эттирди. Енгилган қўшин аскарларини эса қатл майдонига олиб келиб, ўз бошлиқларининг шармандали ўлимини кўришга мажбур этди. Қатлдан сўнг бу аскарларни озод қилиб қўйиб юборди.

Қатл бошланиши олдидан асир аскарлар турган томондан дод-фарёд эшитилди. Амир Темур сукутни бузган бу ёқимсиз бақир-чақирни эшитиб, «нима гап?» дегандек қурчилар бошлиғига ўқрайди. Ҳукмдорнинг норозилигини пайқаган қурчилар бошлиғи, пакана ва қориндор бўлишига қарамай, пастга ўқдек отилди. Унинг шундай оғир гавдаси ила чаққон ҳаракати ўртасида боғлиқлик тополмаган ҳукмдор шовқин чиққан томонга тикилди ва мағлуб ёғий аскарлари ичидан қурчилар судраб олиб чиққан чолни кўрди. Чол икки қўлидан маҳкам ушлаб, майдон четига судраган қурчиларга дастлаб қаршилиқ кўрсатишга уринди-ю, аммо дам ўтмай, нафаси ўчиб, қўл-оёғи мажолсиз шалвираб тушди.

«У ким?» — деб сўради Амир Темур қурчилар бошлиғи қайтиб ўз ўрнини эгаллагач. «Жийбахона бошлиғининг отаси экан», деди қурчибоши. Соҳибқирон биринчи марта кунда олдида қўли боғлиқ ҳолда турган, қалъани хиёнат туфайли унга олиб берган жийбахона бошлиғига тикилди. У ўғли тенги йигит эди.

Худди ўша лаҳза товачининг ишораси билан қатл бошланганидан хабар бериб ноғораларнинг гумбур-гумбури янгради. Майдон ўртасидаги кунда қўйилган супада қаққайиб турган жаллод қиблага қараб тиловат қилди. Ботаётган қуёш шуъласида унинг юзи қип-қизил тусда товланарди. Тиловатни тугатган жаллод ўрнидан турди ва кундаги биринчи бўлиб кутвол бошини қўйди. Аммо кутвол бошини кундадан олиб, яна қад тиклашга уринди. Муштумининг зарби ила буқани ўлдиришга қодир забардаст жаллод бир силташ билан яна унинг гавдасини букиб, бошини кундага қўйди, сўнг юксак хиргоҳ пешайвонидаги тахтада ичкилару номбардорлар қуршовида турган ҳукмдорга тикилди. Аниқроғи, тикилгандек бўлди, зеро жаллод бошини кўтарди-ю, ўз соҳибига тик боқишга журъат қилолмади. Унинг қўлидаги ойболта ҳали қонга бўял-

маган, аммо ғуруб шуъласи тушиб, қип-қизариб кўри-  
нарди.

Энди буёғи фақат соҳибқироннинг иродасига, унинг  
газаби ёки раҳм-шафқатига боғлиқ эди. Аммо дунёнинг  
тўрт тарафини зир-зир титратган, Мағрибу Машриқ  
ҳукмдорларига ўзининг марҳаматини аямай, уларни  
фарзанди қаторига қўйиб, «ўғилларим» деб мурожаат  
қилишга кўниккан жаҳонгир бу лаҳза нималар ҳақида  
ўйлаётганини ҳеч ким билмасди.

Кутвол ҳам, жийбахона бошлиғи ҳам ўғли тенги  
йигитлар эди. Аммо кутвол мардоналик билан қалъани  
сақлашга уринган бўлса, жийбахона бошлиғи хиёнат  
билан уни мухалифга очиб бергани, улар ўртасида бир  
чўнг жар ҳосил бўлганини ўйлаган соҳибқирон дунё-  
нинг ғалати ишларини англашга уринарди. Мана, деяр-  
ли тенгдош йигитлар. Балки улар бир кўчада ўйнаб  
улғайишган жўралардир, балки қилич чопқилашни  
бирга машқ қилишган сабоқдошлардир. Аммо улар  
ҳозир бир-бирларига душман. Кутвол ўзини мағрур  
тутар, ўзини душманга сотган жийбахоначига қайри-  
либ ҳам қарамасди. Жийбахоначи бўлса, аллақачонлар  
тириклик нишонасини билдирмай мункайиб ётар, ўз  
қилмишини англаб пушаймон бўлганидан ажални ал-  
лақачонлар бўйнига олибми ёки ўз хиёнати боис  
марҳамат кутиб, эвазига ўлим топаётгани туфайли  
қўрқувданми, унинг девор рангига кирган башараси  
маъносиз, унда на ғазаб, на илтижо намоён эди.

Хукмдор ўлими олдидан ҳам ўзини хўрлашларига  
қаршилиқ кўрсатаётган кутволга қараб, иккилангандек  
бўлди. Кейин бирдан сергак тортиб, ўғлига кўз қирини  
ташлади. У ўғлининг чеҳрасида ҳам иккиланиш алома-  
тини сизди-ю, қарори қатъийлашди. «Иккиланиш, бу  
бўлажак мағлубиятдир», деб ўйлади Амир Темур. Агар  
у ҳозир иккиланаётганини ўғлига билдириб қўйса,  
ўғли салтанат ва ҳарбнинг ҳар бир ишида иккиланиши  
мумкин. Бунга эса йўл қўйиб бўлмасди. Унда салтанат-  
да ором, душманларда қўрқув, дўстларда садоқат,  
ўғлида собитлик қолмайди. Илло, подшоҳ бир тадбирни  
амалга оширишга олдиндан қасд қилдими, ҳар қандай  
шароит ва вазиятга қарамай, ўша ишда қаттиқ тур-  
моғи, то битирмагунича ундан қўл тортмагани маъқул.  
Агар бугун у иккиланса, эртага ўғли ҳам иккиланади,  
собитлиги синади, оқибатда мамлакат бўлинади. Икки-  
ланган хукмдор бари бир охир-оқибат адашади, сўнг  
унга яқин турганлар ҳам адашадилар.

У бир пайтлар, энди салтанат изми илгига ўтган кунларда пири йўқлаган мактубдаги муборак сўзларни эслади: «Мамлакат куфр ила туриши мумкин, лекин зулм бор ерда туролмайди». Хўш, ундан шафқат тилаш ўрнига ўлимни мардона кутаётган кутволни ўлдириш зулми, зулм эмасми?! «Зулм!» — деб ўзига жавоб берди соҳибқирон. Аммо яна шу нарса маълумки, кутвол ёш бўлишига қарамай, зулм йўлига ўтган. Соҳибқирон қон тўкилишига йўл қўймаслик ниятида ўз нишонини юбориб, таслим бўлишни таклиф қилганида, у бу талабга ризолик билдириш ҳақида маслаҳат солган икки-уч юзбошини машваратнинг ўзидаёқ чошиб ташлаган. Лаънати жийбахоначи, аллақачонлар кўнглида хиёнат фитнасини бошлаган жийбахона бошлиғи ҳам ўша юзбошиларга қилич пешлаган. Нодон кутвол хавф-хатарни унга оқилона маслаҳат берган юзбошилардан эмас, ма-на шу ёнида туриб, қилич пешлаган жийбахоначидан кутиш лозимлигини билмаган. Оқибатда ўртада жанг содир бўлди, неча юз аскар бекордан-бекор қурбон бўлди. Бу зулми, зулм эмасми?! «Зулм!» — деб ҳукм чиқарди буюк жаҳонгир. Қолаверса, ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтариш мумкинми? У ҳолда яхшиликка адолат, яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтармоқ керакдир. Аксинча бўлса, хатодир.

Амир Темур яна ўғлига кўз қирини ташлади. Унинг юзида ҳамон иккиланиш аломати зоҳирлигини сизди ва ўғли унга қайрилиб бир нима дейишга ҳозирланганини пайқаш билан кўзини олиб қочди. Йўқ, ўғли ҳозир нима демоқчилигини у эшитмаслиги керак. Зеро, ҳозирча бу икки иқлимни тасарруфига олган чексиз ҳудудда ва шу ҳудуднинг марказига айланган ерда — у ўтирган маконда ҳар бир нарса, ҳар бир кимсанинг тақдири ёлғиз унинг иродасига, унинг қарорига боғлиқ. Шундай экан, кеча ёлғиз ўзи билган қарор, уни бошқалар қуроғи эшитмаган бўлса-да, бугун амалга ошмоғи шарт.

Соҳибқирон юзида бир дақиқа пайдо бўлиб, ўша лаҳза ўчган маънони уққан товачи жаллодга «бошла!» дегандек қўл силтади. Ўша лаҳза жаллоднинг қизил дамли ойболтаси кутвол боши устида ялт этди-ю, кесилган бош кундадан супага, супадан пастга думалаб кетди. Навбат жийбахона бошлиғига етди. Яна жаллод ойболтасини ерга тираб, бош эгиб изн кутди. Товачи

ҳукмдор юзига тикилди. Аммо Амир Темур юзида ҳукм маъносини кўрмай, вужуди диққатга айланди.

Навбат жийбахона бошлиғига етганида, жаҳонгир дастлаб кутволни бошидан жудо этганига ўқинди. Аввал баттол хоинни ўлдириш керак эди. Илло, ўзини ёғийга сотган хиёнаткорнинг ўлимини кутвол кўриши керак эди. Жаҳонгирнинг бирдан ғазаби кўпчиб, товачига ўқрайди. Гап нимадалигини англолмаган бечора товачининг тиззалари бўшашиб, ранг-рўйи кўникдек оқариб кетди. Ҳа, кутвол бу лаънатининг ўлимини кўриши шарт эди. Шарт эди... Нега аввал шу нарсани ўйламади.

Бу лаҳза ўз она юрти ҳифзида турган қалъани унга олиб берган жийбахона бошлиғи унинг назарида дунёдаги энг паст, энг манфур кимса эди.

Ўлимини кутиб юзтубан ётган жийбахоначининг танасига жон киргандек бўлди. Кутволнинг ўлиmidан сўнг тамом бўлган хоин ҳукмдор ўйга ботган вақтни пайсаллаш деб билди, ҳатто соҳибқирон уни фақат қўрқитиш учун кунда ёнига олиб келтирганлигига, аслида қилган иши учун албатта марҳамат топажагига ишона бошлаганди. У зўрға кўзларини очиб, ҳукмдорга боқди. Мажол топиб, ундан имдод тиламоқчи бўлди, аммо музлаб қолган лабларини очишга қанчалик уринмасин, очолмади, фақат қақраган, қонга тўлган бўғзидан нолага ўхшаш бир товуш чиқди. Кейин ҳукмдорнинг ўзига қаҳр билан нафратомуз қараб турганини аранг илғади-ю, мурда нуқси урган башарасини яна ерга босди.

Амир Темур ғазаб билан товачига бақирди:

— Мочағар, нимани кутяпсан, бошламайсанми?

Товачининг ишораси билан жаллод бир силтаб жийбахона бошлиғининг мажолсиз гавдасини ердан кўтарди-да, икки буклади ва бошини кунда устига қўйди. Уша заҳоти маҳкумнинг оғзидан кўпик оқиб туша бошлади. Жийбахона бошлиғининг боши ҳам кунданан пастга думалаши билан ҳамманинг қулоғи кўникиб қолган оғир ва қўрқинчли сукунат оғушида майдон четида боғлиқ турган отлар ёнида чалқанча ётган чолнинг юрагидан отилиб чиққан мунгли фарёд янгради. Аммо бу фарёд эгасига ҳеч ким журъат этиб қарай олмади. Ёлғиз Амир Темур ўрнидан туриб, қатл майдонини тарк этаётган одамлар оша чолга узоқ тикилди. «Зулм!»— деб ўйлади яна у. Шу ўй ялт этган заҳотиёк,

шарт орқасига ўтирилди. Ўшандан буён чолни учратмаган эди.

Сўниб бораётган гулхан чўғларини қўлидаги шох билан титаётган чолга кўз ташлаб, бир лаҳзагина тўхтаб қолган соҳибқирон қадамини тезлаштирди. Ортидан чолнинг қўшиғи етиб келарди:

Вой, ўғлима, вой, ўғлим,  
Йигитларнинг нобуди.  
Қўлдан-қўлга ўтмади  
Ўғилгинам тобути...

«Чол эсдан оingan!» — деб ўйлади Амир Темур, ammo олдида дурбош<sup>1</sup> кўтариб бораётган қурчи: «Воҳ», деб юзтубан йиқилганини кўрди-ю, ўша заҳоти чолни унутди. Қалъа томондан ўтиб келган чўқмор учи қурчининг кўксини тешиб, курагидан чиқиб турарди. Жаҳонгирнинг хавфсизлиги учун жавобгар ичкилар тезда уни тура<sup>2</sup>лар билан тўсиб олишди.

Туни билан давом этган жанг тонг ёришгач, баттар авж олди. Кечаси қўзғалган шамол ва бир-икки томчилаб ўтган ёмғир тиниб, осмон шу қадар тиниқлашдики, бамисоли артилган шишадек беғубор эди. Осмонда бир ҳовуч ҳам булут кўринмасди. Ёз қуёши шундай меҳр билан одамларга, чечакларга, далаю даштларга, юксак тоғларга ўз нурини сочардики, бўлаётган воқеалар ўнгда эмас, тушда кўринаётгандек туюларди. Ammo ҳар икки тарафнинг жангчилари буни сезишмас, уларнинг кўзи бир-бирларидан узилмас, қўлларидаги қиличу зулинлар товуши, кўзларидаги ғазаб, дилларидаги қаҳр ғубори ҳам осмонни, ҳам қуёшни тўсиб олган эди. Толиққан отларнинг ҳам, одамларнинг ҳам ўнги тушга айланган. Улар бутун дунёни унутган, гўё ёлғиз ўлимгина уларга ҳордиқ олиш учун имкон берадигандек. Туни билан совутлар ва дубулгаларда акс этган ой нури сўниб, қуёшдан тушган шуур қип-қизариб оқаётган дарёда товлана бошлади. Бу дарё қон дарёси эди. У қалъа турган қоядан оқиб тушиб, олис тоғлар тарафдан далаларни яшнатиш, одамлар, гуллар, булбуллар чанқоғини қондириш учун оқиб тушаётган дарёга бориб қуйилар, кўм-кўк дарё бир-икки фарсанг давомида бу қонни ҳазм этолмай қийналар ва охири қон рангини

<sup>1</sup> Дурбош — подшоҳлик аломати бўлган найза.

<sup>2</sup> Тура — ёв ўқидан яшириниш учун махсус восита.

ичига ютиб, яна ўзининг азалий йўлидан олға талпинарди.

Ўлим топган жангчилар қийналмай жон беришар, ўлим уларга фароғатли уйқу бўлиб туюлар, улар «ўла-япман» деб эмас, «уйқу босаяпти», деган хаёлда кўз юмишарди. Очиқ қолган кўзларда тип-тиниқ осмон, кўпик сочаётган отлар, қилич пешлаган суворийлар, ҳар икки томондан учиб келаётган новаклару найзалар акс этарди. Бу уруш чизган сурат эди.

Тонгдан ўтиб қалъадагиларнинг заифлашгани сезилди. Зеро, улар ўзлари учун ўлимдан бошқа йўл йўқлигини англаб, матонат билан жанг қилишар, бироқ эриган Темур тоғи оқими шиддат билан, тўхташни билмай қалъа деворларига урилар, ҳар урилганда яна ҳам баландлашарди. Охири бу оқим деворлардан ошиб, қалъа ичини тўлдириди.

Жанг тугади. Амир Темурга душман қўшинидан бирор бир жон тирик қолмаганини айтишди. Соҳибқирон бу хабарни эшитаркан, бошқа нарсани ўйларди. У бетоқат эди. У ўзи кутган гапни эшитишни интиқлик билан кутар, аммо ўзи очикдан-очик сўрашга юраги бетламасди. «Демак, ўғлим...» Амир Темур кўкси зирқираб оғриди. У қурчилар бошлигига тикилиб: «Ўғлимни топинг!» — деб буюрди. Аммо қидиришлар бекор кетди. Ўғлининг на тириги, на ўлиги топилди. Амир Темур бу ҳақда хабар берган яқинларига дарғазаб тикилар, уларни қайта-қайта қидиришга мажбур қиларди.

Жаҳонгир ўғлини жасур ва ўктам қилиб тарбиялаган эди. Қилич тутган қўли бақувват бўлсин деб кечакундуз машқ қилдирди, юраги кўрқувни билмасин деб шер юрагини едирди, фаросатли бўлсин деб китобга ошно қилди. Йигирмага чиққан ўғли ўн йиллаб соҳибқирон юришларида қатнашган, қилич чопқилашда чиқиққан тажрибали жангчилар — баҳодирлар билан бир сафда туриш ҳуқуқига эга бўлди.

Амир Темур ичида фарзандини қанчалик суймасин, ҳалигача унинг бошини силаб эркаламаган, эркалаш дилни бузади деб ҳисобларди. Ўғли ҳам шу пайтгача отасига бирор марта кулиб боқмаган, ҳамиша кўзларида олов чақнаб турарди. Бу олов ўша жанг кўрган баҳодирлар кўзларидаги оловдек совуқ порламасди. Бу олов ўтли ва навқирон эди. Наҳотки, шундай ўғли душман қўлида хор бўлган бўлса? Наҳотки?! Йўқ, у ўзини хор қилишларига йўл қўймайди. У ёғий қўли-



да хор бўлишдан ўлимни афзал кўрадиган йигит. Ўлганда ҳам, душманга ялинмай, унинг дилига кўрқув солиб ўладиган йигит. Зеро, у ўглини қалъада қолдириб кетар экан, хайрлашиш олдидан шундай деганди: «Салтанатга даъвогарлик қилгон ҳар бир киши салтанат шаъни ва мартабасига лойиқ иш тутиши зарур. Мудом ёдингда бўлсинким, бу йўлда жангга кириб ё зафар қучиб голиб бўлгайсен, ё ўлдирилгайсен. Ўлимни бўйнига олган кишигина бу йўлдин юрмоғи мумкин».

Амир Темура раҳматли отаси, барлосларнинг улуғ раҳбарларидан бири бўлмиш Муҳаммад Тарағай уни қандай тарбиялаган бўлса ўглини ўша руҳда: бешафқатлик, мардлик ва фаросатлилик, фақат шундан кейингина оқибатлилик руҳида вояга етказди. Оқибат отасининг назарида ёлғиз меҳр-шафқатдан, шу билан бирга диловарлигу қаттиққўлликдан туғилмоғи даркор. У оқибатнинг инкори бўлмиш хиёнатни ёмон кўрарди. Қўрқоқликни кечирса кечирар, аммо хиёнатчига раҳмдиллик қилишни ўйламас, ҳатто бундай қилишни гуноҳ деб биларди. Агар Амир Темура дунёнинг тўрт томонидаги энг бой ўлкаларни забт этиб, уларнинг подшоҳларини ўзига тобе этган бўлса, бу шарафга шу диловарлиги ва оқибатбардорлиги, хиёнатга йўл қўймагани сабабли эришди.

Амир Темура ўғлида уч хислат мужассам бўлишини истарди. Энг аввало, инсонпарварлик, сўнг тежамкорлик ва ниҳоят босиқлик. Инсонпарвар одамгина довжурак бўлмоғи мумкин. Тежамкор бўлган одамгина сахий бўлиши мумкин. Босиқ одамгина ҳукмдор бўлиши мумкин. Қимки жасур бўлса-ю, инсонпарвар бўлмаса, тежамкор бўлса-ю, сахийлик қилмаса, доно бўлса-ю, босиқлик қилмаса, ундай одам ўзи бош-қош ишни ҳам, ўзини ҳам ҳалок этади. Қимки душмани билан олишганда ҳам инсонпарварликни унутмаса, у албатта енгади. Олло Таоло ҳамиша унга мадад беради, инсонпарварлик унга паноҳ бўлади.

У ўғлига мамлакат адолат, уруш эса диловарлик ва айёрлик билан бошқарилишини, мамлакатда таъқиқ қанча кўп бўлса, авом шунча қашшоқланиши мумкинлигини, илло эркинлик ва адолат бўлса, авом, демак, мамлакат бой бўлишини, қонун ва буйруқлар қанчалик кўпайса, адолатсизлик, ўғрилиқ ва бебошлиқ шунчалар кўпайиши мумкинлигини уқтирди. «Ўғлим, — дерди раҳматлик отаси, — узоқни кўролмагон ҳукмдор яқини-

даги балоларга гирифтор бўлади. Аммо яқинини кўриб иш тутган ҳукмдор ҳам хато йўлдадир». Амир Темур отасининг бу гапни ўғлига айтир экан, ўзидан қўшиб ушбунинг уқтирган эди: «Подшоҳлар хулқи бамисоли шамол, авомники майсадир. Шамол қай тарафга эсса, майса ҳам ўша томонга эгилади. Аммо подшоҳ ҳеч қачон ўз қудратининг асоси мана шу авом эканини унутмаслиги даркор».

Амир Темур тутаб ёнаётган вайрона қалъага кирмай, дарёга яқин ялангликда чодир тиктирди. Соҳибқирон ўзининг оддий жангчилари либосидан деярли фарқ қилмайдиган жанговар либосда, Дамашқни олганда қўлга киритган олтин чирокдон осилган шохчодирда қундуз бўркли бошини эгган кўйи ўғлидан дарак кутарди. У камдан-кам ёлғиз қолар, шу боисдан ҳар гал шу аҳволга тушганда дилини аллақандай англаб бўлмас оғриқ қиса бошларди. Ҳозир ҳам шу оғриқ уйғонди-ю, соҳибқирон чуқур оҳ тортди. У оғриқ сабабини билмас, бу эса оғриқни йўқотиш чорасини топишга имкон бермасди. Туни билан кечган жанг туфайли уйқую ҳордиқдан қолган жаҳонгир онгида қуюқ ва ҳорғин бир зулмат пайдо бўлган, оғриқ эса мана шу зулумот ичида ёниб турган чирокдек гоҳ пирпираб, гоҳ товланиб турарди. Тўсатдан ташқарида шовқин-сурон кўтарилди-ю, у сергак тортди. Аммо ўзини тутиб, бу шовқин-суронлардан хаёлан узоқлашиш учун кўзини юмди. Ўша заҳоти кечаги туши ўнгида ялт этиб намоён бўлди. Қумуш шуъла оғушида беланчак чайқаларди. Бу сафар онаси йўқ эди. Беланчак ҳам бўм-бўш эди. «Ўғлим, ўғлоним...» — дея пичирлади Амир Темур. Аммо ташқаридаги шовқин тобора унга яқинлашиб келар, ортиқ ундан қочиб бўлмасди.

Шу пайт шошилиб ичкарига номбардорлардан бири кирди. Унинг юзида қўрқув бор эди. У гапни қандай бошлашни билмай, соҳибқирон қаршисига келиб тиз чўкди. Амир Темур нега номбардорлару амирлар ҳар галгидек расм-русмга биноан тартибда кириб келмаганлари ҳақида ўйлади-ю, ҳузуридаги номбардор кўпчилик айтишга қўрққан гапни унга етказишни бўйнига олиб, ташриф буюрганини англади.

— Сўйла, — деди соҳибқирон.

— Онҳазрат, — деди номбардор, — бир қошиқ қонимдан кечсангиз...

— Кечдим, сўйла, — деди Амир Темур.

— Онҳазрат, ўғлингизнинг на тириги, на ўлиги

топилди. Қалъани элакдан ўтказдик, ammo... — номбардор жим қолди. Ўртага жимлик чўкди. Бу жимлик чўзилгани сайин номбардорнинг қўрқуви ошиб борар, бу қўрқув юрагидан қон томирлари орқали вужудига тарқалиб, аъзои-баданини шол этгандай бўларди.

— Шовқин-суроннинг сабаби недир? — деди бошини кўтармай Амир Темур.

Қўрқув дарёсига чўкиб бораётган номбардор бирдан хушёр тортиб, бор иродасини йиғиб, тақдир инъом қилган хасга ёпишди:

— Қатл этилган жийбахона бошлиғининг отаси сизнинг хузурингизга кираман деб шовқин кўтарди. Қурчилар унинг қўл-оёғини боғлаб, дарёга ташламоқчи бўлдилар-у, бу ишни ихтиёрингизсиз қилишга журъат этолмай тўхтадилар.

«Ўғлимга нима бўлганини менга мана шу чол айтиб беради?» — деган ногаҳоний ўйдан ўрнидан туриб кетган Амир Темурнинг важоҳатини кўриб, номбардор ҳаёт билан видолашиш муддати етганини тушунди. Ammo соҳибқирон унга яқинлашиб, ёқасидан ушлаб даст кўтарди-ю, қахрли кўзларини тикиб бақирди:

— Тезроқ чолни хузуримга олиб кириңг!

Боягина қўрқувдан қўл-оёғи бўшашган номбардор ҳукмдор ёқасини бўшатиши биланоқ шоҳчодирдан ўқдай отилиб чиқди. Зум ўтмай, чолни олиб кирдилар. Чол ҳозиргина арқон сиқуvidан бўшаган қўлларини уқалаб, қаршисида ўтирган соҳибқироннинг кўзига тик боқиб, очиқдан-очиқ разм соларди. Улар бир-бирларига узоқ тикилдилар. Аллақачон ўз ўринларини эгаллаган номбардорлару амирлар «бу ёғи нима бўларкин?» дегандай воқеалар давомини кутардилар.

— Сўйла, кимсан? — деб биринчи бўлиб оғиз очди ниҳоят Амир Темур.

— Бандамен, — деди чол унга тик боққанча.

— Кимнинг бандаси? — сўради Амир Темур.

— Ҳукмдоримнинг, — деди чол.

— Ҳукмдоринг ким?

— Олло Таоло? — деди чол.

Амир Темур чолнинг жавобига ичида таҳсин ўқиди. Бир лаҳзалик бу савол-жавоб уни анча тинчлантирган эди.

— Эй Оллоҳ бандаси, — дея гап бошлади яна Амир Темур, — менинг кимлигимни биласенми?

— Биламен. Сен ҳам Оллоҳ бандасисен! — деди чол.

— Иншоолло, Худонинг бандаси Амир Темурмен! — деди соҳибқирон.

— Амир Темурлигингни яхши биламен.

Атрофдагиларнинг бутун вужуди қулоққа айланиб, хукмдор билан чол мусохабасини тинглашарди.

— Оллоҳнинг мўъжизаси, Худованди каримнинг марҳаматига эришган Амир Темурмен, — деди соҳибқирон ҳар бир сўзига алоҳида урғу бериб.

— Ҳар бир банда дунёга келишининг ўзи Оллоҳ мўъжизаси, Худованди каримнинг марҳаматидир, — деди чол.

Амир Темур «рост айтдинг» дегандек бош чайқаб, чолнинг сўзини маъқуллади. Аммо ўша заҳоти ёдига ўғли тушди-ю, лаблари маҳкам қисилди.

— Ўғлимга нима бўлганини биласенми? — деб секин сўради соҳибқирон. Аммо унинг овозини сукунат кучган шоҳчодирда ўтирган ҳамма эшитди.

— Кеча қалъада бир йигитни қатл этдилар. Унинг кўз-қоши сеникига ўхшарди. Ўша йигит ўғлингму? — деди чол саволга савол билан жавоб бериб.

— Сен айтқон йигит ўғлимми, ўғлим эмасми, мен ҳали билмаймен. У тирикми, ўликми, бундан ҳам беҳабармен, — деди Амир Темур.

— Йигит тахминан йигирма ёшда эди, — деди чол.

— Ҳа, ўғлим йигирмага чиққан эди, — деди соҳибқирон.

— Уни сенинг келишинг арафасинда тонгда қатл этишди, — деди чол.

— Ўша йигитни қандай ўлдиришди, сўйлаб бер, — деди Амир Темур.

— Уни қалъа ўртасидаги майдонда қатл этишди. Ўша сен менинг ўғлимни қатл этган супада... — Чол бу гапни айтиб тўхтади. Амир Темур бирдан ёлғизликда қийнаб, кўпчилик орасида уни тарк этадиган оғриқ яна дилида уйғонганини сизди. Бу сафар оғриқ ҳар галгидан кучлироқ эди. У бор иродасини тўплаб, дилидаги азоб юзида зоҳир бўлмаслиги йўлини тутди. Чолдан бошқа бирор киши жаҳонни қўрқувда тутган инсон дилида қандай азоб уйғонганлигини сезмади.

— Тонг маҳали эди, — деб ниҳоят гапида давом этди чол. — Машриқдин чиққан қуёш чарақлаб турса-да, ҳали Мағриб томондаги ой ботиб улгурмагон эди.

— Уни қандай ўлдирдилар? — дея тоқатсизланди Амир Темур.

— Аввал ўнг қўлини елкаси оша чопдилар...

— Инградими? — деб сўради Амир Темур.  
— Йўқ, оҳ деган товуш ҳам чиқармади.  
— Менинг ўғлим экан! — деди ҳаяжонланган Амир Темур.

— Кейин... кейин чап қўлини чопдилар, — деди чол.

— Инградими?

— Йўқ, миқ этмай чидади.

— Менинг ўғлим экан! — деди Амир Темур.

— Сўнг йигитнинг ўнг оёғини чопдилар, — деди чол, ўша даҳшатли қатл манзарасини кўз ўнгига келтириш ниятида кўзини юмганча.

— Инградими?

— Йўқ. Чидади, кўзидан бир томчи ёш, бўғзидан бир ун ҳам чиқмади.

— Менинг ўғлим экан у! — деди Амир Темур.

— Кейин бечоранинг чап оёғини чопдилар, — деб ҳикоясини давом эттирди чол ҳамон кўзини очмай.

— Инградими? — деб сўради соҳибқирон.

— Йўқ, инграмади.

— Менинг ўғлим экан ўша йигит! Менинг ўғлим! — деди Амир Темур кўзидаги алам ўрнини ғурур эгаллаб. — Кейин-чи, кейин не бўлди?

— Кейинми?.. — деди чол маҳзун кўзларини очиб, соҳибқиронга тикилар экан. — Кейин йигитнинг кўксини тарс ёрдилар-да, юрагини суғуриб олдилар!

— Инградими? — деди Амир Темур.

— Йўқ, инграмади, фақат... — чолнинг товуши ҳаяжондан бўғилгандек бўлди, — фақат юрагини олганлари заҳоти «оҳ»! деб юборди, — деди чол кўзларидан оққан ёшларни гулхан қорайтирган енги билан артар экан.

— Йўқ, у менинг ўғлим эмас экан! — деб юборди чолнинг сўнгги сўзини эшитиб, ўрнидан туриб кетган Амир Темур!

Даврадагилар соҳибқироннинг сўзини эшитиб, бир қалқиб кетдилар. Амир Темур уларнинг ҳар бири кўзига тикилмоқчи бўлгандек, даврадагиларга бир бошдан қараб чиқди ва ўзига боқиб турган чолга навбат етганда яна такрорлади:

— Йўқ, у йигит менинг ўғлим эмас!

Шу гапни айтиши биланоқ соҳибқироннинг кўз ўнгини бир зум кумуш ёғду тўсди. Кумуш ёғду аро чайқалган беланчакни кўрди. Бироқ беланчак бўш эди. «Ўғлим!» — дея товушсиз ўртанди жаҳонгир...

### III

Соҳибқирон қалъани бузиб ташлашни, чолга бўлса нима тиласа ўшани бериб, ўзи хоҳлаган манзилига етказиб қўйишни буюрди. Ўша заҳоти унинг амри бажо келтирилди. Темур тоғи эриб, яна қалъа томонга оқди ва бирпасда қалъадан ном-нишон қолмади. Эртаси кун бу симобий оқим дарё ёқалаб Мағриб томонга оқди. Мавҳумликдан саросимада қолиб, оромни унутган олисдаги шаҳару қишлоқлар бу темир оқим уларнинг қай бирлари томон бурилишини билмай, ваҳима билан кутардилар. Мавҳумлик сарҳади камайган сайин бу темир оқим уларга шунчалик яқинроқ келарди. Бу темир оқим четлаб ўтган қишлоқлару кентларда бирпасда талваса ўрнини фароғат, қўрқув ўрнини хотиржамлик эгалларди. Келинчаклар йиғиштирилган беланчакларини яна дарахтга илардилар, яна алла айтиб болаларини ухлатиб, далада ҳосил йиғиш билан овора эрлари учун тамадди тайёрлашга уринишар, айрим уддабурунлари шу орада ўсма эзиб, қошларига суриш учун ҳам вақт тошардилар.

Чол эса соҳибқирондан ҳеч нима сўрамади. У деворлари бузилиб, ер билан бир қилиб текисланган қалъа атрофини тарк этмади. Бир неча кундан сўнг Амир Темур тўсатдан чолни эслаб, суриштирди. Унга чолнинг қалъа ёнида қолганини айтдилар. Соҳибқирон қўшиндан бир гуруҳ ажратиб, чолни ўз ҳузурига олиб келишларини буюрди. Гуруҳдагилар бир неча кун йўл босиб, манзилга етиб келдилар-у, чор-атрофни қидириб, чолни тополмадилар. Жангчилар чол дарё соҳилида янги пайдо бўлган қабрга кўмилганидан беҳабар эдилар. Уни кўмган подачилар эса Машрикдаги тоғ қояларидан олиб тушган подаларини ҳайдаб аллақачонлар олислаб кетган, улар чолнинг Амир Темур ва унинг ўғли ҳақидаги маҳзун ҳикоясини аллақачонлар афсона қилиб айтиб борардилар... Афсона мана шу ерда яқунланади. Вассалом.

1990 — 1991.

## СОҲИБҚИРОННИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИ

Ўтрор... Неча-неча жангу жадаллар, даҳшатли қирғинларни бошидан кечирган қадимий улкан шаҳар. Бир вақтлар хоразмшоҳлар давлатининг энг йирик савдо ва маданий марказларидан бири бўлган обод ва гавжум Ўтрор Чингизхон истилосидан сўнг култепага айланган, гўё унинг борлиқ шон-шухрати харобалар остига абадий кўмилгандек. Мана, ҳижрий 807 (1405-милодий) йилнинг қаҳратон қиш фасли. Бу кўҳна шаҳар яна бир тарихий воқеанинг тилсиз шоҳиди бўлиш арафасида эди.

Соҳибқирон Амир Темур курагон (курагон — мўғулча «куёв» маъносини ифодалайди) ўзининг энг сўнгги юриши — Хитойга қарши машҳур юришга тараддуланиб, 23-жумод ул-аввал 807 (1404 йил 27 ноябрь)да Самарқанддан чиқиб, Ўтрор томон йўл олади. У Оқсулот мавзеига келиб, 28 кун туради. Темур ўз беклари ва амирларидан кўпчилигини қишлаш учун Шохруҳия, Тошкент ва Сайрамга жўнатган эди. Ҳукмдорнинг қароргоҳида фақат амир Шайх Нуриддин, амир Шохмалик ва амир Хўжа Юсуфларгина қолган эдилар. Шунингдек, катта кўшиннинг ўнг қаноти ҳисобланган йирик ҳарбий бўлинма ҳали Тошкент, Шохруҳия ва Сайрамда қишламоқда эди. Мазкур ҳарбий бўлинмага Темурнинг набираларидан Халил Султон Мирзо (Мироншоҳнинг ўғли) ва Аҳмад Мирзо (Умар Шайх Мирзонинг ўғли) бошчилик қиларди. Қўшиннинг чап қаноти (жувонғир) Туркистон ва Саброн шаҳарларида қишламоқда эди. Бу қўшинга Темурнинг Оға бегим исмли қизидан туғилган набираси Султон Ҳусайн Мирзо бошчилик қиларди. Темур раҳбарлигидаги марказий қўшин эса Оқсулотда турганди.

21-жумод ул-охир 807 (1404 йил 25 декабр)да Амир Темур Оқсулотдан йўлга чиқиб, 12-ражаб 807 (1405 йил 14 январь) чоршанба куни Ўтрорга келиб тўхтади. Амир Темур Ўтрорда 35 кун туради ва шу муддат ичида қандайдир сабабларга кўра 4 шаъбонда

(5 февраль) пайшанба куни бундан буён нард ва шахмат ўйнамасликка онт ичади.

1404-1405 йилнинг киши ўта совуқ келиб, Амударё ва Сирдарё кечиклари муз билан қопланади. Гарчи Темур қариб қолган бўлса-да, йўл машаққатларию совуқни писанд қилмас, руҳан тетик ва жисмонан бардам кўринади. Шарафуддин Али Яздийнинг маълумотига кўра, Темур Ўтрорда Олтин Ўрданинг собиқ хони Тўхтамишнинг элчисини қабул қилади ва унга Хитой уруши тугагач, Олтин Ўрдага қарши юриш қилиб, тахтни Тўхтамишхонга қайтариб олиб беришни ваъда қилади. Аммо, кўп ўтмай, Темурнинг мижозиди касаллик хуружга келиб, кундан-кунга аҳволи оғирлашади. Тиб илмининг билимдони мавлоно Фазлуллоҳ Табризий бошчилигида бир неча табиблар ҳукмдорнинг касалига хилма-хил муолажалар қиладилар. Лекин ҳасталик кундан-кунга кучайиб боради.

Амир Темурнинг касалланиш сабаби ҳақида «Темурнома» муаллифининг берган маълумоти диққатга сазовордир. «Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳузурларига чопар қалмоқлар бош кўтаргани ҳақида хабар келтирди. Ҳамма жангга отлансин, деб буюрдилар. Беклар ва амирлар ҳаво совуқлиги туфайли йўлга чиқмасликни маслаҳат кўрдилар. Ул вақт кишни тўқсонни эрди. Амир ғайратларига чидолмай ўрдадан ташқарига чиқдилар. Вақтиким шаъбон ойининг еттиси сешанба куни ўрданинг равоқида сартарошга сочларин олдириб ўлтириб эрдилар, ўшал замон амирга бир боди муҳолиф (ёқимсиз шамол) келиб тегди. Аҳволлари ўзларига маълум бўлиб, соат ўтмай ранг ва туслари тағйир топди». Машҳур шарқшунос олим, академик В. Бартольд: «Ҳар ҳолда Темурнинг касали ва ўлимига бевоқиф сабаб, совуққа қарши баданни бир оз иситиш мақсадида меъеридан ортиқ май тановул қилганидир», деган фикрни билдиради. Ҳолбуки, тарихий манбаларга қараганда Темур майхўрликни унчалик хуш кўрмаган, майхўрликка ружу қилганларни эса, ким бўлишидан қатъи назар, мансабидан азл қилиб, қоралаган. Бизнингча, Темур майни фақат шифобахш дори сифатида қабул қилган. Зеро шарқ табиблари, шу қаторда Ибн Сино ҳам неча тур шаробларни муолажа учун қўллаганлар.

Амир Темурнинг касалланиш жараёни анча илгаридан давом этиб келган бўлиши эҳтимол. 1404 йилнинг кузида Темур етти йиллик юришдан қайтгач, Конибил-



да катта анжуман ўтказади. Бу анжуманда Испания элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо ҳам қатнашади. Клавихонинг маълумотига кўра, Темурнинг чехрасида анча ҳорғинлик аломатлари зоҳиран кўриниб турган. Дарҳақиқат, етти йиллик юришдан қайтган ҳукмдор ақалли беш ойгина ҳам дам олмай, яна янги юриш тараддудига тушиб, Хитой сари йўл олади. Узлуксиз йўл машаққатлари қартайган ҳукмдорга зимдан ўз таъсирини ўтказган ва ниҳоят «Темурнома» муаллифининг маълумотига амал қилинса, бошни шамоллатиш натижасида касаллик ботиндан юзага чиққан. «Зафарнома» муаллифи Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, ҳар куни янги-янги касаллик аломатлари зоҳир бўла бошлаган. Нақлга кўра, Темурнинг ёнида фақат Сароймулкхонимгина туришга ҳақли эди. Ҳукмдорнинг кўзғалишга мадори етмас, бинобарин Сароймулкхоним унинг аҳволидан кечаю-кундуз хабар олиб турарди. Тунларнинг бирида толиққан Сароймулкхонимнинг уйқуси ғалаба қилиб, пинакка кетади-ю, шу заҳоти сесканиб уйғонади. Хоним уйғонгани ҳамон ҳукмдор ётган тарафга ўгирилади. Қайси кўз билан кўрсинки, тўшакда ҳеч ким йўқ эди. Сароймулкхоним сапчиб ўрнидан туриб, ташқаридаги посбондан ҳукмдорни сўрайди. Посбон таъзим ила қоронғулик томонга ишора қилади. Сароймулкхоним ўша томон елиб бораркан, кичикроқ тепалик устида турган бир қора гавдани кўради. Бу жаҳонгир Темур эди. У елкасида чопон, чуқур хаёлга чўмган ҳолда қоронғуликка тикилиб турарди. Сароймулкхоним ҳаяжонда: «Бу қандай гап, улуг амир! Қаҳратон қиш, изғиринли тунда касал ҳолингиз билан бу ерда туришингизда не ҳикмат бор!» — дея амирни ўрдугоҳ томон бошлайди. Темур ўрдугоҳга келиб, ўрнига ётгач, Сароймулкхоним бу ғайритабиий аҳвол сирини яна сўрайди. Амир Темур хўрсиниб, оҳ тортгач, шу кеча кўрган тушини сўзлайди: «Ҳар икки чеккаси баланд қамишлар билан ўралган катта йўлда отимни елдириб кетаётган эдим, тўсатдан йўл четидаги қамишлар шитирлаб қолди, мен ўша томонга қарадим. Қарадим-у, ҳайратдан жиловни тортиб тўхтадим. Қамишзордан падари бузрукворимиз шитоб ила чиқиб келар эдилар. Мен ҳайрат ичида отдан тушиб, отам истиқболларига юрдим. Аммо падари бузруквор менга илтифот қилмай, олдимдан ўтиб бориб, отимнинг эгар-жабдуқларини ечиб олдилар ва келган йўлларига қайтиб, тўқайда ғойиб бўлдилар... Мен кат-

та йўл устида гарангсиб, яланғоч от ёнида турганим ҳолда уйғондим... Хушёр тортғач, аъзойи баданим титраб, қизиб кетаётган эди. Бу хосиятсиз туш даҳшатидан ташқарига чиққанимни сезмай ҳам қолибман... Паймона тўлғонга ўхшайдир...»

«Яхши ният қилинг, амирим, дард бошқа, ажал бошқа, шукур, саломатлигингиз тузук», дея тасалли беради кўзлари нам Сароймулкхоним.

«Йиғидан не фойда, хоним. Тақдирни тадбил қила бўлмас... Шукур, тонг ҳам ёриша бошлади. Посбонга буюринг, амир Шайх Нуриддин, амир Шоҳмалик ва амир Хўжа Юсуфлар эрталаб ҳузуримга кирсинлар».

Амирлар ва беклар соҳибқирон қароргоҳига кирганларида, у тўшакда беҳол ётарди. Сароймулкхоним ҳукмдорга яқинлашиб, амирлар ташрифи ҳақида секингина шивирлагач, у нурсиз кўзини оҳиста очиб, яқинроқ келиб ўлтиришларига ижозат беради. Амирлар қисқагина ҳол-аҳвол сўрашишгач, ҳукмдорнинг оёқ томонидан — пойгоҳдан жой олиб, бутун вужудлари қулоққа айланган ҳолда ерга қараб ўлтирадилар. Ҳукмдор оҳиста кўзини очиб, амир ва бекларга бир-бир разм солғач, энтикиб-энтикиб сўз бошлайди:

— Маълумотингиз бўлғайки, Жаҳонгир Мирзонинг фарзанди Пирмуҳаммад Мирзони валиаҳд этиб тайинлайдурмен, токи Самарқанд тахти ва аркони давлат анинг ҳукми-фармонида бўлғай. Мамлакат ва миллатнинг осойишталиги, қўшин салоҳиятининг мукамаллиги, раиятнинг хотиржамлиги борасида фойдали тадбирлар кўрсин. Бинобарин, сизлар ҳам итоат ва эҳтиром борасида унга байъат билдириб, салтанатни бошқаришда, эл-юртнинг тинчлиги, мусулмонларнинг осойишталиги учун ҳамжиҳат бўлиб кўмаклашмоғингиз лозим. Чунончи, сизларнинг ҳамжиҳатлик ва иттифоқ билан қилган ишларингиз узоқ-яқиндаги дўст-душманларга кўриниб турсин, токи ўзаро низоларга ўрин қолмағай. Билгакс ўзаро низолар вужудга келиб, барҳам топғай. Инчунин, менинг кўп йиллик саъй-ҳаракатларим зоёга кетғай... — Амир Темур ҳолсизланиб, кўзини юмади. Бу унинг васияти эди.

Амирлар, беклар ва юртнинг катталари ҳамда шу ерда ҳозир бўлган шаҳзодалар, маликалар ҳукмдорнинг васиятини мукамал бажаришга қасамёд қилишгач, амир Шайх Нуриддин оҳиста сўз бошлайди:

— Агар амири олий вужудга келса, Тошканд, Самарқанд ва Ҳиротга хабар юборсак, токи фарзанди дил-

бандларингиз — шаҳзодалар зудлик билан етиб келиб, жаноби олийларининг ҳусни таважжуҳларидан баҳраманд бўлиб, гавҳарфишон насихатларингизни ихлос қулоғи билан тинглаб, итоат белларига боғласалар фойдадан холи бўлмас эрди.

Амир Темур аста кўзини очиб, амирларга мунгли назар соларкан, аввал кўрсаткич бармоғини, кейин ўрта бармоғини кўшиб кўрсатади-да, қўлини тушириб, кўзини юмиб олади. Амирлар ҳукмдорнинг имо-ишорасига тушунолмай, саросимага тушиб, ҳаммалари Сарой-мулкхонимга савол назари билан қарайдилар. Шу аснода ҳукмдор амирларга қараб:

— Вақт танг, бир ёки икки кунлик умр қолди. Афсус, уларни кўриш насиб бўлмайди. Энди дийдор кўришмак қиёматга қолди, — деб кўзини юмади.

Дарҳақиқат, эртаси 17-шаъбон (1405 йил 18 февраль) чоршанба куни шом билан хуфтон намози ўрта-сида жаҳонга машҳур саркарда, соҳибқирон Амир Темур курагон ҳаётдан кўз юмди.

Темурнинг ўлими ҳаммадан сир тутилиб, тунда маҳсус безатилган аравада амир Хўжа Юсуф бошчилигида Самарқандга жўнатилади. Шундан сўнг амир ва беклар ҳарбий кенгаш ўтказиб, узоқ-яқиндаги барча шаҳзодаларга хабар юбориш, соҳибқироннинг вафотини вақтинча сир тутиш керак, токи салтанат душманлари оёққа туриб, иғво ва фасод йўлига кириб, исён кўтармасинлар, деган қарорга келадилар.

Бинобарин, Тошкент ва Сайрамда турган қўшинларга бошчилик қилаётган Халил Султон Мирзога бўлган воқеа муфассал баён қилиниб, хабар юборилди. Шунингдек, қўшинлари Туркистон ва Сабронда турган Султон Ҳусайн Мирзога ҳам хабар юборадилар. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Ғазнада турган Пирмуҳаммад Мирзонинг ҳузурига мактуб билан Ҳизир қавчинни жўнатадилар. Мактубда соҳибқироннинг ўлими олдидан қилган васиятга кўра, Пирмуҳаммад Мирзо тезлик билан Самарқанд тахтгоҳига етиб келиб, салтанатни ўз тасарруфига олмоғи лозим эканлиги таъкидланади. Шунингдек, Ҳиротдаги Шохруҳ Мирзога, Бағдоддаги Мироншоҳ Мирзога, Табриздаги Умар Мирзога ҳамда форс ва Ироқдаги бошқа шаҳзодаларга ҳам хабар юборилади.

Бироқ, Темурнинг ўлими қанчалик сир тutilмасин, эртасигаёқ бу шум хабар қанот ёзиб, узоқларга парвоз қилган эди. Қўшин орасида парокандалик вужудга

келади. Тошкент ва Сайрамда қишловда турган қўшиннинг бошлиғи Халил Султон Мирзо бобосининг вафоти ҳақида хабар келгач, ўз қўл остидаги қўшинни олиб, Самарқандга қараб юради. Туркистон ва Сайрамда турган Султон Хусайн Мирзо ўз қўшинидан минг аскарни олиб, зудлик билан тахтни эгаллаш мақсадида Самарқандга йўл олади. Ҳали Темурнинг жасади совимасданоқ темурий шаҳзодалар, ҳарбий бошлиқлар ва аркони давлат орасида парокандалик бошланиб кетади. Соҳибқироннинг васиятларига содиқ қолишга қасамёд қилган темурий шаҳзодалар тез кунда васиятдан юз ўгириб, тож-тахтни эгаллаш пайига тушадилар, ҳарбий ва маъмурий бошлиқлар эса гуруҳбозликни авжига чиқарадилар. Маврусий салтанатни бошқаришда темурий шаҳзодалар саҳройи чингизий шаҳзодалардек ҳамжиҳатлик билан бирлаша олмадилар. Аксинча, ўзаро қонли низолар келиб чиқди ва мамлакат жанггоҳга айланди.

Темурнинг жасади Самарқандга жўнатилгач, бир кундан сўнг маликаларга ҳам Самарқандга қайтишга рухсат берилди. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, амир Хўжа Юсуф Темурнинг жасадини 22 шаъбон (23 февраль) да Самарқандга етказиб келади ва ўша кечасиёқ марҳум Муҳаммад Султон Мирзо хонақоҳига дафн қилинади. Маликалар Самарқандга етиб келганларида Темурнинг ўлими ҳақидаги хабар ҳаммаёққа тарқалиб бўлган эди.

Самарқанд шахрининг ҳоқими Аргуншоҳ шаҳар дарвозаларини беркитиб, то ҳақиқий валиаҳд келиб, тахт масаласи ҳал бўлмагунча шаҳарга ҳеч кимни киритмаслигини эълон қилади. Фақат давомли музокара-лар сўнгида Сароймулкхоним бошчилигида айрим маликалар ва ёш шаҳзодаларгагина шаҳарга киришга ижозат берилади. Маликалар, шаҳзодалар ва шаҳар аъёнларининг хотинлари Муҳаммад Султон Мирзо хонақоҳига бориб, таъзия маросимини бошлайдилар. Улар кўк кийиниб, сочларини ёйиб, юзларини тирнаб қонатиб, қоракуя суртиб, дод-фарёдлар қилиб, аза очадилар. Бу маросимда шаҳзодалар, шаҳар ичида бўлган аъёнлар, ҳатто шайхулислом Абдул Аввал ва Исомиддинлар ҳам фаол қатнашадилар. Шаҳардаги барча расталар ва дўконлар ёпилади.

Рамазон ойининг 16-сида (1405 йил 18 март) душанба куни Халил Султон Мирзо ҳеч қандай қаршиликсиз Самарқандга кириб, тахтга ўтиради. Шарафуддин Али

Яздийнинг ёзишича, Самарқанд шаҳрининг бошлиқлари Арғуншоҳ ва Ўтрордан қайтиб келган амир Хўжа Юсуф Халил Султон Мирзо билан музокара юритиб, шаҳар қалитини унга топширган эдилар. Икки кун ўтгач, Халил Султон Мирзо Муҳаммад Султон Мирзо хонақоҳига бориб, мотам маросимини янада улугворроқ ва тантаналироқ ўтказди. Маросимда фақат шаҳзодалар, маликалар ва аркони давлатгина эмас, балки бутун шаҳар халқи иштирок этади. Темур руҳига хатми қуръон қилиниб, бева-бечораларга хайр-аҳсонлар улашилиб, бир неча кунгача от, ҳўкиз ва қўйлар сўйилиб, фуқарога об-ош тортилади. Маросим охирида йиги-сиғи билан Темурнинг махсус жанг погорасини ўртага олиб кирадилар ва бир лаҳза чаладилар-да, шундан сўнг «у энди бошқа кишига хизмат қилмасин учун» уни тилимлаб ёриб ташлайдилар. Бу удум мотам маросимининг тугалланиши эди.

Ибн Арабшоҳнинг маълумотига қараганда, Темурнинг жасади Муҳаммад Султон мадрасасидаги даҳмага дафн этилган бўлиб, даҳманинг деворларига Темурнинг кийимлари ва қурол-аслаҳалари илиб қўйилган. Мазкур буюмлар қимматбаҳо тошлар ва олтин билан безатилган бўлиб, энг кичик бир бўлаги бир вилоятнинг бир йиллик хирожига тенг келган. Мақбара ичига катта-катта олтин қандиллар ўрнатилган, улардан бирининг оғирлиги 4000 мисқолга тенг эди. Мақбара саҳнига ипак гиламлар тўшалган. Темурнинг жасади эса шерозли моҳир уста тарафидан ясалган пўлат тобутга солиниб, дафн этилган.

Орадан тўрт йил ўтди. Хижрий 812 йилнинг муҳаррам ойи (1409 йил май) Темурнинг тўртинчи ўгли Шохруҳ Мирзо Халил Султон Мирзодан Самарқанд тахтини тортиб олгач, Муҳаммад Султон хонақоҳига келиб, отаси қабрини зиёрат қилади. Мусулмончиликка қаттиқ риоя қилувчи Шохруҳ Мирзо мақбарадаги шариат қонун-қоидаларига зид келадиган Темурнинг кийимлари, қурол-аслаҳалар ва барча қимматбаҳо безакларни хазинага қайтаради. Шунингдек, Темур ва Муҳаммад Султон Мирзо жасадларини мадраса хонақоҳидан кўчириб, пўлат тобут ўрнига ёғоч тобутга солдириб, ҳозирги Гўри Амир мақбарасига дафн этиради. Жасадларнинг пўлат тобутдан ёғоч тобутга олиб дафн этилиши шариат ҳукмига мувофиқроқ бўлса керак. (Бу тахмин таниқли олим. А. Якубовскийга тегишли.) Бироқ Шохруҳ Мирзонинг жасадларни кўчириб қайта

дафн этириши Самарқанд аркони давлатида анча шов-шувларга сабаб бўлади, айниқса ҳарбий бошлиқлар орасида норозилик кучаяди. «Шунинг учун бўлса керак, — деб ёзади академик В. В. Бартольд, — Темурнинг диний раҳнамоси Сайид Бараканинг жасади Андхуйдан олиб келиниб, Темурнинг бош томонига дафн этилади».

Дарҳақиқат, 1941 йилда Гўри Амир мақбарасида Темур ва унинг набираси Муҳаммад Султон Мирзониинг қабрлари очиб текширилганда, ҳар икки жасад ҳам арча ёғочидан ясалган тобутга солиб дафн этилганлиги маълум бўлди. Шунингдек, машҳур шарқшунос А. А. Семёнов ва археолог В. А. Шишкинларнинг фикрича, ҳар иккала тобут бир хил ёғочдан, ўлар ичига тўшалган матолар ҳам бир хил, яъни парчага ўхшаш матодир.

Баъзи маълумотларга кўра, Темур 9 марта уйланган. Соҳибқирон вафот қилганда, унинг хотинларидан тўрттаси — Сароймулкхоним, Туман оғо хоним, Тўкалхоним ва Рухпарвар оғо хонимлар ҳали ҳаёт эдилар. Шунингдек, Шарафуддин Али Яздий ва Фасиҳ Ҳавофийнинг берган маълумотларига кўра, Амир Темур вафот қилган вақтда ундан 2 ўғил, 19 неvara ва 15 чеvara қолди, жами 36 шаҳзода ҳаёт эди. Булардан ташқари, соҳибқироннинг кичик қизи — Султон Бахт бегим ва катта қизи Оға бегимдан туғилган ўғил — Султон Ҳусайн Мирзо исмли неvarаси ҳам бор эди.

# Амриддин БЕРДИМУРОДОВ

## ЖАҲОНГИР

### ТАРИХ ВА ТАҚДИР

Бундан ронпа-роса 656 йил муқаддам, 1336 йилнинг 9 апрелида мўғуллар истилосидан вайрон бўлган Туроннинг Кеш тумани Хўжаилгор қишлоғида, амир Тарағай баҳодир хонадонидан бир гўдак дунёга келди. Унга Темур деб исм қўйдилар. У ўсиб-улғайгач, бутун оламга донғи кетди. Орадан неча асрлар ўтиб, ҳозир ҳам ўзининг буюк бунёдкорлик ва халоскорлик ишлари билан авлод-аждодлари хотирасида абадий яшаб келмоқда...

Шарқшуносларнинг ёзишларича, Тарағай баҳодир туркларнинг барлос уруғидан бўлиб, эътиқодли, имонли инсон бўлган. Илму урфонли кишиларни қадрлаган, шайхлар, олимлар ва дарвешлар билан мулоқот қилишни ёқтирган, аҳволи ночор олиму фузалоларга доимо кўмак бериб, уларга раҳнамолик қилган. Ўша давр анъаналарига кўра у ўғлига отда юришни, ов қилишни, хат-саводни, дини исломнинг тартиб-қоидаларини ўргатган. Темур болалигиданоқ ақлу фаросати ва жасурлиги билан тенгдошларидан ажралиб турган. Унда ёшлигиданоқ тенгқурларини уюштириш ва орқасидан эргаштириш, қалтис вазиятларда ақлли тадбирлар топиш каби ноёб қобилият намоён бўлган. Лекин жаҳонгирнинг ўсмирлик ва йигитлик даври ҳақида жуда кам маълумот сақланган. Ўша даврда Темур ҳақида турк тилида шеърӣ йилнома ёзган номаълум муаллифнинг таъкидлашига қараганда, соҳибқироннинг ўзи 1360 йилларгача бўлган ҳаёт йўлини, келгуси авлодлар назарида ҳақиқатдан йироқ бўлиб туюлмаслиги учун йилномаларга қўшмасликларини айтган экан. Шундай бўлса-да, Темур тўғрисидаги шов-шувлар, ҳақиқат ва афсоналар асрлардан-асрларга ўтиб, бизнинг кунларгача етиб келди. Шулар асосида тарихий ва илмий асарлар яратилди, айрим тарихчилар томонидан эса, бўхтон ва нафратларга тўла китоблар, мақолалар ёзилди. Совет тарихшунослик илмида унинг серқирра, қарама-қаршиликларга бой фаолиятига фақат бир томонлама баҳо берилди. Оқибатда кўпчилик онгида Амир Темур

фақатгина қонхўр ва ёвуз арбоб бўлган, унинг тарихи-мизда ҳеч бир хизмати йўқ, деган нотўғри тушунча пайдо бўлди.

Қолбуки, Амир Темур буюк инсонлардан эди. Унинг чекига бошқа буюк, халоскор аждодларимизнинг чекига тушганидан бир неча бор кўп юк тушганди. Чунки ўша пайтларда Туронга душманларнинг энг ёвузи — мўғуллар бостириб кирганди. Уларнинг истилоси қарийб бир ярим аср давом этди. Бу вақт ичида Турон ва туронликлар бошига мисли кўрилмаган кулфатлар тушди. Обод-кўркам шаҳарлар, қишлоқлар, қасрлар, карвонсаройлар вайрон қилиниб, ёндирилди, боғ-роғлар бузиб ташланди. Феодал тарқоқликлар кучайиб, амирлар ўртасида ўзаро урушлар авж олди. Оғир солиқлар, қароқчи-талончилар дастидан одамлар кўксини кўтаролмай, қашшоқлашиб кетдилар. Ўтган давр мобайнида мўғул ҳокимлари фақатгина солиқ йиғиш билан банд бўлдилар, бирор иншоот қурмадилар.

Хуллас, Амир Темур Турон тахтини эгаллаганида, аҳвол ниҳоятда оғир эди. У сарбадорлар ёрдамида дастлаб Самарқандни қўлга олди, сўнгра бутун Мовароуннаҳрни мўғул истилочиларидан озод қилиб, мустақил, марказлашган давлатга айлантиришга киришди. Шу мақсадда давлатни бошқариш борасида мукамал тартиб-қоидалар жорий қилди. Мамлакатни бир неча туманларга бўлиб, бошлиқлар тайинлади, ҳар бир ишга масъул кишиларни белгилади. Амалдорлар фаолиятини қаттиқ назорат остига олди.

Жаҳонгирнинг буйруғи билан 1365 йили Қарши, 1370 йили Самарқанд, 1380 йили Кеш шаҳри атрофида қайтадан мудофаа деворлари бунёд этилди. Шу билан бирга қашшоқлашган халқнинг қорнини тўйгазиш ниятида сув омборлари, тўғонлар қуришга, ариқлар қазишга, янги ерлар ўзлаштиришга катта эътибор қаратилди. Давлатнинг иқтисодий аҳволини ўнглашда савдо-сотикнинг аҳамияти муҳим эканлигини тўғри англаган соҳибқирон бозорлар, расталар, тимлар бунёд қилдирди, ҳунармандчилик устахоналари қурдирди... Айниқса, Турон атрофидаги бой-бадавлат давлатлар билан савдо ишларини жонлантиришга жиддий аҳамият берди. Испан қиролининг Темур саройига ташриф буюрган элчиси Рюи Гонзалес де Клавихонинг ёзишига кўра, ўша даврда Самарқанд бозорларида дунёнинг барча томонларидан келган, турли тилларда сўзлашувчи, турли динга мансуб савдогарларни ва уларнинг



анвойи молларини ҳар қадамда учратиш мумкин бўлган. Амир Темур узоқ йўл босувчи савдогарлар мушқулини енгиллатиш учун карвон йўллари ёқаларида барча қулайликларга эга бўлган карвонсаройлар барпо этган. Шу боис Темур даврида Турон Буюк Ипак йўлининг энг серқатнов, сердаромад ва гавжум қисми ҳисобланган.

Иқтидорли давлат арбоби Амир Темур давлатни юксалтиришда илму фаннинг аҳамияти беқиёслигини яхши билган. Шу сабаб олиму уламоларга катта иззат-икром кўрсатган. Ҷизи ҳам фалакиёт, тиббиёт, меъморчилик, математика илмларидан хабардор бўлган, шахматни яхши билган, тарихни, айниқса, ҳарбий тарихни севиб ўрганган. Темур билан юзма-юз суҳбатлашишга муяссар бўлган улкан араб файласуфи Ибн Халдуннинг таъкидлашича, жаҳонгир турк, араб, форс халқлари тарихини чуқур ўрганган, диний, дунёвий ва фалсафий билимларнинг энг мураккаб жиҳатларини ҳам яхши ўзлаштирган. Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида ёзилишича, Амир Темур олиму фузалолар билан ўтказган бир учрашувида шундай нутқ сўзлаган: «Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан қадимда подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишда менга ўз маслаҳатларингиз билан кўмаклашишингиз керак. Мамлакатнинг аҳволи, девоннинг суиистеъмол қилинганлиги ва қилинаётганлиги, оддий одамларнинг жойлардаги ҳокимлар томонидан қисиб қўйилиши каби ҳоллар ҳаммадан кўра сизларга аён дир. Шулар ҳақида маълумот берсангизлар, бу каби адолатсиз ишларни бартараф этувни ҳамда шариат ва қонунларга мувофиқ чора-тадбирларни айтсангизлар яхши бўларди. Агар олдин бизнинг диққат-эътиборимизда ўзга мамлакатларни ишғол қилиш учун бўлган ҳарбий юришлар турган бўлса, эндиликда мамлакатда хотиржамлик ўрнатишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш бош вазифамиздир. Бу олижаноб ишда менга ёрдам беришларингизни илтимос қиламан».

Кўриниб турибдики, соҳибқирон давлатни бошқариш ишларида ўзгаларнинг жўяли маслаҳатларидан ҳам ўринли фойдаланган. Шунингдек, у ўз она

тили — турк тилидан ташқари форс тилини ҳам мукам-мал билган, замонаси талабига ҳар томонлама амалий жавоб бера оладиган, тафаккури чуқур инсон бўлган. Турк тилидан таржима қилиниб, 1934 йили Москвада нашр этилган «Темурнинг таржимаи ҳоли» номли китобда ёзилишича, у етти ёшида хат-савод чиқарган экан.

Амир Темур Мовароуннахрни тиклашни режали равишда қурултойлар ўтказишдан бошлайди. Бу анжуманларда шахзодалар, амалдорлар, амирлар, лашкарбошилар, олиму уламолар ва бошқалар қатнашиб, давлат ҳаётига доир барча муҳим масалаларни баҳамжиҳат ҳал қилганлар, зарур қарорлар қабул қилиб, тадбирлар белгилаганлар. Жаҳонгир бундай иш услубини кейин ҳам давом эттирган, катта юришлар олдидан кўпчиликнинг хоҳиш-истаги билан ҳисоблашган.

Амир Темур ўз олдига Самарқандни обод ва кўркем, бетимсол шаҳарга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эди. Шунга кўра, Самарқанд атрофида Боғи Чинор, Боғи Шамол, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Нав, Боғи Нақши Жаҳон, Давлатобод, Боғи Зоғон каби бир-биридан гўзал боғлар барпо эттирди. Уларнинг ўртасида мухташам саройлар, фавворалар, сарҳовузлар қурдирди. Бу гўшаларнинг эшиклари жаҳонгирнинг ўзидан тортиб, оддий шаҳарликларга — барча учун очиқ бўлган. Боғлардан чиққан тароват ва хуш ҳаво жазирама кунларда ҳам Самарқанд иқлимини мўътадил қилиб турган. Амир Темур ўз қўл остида бўлган бирор қарич ернинг ҳам бекор ётишига йўл қўймаган, экин экиш мумкин бўлган барча жойларни боғларга айлантирган. Унинг ноёб қобилияти меъморчилик соҳасида ҳам яққол намоён бўлган. Мовароуннахрнинг бир неча шаҳарларида қурилган осмонўпар саройлар, масжидлар, мадрасалар, карвонсаройлар, хилхоналар, бозорлар, ҳаммомлар лойиҳасини шахсан унинг ўзи кўриб чиқиб тасдиқлаган ёки қайта тузаттирган.

Жаҳон тарихчиларининг аксарияти яқдиллик билан тан олишларича, Темурийлар даврида Туронда қад ростлаган меъморий обидалар ўша даврда Шарқда бунёд бўлган осори-атиқаларнинг энг ноёби, мукаммали ҳисобланади. Бироқ айрим олимлар Амир Темур ўз юришлари натижасида минглаб усталарни четдан олиб келган, ўша усталар Туронда ўз ватанларидан келтирилган нусхалар ва лойиҳалар асосида иншоотлар қур-

ганлар, деб ҳисоблайдилар. Туронда олиб борилган археологик тадқиқотлар эса Самарқанд, Шаҳрисабз ва Бухорода қурилган бинолар бу ерда минг йиллардан буён давом этиб келаётган анъаналар асосида барпо этилганини кўрсатади. Дарҳақиқат, диққат билан қаралса, VII–XII асрларда Афросиёбда қад кўтарган бинолар 1220 йилда мўғуллар томонидан вайрон қилинган, Амир Темур даврида яна қайта тикланганлигини илғаш мумкин. Четдан келтирилган усталар қурилишда ишлаганлари ҳам рост, аммо асосий ишбоши ва бош меъморлар маҳаллий аждодларимиз бўлганлар.

Амир Темур даврида хунармандчилик айниқса, мусаввирлик, наққошлик, заргарлик, кулолчилик, тўқимачилик юксак даражада гуллаб-яшнаган. У Самарқанд атрофидаги кичик қишлоқларга ўша даврнинг улкан шаҳарлари ҳисобланган Бағдод, Дамашқ, Миср, Шероз, Султония, Париж, Мадрид каби шаҳарлар номини берган.

Жаҳонгир ўз табиати ва хулқи жиҳатидан ҳам жуда ибратли одам эди. Тарихчи Ибн Арабшоҳнинг ёзишича: «У ёлгон-яшиқнинг душмани бўлиб, ҳазил унинг кўнглига ёқмасди. Ўзининг олдида талон-тароғ, қотиллик, хотин-қизларнинг номусига тегиш, зўрлаш ҳақида гапиришга йўл қўймасди; у, ҳақиқат қанчалик аччиқ ва шафқатсиз бўлмасин, уни эшитишни яхши кўрарди. Яхши ёки ёмон ҳолатлар унинг кайфиятига ҳеч қандай таъсир кўрсатмасди. Жасур аскарларнинг дўсти, ғоят мард ва ботир бўлган бу одам кишиларни ўзини ҳурмат қилишга, ўзига бўйсунушга мажбур эта оларди».

Амир Темур ўз хулқ-атвори ва атрофидагиларга нисбатан муомаласи билан кўпчиликка ўрнак бўлган. Аёлларга алоҳида меҳр-муҳаббат билан қараган, уларнинг дарду ҳасратларига қулоқ тутган. Хотинлари, келинлари ва қиз набиралари шарафига хушҳаво боғ-саройлар бунёд қилдирган. Аёллар тўй-шодиёналарда ва базмларда эркаклар билан барабар иштирок этганлар.

Жаҳонгир ўз ворислари тарбияси масаласини умумдават даражасига кўтарган. Ўғил набираларига махсус тарбиячилар — отабеклар тайинлаган, улар қандай тарбия олаётганини шахсан ўзи назорат қилиб турган. Дўстликни ниҳоятда қадрлаган, дўстлари бошига мусибат тушганда, улардан ёрдамини аямаган. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Самарқандни мўғуллардан

озод қилган сарбадорларни бош амир Хусайн ҳийла билан қўлга тушириб, қатл эттирмоқчи бўлади, айримларига жуда катта миқдорда жарима солади. Амир Темур эса сарбадор дўстларини қутқариш учун қайноғасига бор бойлигини беради. Етмай қолганига хотини Ўлжой Туркон оғонинг қулоғидаги қимматбаҳо сирғасини ҳам қўшиб тонширади. Очкўз амир тўпланган бойлик ичида синглицсининг сирғаси ҳам борлигини кўрса-да, ўзини билмасликка олади.

Амир Темур лашкарлари орасида доимо мардликни, ор-номусни ҳар нарсадан устун қўйишни, оғир пайтларда бир-бирларига кўмаклашишни ташвиқ қилган. У энг аввало моҳир лашкарбоши эди, бағоят оғир жангларда ҳам тадбиркорлик қилиб, ҳарбий ҳийлалар ишлатиб, ғалабага эришарди. Албатта, Темур олиб борган жангу жадаллар натижасида минглаб бегуноҳ одамларнинг қони тўкилган. Унинг бу ишларини ҳеч қачон оқлаб бўлмайди. Лекин инсоният тарихида бўлиб ўтган урушлар сабабларини таҳлил қилсангиз, кўпгина чигалликлар ойдинлашади. Темур яшаган даврда ер юзида шундай вазият юзага келган эдики, ё сен душманларингни мағлуб этган ҳолда давлатинг майдонини кенгайтириб, қудратингни оширасан, ёки ганимларинг сенинг давлатингни босиб оладилар. Бунга Темур билан Тўхтамишхон ўртасидаги муносабатлар яққол мисол бўлади. Ўрисхоннинг таъқибидан сўнг Олтин Ўрдадан қочиб, бир неча йил Самарқандда, Темур паноҳида жон сақлаган Тўхтамиш ўзи тахтга чиққач, ҳомийси Амир Темурнинг давлатини босиб олишга бир неча бор уринади. Пировардида Темур ўз қўйнидаги илонни янчиб ташлашга мажбур бўлади. Бироқ жаҳонгир вафот этиб, қудратли давлати парчаланиб кетгач, у тириклигида журъат қилолмаган ёвлар Мовароуннаҳр шаҳарларини босиб олдилар, ҳатто, Амир Темур қабри устига ўрнатилган тошни кўчириб олиб кетишдан ҳам ор қилмадилар. Демоқчимизки, агар жаҳонгир қудратли давлат бунёд қилиб, атрофидаги ёвларни тинчитиб турмаганида, унинг ўзи ва авлодлари қарийб бир ярим аср Турон тахтини қўлларида ушлаб тура олмас эдилар.

Иккиланмай айтиш мумкинки, жаҳон миқёсида тан олинган Мирзо Улуғбек, Али Қушчи каби олимларнинг, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломаларнинг камол топишларида Темур тузган улкан давлат ва ундаги шарт-шароитлар катта аҳамият касб этган. Самарқандда,

Шахрисабзда, Бухорода, Қобулда, Хиротда, Хиндистонда ва бошқа Шарқ мамлакатларида ҳозирга қадар инсониятни ҳайратга солиб келаётган обидаларнинг барпо бўлишида Амир Темурнинг бевосита хизматлари бекиёс бўлган.

Афсуски, биз туронликлар томонидан бу улуг бобокалонимизнинг хотираси муносиб даражада абадийлаштирилмади. Боз устига, шу пайтгача у тўғрида фақатгина бўҳтонлардан иборат фикрларни билдириб келдик. Бизнингча, эндиликда бу хатони тўғрилашнинг мавриди келди. Бу бир гуруҳ кишиларнинггина эмас, бутун ўзбекларнинг, қozoқларнинг, тожикларнинг, қорақалпоқларнинг ҳам ишлари бўлиши керак.

Амир Темур ўлими олдидан авлодларига шундай васият қилган экан: «...Худонинг марҳамати билан мукамал тартиб-қоидалар ўрнатдимки, энди Эрон ва Туронда ҳеч ким ўз яқинига ёмонлик қилмайдир, бадавлатлар фақирларни эзмайдилар. Мен шундан таскин топаманки, подшолик давримда кучлиларнинг ожизларга озор беришларига йўл қўймадим... Халқлар сойишталиги борасида қарам фуқаролардан хабардор бўлиб туринглар, қатъиятли ва мардонавор бўлинглар. Улкан давлатни мендай узоқ йиллар давомида бошқариш учун қўлларингдаги шамширни шараф ва номус билан маҳкам тутинглар. Мен Эрон ва Турон ерларини душманлардан ва ғаламислардан покладим, бу ерларни адолатдан ва марҳаматдан гуллатдим. Агар сизлар менинг васиятларимга амал қилсаларингиз ва барча ишларингизда адолатга, шафқатга қўра иш тутсаларингиз, тожу тахт қўлларингизда узоқ вақт сақланади. Агарда ўзаро низоларга йўл қўйсаларингиз, душманлар тўполон ва тартибсизликларни бошлайдиларки, уларни жиловлашнинг иложи қолмайди. Сизлар бир жон, бир тан бўлсаларингиз, ҳеч ким менинг сўнги васиятларимни бажаришларингизга монелик қила олмайди».

Ажабо! Буюк соҳибқирон гўё олти аср нарида туриб, бизнинг бугунги ҳаётимизни тасаввур қилгандек, бошимизга тушадиган кулфатларни сезгандек, башорат қилган экан. Вақти келиб марказлашган, мустақил, қудратли Турон сунъий равишда бир неча бўлақларга бўлиниб кетишини, «Ҳақиқат — сихат-саломатлик, ҳақиқат — тартиб, ҳақиқат — адолат» ялови остида бирлашиб, Ватанни ёвлардан халос этган, асраб-авайлаган ўзбеклар, қozoқлар, тожиклар, қорақалпоқлар,

уйғурлар, туркманлар ва қирғизлар ўртасида ўзаро  
низолар чиқишини, ер, юрт таллашиб, яшаб ўтган  
даҳоларни таллашиб бир-бирларининг қонини тўкишга-  
ча ҳам бориб етишларини билгандек, хавотирга тушган  
экан. Биз бугунги кунда улуғ бобокалонимизнинг васы-  
ятини ҳар лаҳзада, ҳар қадамда ёдга олсак, ёмон  
бўлмасди.

## СОҲИБҚИРОН БИЛАН УЧРАШУВ

Мен ўзимни омадли ҳисоблайман... Ўлим неча марта талаб мен билан бекинмачоқ ўйнади-ю, мен бўлсам қандай қилиб ва нима учунлигини билмаган ҳолда унга чап бериб кетардим. Ўлим қувиб етган ва одамлар кўзидан умрбод яширгандек туюлган инсоннинг ҳоқини кўрганимда, унга яна бир марта «чап бердим». Яна омадим келиб қолди. Мен Темурнинг қабрини очишда ҳозир бўлдим.

1941 йил эди. Мамлакат ривож топиб, мустаҳкамланиб, бойиб бормоқда эди... Келажакка интилиш билан бирга юртимиз ўзининг ўтмишини ҳам унутмади — ўзбек халқи ўзининг улуғ шоири Алишер Навоий таваллудининг беш юз йиллигини нишонлашга тайёрланмоқда эди. Олимлар ҳам ҳозирлик кўришди — улар Навоий яшаган ва ижод қилган даврни тубдан ўрганишга киришишди. Худди ўша пайтда илмий экспедиция Гўри Амир мақбарасидаги Темур ва темурийлар қабрини очиш учун Самарқандга отланди.

Ўзбекистон ҳукумати экспедиция составини: жумҳурият фанлар академиясининг академиги Қори Ниёзовни — раис, СССР Фанлар академиясининг моддий-маданият институтининг илмий ходими, антрополог М. М. Герасимов, антрополог-ҳайкалтарош, профессор Л. В. Ошанин, шарқшунос, профессор А. А. Семёнов, Давлат Эрмитажининг кимёгар-таъмирчиси, археолог, профессор В. А. Шишкин, юбилей қўмитасининг илмий ходими Х. Зариповни экспедиция аъзолари этиб тасдиқлади.

Экспедиция 1941 йилнинг июнида ишга киришди. Унда машҳур ёзувчи Садриддин Айний, журналистлар, сураткаш мухбирлар ва бизнинг хужжатли фильмлар студиямиз директори Николай Алёксеевич Қим бошчилигидаги кинога олиш гуруҳаси иштирок этди.

Мана шу улкан воқеани лентага тушириш бахти менга ҳам насиб қилди.

Қадимги ёдгорликлар орасида Гўри Амир мақбараси алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзининг зийнатли меъ-

морчилик хусусияти билан жаҳон аҳамиятига молик бўлган бу ёдгорлик Шарқ феодализи меъморчилигининг энг яхши намуналаридан бири ҳисобланади. У аввало мустақамлиги, маҳобатлилиги ва муҳташамлиги билан, шиддат ила фазога интилаётган қиррали гумбазларининг ғаройиб шакли билан ва пардозлашдаги ажиб зийнати билан ажралиб туради.

Қабрлар устида, сағанада дахма қурилган, мақбарада эса иккинчи дахмалар бўлиб, қора яшмдан<sup>1</sup> ишланган Темурнинг дахмаси алоҳида ажралиб туради. Дахманинг супачаси нозик қилиб ишланган мрамр панжара билан ўраб қўйилган.

1740 йилда эронлик Нодиршоҳ қўшинлари Самарқандни забт этиб, Темурнинг яшм дахмасини ўзлари билан олиб кетишади-да, уни Машҳадга, шоҳга элтишади. Нодиршоҳ уни кўздан кечириб, тошни Самарқандга, ўз ўрнига қайтаришни буюради.

Экспедиция мақбара ва ёдгорликлар (Шоҳизинда, Бибихоним, Регистон, Ишратхона, Хўжа Аҳроп) билан батафсил танишиб бўлиб, асосий ишга — Темур, Улуғбек, Шоҳруҳ дахмаларини очишга киришди.

Мақбаранинг беш асрлик тарихи мобайнида биринчи марта бу ерда муфассал кинога олиш учун ёритувчи аппаратлар, кинокамералар ўрнатилди.

Нега бундай бўлганини билмайман-у, аммо ҳаммадан кўра кўпроқ биз ҳаяжонланардик, биз билан бирга эса операторлар Ориф Турсунов, Қозим Муҳамедов ва тўрт ёритувчи йигит ҳам ҳаяжонларини босолмасди. Гўри Амирга бир километр наридан электр сими тортиб келишга мажбур бўлдик — чунки электр қуввати етишмасди.

Ҳамма нарса тахт қилиниб, қабрни очиш муддати белгилангач, биз аппаратура ва кинокамералар панд бермасмикан деган хавотирга тушиб, уларни яна бир бор текшириш учун тонгги соат олтида Гўри Амирга келдик. Бизнинг электр чироқларимизсиз қуйи сағананда бирор иш қилиш мумкин эмасди. Шу жиҳатдан экспедиция ишига бирмунча фойдамиз тегарди: қўйи сағанани ёритиш билан биз ҳам олимларнинг самарали ишлашларига қўмаклашардик, ҳам қабрни очишни суратга туширардик.

Дам олиш пайтида А. А. Семёнов билан Садриддин

<sup>1</sup> Яшм — кукимтир рангдаги бир хил минерал.



Айний Темурнинг жасади қаерда дафн этилгани хусусида баҳслашиб қолишди.

Темур 1405 йилнинг феввалида Чимкент вилоятининг Чаулдир<sup>1</sup> ноҳиясида вафот этган ва уни тунда шаҳар қабристонида дафн қилишган: унинг яқин кишилари вилоятларнинг ҳукмдорлари Темурнинг ўлимидан хабар топиб, тахт учун ўзаро кураш бошлаб юборишларидан хайиқишганди. Темурнинг набираси Улуғбек ҳокимият тепасига келгач, жаҳонгирнинг ҳоки Гўри Амир мақбарасига кўчирилди.

А. А. Семёнов Темурнинг ўгли Шоҳруҳ Ҳиротдан етиб келиб, отасининг жасадини Ҳиротга олиб кетганини — душманлар уни таҳқирлашларидан қўрққанини исботлашга ҳаракат қиларди.

Садриддин Айний эса Семёновга қатъий эътироз билдириб, ислом қондасига кўра ҳар қандай одамни уч марта дафн этиш мумкин эмаслигини тушунтирмақчи бўларди. Айнийнинг айтишича, Темурнинг жасади шаҳар қабристонидан Гўри Амир мақбарасига кўчирилган, Шоҳруҳ эса отасининг сохта тобутини олиб кетган.

Баҳс бир неча кун давом этди. Мен бу мунозарани лентага туширдим, лекин, афсуски, у пайтда бизда овоз ёзиб олувчи аппарат йўқ эди.

Бу орада ишлар давом этаверди, дахманинг устки тоштахталарини олишди. Экспедиция кунига ўн-ўн икки соатлаб ишлар ва ҳар бир детални меъмор ва мусаввир Тетавасян ҳам, сураткаш Герр ҳам, биз кинооператорлар ҳам батафсил суратга туширардик. Марказий рўзномалар «Правда» ва «Известия»да экспедициянинг иш фаолияти хусусида катта-катта мақолалар босилиб чиқди.

Бизнинг кинога олиш группамиз номига киножурналларга қўшиб намоиш этиш учун экспедициянинг фаолияти, Темур дахмасини очиш ҳақида кинолавҳа юборишни сўраб, ер юзининг турли бурчакларидан телеграммалар келиб турди. Мен ўшанда Америка, Англия, Австрия, Германиядан ошиғич телеграммалар олгандим. Лекин биз лентага туширган материалларни ҳали дорига солиб чиқармагандик ва уни қўлдан бой беришга шошилмасдик.

Бир кун анча ишлаганимиздан кейин бир пиёла чой ичгани чойхонага кирдим. У ерда уч қария каттаги-

---

<sup>1</sup> Ҳозир ўша жой Темурлановка деб аталади.

на бир китобни варақлаб ўтиришарди. Улардан бири мендан: «Темурнинг қабрини очиш ишига даҳлдор эмасмисиз», деб сўраб қолди. Мен ҳазил тариқасида энг катта бошлиқ эканимни, менинг буйругим билан ёритгичлар ишга тушишини айтдим. Шунда қария: «Темурнинг қабрини очиш мумкин эмас, акс ҳолда уруш арвоҳи чиқиб кетади», деди. Бу гап 1941 йилнинг 16 ёки 17 июнь куни бўлганди.

Мен буни қаердан билишларини сўрадим. Қария китобдаги ёзувни кўрсатиб, жилмайган ҳолда: «Арабчани ўқиёласизми», деди. Мен ўқишни билишимни айтдим. Бу суҳбатдошларимни ҳайрон қолдирди, чунки бу пайтга келиб рус алифбосига ўтгандик. Мен каби ёш йигит арабчани ўқий олмаслигига уларнинг имони комил эди.

Мен гапимда туриб олдим, шунда улар китобни кўрсатишди, дарҳақиқат унда Темурнинг қабрига қўл тегизиш мумкин эмаслиги, чунки уруш арвоҳи чиқиб кетиб, даҳшатли воқеалар бошланиши ҳақидаги сатрларни ўқидим.

Бу гапларни Қори Ниёзий, Семёнов ва Айнийга етказдим. Учовлари мен билан бирга бориб, китобни кўздан кечиришди, ўша сатрларни ўқиб, жилмайиб қўйишди. Айний домла буларнинг ҳаммаси бўлмағур гаплигини айтиб, қарияларни чойхонадан қувиб юборди.

Мен ёшлигимга бориб ва тажрибасизлик қилиб бу китобни ва ўша қарияларни суратга туширмаганимга ҳозир жуда ачинаман.

Эртага тонгда тоштахта олиниб, Темурнинг қабри очилиши эълон қилинди. Хотирамда яхши сақланиб қолган: ўша куни тонгги соат бешларда келиб, ҳамма нарсани суратга тушириш қулай бўладиган жойга кинокамерани ўрнатдик, чунки қабрни очишда қатнашиш учун жуда кўп одам йиғилган, жойингдан қимирлашнинг иложи йўқ эди.

Дахма устидан тоштахта олинганда ичида узунлиги икки метру беш сантиметр келадиган, бош томонининг эни олтмиш бир сантиметр, оёқ томони қирқ сантиметр, оёқ томонининг баландлиги ўттиз сантиметр, бош томониники эса қирқ сантиметрга яқин, қопқоқсиз, тўрт томонидаги пояга ўйиб киритилган икки-икки ярим сантиметр қалинликдаги девор ҳосил қилувчи тахтадан иборат тўрт оёқли тобут борлигини кўрдик.

Шу заҳоти Айнийга қарадим: у ниҳоятда қувониб

кетганди. Семёнов эса маъюсланиб, норози қиёфада қовоғини уйиб олди: унинг тахмини тўғри чиқмаганди. Биз ниҳоятда ҳаяжонланардик, ёритувчиларимизни ҳам ҳаяжон чулғаб олиб, маълум муддатга чироқлар ўчди-ю. бутун экзешедия қоронғида қолди.



Олимлар Амир Темур сағанаси олдида.

Тобутда... Темур ётарди. Темур-Гургон, «Темур чўлоқ». Темур-Гургон — Буюк Темурланг. Соҳибқирон ва... золим, саркарда ва жаллод... Буюк яратувчи ва... шафқатсиз вайрон қилувчи. Ҳа, бу ўша эди. У қўллари кўкрагига қўйилган, боши Макка томонга ўгирилган ҳолда ётарди. Биз у ҳақда ҳамма нарсани билардик ва ҳеч нимани билмасдик. Чунки замондошлари унинг ташқи қиёфаси ҳақида бир оғиз ҳам сўз айтиб қолдиришмаган — фақат фараз қилинарди.

Мана, энди уни кўриб турибмиз. Ўнг қўли қаттиқ шикаст еган, бир оёғи иккинчисидан калтароқ. Эҳтимол у шу боисдан эгар-жабдугини яхши кўрганмикин? Чўлоқ одамга ниёда юришдан кўра отда юриш осонда. Сочи — буни дарров аниқлашди — саргини-оқиш рангда. Қоннидаги туклари ҳам сақланиб қолган, со-

қолининг ўрни ҳам билиниб турибди... Ҳа! Чиндан ҳам чўлоқ, чиндан ҳам малла! Ривоятлар алдамайди.

Нарироқда, мақбара сағанасининг жануброғидаги тахмонда Темурнинг сеvimли набираси — Улуғбекнинг қабри бор. Тоштахтага дарий тилида лавҳа ўйиб ёзилган. Эндиликда уни ҳамма билади: «Бу муқаддас қабр ташрифидан жаннатнинг боғи-эрамлари лаззат топган, жаннатмаконнинг бўстони бахтиёр бўлган шоҳнинг — гуноҳидан ўтилган султон, олам билан имонга кўмак берган билимдон халифнинг сўнгги ором топадиган маконидир»... Гуноҳидан ўтилган султон... Диндорларнинг унинг «гуноҳидан ўтиши»га асос бор эди. Урушлар оқибатида азоб-қулфатлар чеккан ўлкам ундан кўра оқил, адолатли, сулҳпарвар ва ҳар томонлама билимдон ҳукмдорни ҳеч қачон кўрмаганди. Скелетда эса Улуғбекнинг ғайритабiiй ўлдирилганини билдирувчи излар яққол ўз ифодасини топган. Маърифатли, доно, адолатли... Эҳтимол у ўзининг саховати ва истеъдоди билан қўрқув солган бўлиши мумкин. Одамийлиги билан газаблантирган. Сулҳпарварлиги билан енгган, лол қолдирган... Адоват, шафқатсизлик, кўр-кўрона мутаассиблик маърифатпарвар ҳукмдорнинг олдида дош беролмасди...

Мен бу ҳақда орадан бир неча кун ўтгач, гитлерчи кўшинлар тупроғимизга қадам қўйганидан кейин ўйладим. Қани, ҳақиқат? — деб сўрайман ўзимдан — инсоният тарихида, мана, нечанчи марта чекланган томон устулик қияпти! Яна мустабид ҳоким, яна ҳукмдор, яна инсон азоб-уқубати ва қон тўкилиш. Халқ тарих сабоғини унутиб, яна ваъдаларга учиб, телбанинг ортидан эргашяпти... Аммо у ўздан кейин лаънат ва нафратдан бўлак нима қолдирди?! Унинг ҳукмдорлик даври вайронагарчилик ва ўлимдан бошқа нима берди?!

Эсимда, Самарқандни ҳеч қачон тарк этмаган Айний (ҳамиша эшак миниб сайр қилувчи, дўппи кийган мўйсафидни бутун шаҳар аҳли танирди) иккита бош суяк — Темур билан Улуғбекнинг бош суяқларини кўздан кечириб: «Мана, иккита бош суяги. Қай бири Темурники, қай бири Улуғбекники — ажратиб бўлмайди. Биттаси шафқатсиз фотиҳга, бошқаси буюк олимга тегишли», деганди. Шунда академик Қори Ниёзий: «Инсоннинг жисмоний ўлими билан бирга, боқий умри ҳам бўлиши мумкин — бу унинг халққа қолдирган асарларидир...» — деб жавоб берганди Айнийга.

Дахмани қазииш жараёнида кўпгина баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди: бировлар Темур саводсиз бўлган, дейишса, бошқалар — мен шулар тарафдориман — бунақа бўлиши мумкин эмас, чунки астрономия, география, шеърятни яхши биладиган, ўз авлодларига «Қонуннома» (давлатни қандай бошқариш ҳақида)ни қолдирган киши саводсиз бўлиши мумкин эмас. Шуниси ҳам борки, Темурнинг отаси амир Тарағай Шаҳрисабз вилоятининг ҳукмдори бўлган, онаси маърифатли турк аёли эди.

Мен бу ўринда воқеалар шохиди, Темур билан учрашган тарихчи Ибн Халдуннинг мулоҳазаларини келтирмоқчиман. Барбара Брейнинг бу ҳақдаги мақоласи «Курьер ЮНЕСКО»нинг 1966 йилги 6-сонида босилганди. Барбара Брей — журналист, ёзувчи, таржимон, адабиёт ва театр танқидчиси, Александрия дорилфунунининг инглиз тили ва адабиёти ўқитувчисидир. У шарқшунос олимлар орасида катта шов-шувга сабаб бўлган Ибн Халдуннинг қўлёзмасини топганди.

...Ибн Халдуннинг Дамашқда эканидан хабар топган Темур у билан учрашиш истагини билдирди. Ибн Халдунни яширин тарзда шаҳар деворидан арқонда тушириб, фотиҳнинг чодирига бошлаб келишди.

Учрашув содир бўлган пайтда — бу 1401 йилнинг январь-февралида бўлиб ўтганди — Халдуннинг ёши етмишга бориб қолган, Темур эса ундан беш ёш кичик эди.

Ибн Халдунни шахсан таниган одамлар уни келишган, кўнчиликни ўзига мойил этишга қодир, деб таърифлайдилар. У қаерга бормасин, ҳамма жойда ўзига нисбатан илтифотли муносабатда бўлишларига осонлик билан эришиши бунга тасдиқлаб турибди. Араб солномачиларидан бирининг гувоҳлик беришича, Темур баланд бўйли, қоматдор, хумбош, кенг пешонали киши бўлган: у жисмонан ниҳоятда кучли, бадани оқ, юзи қизил, бармоқлари йўғон эди; соқоли селкиллаб турарди; бир қўли шол, ўнг оёғи калта, нигоҳи чақноқ, овози жарангдор эди. Темур ўлим ваҳимаси нималигини билмай, маънавий ва жисмоний кучини тўла сақлаган ҳолда етмиш ёшга кирди.

Ҳамсуҳбатлар муносиб рақиб чиқиб қолишди. Улар тезда бир-бирларини тушуниб олишди. Халдун тарихчи олим сифатида тарихнинг буюк ижодкори билан учрашувдан шубҳасиз манфаатдор бўлса ҳам Темурнинг чангалидан ўзини ва ўртоқларини қутқариб қолиш ва Мисрга эсон-омон қайтиб бориш гамида эди. Темур эса

Халдуннинг Мағрибнинг, яъни Триполдан то Гренадагача бўлган мусулмон мамлакатларининг муаззам билимдони эканини англаб, ҳарбий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда Ибн Халдунни ўзининг разведка ишларига жалб этишни жуда-жуда истарди.

Темурнинг ҳашамдор чодирига дастлаб кириб келган пайтдан бошлаб Темур билан учрашувини Ибн Халдуннинг ўзи ҳикоя қила қолсин.

«Номимни эълон қилишгач, Темур мени ҳузурига чорлади. Ҳашамдор чодирга кириб, Темур тирсагига таяниб ёнбошлаб ётганини кўрдим. Унинг олдига таом тўла лаганларни келтиришар, у таомларни тановул қилмай, лаганларни бирин-кетин чодир рўпарасида тўда-тўда бўлиб ўтирган мўғулларга йўлларди.

— Сизга тинчлик-омонлик тилайман, — дедим останада ҳурмат билан таъзим бажо келтириб. Темур бошини кўтариб, менга қўлини чўзди. Ёнига бориб, қўлини ўпдим. У ишора билан ўтиришимни буюрди. Ўтирдим. Темур ўз мулозимларига қонунчи — харрафитни чақиртириб, унга менинг ёнимдан жой олишни ва тилмочлик қилишни буюрди».

Темур тўғридан-тўғри ўзини қизиқтирган масалага ўтди. У Ибн Халдундан Мағриб ҳақида сўради, аммо Халдун жавоб беришдан усталик билан ўзини олиб қочди. Шу йўсинда улар анчагача, Темурнинг меъдасига теккунча уёқдан-буёқдан гаплашиб ўтиришди.

— Мен жавобингдан қоникмадим, — деди соҳибқирон. — Сен менга мағриб мамлакатларининг тавсифини тайёрлаб беришингни истайман. Улар ҳаётининг барча томонларини шундай тасвирлагинки, мен гўё ўша ерларга боргандек ва ҳаммасини кўргандек бўлайин.

Косаларда ритха — угралаи шўрвани эслатувчи таом келтиришди. Ибн Халдун ундан тановул этиб, таомни мақтади ва бу билан мезбонни беҳад мамнун қилди.

Шундан кейин иккаласи ҳам жим бўлиб қолишди. Ибн Халдун агар бирор ноўрин хатти-ҳаракатга йўл қўйса ўзини нималар кутишини ўйлаб, нохуш фикрларга фарқ бўлганди.

Шу пайт шаҳар дарвозалари очилгани ва фуқаро ҳокимлар таслим бўлганликларини билдириб, ташқарига чиқишгани ҳақида хабар келиб қолди.

Темур оёқ огригидан азоб чекарди. Ёшлигида камон ўқи тиззасига теккан, у шундан кейин оқсоқ бўлиб қолган эди. Темурни чодирдан олиб чиқишди. Фанфа-

ралар садоси кўкни ларзага келтирди. Жаҳонгир Дамашқ томон йўл олди.

Ибн Халдун ўзини хилватга олиб, Мағриб мамлакатлари ҳақида маълумотнома ёзишга киришди. Ҳеч ким унга зиғирча бўлса ҳам зиён етказмади, талон-тароҷ қилиш учун берилган Дамашқ ва унинг теварак-атрофи эса аланга ичида қолганди.

Маълумотнома ёзиб бўлиниб, соҳибқиронга топширилганидан кейин Темур Ибн Халдунга илтифот кўрсатди. У ҳуқуқий масалалар юзасидан Халдуннинг фикрини сўради. Бироқ иккаласи ҳам Ибн Халдун учун энг муҳим масала — Темур олимга уйга қайтиш ва илмий иш билан шуғулланишга ижозат бериш-бермаслиги хусусида оғиз ҳам очишмади.

Ибн Халдун иложи борича хушмуомалалик билан унинг кўнглини юмшатмоқчи бўлди.

— Китоб растасидан муқоваси ниҳоятда чиройли Қуръон, ажойиб жойнамоз, пайгамбар шарафига худонинг марҳаматига сазовор бўлган ал-Бузурий томонидан ёзилган машҳур ал-Бурда достонининг матни ва тўрт қути устига шакар сеңилган ғаройиб мева сотиб олдим. Бу совғаларни кўтариб, тўғри Қаср ал-Аблак саройига бордим-да, унинг ҳузурига кирдим.

Ибн Халдун ҳаммасини пухта ўйлаб ишга киришди.

— Олло-таоло сиздан марҳаматини дариг тутмасин!— деди у.— Мен сизга ўзимни қийнаётган савол билан мурожаат қилмоқчиман.

— Гапир!— ижозат берди Темур.

— Бу мамлакатда мен икки карра мусофирман: биринчидан, мен Мағрибдан олисда яшайман, иккинчидан, мен Қоҳирада эмасман. Мен сизнинг ҳомийлигингиз ва ҳимоянгизданман. Қувғинда юриб, нима билан овуна олишимни, ишонаманки, ўзингиз айтиб берасиз.

— Айтавер. Нимани истасанг, шуни муҳайё этаман.

— Нимани истайман? Қувғинда юриш орзу-истакларимни унутишга мажбур қилди. Балки, ўзингиз, олло-таоло марҳаматини сиздан дариг тутмасин, менга нима етишмаётганини айтиб берасиз?

— Шаҳардан кетиб, лашкарим қароргоҳига борасан ва менинг ҳузуримда хизмат қиласан. Агар парвардигорга хуш келса, сенинг энг эзгу орзуингни адо этаман.

Шундай бир вазиятда Ибн Халдун бу мубҳам таклифдан қониқини ҳосил қилиши лозим эди. Бундай жавоб туфайли у ҳамон Дамашқда азоб чекаётган ўз ҳамроҳлари билан учрашини ҳуқуқига эга бўлганди.

Ибн Халдун билан суҳбатдан кейин Темур, афтидан, унга жавоб бериш фикрига келиб қолди. У навбатдаги учрашувда Ибн Халдунга уни қўйиб юборишга рози экани хусусида шама қилди, аммо буни ўзига хос тарзда, мутлақо қутилмаган, аммо Темур учун характерли таклиф орқали баён қилди.

— Бу ерда сенинг хачиринг борми?

— Хачирми? Бор.

— Яхши хачирми?

— Ҳа.

— Сен уни сотмайсанми?

— Хачиримни сотайми?

— Мен уни сотиб олмоқчийдим.

— Олло-таоло марҳаматини сиздан дариг тутмасин! Мендек одам сиз каби соҳибқиронга ҳеч нимасини сотолмайди. Аммо мен хачиримни сизга эҳтиром билан инъом этишга тайёрман.

— Сени олижаноблигинг учун тақдирламоқчи эдим.

— Ҳар қандай олижанобликни менга нисбатан кўрсатган мурувватингиз билан таққослаш мумкинми?

«Иккаламиз бир оз жим қолдик,— деб ёзади Ибн Халдун. — Бу орада хачиримни олиб кетишди. Ўшандан бери уни қайта кўрмадим».

— Сен Қоҳирага жўнашга ҳозирланаяпсанми?— сўради Темур.

— Олло-таоло марҳаматини сиздан дариг тутмасин! Аммо мен биргина сизга хизмат қилишни истайман. Агар қилинажак сафар сизга фойдали бўлса, унда албатта борган бўлардим. Акс ҳолда менда бундай истак йўқ.

— Сен ўз мамлакатингга, ўз оилангга қайтасан!

\* \* \*

Ибн Халдун ўз бошидан кечирганларини охир-оқибатда қандай қилиб Мисрга қайтишга муваффақ бўлгани ҳақидаги ҳикоя билан якунлайди. Ибн Халдун Қоҳирага қайтиб келганидан кейин орадан кўп ўтмай, Темур юборган чопар хачир учун бир оз пул олиб келибди. Бу пул хачирнинг баҳосидан анча кам экан, лекин чопар қасам ичиб, унга айни шунча пул беришганини айтибди. Ҳар эҳтимолга қарши Ибн Халдун пулни олиш-олмаслик хусусида Миср султонидан маслаҳат сўрабди. Ижобий жавоб бўлганидан кейинги-



на у пулни олибди-да, осонгина қутулганига қувониб, енгил тортибди.

\* \* \*

Темур билан учрашган иккинчи шоҳид XV аср бошларидан буюк Темур саройига қилинган саёҳатлар ҳақида қундалик қолдирган испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо эди.

Клавихо бундай деб ёзади: «Соҳибқирон Самарқандни жаҳон пойтахтига айлантиришга ҳаракат қилди. «Дунё икки ҳукмдор учун ниҳоятда торлик қилади», деган ибора Темурга мансубдир. Ҳатто теварак-атрофдаги қишлоқларни у пойтахтлар номи билан атарди. Бу жойда Қоҳира ҳам, Париж ҳам, Дамашқ ҳам, Бағдод ҳам бор эди».

\* \* \*

Қори Ниёзий ва Герасимов томонидан Темур ҳамда Улуғбекнинг бош суякларини кўздан кечириш лавҳасини лентага тушириш 1941 йилнинг 21 июнь куни эрта-лаб соат еттига белгиланган эди. Герасимов Темур, Улуғбек ва Шоҳруҳнинг қиёфаларини бирпасда тиклашини айтди. Кечқурун Самарқанд кинотеатрларининг бирида биз суратга олиб бўлинган материални томоша қилдик. Бизнинг группамиз юз минг метрдан ортиқ плёнкага сурат туширди. ССЖИ кинематография вазирлиги ер юзининг турли бурчакларидан келган суратга олинган материалларни тезда жўнатиш илтимос қилинган телеграммаларга тўлиб кетди. Шу боисдан кинематография вазири Большаков суратга олинган негативларнинг ҳаммасини Москвага жўнатиш ҳақида шошилишч кўрсатма берганди.

22 июнь эрта тонгда биз гитлерчилар Германияси Шўролар Иттифоқига ҳужум қилганини эшитдик. Шунда мен суратга олмаган уч қария билан ўша китоб беихтиёр кўз ўнгимда намоён бўлди. Гарчи бу тасолифан тўғри келиб қолган бўлса ҳам, албатта, Темурлангнинг арвоҳига ишонишни истамасам ҳам ўша пайтда қанчалик довдираб қолганимни бир тасаввур қилиб кўринг-а! Ахир мен ўша қарияларнинг суҳбатига шоҳид бўлганман ва бу ҳақда ўзим ўқиганман.

Мудҳиш хабардан саросимага тушиб, нима қилишни билмасдик. Менда ишлашга мутлақо истак қолмади ва

23 июнь куни кечаси Тошкентга жўнаб кетдик. Поездга чипта олиш жуда мушкул бўлди. Биз тунни вагоннинг ёпиқ даҳлизидида тик оёқда туриб ўтказдик ва ниҳоят Тошкентга етиб келдик.

Мен ўзимча тезда фронтга жўнаб кетишга аҳд қилиб қўйдим.

Самарқандда лентага туширилган материалларни Москвага жўнатдик, аммо биз шу кунгача негативни тополмаймиз. Яхшиямки, бизда позитив сақланиб қолган. Тўғри, материал бизгача ёмон ҳолатда етиб келган. Аммо биз бу кадрларни эҳтиётлаб, Самарқанд ҳақидаги фильмларда фойдаланмоқдамиз.

...1942 йилнинг 20 декабрида Темурнинг жасади қайта дафн этилди. Мен фронтда эдим, Темур кўп асрлар илгари бўлганидек, менинг иштирокимсиз қабрга кирди... Ўша кунлари немис қўшинларини Сталинград остоналарида тор-мор этиш операцияси бошланганди. Айтишларича, Самарқандда кексалар шу муносабат билан: «Темур бизни кечирди», дейишибди... Майли, шундай деяверишсин, лекин биз Сталинград остоналарида ким галаба қозонганини, бу урушда ким ғолиб чиқганини яхши биламиз. Номаълум солдатларнинг минглаб қабрлари ҳеч қачон очилмайди. Лекин бу номсиз жангчилар одамларга қанчадан-қанча воқеаларни ҳикоя қилиб беришлари мумкин эди!

А. АБДУМАЖИДОВ таржимаси

Озод МЎМИН

## БУЮК АМИР ТЕМУРНИНГ ЁҚУТИ

*Тарихий-фантастик эссе*

Мен роппа-роса ўн йил қимматбаҳо тошларнинг табиий хусусиятларини ўрганиш билан шуғулландим. Уларни тадқиқ этишда ишлатиладиган, ҳозирги пайтда заргарлик саноатида кенг қўлланилаётган бир қанча асбобларнинг муаллифи ҳам бўлдим. Меҳнатим, чеккан заҳматим, чидам ва сабр-тоқатим ўз самарасини берди — ниҳоят, менга Совет Иттифоқи ихтирочиси медали топширилди, физика-математика фанлари номзоди шарафлини ёқладим. Тадқиқотлар мобайнида қимматбаҳо тошларнинг жуда ажиб хоссалари мавжудлигига, катта ахборот манбаи эканлигига чин дилдан ишондим. Уларнинг қалбларни қитиқловчи оҳанрабо нурлари, турли ажабтовур жилваларида нафақат шеърят, нафақат севги ва муҳаббат, балки ҳаётнинг, шафқатсиз, ҳийлакор ҳаётнинг драматик насри, бўялмаган тарихи ҳам мужассамлашганлигига имоним комил бўлди.

Мен мана шу ўтган йиллар ичида фантастик асарлар битишга ҳам уриндим. Бадиий ижод менга умид билан орзу багишлаб, кўнглимда қувонч ва ишонч уйғотган бўлса-да, негадир тошлар ҳақида, улар билан боғлиқ бирор нарса ҳақида ёзишга интилмадим. Ўзим ҳам ҳайронман. Ҳаттоки, уйғур ва татар халқининг фарзанди, геология-минералогия фанлари номзоди, фантаст-ёзувчи Спартак Ахметовнинг «Шоҳ олмоси» номли қиссасини ўқиганим, бу муаллиф билан яқиндан танишганим ҳам туртки бўлмади. Бунинг сабабини кейин, ҳозирги кунларда тушундим: бу йиллар ичида мени асосан инсоний муносабатлар қизиқтирибди, баъзи кишиларнинг — уларни инсон деб аташ ҳам қийин — ўз мақсадлари йўлида, ўз хизмат юklarини камайтириш, хотиржам турмушларини таъминлаш мақсадида бошқа бир инсоннинг меҳнатини рўёбга чиқармаслик учун тўсиқлар қўйишлари, унинг ўтаётган умрини сариқ чақага ҳам олмасликлари қалбимда оғир тош бўлиб ётгани иродамни, куч-қувватимни кишанлабди. Мен йиллар давомида бу кишанларни парча-

лашга баҳоли қудрат уриндим ва ниҳоят, худога минг қатла шукурким, мақсадимга етдим.

Бу менинг ҳаётим бўлагининг қисқа бир тарихи. Бироқ афсуски, қимматбаҳо тошлар, айниқса ноёб тарихий тошлар сиз билан биз каби сўзлашиб, ўз қалб нолаларини изҳор эта олмайдилар. Уларни сўйлатишнинг фақат биргина усули бор: ҳужжатлар, қўлёзмалар ва китоблар. Ана шуларгина тошларни тилга киритадилар, сизни ажиб дунёга бошлайдилар.

Қимматбаҳо биллур тошларга бағишланган бир қўлёзда жавоҳирлар султони — олмос тўғрисида мана бундай дейилган экан: «... Инсон олмосни чап томонида олиб юриши лозим, токи у юракка қувват ва дармон берсин. Олмос эр кишига матонат ва мардлик бахш этиб, унинг жисмоний қудратини асрайди. Агар у ҳақ иш учун курашаётган бўлса, душманни енгишга ёрдам беради. Олмос ақлни ҳам пешлайди, ғаму кулфатни пари суради ва инс-жинсларни ҳайдайди. Қимда ким олмос эгасини балога гирифтор қилмоқ истаб, сеҳр-жоду ишлатса, барча кўргиликлар унинг ўз бошига тушади. Олмосли инсонга ҳеч бир йиртқич яқинлашишга жазм этолмайди. Бу биллур одамни фақат эзгу ишларга ундаб, баъзи касалликлардан ҳам фориғ этади. Бироқ олмосни фақат тўғрилиқ ва олижаноблик билан қўлга киритиш жоиздир, қаллоблиқ ва зўравонлик эвазига эгалланган биллурнинг таъсири йўқ. Гуноҳга ва ношаръий ишларга мойил кишининг олмос олиб юриши бефойдадир...»

Ҳа, инсон қадимдан илоҳиётга ишонган, ҳар бир жисмда ўзига хос бир қувват, ўзига хос бир мўъжиза мавжуд эканлигини кашф қилган. Бу мўъжизавий қувватнинг фақат эзгуликка хизмат этишини таъкидлаган. Бу хислатларни балки вақти келиб илмий-материалистик нуқтан назардан исботлаш мумкин бўлар. Ҳозир мен ҳам тошларни сўзлатиш учун ғайриоддий бир усулга мурожаат этмоқчиман, яъни фантастика менинг жони-дилим бўлгани сабабли, унинг ақидаларидан фойдаланаман. Бу жуда холисанлилло усул. Ишонтириб айтманки, суҳбатдошлиқка чақирилаётган камёб жавоҳир сизни ва мени асло алдамагай, зотан қоп-қоп ваъдалардан, чинни ёлғонга, ёлғонни чинга айлантиришдан, ўзини доно кўрсатиб, бошқа бировни чекка-чеккаларда қоралаб юришдан унга бирон-бир наф йўқ. Бундай йўл билан у бола-чақа боқмайди.

Мен илмий тадқиқотларимда асосан лазер нурлари

билан қимматбаҳо биллур тошларнинг ўзаро таъсирини ўрганганим туфайли, мана бундай шартли фантастик ҳолни қабул қилишни лозим топдим: кичик қувватли, гелий ва неон газлари аралашмаси ёрдамида ҳосил қилинадиган лазер нурига (катта қувватли нур тошга зарар етказиши мумкин) махсус йўл билан ўз саволларимни киритаман-да, уни тош вужудига юбораман. Тош албатта саволларимни англайди ва юзасида синган, қайтган нурлар билан жавоб беради. Тош қаърида битмас-туганмас ахборот ётибди. Ана шу ахборот қайтаётган нурларга албатта «илашади». Қайтган лазер нурини махсус асбоб ва компьютерда тадқиқ қилиб, жавобларни англайман. Компьютер экрани менга барча жавобларни ёзиб беради. Сиз ҳам шундай ҳолни тасаввур этиб, қабул қилишга урининг.

\* \* \*

Инглизистон мамлакатига рухсатнома олишга бир кунгина кетди. (Бу лоф, деманг. Биз келишганмиз). Шўро сўмини ҳам фунт стерлингга дарҳол алмаштириб беришди. Ва шу куниек учаргоҳга чиқиб, керакли патгани олдим-да, Лондонга қараб учдим.

Тайёра Инглизистон пайтахтининг Хитроу учаргоҳига кўнди. У ердан таксига ўтириб, тўппа-тўғри Букинхем саройига йўл олдим. Ва боришим билан сарой ходимларидан фақат битта нарсани, «Ҳиндистон» хонасидаги ўта ноёб жавоҳирни — Шарқда «Чироғи олам», Ғарбда «Буюк Амир Темур ёқути» деб аталмиш қимматбаҳо тошни кўрсатишларини ҳамда у билан суҳбатлашишга рухсат этишларини сўрадим. Ҳеч ким монелик қилмади.

Мен олиб борган лазерли асбобим ва компьютерни яхшилаб созладим-да, суҳбатни бошладим. Қулоқ тутинг, азизлар!

\* \* \*

— Ҳурматли «Чироғи олам» ёхуд «Буюк Амир Темур ёқути», сиз жуда яхши биласизки, гўзаллик, камёблик ва чидамлилиқ қимматбаҳо тошнинг уч асосий сифатидир. Бу белгиларнинг бирортаси етишмайдиган биллур тош қимматбаҳо ҳисоблана олмайди. Жавоҳир кўзни, дилни қувватиши керак, деган гап — оддий ҳақиқатдир. Инсоният бутун тарихи мобайнида жавоҳирларни эгаллашга, уларнинг хусусиятларини илмий томондан ўрганишга интилган. Бизнинг қадимий

юртимиз ва халқимизнинг буюк вакиллари бўлмиш Абу Райҳон Беруний ҳамда Абу Али ибн Сино қимматбаҳо тошлар ҳақида махсус китоблар битишган. Берунийнинг «Жавоҳирлар тўғрисидаги маълумотлар (Минералогия)» рисоласи ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу илмий монография жаҳоннинг турли тилларида ҳамон қайта-қайта чоп этилиб келинаётир. Ибн Синонинг худди шундай китобидаги маълумотлардан бутун жаҳон олимлари то XX асргача фойдаланиб келишган.

— Ҳурматли тадқиқотчи, бу гапларингизнинг мен учун бирон-бир илиқ-иссиқ жойи йўқ. Қимматбаҳо тошларни X асрлик Абу Райҳон Беруний ўрғанадими ёки XX асрлик инглиз жавоҳиршуноси Херберт Смит текширадими, менга барибир.

— Булар сиз учун эмас, ўқувчилар учун муҳим. Энди сизни таништирай. Шундан сўнг сизга бир қанча саволлар бераман.

— Марҳамат.

— Сиз бутун дунё тарихидаги энг ноёб ёқут ҳисобланасиз. Ҳажми ва оғирлиги жиҳатидан сизнинг ҳеч бўлмаса ярмингизчалик келадиган ёқут шу вақтгача топилмаган. Оғирлигингиз 361 карат (1 карат-0,2 г). Мана, кўриб турибман, сиз ўзингиздан кичик учта ёқут, бир қанча йирик дур ва зумрадлар қадаб ясалган тақинчоқнинг марказий қисмисиз. Гапларим тўғрими?

— Эътирозим йўқ.

Мен яна савол бердим.

— Маълумки, сизни бобомиз Амир Темурнинг ёқути деб аташади. Буюк Амир, ўзларининг гаплари бўйича, «бутун дунёдаги разил жинояткорларнинг ёстиғини қуришиш нияти билан» умр кечирганлар. 1398 йили Деҳли шаҳрини ўз тасарруфларига олган пайтларида, сизни у кишига туҳфа этишган. Янглишмадимми?

— Йўқ. Жуда аниқ.

— Энди мен холис тингловчи бўлиб тураман. Сиз ўз тарихингизни баён қилаверинг. Мен вақти-вақти билан гапингизни бўлсам, маъзур тутасиз, келишдикми?

— Розиман.

— У ҳолда бошлайверинг.

Жанубий ўлкаларда кўп ноқис ишлар бўлаётганмиш. Набираси Пирмуҳаммаддан нома келибди. У ўзи идора қилаётган ерларни кенгайтиришга уриниб, Синд диёрининг катта шаҳарларидан бири Мултонни ишғол қилибди. Бу жойларда мўмин-мусулмонлар кам-у, оташпараст ва кофирлар мўл экан. Улар мўминларга ола қарарканлар. Албатта, ундайлар ўз жазосини олиши, ҳақ йўлга кириши даркор. Амир дини ислом йўлида кўп заҳматлар чекди, қийинчиликларга кўнди. Бироқ ҳаракатсиз, роҳат-фароғатда яшаш унга ёт. У ҳақиқат учун, Муҳаммаднинг қутлуғ байроғини юқорироқ кўтариш учун қўшин суришдан чарчамади.

1398 йили буюк Амир Темур-соҳибқирон сафарга отланди.

Амирга Ҳинд ўлкасидан ҳам хабарлар келди. Дехли султони Ферузшоҳнинг мангулик дунёсига ўтганидан сўнг рўй бераётган ҳодисалар ҳам соҳибқироннинг газабини кўзғатди. Ҳиндистоннинг кўп шаҳарларидаги бутпараст, оташпараст кофирлар мусулмонларни чиқиштирмай қўйибдилар, эзиб янча бошлабдилар.

Амир Темур қўшини Дехлига яқинлашгунча, йўл-йўлакай барча ерларда ҳаққоний тартиблар ўрнатилиб, ёмонлар жазоланиб борди. Ниҳоят, 1398 йил 11 декабрда соҳибқирон Дехли остоналарига етиб келди. Энди ҳақиқий жанг бўлиши керак эди. Буюк Амир 13 декабрда шахзодаларни, амирларни, саркардаларни, сарой аёнларини ва ўн минг кишилик хос навқарларини Ферузшоҳ мақбараси олдига йиғиб, мажлис қурди.

Соҳибқирон душман билан қай тахлитда ва усулда жанг олиб бориш, уни қандай қилиб эсанкиратиш ҳамда қай йўл билан жанг гирдобидан чиқиш лозимлигини тушунтирди. Ҳар бир кишининг жанг пайтидаги вазифасини, ким марказда, ким чап ва ўнг қанотда юришини белгилади. Душман ҳужумини қай усулда даф этишни аниқлади.

— Дини ислом йўлидаги курашларда, тилёғлама, бадбин кишиларни жазолаш жангларида ўз ҳаётини қурбон этишни бўйинга олиш — Буюк Қонун ва Қоидадир! — деди Амир мажлис сўнгида.

Одамлар тарқалгач, соҳибқирон мунажжимлардан юлдузларнинг не дейишаётганини сўради. Улар аниқ бир фикр изҳор қила олмадилар. Эртаси бомдод намозидан сўнг, буюк Амир тангрининг меҳрибонлигига

ишониб, Қуръонни очди ва фол кўрди. Унда ушбу сура намоён бўлди: «Ҳақиқатдан ҳам бу ердаги ҳаёт нимага ўхшайди? У осмондан ёғадиган, ўсимликлар шимадиган, одам ва ҳайвонлар ичадиган сувнинг ўзи. Ер юзи чиройли яшил либослар кийганда, улар бу иш ўзлариники деб ҳаёл қиладилар, ҳолбуки бу нарса бир кунда бизнинг амримиз билан рўй берган ва олдин бундай эмас эди». Бу сура соҳибқирон рақибларининг янглиш фикрлари ва хатоларига, ҳинд қўшинларининг саркардаси бўлмиш Маллухон ўй-ниятларига ишора эди. Буюк Амир яна бир бор фол кўриб, «Асалари» сурасидаги ушбу сўзларни очдилар: «Оллоҳ, бизга икки қулни, яъни ҳеч ким ҳамда ҳеч нарсага ҳукмронлик қилолмайдиганни ва биз аъло мазмунли қилиб яратганимиз, шунинг учун яширин ҳамда очиқ равишда қурбонлик қилиб турувчини солиштиринг, деганлар». Соҳибқирон бу икки сурани таҳлил қилиб, ўзининг бахт юлдузи ярқираётганини ҳис қилди.

17 декабрь куни ул зот отга минди ва қўшинини сафлади. Асосий отлиқ қўшин марказга тизилди. Унинг олдида илғор қисм — жангчи бошлаб берувчилар, орқасида эса қароргоҳ билан захира аскарлар жойлаштирилди. Буюк Амир қанотларга ҳам эътибор берди. Иккала томонга алоҳида-алоҳида қисмлардан иборат бўлган отлиқ жангчи бўлинмаларини — канбулларни сафлади. Одатда, марказий қўшин асосий жангчи олиб борар, канбуллар эса душманнинг ўнг ва чап қанотини ёриб киришга ва айланиб ўтиб орқадан зарба беришга уринардилар. Канбуллар энг ботир ва тажрибали жангчилар эдилар. Ўнг қанотни шаҳзода Пирмуҳаммад, шаҳзода Сулаймоншоҳ ва бошқа амирлар, чап қанотни шаҳзода Султон Ҳусайн, шаҳзода Халил Султон, Жаҳоншоҳ ва бошқа амирлар, илғор қисмни шаҳзода Рустам, амир Шайх Нуриддин, амир Шоҳ-Малик, Оллоҳдод ва бошқа амирлар жангга солдилар. Соҳибқирон қўшин марказида турди.

Султон Маҳмуд Дехлавий ва саркарда Маллухон ўн минг отлиқ, йигирма минг сараланган пиёдаларни сафладилар. Тўфон пайтидаги денгиздек пишқириб турган 120 та уруш филларини ҳам жангга ҳозирладилар. Ҳар бири тоғдек келадиган бу филларнинг устидаги тахтиравонларга камон отувчилар жойлаштирилди. Филларнинг хартумлари бир-бирлари билан боғланган, улар орасидан ёриб кириш мушкул эди. Ҳинд қўшинларида яна бир қурол бор эдики, Султон Маҳмуд Дехлавий



унга катта умид боғлаганди. Бу, узоқдан туриб ҳам душманни ажал комига равона қилувчи «ўқ отар» эди. «Ўқ отар» Темур қўшинини эсанкиратиб қўяди, деб хаёл қилди ҳинд султони.

Афсуски, у янглишганди. Соҳибқирон бундай қуролини 1379 йилдаёқ Урганч қамали вақтида ишлатган, буюк Амирнинг қўшини ундан зарра чўчимоди.

Соҳибқирон Бахали тепалигига қароргоҳ қуриб, сарой ходими мавлоно Насриддин Умарга шу ерга жойнамос солишни буюрди ва икки ракаат намоз ўқиб, Оллохдан ёрдам ҳамда жангда мадад сўради.

Ниҳоят икки денгиз жунбушга келиб чайқалди ва қиргинбарот жанг бошланди. Соҳибқироннинг илғор қисми филлар қаторига ҳужум қилиб, бу ҳаракатланувчи тоғларнинг орасидан ёриб киришга муваффақ бўлди. Улар филбонларни, камончиларни йиқита бошладилар, каллалар чавгон тўпларидек туёқлар орасига думалаб тушар, қонлар фавворадек отиларди. Душман ҳам қаттиқ қаршилик кўрсатар, матонат билан жанг қиларди.

Бу курашни тўлақонли тасвирлашга тил ҳам, қалам ҳам ожиз. Ботирлик ва аёвсизлик, тажриба ва гўрлик, баҳодирона ҳайқириқлар-у, қилич-найзаларнинг жанранги, кесилган бошлар-у, дарё-дарё қон оқимлари — барчаси айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Филларнинг бўкиришлари, ярадорларнинг дод-войи чор атрофни тутди. Ҳа, уруш кўнгли юмшоқ, заиф кишиларнинг иши эмас. Заифлар, кўнгли бўшлар, қўрқоқлар инсониятнинг бутун тарихи мобайнида қулликка маҳкум бўлиб келганлар. Қўйдек беозорлик, ҳийлакор душманнинг сўзларига лаққа ишониб юравериш ҳар қандай халқни, айниқса, ўз тарихини, инсоний иззатини унутиб қўйган халқни бошқаларга қарам қилиб қўяди. У пахта экиб, бир парча читга зор бўлади, бугдой ундириб, нон еёлмайди, олтин қазиб олиб, чақага зориқади.

Душман қаршилиги бора-бора сусайди. Ахир, қандай қилиб сув томчиси қалъа деворига таъсир кўрсатолсин?.. Султон Маҳмуд ва саркарда Маллухон бир сиқим аскарлар билан қочиб қолдилар. Бироқ, кейинчалик улар буюк Амир Темур пойига бош уриб, қаршилик кўрсатганликлари учун кечирим сўраб келдилар.

Жанг тугади. Деҳли таслим бўлди. Шаҳарга кириш маросими эртанги кунга белгиланди.

18 декабрь кuni соҳибқирон ўз аёнлари билан

Деҳлининг Майдон дарвозасига яқинлашди. Бу ерда уни тантана билан шаҳарнинг саидлари, буюк кишилари, казо-казолари кутиб олишди. Улар буюк Амирнинг пойи ҳокини кўзларига суртиб, ноёб совғалар топширдилар. Бундан буён Деҳлида ҳақиқат, тинчлик, бахт-саодат ҳукм суришига ишонч билдирдилар... Тухфалар орасида дуру жавоҳирлар ҳам мўл эди. Уларнинг ичида жуда ҳам катта, оловдек ёниб турган, қип-қизил «Чироғи олам» деб ном олган ёқут кўзни қамаштирарди...

Бу ёқут соҳибқироннинг Самарқанддаги йигирма беш минг ноёб жавоҳирлари қаторидан ўрин олди. «Чироғи олам» юзига буюк Амир Темур номи ўйиб ёзиб қўйилди.

Қани ўша йигирма беш минг ноёб жавоҳир?!!

Қайларга йўқолди улар? Ҳа, вақт деб аталмиш тўфон нафақат уларни, халқ орасидаги жуда кўп инжу-жавоҳирдек кишиларни ҳам эзди-янчди, олиб кетди... Фақат ўзини панага олганлар, ёвга қуллуқ қилганлар қолди.

\* \* \*

— Ҳурматли «Чироғи олам», сиз ана ўша вақт — 1398 йил 18 декабрдан бошлаб буюк Амир Темур бобомизнинг кўзларини, дилларини қувнатгансиз. Бироқ соҳибқирон 1405 йил 18 февраль кечаси фонийдан бақога ўтганлар. Шундан сўнг сизга ким эғалик қилди? Ким сизнинг гўзаллигингиз, ноёб хислатли қувватингиздан баҳрамад бўлган?

\* \* \*

Буюк Амир Темур ўз васиятида амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгири Самарқанд тахтига валиаҳд ва қойиммақом деб эълон қилди. Ҳузурда турган барча фарзанд ва аъёнларга мамлакат ва миллатнинг, халқ ҳамда лашкарнинг ахволдан доимо бохабар бўлиб туришни буюрди.

Бироқ ҳар қандай эзгу тилак ва ниятлар ҳамиша ҳам ижобат бўлавермас экан. Темурийзодаларда оқаётган буюк Амир Темур қони ўз ишини қилди. Бир Буюк иккинчи Буюкка бўйсундишни истамади. Қариндошлик, ака-укалик бир чеккага йиғиштириб қўйилди. Натижа маълум: буюк Амир Темур мамлакати — Қора, Эгей ва

Ўрта ер денгизларидан то Ҳиндистоннинг шарқий чегаралари, Мўғулистон ва Хитойгача, Ҳинд океанидан бошлаб Москвани, Днепр бўйларини ўз ичига олган худуддаги давлат бирлигини йўқотди.

«Чироғи олам» Самарқанд тахтини эгаллаган амирзода Шохруҳ Мирзо қўлига ўтди. Ёқутнинг юзига унинг ҳам номи битилди.

1409 йилда Шохруҳ Мирзо ўз давлати пойтахтини Ҳиротга кўчирди ва Самарқанд ҳукмронлигини ўғли, ўн беш ёшли Мирзо Улуғбек Муҳаммад Тарағайга топширди. «Чироғи олам» ўзининг янги муносиб эгасини топди.

Балки... Балки, ўн ёшига қадар буюк бобоси билан жангу жадалларда бирга юрган, соҳибқироннинг сеvimли ва доно аёли Бибихоним қўлида тарбия топган ҳамда ажойиб эртакчи, шоир ва олим Ориф Озарийдек мураббийга эга бўлган зот ўша машҳур «Чироғи олам» билан болалигида ҳам мулоқотда бўлгандир. Ёқутнинг юзидан, вужудидан таралаётган нур, жило яна бир буюк зот — Олим ва амир Мирзо Улуғбек қалбига сеҳрли таъсири билан коинот сирларини ўрганиш истагини солгандир. Балки, буюк Амир Темурнинг бақувват вужуди ва руҳи кучининг маълум қисми тошга жойлашгандир ва кейинчалик ўша куч буюк Набирага шиддат ва билим, иштиёқ ва ишонч ато этгандир. Ким билади... Афсуски, Букинхем саройининг «Ҳиндистон» хонасидаги ёқут бу ҳақда ҳеч нарса демади.

1449 йил октябрининг охирида Мирзо Улуғбек ўзига ҳамроҳ қилиб берилган Ҳожи Муҳаммад Хисрав билан Самарқандни тарк этди. У ҳажга отланган эди. Қуни кеча қудратли ҳукмдор ва буюк олим бўлиб давр сураётган зотни бор-йўғи бир неча навкар кузатиб борар эди. Шунга қарамай, Мирзо Улуғбекнинг кўнглидаги бир мавҳум тош эриётгандек, ғашлик ва губор тарқалаётгандек туюларди. Отлиқлар биринчи довондан ўтиб улгурмаган ҳам эдиларки, орқадан чопар етиб келди. У Мирзога янги ҳукмдор — ўғли Абдуллатифнинг фармойишини топширди. Бунга кўра Улуғбек подшоҳларга хос йўл анжомларига эга бўлиши учун қўшни қишлоққа кириб, кутиб туриши лозим эди. Буюк олимнинг кайфияти бузилди. Начора! Бўйсунмасликнинг иложи йўқ. Бугун у — мағлуб кимса.

Улар қўнган кўрғон ҳувиллаб ётарди. Теварак атроф жимжит. Ҳаво совуқ, этни жунжиктиради. Навкарлар ҳовлига гулхан ёқиб, қозон осишди. Гўшт

солинган қозон биқирлаб қайнай бошлади. Қанийди, тезроқ пишса. Овқатланишарди-да, уйқуга кетишарди. Собиқ ҳукмдорнинг авзойи бузуқ эди. Кўнглида яна қандайдир похуш ҳис пайдо бўлди. У ҳеч тарқалмас, юрагини кемирарди. Шу вақтда ҳовлига Мирзо Улуғбекни хушламай юрувчиларнинг бири — Аббос бир шериги билан кириб келди ва дафъатан шоҳга ташланди. Икки йил аввал Мирзо унинг отасини катта гуноҳлари учун ўлимга ҳукм этганди. Улуғбекнинг навкарлари ва Ҳожи Муҳаммад Хисрав қўрқиб кетиб, уйнинг бурчагига бориб бекиндилар. Ҳамроҳлар ўз бурчларига содиқ қолиб, курашиш ўрнига жонларини аяб, буюк зотнинг қалласи олинишига мўлтайиб қараб туравердилар... Улар, уч-тўрт қуролланган киши бўлатуриб, икки ёлланма қотилга қарши чиқишга ботинмадилар...

\* \* \*

Ҳа, ботинмадилар!  
- Кейинроқ ҳам халқимизда ботинмаганлар кўп бўлди. Ҳозир ҳам жуда мўл. Ботинолмайдиганлар ботина оладиганларни доимо томоша қилиб келди. Уларни сотиб, бола-чақа боқди. Ботинувчилар кўпинча жазога мустаҳиқлар. Улар қуллик меҳнатини қойиллатиб, юзимни ёруғ қилдим, дейишдан кўра шуни афзал кўрадилар. Қайси халқнинг ботинувчилари кўп бўлса, у ғолиб халқдир...

\* \* \*

«Буюк Амир Темур ёқути»! Сен жуда кўп йиллар теурийзодаларнинг мулки ҳисобланиб, Самарқанд хазинасининг қўрки бўлиб турдинг. Чўғдек юзингга учинчи ёзув ҳам туширилди. Имоним комил, сен бу ҳарфлар тизмасидан фахрлангансан. Чунки Мирзо Улуғбек номи фақат сенга эмас, фалакдаги юлдузларга ҳам битилган. Ҳозирги, фақат пахта етиштиришдагина ғолиб ҳисобланувчи оч-наҳор халқим тарихига ҳам битилган.

\* \* \*

Сафавийлар...

Сиз Эрон ва Озарбайжонда узоқ давр ҳукмронлик

қилган бу шоҳлар сулоласи ҳақида эшитганмисиз? Агар озгина бўлса ҳам тарихга қизиқсангиз, албатта билишингиз керак. Ўзини манқурт ҳисобламайдиган ҳар қандай инсон ўз халқининг, ўз ватанининг тарихига, ўтмишига назар ташлаб туради.

Сафавийлар энг аввало туркийлардир.

Ушбу кунлар, турк деганда фақат Туркияда яшовчи халқ тушуниладиган калтафаҳмлиқ замони ўтди. Бундан беш-олти йил аввал ойнаи жаҳонда кўрсатилаётган халқаро футбол ўйинини бир дўстим билан бирга томоша қилиб ўтириб, ундан сўрадим:

— Сен кимнинг ютишини истаяпсан?

Майдонда Киевнинг «Динамо»си ва Стамбулнинг «Ғалати сарой» футболчилари учрашаётган эди.

— Албатта ўзимизникиларни-да! — деди у.

— Ўзингники ким? — сўрадим ўсмоқчилаб.

Дўстим менга ҳайратомуз боқди.

— Киевнинг «Динамо»си...

Мен унга жавоб қилдим.

— Украинлар жуда ажойиб халқ. Лекин турклар бизга қариндош. Улар бизнинг бир бўлагимиз. Ун асрлар илгари уларнинг ота-боболари юртимизни тарк этиб кетиб, Византияни ишғол қилишган, кейинроқ Буюк Усмонли турклар империясини вужудга келтиришган. Тилимиз деярли бир хил.

Бу гапларим унинг учун ақлга сиғмас янгилик эканми, дарҳол ҳазм қила олмади...

1990 йили Марказий телекўрсатув орқали Рашод Нурий Гунтекиннинг «Чолиқуши» романи асо-сида ишланган кўп серияли турк кинофильми намойиш этилди. Фильм ўрис тилига синхрон таржима қилиниб, эфирга чиқарилганди. Томоша қилиш мобайнида, очиғини айтсам, туркча овоз билан бирга янграётган ўрисча товуш менга бир оз халақит берди. Чунки мен назаримда ўзбекча томошани кўраётгандек эдим. Бундан ташқари, бу киноасар кўпчиликка ёққани учун, қахрамон қиз — Фариданинг номи тилларга тушди. Бироқ «Фарида» бўлиб эмас, яна ўша ўрисча талаффузда — «Феридэ» (урғу охирги бўғинга қўйилиб) сифатида. Наҳотки, озгина мантиқий фикрлаш мушкул? Халқ қандай қилиб бундай аҳволга тушган?..

Сафавийлар Ордобилда (ҳозирги Эрон ҳудудида) яшовчи шайхлардан чиққан сулоладир. Бу авлоднинг ҳам сенга, «Буюк Амир Темур ёқути», алоқаси бор.

Ўзинг нима дейсан, вужудингда ахборот қолганми бу ҳақда?

— Маълумот бор. Фақат жуда оз. Менинг сиртимга яна бир шоҳ — Аббос Сафавийнинг номи ёзилганини биламан холос. Лекин, минг афсуски, вақти келиб, бу ёзув ҳам, илгариги битиклар ҳам — барчаси ўчирилди. Қип-қизил чўғдек вужудим нола чекди, бироқ фойдаси йўқ эди. Ана шу оғриқлар кўп нарсаларнинг ёдимдан чиқишига сабаб бўлди.

— Майли, начора. Мен ўзим баъзи бир тахминлар қилишга уриниб кўраман. Сафавийларнинг Самарқанд шоҳлари билан бўлган алоқаларини билмоқ лозимдир.

\* \* \*

### I-тахмин.

Темурийзода Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз юрти-ни ташлаб кетишга мажбур бўлди. Қуюндай бостириб келган Шайбонийхон ҳаддан ташқари кучли эди. Бобур Қобулга бориб ўрнашди. Хуросон султони темурийзода Хусайн Бойқаро ёрдам қўлини чўзишга улгурмай вафот этди. Унинг ўғиллари Баддиузамон ва Музаффар Мирзо ўзаро келишолмай, Ҳиротда қўш подшоҳликни ўрнатдилар. Алоҳида сарой, алоҳида аёнлар ва амирлар ҳамда алоҳида қўшин. Шайбонийхон бундай қўш ҳокимлик — йўқ ҳокимлик эканлигини исботлади. 1507 йили Хуросон ерлари шайбонийлар давлатига қўшиб олинди. Бироқ уч йил ўтгач, сафавийлар сулоласининг биринчи вакили Исмоил Сафавий бу саркардани жангга енгди. Шайбонийхон ҳалок бўлди. Лекин унинг давлати ҳали бақувват эди. Шунга қарамай, Заҳириддин Муҳаммад Бобур пайтдан фойдаланишга, Мовароуннаҳрга шоҳ бўлиб олишга ҳаракат қилди. У Исмоил Сафавийдан ёрдам олиб, 1512 йил Самарқандни қайта эгаллади. Бу машҳур шаҳар охириги марта темурийзодалар қўлига ўтди. Исмоил Сафавийнинг ёрдамчи қўшини асосан шиа мазҳабидаги кишилардан иборат эди. Сунний бўлмиш мовароуннаҳрликлар бу одамларни — қизилбошларни чиқиштирадилар (уларнинг қизилбош деб аталишларига сабаб — бу кишилар ўн икки шиа имомлари шарафига ўн икки йўллик қизил салла ўраб юрардилар). Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёрдамчи қўшинга қуюқ совғалар бериб, жўнатиб юборишга мажбур бўлди.

Балки, ана шу қуюқ совғалар, Исмоилшоҳга ҳада

этилган тухфалар орасида сен ҳам бормидинг, «Чироғи олам»!

Қизиқ, ана шу воқеадан бир неча аср вақт ўтгач, тили ва дини бир-у, мазҳаби бошқани чиқиштирмаган халқ, ўзга тилли ва ғайри динли турли-туман халқларни бемалол чиқиштира бошлади. Ўшанда халқимизнинг феъли роса тор бўлган экан-да, ўйлайман гоҳо.

\* \* \*

2-тахмин.

1599 йилда шайбонийзодаларнинг охирги вакили — Абдулмўмин ҳалок бўлди. Мовароуннаҳрда яна ўзаро урушлар авж олди. Бу ҳол сафавийлар шоҳи Аббосга қўл келди. У Сабзавор билан Машҳадни босиб олди. Кейинроқ Хиротга ҳам ҳужум қилди. Тошкент томондан қозоқ султони Таваккал қўшин тортиб келди. Хонсиз қолган ўлка яна талон-тарож бўлиш арафасида эди.

Шайбонийлар давлатининг амирлари Бухорода истиқомат қилаётган аштархонлик (астрахонлик) шаҳзода Жонибек Султонни хон қилиб кўтаришга келишдилар. Жонибек Султон 1583-1598 йилларда ҳукмронлик қилган шайбонийзода Абдуллахоннинг (бу хоннинг ҳаёти ва қаҳрамонликлари тўғрисида Ҳофиз Таниш Бухорий томонидан ёзилган «Абдуллонома» китоби большевиклар инқилобига қадар халқ орасида жуда машҳур эди) синглисига уйланганди, шу боис у шайбонийзодаларга қариндош ҳисобланарди. Лекин Жонибек Султон тахтдан воз кечди. Натижада унинг катта ўғли Динмуҳаммад хон этиб сайланди. Бу пайтда у сафавийлар қамал қилиб турган шаҳар — Обивардда эди. У Бухорога етиб кела олмади — йўлда ҳалок бўлди. Шундан сўнг, иккинчи ўғил Боқиймуҳаммад хонликка кўтарилди, учинчи фарзанд Валимуҳаммад эса валиаҳд деб эълон қилинди ва урф-одатга кўра Балхга ноиб этиб жўнатилди. Шундай қилиб, юртимизда янги сулола — аштархонийлар ҳукмронлик қила бошладилар. Бу 1599 йил рўй берди.

\* \* \*

Валимуҳаммадхон чуқур ўйга чўмди. Фалакнинг ўйини жуда ажаб экан. У ёшлигида ҳеч қачон хонликни орзу қилмаган эди. Унинг нияти, нари борса, бирор улусга ҳукмронлик қилиш, адолатли сиёсат юритиш

ва шайбонийзодалар олдида обрў-эътибор қозониш эди. Лекин мана олти йилдирки, акаси Боқиймуҳаммадхон вафот этгандан бери бутун Мовароуннаҳр тож-тахти ўзиники. Аввалига уни валиаҳд деб эълон қилиб, Балхга ноиб этиб юборишди. Сўнг парвардигори оламнинг хоҳиши бирла, яна Бухорога қайтди. Азим мамлакатнинг бойликлари, хазинаси ўзининг азми ихтиёрида. Сандиқ-сандиқ олтинлар, сандиқ-сандиқ дуру-жавохирлар ҳар қандай кимсанинг бошини айлантириб қўяди, буларга эга чиқиш ҳавасини уйғотади, буюк мамлакат одамларига ҳукмронлик қилиш орзусини қўзғатади. Мана, ўз қариндоши Имомқули, жуда аҳмоқ экан, шу кўйга тушибди. Валимуҳаммадхондек кимсанинг кўзини шамғалат қилиб, барча амирларни ўз томонига оғдирибди. Энди суиқасд уюштирмақчи. Ҳозир куч унинг томонида. Нима қилса экан? Бу рақобатчилик беомон. Бунинг устига икки ўғли ҳам нобуд бўлиши мумкин. Лекин Имомқули чучварани хом санабди. Валимуҳаммадхон унинг ўзини янчади.

Кеч тушиб қолганига қарамай, хон хазиначини ва шаҳзодаларни ҳузурига чорлади...

Вақт ярим кечадан ўтар-ўтмас улар қиёфаларини ўзгартириб, бир нечта навкарлар билан бирга шаҳар дарвозаларидан чиқишга улгурдилар...

Сафавийлар давлатининг пойтахти Табриз уларни илиқ кутиб олди. Аббос Сафавийнинг мухташам саройи Валимуҳаммадхоннинг пойи-қадамига мунтазир эканлиги билдирилди. Мовароуннаҳр хони Озарбайжон ва Эрон шоҳи ҳузурига кирди. Валимуҳаммадхон олиб келган ноёб ва қимматбаҳо совғаларини шоҳга топширди. У энг камёб жавохирни алоҳида тортиқ қилди.

— Ҳазратим! Мана бу совға хазинангизнинг кўрки бўлгусидир. Бундай ноёб ёқутни дунё юзида ҳали ҳеч ким кўрмаган. Бу, «Чироғи олам» номи билан донг таратган жавохирдир.

Аббос Сафавийнинг кўзлари чақнади, чеҳрасига табассум югурди.

— Ғоят миннатдорман, олий ҳазрат! — деди у улкан ёқутни қўлига олар экан. — Бунинг юзига ҳарфлар ҳам битмишмилар! Соҳибқирон, Шохруҳ Мирзо, Мирзо Улуғбекларнинг муборак номлари-ку, бу! Ҳа, биз ҳам буюрурмиз. Бу ажойиб дурдона юзига биз ҳам исмимизни битсак, хато бўлмас деб умид қилурмиз...

— Албатта, онҳазрат! — хитоблар эшитилди атрофдан.



Аббосшоҳ сўзларини давом этдирди:

— Олий ҳазрат! Сиз ёрдамга муҳтож бўлиб қолган экансиз, биз буни дариг тутмаюрмиз. Ички душманларингизни енгиб, тож-тахтингизни иншоолло қайтариб олиюрсиз. Давлатларимиз орасидаги муносабатлар келгусида фақат дўстона бўлур, деб умид қилиюрмиз. Истаган кунингиз етарли қўшин ва саркардалар азми-ихтиёрингизда бўлур. Аммо, бирор ҳафта дам олинг, ҳордиқ чиқаринг...

Бу воқеа 1611 йил бўлиб ўтди. «Чироғи олам»га Аббос Сафавийнинг ҳам номи битилди.

Валимуҳаммадхон бошчилигидаги сафавийлар қўшинининг яқинлашиб келаётганини кўрган Бухоро саросимага тушди. Тахтни эгаллаб олган Имомқулихон дарҳол қозоқларга чопар юбориб, ёрдам сўради. Улар қўшин жўнатдилар. Жанг жуда даҳшатли бўлди. Бунда сафавий қўшинлари енгилдилар. Валимуҳаммадхон асир олиниб, ўлдирилди.

\* \* \*

— «Чироғи олам!» Мана, сенинг сафавийлар қўлига тушишингнинг икки тахмини. Қайси бири ҳақиқатга яқин, буни ўқувчиларнинг ўзлари ҳал қилишсин.

\* \* \*

— «Чироғи олам!» Энди сен менга айт. Аббос Сафавий нима учун сендек дунёда ягона жавоҳирни бобурийлар давлати подшоҳига — Жаҳонгиршоҳга тақдим қилган? Ёки бобурийлар сени сафавийлардан тортиб олишганми?

\* \* \*

Аббос Сафавий ўз давлати чегараларини кенгайтиришга, ҳокимиятни мустаҳкамлашга катта аҳамият берган ҳукмдорлардан эди.

Бунинг учун у ҳеч нарсани аямаган.

Мовароуннаҳрдаги аштархонийлар давлати мустаҳкамлангач, у бутун диққат-эътиборини муҳим савдо йўли, бой-бадавлат ўлка маркази ҳамда стратегик аҳамиятга эга бўлган — Ҳандаҳорга қаратди. Бу ўлка у пайтда бобурийларга — Акбаршоҳнинг ўғли Жаҳонгиршоҳга бўйсунарди.

Акбаршоҳ 1605 йил 17 октябрда вафот этди. У ўлими олдидан ўгли Салимни чақириб, шоҳона кийим, салла кийгизди, камарига ўзининг сеvimли ханжарини тақиб қўйди ва шу кундан эътиборан у валиахд эканлигини эълон қилди. Салим шу йил 24 октябрдан Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгиршоҳ номи билан бобурийлар тахтига ўтирди.

Аббос Сафавий 1606 йилда биринчи бор Қандаҳорни эгаллашга уриниб кўрди. Бироқ ҳаракатлари зое кетди. Аббосшоҳ бу билан тинчлана қолмади. Нима қилиб бўлса ҳам ўз мақсадига эришишга интилди...

\* \* \*

Мен жаҳон киносанъати дурдоналаридан ҳисобланмиш, икки катта қисмдан иборат бўлган «Чўқинтирган отахон» («Крестный отец») фильмини 1990 йилда кўрдим. Холливуднинг машҳур кинорежиссёрларидан бири Френсис Копполанинг бу киноасари Марио Пьюзонинг шу номли романи асосида олинган. Фильмда Американинг кучли мафияларидан бири «отахони» ва «валиахди»нинг ҳаёти юксак санъаткорлик билан тасвирлаб берилган. Бу фильм 70-йилларда бутун жаҳонда катта шов-шув ва баҳсларга сабаб бўлганди! (Табиийки, ССЖИ кинопрокати бу дурдонани сотиб олмаган — шўро фуқароларига бундайроқ, олди-қочди, асосийси, арзонроқ фильмлар ҳам бўлаверади.) Бу киноасардан сўз очишимнинг маънисини шуки, «отахон» «тахтини» ўз «валиахди»га тошпираб экан, васият қилади: «Ўғлим, сен дўстларингни ўзингга яқин тут. Душманларингни эса улардан ҳам яқинроқда ушла. Чунки улар нима ҳақда ўйлаётганидан, қандай мақсадларни кўзлаётганидан бохабар бўлиб туришинг керак. Қулай пайт келганда бешафқат ўч ол...»

Аббосшоҳ Френсис Копполанинг бу киноасарини, табиийки, томоша қилмаган. Бироқ унинг қонидаги ҳукмдорлик генлари уни мафия «отахони» — Дон Корнеоле усулини қўллашга ундаган.

\* \* \*

...Элчилар 1611 йили бобурийлар саройига совғасаломлар билан кириб келдилар. Улар бу ташрифларининг сабабини, албатта, икки давлат ўртасидаги дўстона алоқаларни ўрнатиш йўлидаги эзгу қадам деб

кўрсатдилар. Бу ниятнинг самимийлигини исботлаш учун бошқа қимматбаҳо тухфалар қатори «Чироғи оламни» ҳам инъом этдилар... Бу жавоҳир яна темурийлар қўлига ўтди... Аббосшоҳнинг элчиси Аграда икки йил яшади. Атрофни обдон кузатди. Саройидаги гап-сўзлардан, сир-асрорлардан хабардор бўлиб турди. Бобурийлар ҳам дўстона қўл узатиб, 1613 йили ўз вакилларини Табризга юбордилар. Сафавийлар бу билан чекланмадилар. 1615 йилда улар яна ўз одамларини Ҳиндистонга жўнатдилар. Қўп вақт ўтмай, 1617 йил Аббос Сафавий яна ўз элчиларини Жаҳонгиршоҳ ҳузурига жуда катта тухфалар билан юборди. Бироқ Озар ва Эрон элининг подшоҳи бу билан қониқмай, уч йил ўтгач, яна бир қатор одамларни совға-саломлар билан Ҳиндистонга жўнатди. У бу йўл билан икки қуённи урди, яъни, биринчидан, бобурийлар сафавийларнинг муносабати чиндан ҳам самимий эканлигига ишониб қолдилар, иккинчидан, у Ҳиндистондаги ички вазиятдан бохабар бўлиб турди. Бу пайтга келиб, Жаҳонгиршоҳ Қандаҳор ҳимоясига яхши эътибор бермай қўйди, сарой эса ўзаро ички жанжаллар гирдобига тушиб қолди. Бу вазиятдан фойдаланмаслик мумкин эмас эди. 1622 йил Аббосшоҳ кутилмаганда Қандаҳорни қамал қилди ва қирқ беш кун деганда шаҳарни эгаллади!

Жаҳонгиршоҳ ўгли Шоҳ Жаҳонга катта қўшин бериб, Қандаҳорни қайтариб олишни буюрди. Шоҳ Жаҳон эса бетоб ётган отасини ташлаб узоққа кетса, тож-тахтдан ажралиб қолишини ўйлаб, бу фармонга бўйсунмади.

\* \* \*

«Чироғи олам»даги ёзувларнинг  
ўчирилишига доир тахмин.

Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгиршоҳ қаттиқ изтиробда эди. Аббос Сафавийнинг маккорлиги уни қаҳр-ғазабга тўлдирди. Наҳотки инсон шу даражада тилёғлама бўлса?! Ахир, у ҳам мусулмон-ку! Душман барибир душман. Шоҳлар бунни жуда яхши билишлари лозим. Унинг ширин гапларига, совға-саломларига учмаслик керак эди.

Жаҳонгиршоҳ ҳузурига ҳеч кимни киритмасликни буюриб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. У жуда одил подшоҳ деб ном чиқарган эди, бироқ жаҳли чиққанда ҳаддан ташқари қаттиққўл бўлиб кетиши ҳеч гап эмас-

ди — шунинг учун баъзилар унинг ғазабидан чўчинқираб туришарди. Жаҳонгиршоҳ табиатни се-вар, нозик ҳис-туйғуларга бой, адабиёт жони-дили эди. У ўз қўли билан «Тузуки Жаҳонгирий» асарини битарди.

Нихоят, у озроқ чалғиш ниятида қўлига қалам олди. Бироқ, ичини мушук тимдалайверди. Қаламни кўйиб, ўйга чўмди. Дафъатан ёдига жавоҳиротлар тушди. Ҳа, жавоҳирлар жилваси қалбидаги губорни оз бўлса-да, тарқатиши мумкин. У дунёда фақат ўзида мужассамлашган ноёб тошларни вақти-вақти билан томоша қилиб, завқланиб туришни жуда се-варди. Шу заҳотиёқ у хазиначини чақириб, жа-воҳиротларни келтиришни буюрди.

Мана бу «Кўҳи нур!» Яъни, нур тоғи. Бундан таралаётган нозик жилва, сеҳрли кўшиқни қаранг-а! Мана куч, мана қудрат!.. Гўзаллик ҳамиша катта кучдир. Ғоят ноёб тош. Бундаги ажиб нурлар ҳар қандай дилғуборликдан халос қилади, танга қувват, қалбга ишонч бахш этади... Буниси «Чироғи олам»! Жуда антиқа ёқут! Ҳақиқатдан ҳам олам чироғи! Мана, юзасига ёзувлар ҳам битилган: «Буюк Амир Темур-соҳибқирон», «Шоҳруҳ Мирзо», «Мирзо Улуғбек» — барчаси ўзининг бобокалонлари. Ия? Анави итнинг номи не қилиб юрибди бу жойда?! «Аббос Сафавий?!» Бу қандай малъунлик! Ул ному-борак қизилбошнинг номи тезда йўқотилиши лозим!

Жаҳонгиршоҳ хизматга шай бўлиб турган муло-зимга буюрди:

— Тезда сарой заргарини чақир!

Заргар зудлик билан етиб келди.

— Сен манави ёқутдаги лаънати қизилбошнинг номини ўчир! Унинг ўрнига отам Акбаршоҳ ва ме-нинг исм-шарифимни бит. Тезликда!

Жаҳонгиршоҳ шундай дарғазаб қиёфада, кескин буйруқ бердики, заргар бирон бир ортиқча калима дейишга жазм этмади. Фақатгина: «Хўп, бўлади, ҳазратим!», дея олди ва ёқутни олиб, устахонага йўналди.

Эвоҳ! Заргар шоҳ амрини яхши англамай қолган эди. У «Чироғи олам»даги барча ёзувларни ўчирди! Барча ёзувларни ўчирди...

Шундай қилиб, буюк Амир Темур, Шоҳруҳ Мирзо ва Мирзо Улуғбекларнинг муборак номлари буюк ёқут-ни тарк этдилар.

\* \* \*

— Хурматли «Чироғи олам»! Бундан кейин бошингдан нелар кечди? Неларни кўрдинг? Неларни эшитдинг?

\* \* \*

Жаҳонгиршоҳ 1627 йилнинг октябрь ойида вафот этди. Унинг катта ўғли Шоҳ Жаҳон бу пайтда Декан вилоятида жанглар олиб бораётган эди. Шунинг учун унинг укаси Шаҳриёр фурсатдан фойдаланиб тахтни эгаллашга интилди. Бироқ саройдаги юқори мавқели аёнлардан бири, Жаҳонгиршоҳнинг кенжа хотини Нуржаҳонга амаки ва шаҳзода Шоҳ Жаҳонга қайнота бўлмиш Асафхон (унинг қизи Мумтоз Маҳал Шоҳ Жаҳоннинг суюкли хотини эди) бунга халақит берди. Асафхон Жаҳонгиршоҳнинг 1622 йилда вафот этган ўғли Хусравнинг ҳали ёш бўлган фарзанди Давар Бахшни вақтинчалик тахтга ўтқазиб, Шаҳриёрга қарши жангга кирди ва уни қўлга тушириб, кўзларига мил торттирди. Шоҳ Жаҳон етиб келгач, Давар бахш Эронга жўнатилди ва 1628 йилнинг феввалида Шоҳ Жаҳон бобурийлар тахтига ўтирди.

Шоҳ Жаҳон ажойиб ҳукмдор эди. У одил шоҳ сифатида ном чиқарди. 1630 — 1632 йилларда рўй берган Декан ва Гужаратдаги очарчилик пайтида халққа катта ғамхўрлик кўрсатди. Шоҳ Жаҳон антиқа иншоотлар, бинолар қуришга ҳам аҳамият берди. Айниқса, ҳозир ҳам унга ажиб ҳайкал бўлиб хизмат қилаётган мухташам бино — Тоғ Маҳал мақбараси бутун дунёга ҳамisha довруғ солиб келган. Агра шаҳридаги бу мўъжиза унинг хотини Мумтоз Маҳалга атаб қурилган. Бундан ташқари, Деҳлидаги сарой — Девони Омда Шоҳ Жаҳон ўзи учун ажиб бир тахт қурдирди. Буни «Тахти Товус» деб атаганлар. Тахт турли қимматбаҳо жавоҳирлар, шу жумладан «Чироғи олам» ва «Кўҳи нур» билан ҳам безатилган. Шоҳ Жаҳон ҳам «Чироғи олам»га ўз номини ёздирган, лекин Шоҳ Жаҳон деб эмас, балки соҳибқирони Соний, яъни кейинги соҳибқирон деб.

1657 йил 6 сентябрда Шоҳ Жаҳон тўсатдан касал бўлиб, мамлакатни бошқара олмай қолди. Шу кундан бошлаб, буюклик қони гупуриб ураётган фарзандлар орасида тахт учун кураш авж олди. Доро, Шужоъ, Аврангзеб ва Муродларнинг ҳар бирида бунинг учун

етарли куч бор эди. Доро Шоҳ Жаҳоннинг севимли ўғли эди, у валиаҳд деб ҳам эълон қилинганди, бироқ у жангларда чиниқмаган, хавф-хатарларга бош суқмаган, лашкар билан алоқаси аъло даражада эмасди. Кейинги ўғил Шужоҳ ҳукмдорлик тажрибасига эга — у ўн етти йил Бенгалияни бошқарганди, куч-гайратли кимса эди-ю, лекин узоқ чўзилувчи жангларни олиб боролмасди. Учинчи фарзанд Аврангзеб совуққон, тажрибали саркарда ҳисобланар, сарой аёнлари уни кучли шахс сифатида ҳурмат қилишарди. Кенжа ўғил Мурод эса ҳис-ҳаяжонли, гўзаллик ва зиёфатларни хуш кўрувчи, лекин жуда жасур йигит эди.

Жангларда Аврангзеб ўткир қобилиятини намоиш қилиб, тахтни эгаллади. Бу 1659 йил июнь ойида рўй берди. У бироз тузалган отаси Шоҳ Жаҳонни давлат ишларига аралаштирмай қўйди. Шоҳ Жаҳон 1666 йил 22 январда вафот этди.

Аврангзеб шоҳ Оламгир номи билан иш юритди. У 1707 йилгача ҳукмронлик қилди. Унинг номи «Чироғи олам»га 1659 йилда ёзиб қўйилган. Бобурийлар буюк империясининг энг юксалган вақти шоҳ Оламгир даврига тўғри келади. Аврангзебга ҳозирги Ҳиндистон, Бангладеш, Покистон, Афғонистон ва Эроннинг катта бир қисми қарам эди. Шоҳ Оламгир ҳақида солномачилар ҳам, чет эллик саёҳатчилар ҳам фақат яхши гаплар ёзиб қолдиришган. Унинг жуда ўқимишли, билимли кимса бўлгани алоҳида таъкидланган. Айниқса, шоҳнинг «Фатвои Оламгир» асари мусулмон қонунчилигининг ягона китоби сифатида ном қозонган. Ҳиндистонда яқин-яқинларгача шу қонунлардан фойдаланиб келишган. Ҳинд тарихчилари Оламгирни «икки энг буюк бобурийнинг бири» (биринчиси — Акбаршоҳ), деб шарафлашган.

\* \* \*

Аврангзебнинг вафотидан сўнг, бобурийлар тахтига унинг катта ўғли Муаззам олти йил эгалик қилди. У Баҳодиршоҳ номи билан маълум. Баҳодиршоҳ шунча вақт ичида ўз номини «Чироғи олам»га ёздирмади. Сабаби номаълум. У 1712 йилнинг феввалида вафот этди. Тахтга Баҳодиршоҳнинг катта ўғли Жаҳондоршоҳ ўтирди. Бироқ у бир йилгина ҳукмронлик қила олди. У ўзига қарши чиққан амакиваччаси Муҳаммад Фаррух Сайёр қўшини билан жангда маглубиятга учради

ва ўлдирилди. Муҳаммад Фаррух Сайёр Баҳодиршоҳнинг иккинчи ўғли Азим уш-Шоннинг фарзанди эди. Жаҳондоршоҳнинг ҳам номи «Чироғи олам»га битилмаган. 1713—1719 йилларда шоҳлик қилган Фаррух Сайёр ўз исмини бу жавоҳирга ёздирган. Бу ҳукмдор бўшанг, тилёглама ва қўрқоқ одам таассуротини қолдирди. У ҳукумат ишларини тахтга чиқишга ёрдам берган бархлик ака-ука сайидлар — Ҳасан Али ва Ҳусан Алига бериб қўйди. Кейинроқ, уларни саройдан четлаштирмоқчи бўлди, лекин бу курашда енгиб чиқолмади ва ўлдирилди. Натижада тахтга Баҳодиршоҳнинг учинчи ўғли Рафи уш-Шоннинг фарзанди Рафи уд-Даражат Шоҳ Олам номи билан ўтирди. У силга чалинган эди, шунинг учун тез орада вафот этди. Унинг ўрнини эгаллаган укаси Рафи уд-Довла ҳам касалманд бўлиб, бу дунёда кўп яшай олмади. Бу ҳодисалар 1719 йилда рўй берди.

Ниҳоят, Бобурийларнинг буюк империясига Баҳодиршоҳнинг тўртинчи ўғли Жаҳоншоҳнинг фарзанди Равшан Ахтар эгалик қила бошлади. У тарихга Муҳаммад Гўрхон номи билан кирган. Муҳаммадшоҳнинг ҳукмронлиги 1748 йилгача, то вафотига қадар давом этди. Бироқ бу давр буюк Бобурийлар империясининг инқирозга юз тутат бошлаш вақти ҳисобланади. Муҳаммадшоҳ ҳарбий кучларни такомиллаштиришга, мустаҳкамлашга эътибор бермади, кўнгилхушликларга берилди. Атрофига тилёглама одамларнинг йиғилишига йўл қўйди. 1739 йилда ўзи туркий бўлмиш Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ мамлакатга ҳужум қилиб келиб, анча бойликларни талаб кетди.

\* \* \*

Ҳа, бу жуда таниш манзара. Ўтган XIX асрда ҳам Туркистон хонлик, амирликларида худди шундай аҳвол ҳукмрон эди. Улар ҳам ҳарбий кучларни такомиллаштириш, мустаҳкамлашга эътибор қилишмаган. Бўлмаса, замбараклар қуйишни ўрганиш, замонавий қурооларни қўлга киритиш унча мушкул иш эмасди. Пул — маблағ етарли эди. Аммо... Ўзаро ички жанжаллар, очкўзлик, тилёгламалик ва хурофотга ҳаддан ташқари берилиш, уни сиёсий қуроолга айлантириш ҳамда жаҳон илм-фани ютуқларидан баҳраманд бўлишга интилмаслик юртимизни ночор аҳволга солиб қўйган. Ҳозир-чи?

Афсуски, ҳозир ҳам ўшанга ўхшаш манзара. Оми

одамлар кўп. Ҳамон очкўзлик, тилёғламалик мавжуд. Ҳамон динни, у орқали эса ўзини сиёсат майдонига олиб чиқишга интилувчилар бор. Ҳамон халқимиз ёппасига билимга интилмаётир. Очигини айтганда, бунга шароит ҳам йўқ. Оддий одамларнинг асосий мақсади — амаллаб бола-чақа боқиш. Уларни амаллаб уйли-жойли қилиш. Ҳаммаси амаллаб. Шунинг учун қитоб ўқишга, маърифатли бўлишга на вақт бор, на ҳафсала. Ўқиғулик китоблар ҳам кам. Лекин аниқ мақсадли кишиларимиз тобора пайдо бўлиб бормоқда.

\* \* \*

Муҳаммад Гўрхондан сўнг, бобурийлар тахти унинг ўғли Аҳмадшоҳга ўтди. У 1748—1754 йилларда ҳукмронлик қилди. Ундан сўнг Оламгир II (1754—1759 йиллар), Шоҳ Олам II (1759—1806 йиллар), Акбаршоҳ II (1806—1837 йиллар) ва Баҳодиршоҳ II (1837—1857 йиллар) бобурийлар тахти эгаси бўлдилар. Ун тўққизинчи асрнинг бошида инглиз қўшинлари Деҳлини эгалладилар. Ҳиндистоннинг катта қисми Инглизистон мустамлакасига айланди. Буюк Бобурийлар империясининг ерлари анча қисқарди. Бу сулоланинг ҳукмронлиги 1857 йили Баҳодиршоҳ II нинг ҳалокати билан тугади. Шу йили инглизлар хизматидаги ҳинд сипоҳийлари Баҳодиршоҳ II бошчилигида мустамлакачиларни ҳайдаб чиқаришга уришиб, қўзғолон кўтарган эдилар. Бу қўзғолон бостирилди. Иштирокчилар, шу жумладан Баҳодиршоҳ II ҳам замбаракнинг учига боғлаб отилиб, тилка-пора қилиндилар.

\* \* \*

— «Чироғи олам!» Ҳикоянгни бу қисми қалбимга нур сочмади. Фақат менга айт, ахир сени Нодиршоҳ 1739 йилда Исфаҳонга олиб кетган-ку, нега буни баён этмаяпсан?

— Ҳар бир воқеа-ҳодисотда мантиқ бўлиши даркор. Мени узоқ вақтлар қалб қўри билан иситиб, асраб келган бобурийлар тарихини қисқа бўлса ҳам айтиб беришим керак эди. Мана энди кейинги воқеа-ҳодисаларни баён қиламан.



«Бу, Исфаҳонга 1153 йили Ҳиндистондан олиб келинган ёқут шохлар шоҳи Султон соҳибқироннинг йигирма беш минг асл жавоҳиротларидан биридир».

Бу ёзувни Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ 1739 йили (ҳижрий 1153 й.) Ҳиндистонга бостириб бориб, «Буюк Амир Темур ёқути»ни қўлга киритгач, тош юзасига ёздирган. Ана шу битик кейинчалик жавоҳирот тақдирда маълум аҳамият касб этди. Сабаби кейинроқ.

Нодиршоҳ туркий бўлиб, афшар уруғига мансуб. У 1688 йили Хуросондаги Обивард шаҳрида таваллуд топган. Нодирнинг ёшлигидаёқ намоён бўлган ноёб саркардалик истеъдоди, ботирлиги ва зийраклиги, уни юксакларга олиб чиқди. У 1722 йили Обивард ҳокими Бобо Алибекнинг ўнг қўлига айланди. Унга куёв ҳам бўлди. Бобо Алибекни тангри ўз паноҳига чақиргач, Нодир Обивард измини ўз қўлига олди. Кўп ўтмай, Хуросон ҳукмдори Малик Маҳмудхон хизматига кирди. 1726 йилда сафавийлар сулоласининг энг охириги шоҳ Таҳмосибга бу ажойиб саркарда жуда ёқиб қолди. Шоҳ Нодирни ўз хизматига олиб, унга Таҳмосибқулихон деган янги ном берди. Сўнг унга мамлакатга тажовуз қилаётган афғон уруғларининг адабини бериб қўйишни топширди. Нодир 1729 йилда Хуросонга келиб ўрнашиб олган афғонларни жангда енгди, бироқ 1730 йили Эронга қайтиб кетди. Бунга усмонли туркларнинг сафавийлар ерига ҳужум қилгани сабаб бўлди. Афғонларнинг абдали уруғи ҳокими Зулфиқорхон фурсатдан фойдаланиб, яна Ҳиротни эгаллади ва ўзини шаҳар ҳокими деб эълон қилди. Нодир орқага қайтишга мажбур бўлди. У ўттиз минг аскар билан яна Ҳиротга ҳужум қилди ва уни эгаллади. Зулфиқорхон Нодирнинг кучини яхши билгани учун, ҳокимликни ўзига қарши фитна тайёрлаётган Оллоёрхонга топшириб, Қандаҳорга кетишга улгурди. Бироқ Қандаҳор ҳокими Ҳусайншоҳга Оллоёрхоннинг мағлубияти хабари етиб келгач, у Зулфиқорхондан шубҳаланиб, уни ва укаси Аҳмадхонни зиндонга ташлатди. Аҳмадхон ўз акасидан йигирма беш ёш кичик бўлиб, онаси бошқа эди.

Нодир Ҳиротни қайтадан олаётган бу вақтда Таҳмосиб Сафавий усмонлилар билан шундай бир сулҳ туздики, у кўпчиликнинг, шу жумладан Нодирнинг ҳам гашини келтирди. 1732 йилда Нодир Исфаҳонга келди ва барча саркарда аъёнларни йигиб, қурултой ўтказди.

Қурултой Таҳмосибни тахтан туширишга, унинг саккиз ойлик ўгли Аббосни шоҳ деб эълон қилишга қарор қилди. Нодир эса Аббос III номидан иш юритишни ўз зиммасига олди.

У ҳукмронлигини жуда муваффақиятли бошлади. 1733—1735 йилларда Туркия билан зафарли кураш олиб борди. Кавказ, Каспий олди ерларидан рус солдатларини қувиб чиқарди. Шервонга (ҳозирги шўро Озарбайжони) укаси Иброҳимхонни ҳоким қилиб тайинлади. Эроннинг барча тарихий ерларини ўзига бўйсундирди. 1736 йили Муғон чўлида Катта қурултой чақирилди. Қурултойга йигилган барча саркардалар, сарой аёнлари, дин пешволари буюк ишлар қилаётган Нодирдан Эрон тахтини расман эгаллашни илтимос қилдилар. Нодир бунга дарҳол рози бўлмади, шарт қўйди. (Аксарин китобларда бу жуда ҳайратланарли шарт ҳақида ёзилмаган.) Унинг шарти мазмуни шу эдики, барча шиа мазҳабидаги олий ва оддий кишилар суннийликни қабул қилишлари лозим. Фақат шундагина Нодир тахтга ўтириш азобини тортишга розидир. Ҳеч ким бу шартга қарши чиқмади ва 8 март куни Нодирга тож кийдирилди. Бу воқеа Нодиршоҳнинг буюк саркардагина эмас, катта сиёсатдон эканлигини ҳам кўрсатди.

1736 йилнинг ноябрь ойида Нодиршоҳ Қандаҳор томон йўлга тушди. Бу вилоят асрлар давомида бобурийлар ва сафавийлар ўртасида талаш бўлиб келарди. Бу пайтда у афғонлар қўлида эди. У ерда 1709 йилдан буён афғон Ҳусайншоҳ ҳукмдорлик қиларди. (Бу шаҳар бизнинг давримизда ҳам катта жанглар масканига айлангани ёдингиздадир?) Нодиршоҳ Қандаҳорни узоқ вақт қамал қилиб, 1738 йилнинг март ойида қўлга киритди. Май ойида эса Ҳинд сари юзланди.

\* \* \*

Бобурий Муҳаммад Гўрхон ҳокимияти, айтиб ўтилганидек, бўш-баёвгина эди. Нодиршоҳ, ҳаттоки, Муҳаммадшоҳ қўшинларининг кучсизлигини, ландовурлигини кўриб ҳайратга тушганди. Сарой аёнларининг тил-ёғлама, бекбурдлигидан жаҳли чиққанди. У Муҳаммадшоҳга бундай аёнлардан, хусусан Низом ул-Мулк ва Саодатхондан воз кечиш лозим, деган маслаҳатни ҳам берган эди.

Нодиршоҳ Деҳлига яқинлашгунча жиддий қаршиликка учрамади. У Панжоб вилоятини эгаллагачгина,

Низом ул-Мулк бошчилигидаги Муҳаммадшоҳ қўшинлари Қарнал қалъасида мустаҳкамландилар. Нодиршоҳ бу қўшин билан жангга киришмади, айланиб ўтиб, Панипатни олди ва Деҳли билан Қарнал ўртасидаги алоқани узди. Фақат шундан сўнг, икки қўшин ўртасида жанг бошланди. Нодиршоҳда эллик беш минг жангчи, бобурийларда етмиш беш минглик лашкар бор эди. Жанг уч соат давом этди, бунда асосан ҳиндлар емиш бўлдилар, улардан саккиз минг киши ҳалок бўлди. Шундан кейин томонлар сулҳ тузишга келишдилар. Бобурийлар беш миллион рупий тўлашга, Нодиршоҳ эса бу пул эвазига ўз қўшинини олиб чиқиб кетишга рози бўлдилар. Аммо Муҳаммадшоҳ саройидаги ғаламислик бу сулҳни бузди. Айни шу кунларда бобурийлар саройининг Мир Бахшиси Хон Даврон вафот этиб, унинг ўрнига Низом ул-Мулkning катта ўғли ўтқазилади ва Нодиршоҳ қароргоҳида гаровга ушлаб турилган бошқа аъён, асли нишопурлик Саодатхоннинг бунга ғайирлиги келади. У Нодиршоҳ қабулига киришни сўрайди.

\* \* \*

— Ҳазрат!— деди Саодатхон тиз чўкиб, бошини эгиб таъзим қилар экан.— Сиз Ҳиндистондан арзимас ўлжа билан кетаётирсиз!

— Наҳотки?

Нодиршоҳнинг қовоқлари уюлди. «Бу қанақаси бўлди? Мени чалғитишмоқчими? Қани эшитайликчи», кўнглидан ўтказди у.

— Гашираверинг, тортинманг, мухтарам Саодатхон!

Саодатхон илтижоли, муте ва айни пайтда очкўзлик, алам ялтираётган кўзларини Нодиршоҳга тикди.

— Ҳазратим! Сиз Деҳлига кирмай, чакки иш қияпсиз! Сизга ваъда қилинган беш миллион рупий ҳам ўлжа бўлибдими? Деҳли хазинасидан кам деганда икки юз миллион рупийлик тилла оласиз. У ердаги жавохиротлар эса, оламда ягона. «Кўҳи нур» олмоси ҳақида эшитмаганмисиз? «Чироғи олам»дек ёқут ер юзида ягона! «Шоҳ» деб номланган яхлит олмос эса жуда ажиб. Шундай жавохиротларни ташлаб кетаверасизми?

Нодиршоҳ ҳайрат оғушига чўмди. «Наҳотки! Бу малъун алдамаётирми? Мақсади не? Агар бунинг гап-

лари чин бўлса, шунча бойликни индамай ташлаб кета-  
вериш ҳам аҳмоқлик».

— Муҳтарам Саодатхон! Мен ғоят ҳайратдаман. Не-  
га сиз шохингизга хиёнат қилиб, мени яна жангга  
ундаётирсиз? Мақсадингиз не?

— Ҳазратим, Муҳаммадшоҳ бутунлай Низом ул-  
Мулк измига тушиб қолган. Биздек содиқ, меҳнаткаш  
аъёнларнинг чеккан заҳматлари инобатга олинмай,  
обрў-эътиборларимиз топталаётир. Шу боис мен сиз-  
нинг буюк жасоратли ва баҳодирликда ягона сиймоин-  
гизни кўриб, хизматингизга ўтгали шайландим. Шо-  
ядким, ушбу хизматим туфайли, сиз Муҳаммад Гўрхон-  
ни янчганингиздан сўнг менга лойиқ бир мансаб  
берсангиз, сизга итдек содиқ аён бўлиб қолар эдим.  
Менинг асл Ватаним ҳам Эрондир.

Нодиршоҳ яна ўйга чўмди. Ўз пирига содиқ бўлма-  
ган кимса, бошқа бировга вафодор бўлармиди.

— Муҳтарам Саодатхон! Қимматли маълумотингиз  
учун ташаккур. Биз албатта Дехлига кирамиз, осори-  
اتيқаларни томоша қиламиз. Ўзимизга аталган тухфа-  
ларни оламиз. Лекин Муҳаммадшоҳни янчиш менинг  
дилимда йўқдир. Ул зот шоҳлар шоҳи Султон со-  
ҳибқирон авлодидандирлар. Дини Ислом йўлида улкан  
хизматлар қилган буюк темурийлар сулоласини туга-  
тишни истамасмен. Тарихда бундай ном қолдириш асло  
жоиз эрмас... Сиз кўрсатган хизматингизга миннатдор-  
чилик рамзи сифатида тухфамизни қабул этинг.— Но-  
диршоҳ ўз мулозимларига ўгирилди.— Зарбоф чопон!

Саодатхоннинг елкасига зарбоф чопон ёпилди. У ин-  
дамай таъзим қилди-да: «Куллуқ, ҳазрат!» — дея  
орқаси билан юриб, қароргоҳни тарк этди.

Бир неча кундан сўнг Нодиршоҳ Муҳаммад Гўрхон-  
ни ўз қароргоҳига таклиф қилиб, меҳмондорчилик  
уюштирди. Меҳмондорчиликдан сўнг қисқа музокара  
бўлиб ўтди. Шундан кейин икки шоҳ вакили ҳинд  
кўшинларига яқинлашиб, янги сулҳ тузилганлигини,  
ҳамма тарқалиши мумкинлигини айтишди. Ҳиндлар  
уйларига равона бўлдилар. Нодиршоҳ меҳмонларни ку-  
затар экан, яқин кунларда Дехлини зиёрат қилиш ния-  
тида эканлигини айтди.

1739 йил 20 март куни у Дехлига кириб борди. Уни  
катта дабдаба билан кутиб олдилар.

Бир неча кун аввалги музокарадан икки шоҳнинг  
қандай суҳбат қурганлари менга номаълум, бироқ  
Дехлидаги учрашувда Нодиршоҳ Муҳаммад Гўрхонни

Ҳиндистон ҳукмдори сифатида тан олишни эълон қилди. Муҳаммадшоҳ эса миннатдорчилик билдириб, сарой хазинасидаги олтин-кумушлар ва жавоҳиротларни Эрон шоҳига инъом этди. 21 март куни бомдод намозида эса Нодиршоҳнинг номи хутбага қўшиб ўқилди.

Нодиршоҳ Ҳиндистондан олтин, кумуш ва жавоҳиротларни қўшиб ҳисоблаганда етти юз миллион рупийлик ўлжа олиб қайтди. Бобурийларнинг ғарбий ерлари унинг давлатига қўшиб олинди.

Шундай қилиб «Кўҳи нур», «Шоҳ» олмослари, «Чироғи олам» ёқути Исфаҳонга қараб йўл олди. Шу билан «Буюк Амир Темур ёқути» темурийлар қўлидан бир умрга кетди. (Балки, бутун умрга эмасдир. Тошнинг ҳаёти чексиз. Келажакка ким кафолат беради?)

\* \* \*

— Эй, ёқутлар ёқути «Чироғи олам»! Энди юзингга битилган энг охириги исм эгаси — Аҳмадшоҳ Дурроний ҳақида сўзлаб бер. Сенга қачон ва қандай қилиб афғон халқини давлатли қилган, Афғонистон деган юртни равнақ топтирган зот номини муҳрлашди?

\* \* \*

Нодиршоҳ Ҳиндистонга юриш қилишдан олдин, 1738 йилда Қандаҳорни эгаллагани сизга маълум. У шароитни ўрганиб чиқиб, афғонларнинг ҳеч бир намояндасини жазоламади, фақат ишончга сазовор бўлолмаган саркарда Саидал Носирийнинг кўзларига мил торттирди. Саккиз йилдан бери зиндонда ётган Ҳирот ҳокими Зулфиқорхон ва унинг укаси Аҳмадхонни озод қилди. Зулфиқорхоннинг кучли шахс эканлигини билгани учун унга мол-мулк бериб, Мозандаронга жўнатди. Аҳмадхон ҳам акаси билан кетишга буйруқ олди.

Нодиршоҳ Ҳинд сафаридан қайтаётиб, ўз она Ватани Хуросонга қўнди. Ғалаба билан келаётган буюк шоҳни қутлаш учун Хуросоннинг барча сардорлари, давлат аёнлари унга пешвоз чиқдилар. Улар орасида Мозандарондан етиб келган ўн саккиз яшар Аҳмадхон ҳам бор эди.

Нодиршоҳ Ҳиротда дам олар экан, янги бир юриш ҳақидаги ўй унга тинчлик бермай қўйди. Мана, у усмонлиларнинг адабини берди — яқин орада бош суқишмайди, ўрисларни Каспий бўйларидадан ҳайдади — у ерлардаги мусулмонлар жуда миннатдор, Ҳинддан катта ўлжа олиб қайтди — ўзларидан кўришсин. Афғон юрти ҳам ўзиники — одамлари унга садоқатли чикди. Энди бир Бухоро-ю, Хевага ташриф буюриб, Нодиршоҳнинг кучини кўрсатиб қўйса, давлатининг чегаралари анча кенгайрди. Бунга қувват етарли. Лашкар жангга шай. Янги-янги ўлжалар иштиёқида ёниб турибди. Қўшилган афғон жангчилари ҳам катта куч. Саркарда афғон Нурмуҳаммад Хилзой уларни яхши бошқаради. Унга ёрдамчилар ҳам зарур. Ўзи топа қолсин. Аммо, барибир, уларни назардан ўтказиш лозим. Ҳа, айтгандай, Аҳмадхонни ҳам унутмаслик керак. Насл-насабли. Яхши тарбия олган.

Нодиршоҳ ҳузурига Нурмуҳаммад Хилзойни чақириб, у билан суҳбат қуриб бўлгач, мулозимларга буюрди:

— Аҳмадхонни йўқланг!

Аҳмадхон кириб салом берди-да, таъзим қилди.

— Сизнинг ажойиб, ботир йигит эканлигингиздан хабарим бор. — деди Нодиршоҳ. — Шу боис, мен сизни афғон қўшини бўлинмаларининг бирига бошлиқ қилиб тайинлашни лозим топдим.

— Қуллуқ, ҳазратим! Ўла-ўлгунимча хизматингиздадирман. Ишончингизни шараф билан оқлашга инти-лурман!

Нодиршоҳ ўт-оловдек ёниб, асов отдек пишқириб турган, айни кучга кирган бу йигитга қараб жилмайди.

— Биз яқин вақтларда Бухоро томон юриш қиламиз. Агар жангларда шижоат ва матонат кўрсатсангиз, мавқеингиз янада ошадир.

— Қуллуқ, ҳазратим!

Аҳмадхон фақат Бухоро юришида эмас, Арманистонни забт этишда, Доғистондан кофирларни қувиш жангларида ҳам юксак маҳорат ва жасурлик кўрсатдики, натижада у Нодиршоҳнинг энг ишончли кишилари-дан бирига айланди. У афғонларнинг абдали қабиласи

жангчиларигагина эмас, ўзбек отлиқ аскарларига ҳам қўмондонлик қила бошлади.

1747 йилга келиб, Нодиршоҳнинг сиёсати баъзи эроний намоёндаларга хуш келмай қолди. Буни сезган Нодиршоҳ ўзига кўпроқ афғонларни — Нурмуҳаммад Хилзой ва Аҳмадхон Абдалини яқин ола бошлади. Бу эса эронийларнинг янада гашини келтирди. Улар Нодиршоҳни йўқотиш пайига тушдилар. Бундан хабар топган шоҳ уларнинг баъзиларини жазолашга қарор қилди. Лекин улгурмади. 1747 йил 20 июнда, қўзғолон кўтарган курдларни тинчитиш вақтида, Фатхобод яқинидаги тепаликка қароргоҳ қурган Нодиршоҳ ўлдирилди. (Бу тепалик ҳозир ҳам Нодиртепа деб аталади.) Бундан хабар топган қўшиннинг эроний қисми ғалаёнга келиб, Нодиршоҳнинг доимо ўзи билан олиб юривчи ҳарам ва хазинасини талаш мақсадига тушдилар. Лекин Аҳмадхон Амири Афғон даражасини олган Нурмуҳаммад Хилзойнинг барча афғон жангчиларига ва ўзбек отлиқ аскарларига таяниб, Нодиршоҳнинг ҳарамини таровдан сақлаб қолди. Эронликлар жасур ўзбек ва афғон лашкарларига қарши чиқишга жазм қила олмадилар. Бундан миннатдор бўлган Нодиршоҳнинг севикли хотини Аҳмадхонга ўз ҳурматини изҳор этиб, совғалар жўнатди. Во ажаб! Бу туҳфалар ичида оламга донг таратган «Кўҳи нур» ва «Чироғи олам» бор эди!..

\* \* \*

Мен бу маълумотдан ҳайратга тушдим. Менинг ҳаёт тажрибам, ўқиганларим, кузатишларим кўпинча садоқат ва жасурлик, пирига бўлган ҳурмат ва эътиқод каби хусусиятларнинг бундай даражада тақдирланишини кўрсатмагани. Аксарият, макр-ҳийла, хиёнат, зўравонлик ғалаба қилишини кузатгандим. Нега бу ерда ҳаётнинг аччиқ қонунини ўз кучини ишлатмади? Малика икки оғиз миннатдорчилик номасини юборса ҳам бўларди-ку. Мулоҳаза қилиб кўрсам, ҳаётдаги ҳар бир қонуннинг бажарилишида худди физика қонунларига монанд, маълум бир чегаралар мавжуд экан. Агар ана шундай чегаравий шартлар аввалдан киритилиб, унга қатъий амал қилинса, керакли натижани олишинг мумкин экан. Ушбу ҳодисотда Аҳмадхоннинг кўнгли поклиги, садоқати, эътиқоди ва пирининг олижаноблиги, насл-насаблилиги чегаравий шартлардир.

Аҳмадхон бундан кейин ҳам янада буюк ишларни

амалга оширди. Уни ҳақиқатдан ҳам пирининг руҳи қўллади.

\* \* \*

Нодиршоҳнинг ўлиmidан сўнг, Аҳмадхон ва Амири Афғон Нурмуҳаммад Хилзой Эроннинг ички ишларига аралашини истамай, барча қўшинлари билан Қандаҳорга қайтдилар ва мустақил афғон давлатини тузишга қарор қилдилар. Олдинда Афғонистоннинг подшоҳини сайлаш муаммоси кўндаланг бўлиб турарди. Бунинг учун Қандаҳорга барча афғон қабилаларининг сардорлари жирғага йиғилдилар.

Жирға ўн кун мобайнида бир қарорга келолмади. Сайланувчи подшоҳ қатнашувчиларнинг ярмидан кўпини эмас, ҳаммани қаноатлантириши керак эди. Кўпгина йирик қабилаларнинг бошлиқлари, хусусан, Нурмуҳаммад Хилзой ҳам ўз номзодларини ўтказолмадилар. Шунча кун мобайнида Аҳмадхон ўз номзоди ҳақида чурқ этиб оғиз очмади. Бироқ ўнинчи кун қатнашувчиларнинг бири — Қобул ҳокими Собиршоҳ Аҳмадхонни подшоҳ этиб сайлашни таклиф қилди. «У,— деди Собиршоҳ,— қалби пок инсон, катта ҳарбий ва ҳаётий тажрибага эга!» Бу таклифга ҳеч ким қарши фикр айтолмади. Шундай қилиб, йигирма беш ёшли Аҳмадхон Афғонистон подшоси қилиб сайланди. Бу 1747 йил октябр ойида содир бўлди.

Аҳмадшоҳнинг номи фақат «Чироғи олам»нинг ёниқ юзидагина эмас, Афғонистоннинг, бутун Ўрта Осиёнинг тарихида ҳам ўчмас из қолдирди. Ўша даврдан бери Афғонистон ўз мустақиллигини йўқотмади.

Аҳмадшоҳ ажойиб инсон бўлгани учун Дури Даврон, кейинчалик Дурроний деб аталди. У афғон подшоҳларининг дурронийлар сулоласини вужудга келтирди. Аҳмадшоҳ Дурроний 1773 йили вафот этиб, ўзидан сўнг қирқ миллион аҳолиси, катта хазинаси ва кучли қўшини бўлган давлатни ўгли Темуршоҳга қолдирди.

\* \* \*

— Муҳтарам «Буюк Амир Темур ёқути!» Энди айтчи, сен қандай қилиб ўз Ватанингдан, Амир Темур авлодларидан узоқдаги Инглизистон юртига бориб қолдинг?



\* \* \*

Темуршоҳ Дурроний пойтахтни Қандаҳордан Қобулга кўчирди. Хазина, шу жумладан «Кўҳи нур» ва «Чироғи олам» ҳам у ерга олиб кетилди.

1793 йили Темуршоҳ вафот этди. Тахтга унинг йигирма уч ўглининг бешинчиси Замон Мирзо ўтирди. Шу вақтдан Дурронийлар давлатида нотинчлик ҳукм сура бошлади. Панжоб вилояти қўлдан кетди. У сикхларга қарам бўлиб қолди. 1799 йили Замоншоҳ ўн тўққиз ёшли сикх рожаси Ранжит Сингх билан кўшилиб, Панжобни қайта эгаллашга уринди, лекин натижага эришолмади. Ранжит Сингх эса Лоҳурни забт этишга муваффақ бўлди. Замон Мирзонинг ҳукмдорлиги узоққа чўзилмади, 1800 йили укаси Маҳмуд уни тахтдан қулатиб, кўзларига мил торттирди. Бироқ уч йил ўтгач, у ҳам бошқа ука — Шужоъ ул-Мулк томонидан ағдарилди. Шужоъ ул-Мулкни халқ ва сарой аҳли унча хуш кўрмади. Зийраклик, хушёрлик каби хислатлар унга ёт эди. Тез орада хазина ҳам бўшаб қолди. Натижада, 1813 йили сарой аёнлари тахтга яна қайта Маҳмудни чиқардилар. Шужоъ ул-Мулк Лоҳурга қочишга мажбур бўлди. У ўзи билан барча жавоҳирларни, хусусан «Кўҳи нур» ва «Чироғи олам»ни ҳам олиб кетди. Шужоъ ул-Мулк кўп йиллар Ранжит Сингх паноҳида яшади. Вақти келиб, сикх рожаси Шужоъ ул-Мулкнинг жавоҳирларидан хабар топди ва бошпана эвазига уларни ўзига беришни талаб қилди.

\* \* \*

Шужоъ ул-Мулк рози бўлмади. Бу жавоҳирлардан ажраш — омад ва бахтдан ажраш демак эди.

— Марҳаматли рожа, афсуски, сиз мендан бажариш мумкин бўлмаган ишни сўраяпсиз. Мен сизга жонимни беришга тайёрман, лекин «Кўҳи нур» ва «Чироғи олам»ни беролмайман.

Ранжит Сингх ғазабланди. «Бу қандай кўрнамаклик! Мен унинг ҳаётини сақлаб қолган бўлсам, бошпана бериб, шоҳона турмуш кечиришига барча имкониятларни яратсам-у, у мендан жавоҳирларни қизганса?! Йўқ, бу кўрнамакдан ноёб жавоҳирларни куч билан бўлса-да, тортиб олиш керак».

— Олийзот Шужоъ ул-Мулк! Биз ахир дўстмиз. Менинг уйим — сизнинг уйингиз. Менинг бойлигим,

қудратим — сизнинг ҳам бойлигингиз, куч-қудратингиздир. Наҳотки, сиз ўз дўстингиздан қандайдир жавоҳирларни аясангиз?

Шужоъ ул-Мулк бошини ҳам қилди.

— Минг бор узр, марҳаматли рожа! Бу жавоҳиротлар бобом Аҳмадшоҳдан эсдалиқдир. Тошлар бобомизга омад ва бахт келтирган, таналарига куч, қувонч, ўзларига бардамлик бахш этган. Ул киши йигитлик чоғларидаёқ Афғонистон шоҳи этиб сайланганлар. Жавоҳиротларнинг вақти келиб менга ҳам омад, куч-қудрат келтиришига ишонаман. Уларни йўқотиш — ўзлимни йўқотишдир. Майли, истаган бошқа жавоҳирларни олинг. Лекин, бу икки тошни асло ҳадя этолмайман...

Рожанинг тошларга бўлган ҳаваси янада ортди. Демак, «Кўҳи нур» ва «Чироғи олам» ноёб жавоҳиргина эмас, сеҳрли хусусиятга ҳам эга экан-да! У ҳолда уларни албатта тортиб олиш зарур.

— Олийзот Шужоъ ул-Мулк! Гапларингиз дилимни юмшатди. Аммо, айтинг-чи, уларга назар ташлаш ҳам мумкин эмасми?

— Марҳаматли рожа! Келинг, шу тошлар ҳақида сўзлашмайлик.

Ранжит Сингхнинг газаби қайнади.

— Олийзот Шужоъ ул-Мулк! Тузни ичиб, тузлуққа тупурманг! Жавоҳирларни қаерга яширгансиз!?

— Афсуски, марҳаматли рожа, бу нарсани айтолмайман.

Ранжит Сингх мулозимларига ўтирилди. Унинг қорача юзи янада қорайиб кетганди.

— Мана бу кўрнамакни зиндонга ташланг! Овқат ва сув берманг!

Шужоъ ул-Мулк банди қилиб олиб чиқиб кетилди.

Икки кун ўтгач, ҳолсизланиб қолган Шужоъ ул-Мулк яна рожа ҳузурига келтирилди.

— Хўш, олийзот Шужоъ ул-Мулк, энди айтарсиз, жавоҳирларнинг қаердалигини. Огоҳлантириб қўяй, агар яна ўжарлик қилсангиз, мулозимларимга буюраман, сизни ўласи қилиб калтаклашади.

Шужоъ ул-Мулк киртайиб қолган нурсиз кўзларини унга тикди. Сувсизликдан ёрилган лабларини қимтиди.

— Марҳаматли рожа, майли калтаклатинг...

Рожа мулозимларга имлади. Улар шу заҳотиёқ

қувгин қилинган афгон шоҳини олиб чиқиб, роса кал-таклашди. Сўнг рожа хузурига судраб келишди.

Ранжит Сингх Шужоъ ул-Мулкка яқинлашди.

— Нега? — деди у даргазаб оҳангда. — Нега айтмаётирсиз? Ахир ўлиб кетасиз-ку!

Шужоъ ул-Мулк ўзи нариги дунёга равона бўлса, рожа жавоҳирларни топа олмаслигини билар эди. Ранжит уни ўлдиролмайди. Шунинг учун кўзларини юмиб очди. Бу, «майли, ўлсам ўлақолай», дегани эди. Рожа буни яхши англади ва бошқача қарорга келди.

— Олийзот Шужоъ ул-Мулк! Энди ўзингиздан кўринг! Сизни ўлдиртирмайман, лекин жазосиз ҳам қолдирмайман. Мен сизнинг кўзларингизга мил торттираман. Шундан кейин кўрасиз, ўша жавоҳиротлар сизга қандай омад ва бахт келтиришини! — Ранжит Сингх мулозимларга ўгирилди. — Жаллод! Айтинг, бунинг кўзларини ўйсин!

Жаллод ҳозир бўлди. Милни ушлаб, Шужоъ ул-Мулк кўзларини ўзига қаратди. Айни шу дамда қувғиндаги шоҳ базўр сўз қотди:

— Тўхта... Рожани чақир... Айтаман...

Шундай қилиб, «Кўҳи нур» ва «Чироғи олам» сикх рожаси Ранжит Сингхга ўтиб қолди. Шужоъ ул-Мулк эса инглизлар томонидан забт этилган ерларга — Лудхианага кетди. Улар қувғиндаги шоҳга бошпана бериб, нафақа тайинладилар.

\* \* \*

Ранжит Сингх ўз ерларини то 1823 йилгача кенгайтириб борди. Балки чиндан ҳам унга жавоҳиротлар омад ва қудрат бағишлагандир?! Бироқ у инглизлар босиб олган ерларни тортиб ололмади. У афгонлардан Кашмирни, Пешоварни олди, холос. Унинг давлати кенгайиб, анча мустаҳкамланди.

Ранжит Сингх 1839 йил 27 июнда вафот этди. Унинг валиаҳди Кхаран Сингх узоқ вақт подшоҳлик қилолмади, 1840 йилнинг ноябрида оламдан ўтди. Тахтга Ранжит Сингхнинг иккинчи ўғли Шер Сингх ўтирди. У 1843 йилнинг сентябрь ойидаги ички тўполонларда ўлдирилди. Шундан сўнг тахтга Ранжит Сингхнинг энг кичик фарзанди олти ёшлик Далип Сингх ўтқазилди.

Бу вақтда мустамлакачи инглизларнинг Ҳиндистондаги кучлари ошиб бормоқда эди. Уларнинг босқинчи қўшинлари Панжобни ҳам истило қилишга узоқ ури-

нишди. Ва ниҳоят, иккинчи сикх урушидан сўнг, 1849 йилда Лоҳур эгалланди. Ун икки ёшли рожа Далип Сингх бир умрлик пенсия эвазига тахтдан ва хазинадан, шу жумладан, жавоҳиротлардан воз кечиш «сулҳи»га қўл қўйишга мажбур этилди. Шундай қилиб, «Кўҳи нур» ва «Чироғи олам» инглизларнинг мустамлакачи Ост-Инд компанияси қўлига ўтди.

Бу компаниянинг мутахассислари «Чироғи олам»нинг ўта ноёб тош эканлигини англай олмадилар. Улар асосан «Кўҳи нур»га эътибор қилиб, уни Инглизистон қироличаси Викторияга туҳфа этдилар. Кейинчалик, 1851 йилда Инглизистоннинг пойтахти Лондонда барча талон-тарож қилинган жавоҳирларнинг катта кўргазмаси уюштирилди. У ерга қўйилган «Чироғи олам»га мана бундай изоҳ берилганди: «Тўртта катта шпинель-ёқутдан иборат тақинчоқ». Шундай қилиб, «Чироғи олам»нинг ўзи ҳам, номи ҳам бир неча ўн йилликларга унут бўлиб кетди.

Орадан олтмиш йилдан кўпроқ вақт ўтди. 1912 йили улкан ёқутдаги ёзувлар инглиз жавоҳиршуноси Жеймс Херберт Смитнинг диққатини ўзига тортди. Ундаги энг йирик битикларни арабча алифбони билувчиларга ўқитиб кўрди. Таржима қилдирди. Унда: «Бу, Исфаҳонга 1153 йил Ҳиндистондан олиб келинган ёқут, шоҳлар шоҳи Султон соҳибқироннинг йигирма беш минг асл жавоҳиротларидан биридир», деб ёзилганди. «Демак, бу ёқут Буюк Амир Темурнинг жавоҳири экан», деган хулосага келди жавоҳиршунос ва уни шу ном билан атай бошлади. Нодиршоҳнинг битиги ёқутга янги ном берилишига сабаб бўлди. Кейинчалик унинг дунёга машҳур «Чироғи олам» эканлиги аниқланди. Ҳозир ҳам у Ғарбда «Буюк Амир Темур ёқути» деб аталиб келинади.

«Чироғи олам» тарихидаги яна бир диққатга сазовор жой шундаки, у «Кўҳи нур» билан 1612 йилдан бери «ажралмас дўст» сифатида «саёҳат» қилган.

\* \* \*

«Буюк Амир Темур ёқути»нинг ҳикояси тугади. Мен унга миннатдорчилик билдириб, сертуман Альбион, яъни Британия оролини тарк этдим. «Чироғи олам» билан хайрлашиш огир бўлди. «Мени ҳам Буюк Амир Темур авлодлари яшаётган серқуёш, ёруғ, нурли ўлкангга олиб кет!... илтимос қилди у компьютер экра-

ни орқали.— Мен олам чироғи бўлганим билан, ёруғ нурларни тўйиб эмиб турмасам, позик жилолар таратолмайман». «Афсуски,— дедим мен,— биз Буюк Амир Темурга муносиб авлод эмасмиз. Сени ҳам асрай олмаганмиз. Бу пешона эмас, кўргилиқдир. Биз келгуси авлодлар олдида ҳам жазога мустаҳқиқмиз. Мени кечир, сени олиб кетолмайман. Аммо менинг қалбим, бу сатрлардан сенинг мавжудлигингни билган халқимнинг қалби ҳам сен билан бирга бўлади. Сенга эгалик қилишга, маънавий ожизлигимиз туфайли асло ҳаққимиз йўқ. Лекин келажакдан умидим бор...»

Шундан сўнг, бобокалонларим ва ўзимнинг юртим Тошканди Азимга қайтдим.

\* \* \*

Ёзиб олган маълумотларим, кечинмаларим битилган қоғозларга тикилдим ва бундан кўп фойда йўқлигини англадим. Ўзимнинг ўтган ҳаётим кўз олдимда туриб қолди.

Мен нимани ният қилган, қандай мақсадга интилган бўлсам, ўшанга эришяпман. Бироқ бу нарсаларнинг бари осонлик билан амалга ошаётгани йўқ. Орзуларим кечикиб ушалапти. Вақт кўп кетяпти. Умр ўтмоқда. Аммо ўзимни овутишим мумкин: ҳеч бўлмагандан кўра, кеч бўлгани ҳам дуруст.

Мен ўз халқимнинг бир заррасиман. Унинг бир вакилиман. Халқимга тегишли нуқсонларнинг ва фазилатларнинг бир қисми менинг қонимда ҳам бор. Балки, мендаги ҳолат, ҳаётимнинг кечиши ҳам халқимдаги ҳолатнинг бир инъикосидир. Ахир халқим ҳам, баъзи кишиларнинг — уларни инсон деб аташ ҳам қийин — ўз кичик мақсадлари йўлида катта бир халқнинг меҳнатини рўёбга чиқаришга тўсиқлар қўйишига, унинг ўтаётган умрини сариқ чақага ҳам олмаслигига гувоҳ бўлди-ку. Агар халқ билан шахс ўртасидаги мен айтган алоқанинг озми-кўпми мавжудлигини ҳаёт қонуни деб ҳисобласак, демак халқим кишанланган иродасини, куч-қувватини тиклаб олиб, тўрларни парчаласа, охир-оқибат, ҳеч бўлмагандан кўра, кеч бўлсада, «Буюк Амир Темур ёқути» ёхуд «Чироғи олам»га яна эгалик қилар?!

**С 78 Сомон йўли.** Адабий-тарихий мажмуа./Масъул муҳаррир Х. Даврон. Т., «Камалак», 1992.— 192 б.

**Млечный путь.** Художественно-исторический альманах.

**С6+63.3 (2У)**

**«КАМАЛАҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
БИРЛАШМАСИ ҚУЙИДАГИ  
КИТОБЛАРНИ БОСМАДАН ЧИҚАРДИ:**

**МУҲАММАД ПАЙҒАМБАР ҚИССАСИ.  
ҲАДИСЛАР.**

**Абу ТОҲИРХОЖА.** Самария.  
**НАРШАХИЙ.** Бухоро тарихи.  
**БАЁНИЙ.** Шажараи Хоразмшоҳий.  
**ИБРАТ.** Фарғона тарихи.  
**(«Мерос» туркуми)**

**Азиз ҚАЮМОВ.  
АЛИШЕР НАВОИЙ.  
БАДИА.  
Хуршид ДАВРОН.  
САМАРҚАНД ХАЁЛИ.  
БАДИАЛАР.**

**«КАМАЛАК» НАШРИЁТ-МАТБАА  
БИРЛАШМАСИ  
ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ НАШР ЭТАДИ:**

**М. БУЛГАКОВ.  
УСТА ВА МАРГАРИТА  
РОМАН ВА ҚИССА.  
Б. БОЙҚОБИЛОВ.  
ҚОНЛИ ХУРОСОН.**

**(«НАВОИЙНОМА»НИНГ ТЎРТИНЧИ КИТОБИ)**

**«КЎКЛАМ ҚУВОНЧИ».  
(10 НАФАР ЕШ ШОИР ТЎПЛАМЛАРИ ЙИҒМАСИ)**